4ЗБ2
32
П-68

ПОЛИТОЛОГИЯ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Уз62
32
П-68.

ПОЛИТОЛОГИЯ

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

To'DU
Fa... ...ti
KUTUBXONASI

ТОШКЕНТ - 2006

Политология.Ўқув-қўлланма/Маъсул муҳаррир: с.ф.д., профессор С.Жўраев. ТДЮИ нашриёти, 2006. –306 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Маъсул муҳаррир: с.ф.д., профессор С.Жўраев.

Тақризчилар: т.ф.д., профессор Қ.Эргашев,
ф.ф.н., доцент А.Ўтамуродов.

Ушбу ўқув қўлланма Политология фани асосларидан дастлабки назарий ва амалий билмлар беришга мўлжалланган. Унда жамият сиёсий тизими, сиёсий ҳаёти, сиёсий ва давлат ҳокимияти, унинг бошқарув тизими, сиёсий партия ва ҳаракатлар, ички ва ташқи сиёсат ҳамда халқаро сиёсий жараёнларда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар билан боғлиқ масалалар асослаб берилган.

Ўқув қўлланма 4 бўлим, 18 бобдан иборат бўлиб, уларда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлар, сиёсатнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти, қадимги, ўрта асрлар даврлари, ҳозирги давр Ғарб ва Шарқдаги илғор сиёсий қарашлар, фикрлар бугунги куннинг муҳим сиёсий воқеалари билан боғлиқ равишда таҳлил қилинган ва ёритилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юрти бакалавр, магистр ва аспирантлари ҳамда сиёсий масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда профессорлар Б.Алиев, А.Қодиров, Ғ.Рафиқов, доцентлар Э.Мўминов, Т.Ҳошимов, Т.Султонов, А.Бобоев, А.Содиқов, Д.Воҳидова ва катта ўқитувчилар Б. Раҳмонов, М. Муллажонова, Р.Халимметовалар қатнашдилар.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

КИРИШ

Мустақилликнинг ўтган ўн тўрт йилдан ортиқ даври мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Янгиланиш, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, модернизациялаштириш жараёни барча соҳалар каби ижтимоий фанларни ўқитиш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаблари асосида қайтадан ўзгартириш вазифасини кўйди. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг Қўшма мажлисида сўзлаган нуткида таъкидлаб ўтганидек, "Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай изчил ва қатъият билан боришдир".[1]

Собиқ шўро даврида ижтимоий фанларни ўқитиш марказлашган тартибда амалга оширилганлиги ва шу асосда дарслик, ўқув қўлланмалари ҳам асосан рус тилида бўлиб, уларнинг баъзиларигина ўзбекчага кўр-кўрона «Марказ сиёсати» рамкасидан ташқарига чиқмасдан, миллий хусусиятларимизни ҳисобга олмасдан, бевосита таржима қилинарди. Мустақиллик туфайли унинг асрларга тенг ўн тўрт йили даврида бу камчиликлар тузатилиб, миллий тафаккурга кенг йўл очилиб, ижобий ўзгаришлар қилинди. Ўзбекистонлик сиёсатшунос, файласуф ва социолог олимлар томонидан жамият сиёсий ҳаёти, сиёсий муносабатларида рўй берган ўзгаришларни чуқур, муфассал ёритиш ҳамда жаҳон сиёсатшунослигининг илғор назарий ва амалий тажрибаларидан кенг фойдаланиш асосида дарслик, ўқув қўлланмалари яратилмоқда.

XX аср охири ва XXI аср бошларида икки қутбли дунёдан кўп қутбли дунёга ўтиш, инсон онги ва қалби учун кураш жараёни ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимизни кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам «бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Ана шу курашда енгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда»[2]. Политология фани миллий истиқлол мафку-

---

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 34 – б.

[2] Каримов И А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8 – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 466-бет.

раси тамойилларига таянган ҳолда ана шу сиёсий жараёнларни, сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар соҳасида мавжуд бир қатор долзарб муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилади, ўрганади. Зеро, «кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, - деган эди Президентимиз Ислом Каримов, - инсон дунёкарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, политология бўладими, психология ёки иқтисод бўладими - уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»[1].

Ушбу қўлланма ҳозирги замон Ғарб ва Шарқ сиёсатшунослигининг назарий ва амалий тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида, жаҳон сиёсатида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни мамлакатимиз мисолида ўрганиш асосида ёзилган. Тавсия этилаётган ушбу ўқув қўлланмаси ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда тузилган. Унда замонавий сиёсий фаннинг энг муҳим, устувор мавзулари ҳозирги замон талаблари асосида кўриб чиқилган. Муаллифлар ўқув қўлланмани яратишда, хусусан, «Политология асослари» (Тошкент: «Университет», проф. А.Қодиров ва доц. И.Рамазоновларнинг таҳрири остида 1992), Ф.Шариповнинг «Политология» (Тошкент: «Ўзбекистон», 1992), И.Рамазонов, Э.Мўминовларнинг «Политология» дарслиги (Тошкент: «Адолат», 1997), С. Отамуродов, И.Эргашев, И.Акрамов, А.Қодировларнинг «Политология» (Тошкент: «Ўзбекистон», 1999), Политология курси бўйича маърузалар матни, 1–2-қисмлар (Тошкент: М.Улуғбек номидаги ЎзМУ, 2000), «Политология. Маърузалар матни» (Тошкент, 2000), А.Қодировнинг "Сиёсат фалсафаси". –Т.: ТДЮИ, 2005. О.Машарипов, Т.Р.Ҳошимов, Ғ.А.Рафиковларнинг «Политология» (Тошкент: ТошДИУ, 2000), Политология. Ўқув қўлланма. Т.: (А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. «ЎАЖБНТ» маркази, 2002) В.П.Пугачев, А.И.Соловьевларнинг «Политологияга кириш» (Т.: «Янги аср авлоди», 2004), В.В.Дубковнинг «Политология». (Т.: «Меҳнат», 2004) йил каби дарслик, ўқув қўлланмаси ва маъруза матнларидан кенг фойдаланди. Шунингдек, мазкур ўқув қўлланмани яратилишида унинг муаллифлари томонидан Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ва Тошкент Давлат Юридик институти талабаларига «Политология» фанидан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказиш жараёнида тўплаган тажрибалари қўл келганлигини ҳам айтиш жоиздир. Буни ўқув қўлланмадаги бир қатор

[1] Ўша жойда, 504-бет.

бир қатор назарий масалаларнинг амалий мисоллар асосида баён этиб берилганлиги аниқ кўрсатиб турибди.

Ўқув қўлланмани яратишда 2003 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг махсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари илмий-услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш Президумининг 2004 йил 1 июль мажлиси қарори билан тавсия этилган намунавий дастури асосида Политологияга доир чиқарилган ўқув дастури ҳамда иқтисодиёт ва юридик мутахассисликлари учун ажратилган маъруза ва амалий машғулот дарсларида ўтилаётган материалларига алоҳида эътибор берилди.

Албатта, мазкур ўқув қўлланмада барча муаммолар ўз ечимини топган, деб бўлмайди. Унда баъзи бир камчилик ва нуқсонлар бўлиши табиий. Шу боисдан муаллифлар қўлланмани назарий ва услубий савиясини янада оширишга доир таклиф-истакларини билдирган ўртоқларга чуқур миннатдорчилик билдиради.

I БЎЛИМ. ПОЛИТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ҲАМДА СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

I-МАВЗУ. ПОЛИТОЛОГИЯ ФАНИ МАВЗУИ, УСЛУБИ ҲАМДА УНИНГ СИЁСИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

1.1. Политология фани, предмети, мавзуи, мақсад ва вазифалари

Политология - юнонча politika – давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда Logos - таълимот сўзларининг бирикишидан ташкил топган бўлиб, сиёсат ҳакидаги таълимот маъносини англатади. Унинг сиёсий моҳияти жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш билан белгиланади. Ҳеч бир ижтимоий-сиёсий фан бу масалаларни «Политология» фани сингари чуқур ва мукаммал ўрганмайди. Политологиянинг сиёсий фан сифатидаги роли ва аҳамияти унинг сиёсий моҳиятга эга бўлган вокеа-ҳодисаларни алоҳида олинган бир мамлакат доирасида эмас, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида сиёсий муаммоларни ҳал қилишда эришилган натижалар билан белгиланади. Бундай амалий натижалар Политология фанида умумлаштирилади ва унга асосланган ҳолда муҳим сиёсий қоида ва хулосалар ишлаб чиқилади. Политология бошка ижтимоий-сиёсий фанлардан ўзининг предмети, мазмуни, қонуниятлари, вазифалари ва бошқа томонларига кўра фарқ қилади. Политологиянинг мазмунини ташкил этувчи масалаларнинг бир бутунлиги ёки яхлитлиги мисолида унинг предмети таърифланади. Унинг қонуниятлари, категориялари, усуллари ва вазифалари сиёсатни амалда тўғри қўллашга хизмат қилади.

У ёки бу сиёсат юритилиши турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элат ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш фаолиятига боғлиқ бўлиб, унинг марказида давлат туради. Ана шу давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш, ундан самарали фойдаланиш бош масаладир. Сиёсат юритилишидаги энг муҳим ва моҳиятли йўналиш – давлат ҳокимиятини куришдир. Сиёсат деганда давлат ишларида қатнашиш, давлат фаолиятини йўналтириш, унинг шаклла-

ри, вазифалари ва мазмунини белгилаб беришни тушунамиз. Демак, **сиёсат** – бу давлат, давлат – бу куч ва пул, пул – бу иқтисод.

Политологиянинг предмети: Жамият сиёсий системасининг шаклланиши, унинг амал қилиши ва ривожланиши, шахс, ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар тўғрисидаги фандир. Демак, политология – сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий фаолият ва сиёсий ҳокимиятни ўрганувчи фандир, деб таърифлаш ҳам мумкин.

Политология – сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг механизми ва воситалари ҳамда амалиётини ўрганадиган фандир. Демак, сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожи, сиёсий маданият ва мафкура, халқаро тизимлар ҳамда умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш политология фанининг асосий йўналишларидир.

Политология – жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат, сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва харакатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабати, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, жараёнлари ҳамда амалиётни ўрганадиган фандир.

Яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида сиёсатнинг моҳиятини ёритиш политологиянинг **предметидир.** Унда:

1. макро ва микро сиёсат даражаларида зарурий тузилиш элементларини, унинг ички ва ташқи алоқа ва муносабатларини аниқлаш;

2. турли сиёсий институтлар ва жараёнларда амал қиладиган қонуниятларни, асосий тенденциялар ҳамда тараққиётнинг истиқболини аниқлаш ва башорат қилиш;

3. ижтимоий сиёсат ўлчовининг объектив мезонларини ишлаб чиқишни амалга оширади.

Политология фани ўрганадиган мавзулар доираси кенг бўлиб, у ўз ичига ҳокимият билан боғлиқ аниқ мавзуларни мужассамлаштирган.

Политология фанида етакчи ўринни жамият сиёсий ҳаёти, уни ҳаракатга келтирувчи сиёсий тузилмалар ва механизмлар фаолиятини ўрганиш эгаллайди.

«Политология»да ўзаро сиёсий муносабатлар деганда, турли сиёсий кучлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг сиёсий ҳокимият доирасидаги фаолиятларини тушунмоқ лозим. Чунки сиёсий муноса-

батлардан ташқари яна бошқа муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятларида жамиятда амалга оширилаётган сиёсий муносабатларни ўз манфаатларига мос келадиган тарзда ўзгартиришлари мумкин.

Шундай қилиб, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, сиёсий институтлар хоҳиш-иродасидан ҳоли мавжуд сиёсий муносабатлардан фарқли равишда сиёсий фаолият муҳим **субъектив омил** ҳисобланади. Чунки у инсонларнинг миллий истиклол мафкураси, сиёсий қарашлари, максадлари ва дастурларига асосланади. Бундай омил жамиятда мавжуд бўлиб турган сиёсий муносабатлар мазкур гуруҳлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. **Политология фани ўрганадиган мавзулар тизимида** сиёсий ҳокимият марказий ўринни эгаллайди. Сиёсий ҳокимият негизида давлат ҳокимияти назарда тутилади.

Политологиянинг объекти. Унинг объектини жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институтлар ва турли гуруҳлар ташкил қилади. Унинг **предметини эса** сиёсат, сиёсий муносабатлар ва ҳокимиятнинг ривожланиш қонуниятлари ташкил қилади. Фан сифатида политология 2,5 - 3 минг йиллик тарихга эга бўлиб, у сиёсий тафаккурнинг илк кўринишлари шаклида пайдо бўлган. Кейинчалик у мустақил фан сифатида юзага келди. У ўз шаклланиш жараёнида бошқа мавжуд ижтимоий фанлар каби мустақил ўрганадиган ўз масалалари доирасини ҳам вужудга келтирди. Политологиянинг **асосий мавзуи** ҳокимиятни, сиёсат ҳокимиятни ўрганишни назарда тутади.

Политология фани муайян вазифаларни, яъни **функцияларни** амалга оширади. Уларга асосан қуйидаги: 1) назарий; 2) методологик; 3) амалий ва 4) башорат қилиш вазифаларини киритиш мумкин.

1. Политологиянинг назарий функциясига, унинг предметидан келиб чиққан ҳолда, сиёсатни ўрганиш асосида асосий назарий концепцияларни, қоидаларни ишлаб чиқиш назарда тутилади. Буни политология фан сифатида амалга оширади. Сиёсий ҳаёт ва жараёнлар муайян сиёсий қоидаларга таянади ва унга эҳтиёж сезади. Бугунги сиёсий қарашлар ва қоидаларнинг ягона мафкурага асосланиш ғояси асоссиз ва сиёсий фикр ривожига зид эканлигини кўрсатади. Сиёсий институтлар хилма-хиллиги, сиёсий плюрализм, авторитаризм ва тоталитаризм ғоясига зид равишда, аҳолининг жамият сиёсий ҳаётига кенгроқ иштирок этишини таъминламоқда.

2. Политологиянинг методологик функцияси: унинг моҳияти сиёсий ҳаётни тўғри англаш, баҳолаш ва билиш услублари билан қу-

роллантиришдадир. Сиёсий ҳаёт, сиёсий жараёнларни амалга оширишда турли қатламлар, гуруҳларнинг иштирокини ва ўрнини дифференциал таҳлил этиш; турли хил сиёсий институтларнинг фаолиятини таркибий-функционал таҳлил этиш; сиёсий тузилмалар даражаларини, сиёсий жараёнлар элементларининг ўзаро алоқаларини тизимий ва яхлит ҳолда ўрганиш, сиёсий башоратни амалга ошириш орқали муҳим методологик вазифани бажаради.

3. Политологиянинг амалий функцияси: унинг амалий характери ҳамда ҳокимият билан бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Унда бошқарувда маърифий-буйруқбозлик услубидан воз кечиш, бошқаришда демократик тамойилларга асосланиш, сиёсий институтлар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланиш турли манфаатлар уйғунлигини таъминлайди.

4. Башорат функцияси: башоратни амалга ошириш жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Сиёсий қарорлар қабул қилишда, сиёсий жараёнлар ва муносабатларни моделлаштиришда алоҳида ўрин тутади. Бу политологиянинг сиёсий ҳаёт билан узвий боғлиқлигини таъминлайди, амалийлигини оширади.

1.2. Политология фани қонун, тушунча, категориялари ҳамда унинг бошқа сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли

Фалсафа фанининг методлари барча ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар учун методологик бўлганлиги политология фани методлари ҳам унинг методлари ҳисобланади. Улар қуйидагилардан иборат:

Диалектик метод.

Қиёсий таққослаш методи.

Эмпирик-социологик метод: сўров, анкета, математик таҳлил ва ҳ.к.

Умуммантиқий метод (Унда анализ ва синтез, абстракциялаш, умумийлик ва ўзига хослик, сиёсий жараёнлар моделини излаб топиш ҳамда янгисини яратиш ва ҳ.к.).

Назарий метод. (Унда фикрлаш, абстракликдан конкретликка ўтиш).

Ахлоқий метод. (Айрим гурух ёки шахслар хулкини кузатиш, анализ қилиш, анкеталар тарқатиш орқали сўраб ўрганиш).

Изоҳлаш методи (қабул қилинган фармон, қонун, қарорларни изоҳлаб бериш).

Сиёсий-прогнозлаш методи. (Бу билан ижтимоий тўқнашувлар олди олинади).

Ахборот-информацияларни умумлаштириш методи (Фан ютуқларидан фойдаланиш).

Политологиянинг методологик асоси:

1. Фалсафий таҳлил.
2. Назарий таҳлил.
3. Ижтимоий борлиқни ўрганиш.

Политология фани қонуниятлари. Политология фани сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг механизми, воситалари ва амалиётни ўрганишда муайян қонунларга таянади ҳамда амал қилади.

Политология фани амал қиладиган қонунлар кўлами турли хил бўлиб, мамлакат ички ҳаёти, минтақавий ва халқаро тизимлар, умумбашарий тараққиёт соҳалари билан бевосита дахлдордир.

Политология фанининг ўрганадиган қонунлари сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва сиёсий фаолиятнинг давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги зарурий сиёсий механизмлари сифатида намоён бўлади.

Давлат ҳокимияти ва жамият сиёсий ҳаётида қонунларнинг харакат қилиши учун шароит яратиш, уларнинг ҳар бири доирасида ва ўзаро алоқаларида уйғун ҳаракат қилиш жараёнини вужудга келтира билиш, ўз навбатида ундан кўзланган максад йўлида фойдалана билиш сифатида мухим ўрин тутади. Бу қонунларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Давлат ҳокимияти ва мамлакат ички сиёсий ҳаётида амал қиладиган қонунлар бўлиб, у ўз ичига:

1) жамият сиёсий жараёнларида сиёсий ҳокимият механизмларидан самарали фойдаланиш;

2) жамият сиёсий ҳаётининг демократиялашиши;

3) сиёсий бошқарув жараёнлари;

4) сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт муносабатлари;

5) шахс, жамият ва давлат тизимида инсон манфаатининг устуворлиги ва бошқалар.

2. Бу гуруҳ қонунлари халқаро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маърифий алоқалар билан боғлиқ бўлиб, улар:

1) халқаро хавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш;

2) халқаро ва давлатлараро ихтилофларни бартараф этишнинг сиёсий воситалари;

3) умумбашарий муаммоларни бартараф этишнинг сиёсий йўллари;

4) турли хил сиёсий институтлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни барқарор ривожлантириб бориш шарт-шароитлари;

5) жамият сиёсий ҳаётида сиёсий етакчининг ўрни ва ролини сиёсий таҳлил этиш билан боғликдир.

Шунингдек, Политологиянинг **объектив қонуниятлари** ҳам мавжуд:

1. Сиёсий жараён оқимидаги сиёсий муносабатларга кирилаётган томонларнинг ҳар томонлама туб манфаатдорлиги қонуни.

2. Жамият сиёсий тизимининг уйғун амал қилиш қонуни.

3. Сиёсий муносабатларда сиёсий маданиятнинг зарурлиги қонуни.

4. Иктисодиёт билан сиёсатнинг диалектик бирлиги ва мутаносиблиги қонуни.

5. Сиёсий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асосларда амал қилиш зарурлиги қонуни.

6. Ички сиёсат билан ташқи сиёсатнинг диалектик бирлиги қонуни.

7. Халқаро муносабатларда янгича сиёсий тафаккурнинг амал қилиш зарурлиги қонуни.

Политология тушунчаларга «сиёсат», «сиёсий ҳокимият», «сиёсий жараёнлар», «сиёсий ҳаёт», «сиёсий муносабат», «сиёсий институтлар», «сиёсий тизим», «сиёсий онг», «сиёсий маданият», «сиёсий кадриятлар», «халқаро сиёсий муносабатлар» ва бошқалар киради. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунига эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади.

Политологиянинг категориялари:

Давлат, сиёсат, сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва ташкилотлар, сиёсий тизим ва сиёсий жараён, халқаро муносабатлар, сиёсий тизим, сиёсий вокелик, давлат ҳокимияти, демократиялаштириш ва ҳ.к.

Бу категорияларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунига эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади. Масалан, онг муаммосини социология фанида гуруҳ онги муаммоси сифатида, давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий онг муаммоси тарзида, политология фанида эса сиёсий онг муаммоси тарзида ўрганилади. Маданиятни - сиёсий маданият тарзида таҳлил этади ва ҳ.к.

Политология қонун ва категорияларини ўрганишда, мавжуд сиёсий ҳаёт ва жараёнларни идрок этишда ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Шунинг учун сиёсатда мамлакатлар ва халқларнинг тарихий-маданий, маънавий негизларига, қадриятларига таяниш, мавжуд сиёсий жараёнларни ҳолисона ўрганиш ва баҳолашга ёрдам беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган **"Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари"** деган тамойилни ўзида ифода этади"[1]

Политология фанининг бошқа сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли. Президент Ислом Каримов ижтимоий фанлар ролига ҳамиша юқори баҳо ва эътибор бериб келмоқда. «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, – деган эди И.А.Каримов, – инсон дунёқарашининг шакдланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, политология бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»[2]. Бу жиҳатдан қараганда Политология ижтимоий фанлар билан умумий алоқада бўлади. Политология ижтимоий фанларнинг илмий хулосаларидан қандай бўлса, шундайлигича фойдаланмайди, балки жамият, давлат ва фуқаролар ҳаётида бўладиган сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг ҳокимиятга муносабатларини ҳамда бу ўзгаришларни амалга ошириш усуллари, механизмларини ўрганади, сиёсий хулоса, амалий таклифлар беради.

---

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 39 б.

[2] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 –Т.: «Ўзбекистон», 2000, 504-бет.

Политология фани ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида муҳим ўрин тутади ҳамда сиёсатни ўрганишда ўзига хос хусусияти, мақсад ва вазифалари борлиги билан фарқ қилади. Сиёсат – илм-фанни қизиқтириб келган анъанавий соҳа ҳисобланади. Уни нафақат политология, бошқа фан соҳалари, хусусан фалсафа, социология, иқтисод, психология, ҳуқуқшунослик, тарих ва бошқа фанлар ҳам қизиқтириб келган ва келмоқда. Бу сиёсатнинг мураккаб ва турли хил ҳодисаларга бой ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Сиёсатга, жамиятнинг бошқа ижтимоий ҳодисалари сингари, умумий ва ўзига хос хусусиятлар, жиҳатлар хосдир. Бу сиёсатни турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш имкониятини беради. Айни пайтда яна шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган фанларнинг бирортаси сиёсат тўғрисида яхлит, тугал тасаввурни бермайди. Политология эса сиёсат соҳаси билан боғлиқ бўлган билимлар тўғрисида ана шу вазифани амалга оширади.

Политология фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда жамиятнинг сиёсий жараёнлари тўғрисида фикр юритади. Жамият ҳаётида сиёсий ҳокимият муҳим ўрин тутади. Жамиятнинг сиёсий ҳокимияти, бу ҳокимиятнинг моҳияти ва тузилишини аниқлаш, унинг жамиятда таксимланиши ҳамда унинг механизмларини билиш политология фанининг муҳим объектидир.

Политологияни сиёсий ҳокимиятни ким; қайси сиёсий ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан қандай мақсадлар, манфаатлар ва тамойиллар тизимида амалга оширилиши қизиқтиради.

Политология фани сиёсий ҳокимият, уни амалга оширишда ўрнатилган сиёсий режим фаолияти доираси, шунингдек, муайян гуруҳлар мавқеи ва муносабати, ҳокимият қамрови, уни бошқариш усулларини аниқлаб беради.

Политология фанининг ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўрнини белгилаб берадиган назарий ва амалий шарт-шароитлар мавжуд. Бу аввало, амалий характердаги эҳтиёжлар, қолаверса, мамлакатда амалга ошаётган демократик жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, политология сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда катта имкониятга эга. Сиёсий жараёнларнинг бориши, унда иштирок этаётган сиёсий кучлар, улар томонидан сиёсатнинг идрок этилиши, уларнинг мақсад ва маслаклари, ташаббуслари, фаоллик даражалари сиёсатда ўз ифодасини топади. Шунингдек, политология, жамият ҳаётининг сиёсий соҳасини ўрганар экан, унда жамиятни бошқаришнинг асосий институтлари, давлат, партиялар ва

бошқа сиёсий-ижтимоий ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари мазмунини, характерини ҳам ҳисобга олади. Чунки, сиёсий муносабатлар натижаси кўпроқ унга боғлиқ бўлади.

Политология фанининг бошқа сиёсий фанлар билан боғлиқлигини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, у ижтимоий-сиёсий фанларда ишлаб чиқилган назарий хулосаларга, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Масалан, миллий муносабатлар билан боғлиқ масалалар фалсафа, сиёсий тарих, сиёсий психология, сиёсий социология каби фанларда ҳам ўрганилади. Фалсафа миллатларнинг вужудга келиши ва ривожланишини умумижтимоий қонунлар асосида ўрганса, сиёсий тарихда асосий эътибор, у ёки бу сиёсий партияларнинг миллий муносабатлари соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган назарий ва амалий фаолиятини ўрганади. Социал психологияда эса, миллатларнинг кайфияти, уларнинг давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар олиб борадиган миллий сиёсатга бўлган муносабатлари ўрганилади.[1]

Политологияда эса бу масала сиёсий ҳокимият ва унинг фаолияти билан боғлиқ равишда қаралади. Политология бошқа сиёсий фанлардан фарқ қилиб, давлатнинг ижтимоий муносабатларини ташкил этишдаги роли ва аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаб беради.

1.3. Мустақиллик ва Ўзбекистонда политология фанининг шаклланиши ва ролининг ошиб бориши

Инсон онги ҳаётининг 6 минг йили давомида 14513 та турли даражадаги урушлар содир бўлиб, бунда 3 миллиард 640 млн. киши қурбон бўлган. Мана шу сон-саноқсиз урушлар натижасида барбод этилган киймат-кадрият олтинга айлантирилганда Ернинг экватор айланаси бўйича уни 10 метр калинликдаги ва эни 8 см бўлган олтин камар билан айлантириб чиқса бўлар экан. Освенцум лагерида 4 млн. бегунох одам тириклайин ёқиб юборилган, кули экинзорларга сепилган. 5 минг йил ичида инсоният бор-йўғи 292 йил урушларсиз тинчликда яшаган[2].

ЮНЕСЕФ маълумотларига қараганда 1945-1992 йилларда 149 уруш олови ва бу кирғинбаротларда 23 млн. одам қурбон бўлган. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, ҳалок бўлганлар сони XIX асрдагига қа-

---

[1] Қаранг: Рафиков Ғ., Содиков А., Рахмонов Б. Политология фанидан маърузалар матнлари. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 3–8-бетлар.

[2] Носирхўжаев С., Зарипов М., Султонов Т., Аҳамхўжаева С. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида»... асари бўйича маърузалар матни. Т.: ТошДПУ, 2001, 14-бет.

раганда 2 марта, ХУ111 асрга қараганда 7 марта кўп экан. Лекин ХХ асрга келиб инсоният маданий олами таназзулга учради. Унинг қўлида шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилувчи қурол-ёроғлар тўпланди. Буларни ишлатмасликни назорат қилувчи механизм ишлаб чиқилмади. Натижада 1-11 жаҳон урушлари келиб чиқди. Бу жараён дунёда демократик кучлар ўсишига олиб келди. Дунёда шундан кейин ҳам сиёсий хатоликларга йўл қўйилди. Натижада сиёсатни назарий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди. Ана шу заруратлардан сўнг кишиларга дунё ва инсоният тараққиётини таҳлил қилиш методини, умуминсоний характерга эга бўлган ҳақиқатни ўргатадиган ҳозирги замон сиёсатшунослиги вужудга келди. Чунки сиёсатнинг асосини **дипломатия** ташкил қилади.

1948 йил БМТнинг ЮНЕСКО (Маориф ва маданият, фан масалалари бўйича шуғулланувчи бўлим, 1946 йилда тузилган) ташкилоти гуманитар фанлар каторига политологияни ҳам киритди. ХХ асрнинг 40–50- йилларида бу фан шаклланди. Шарқий Европа, АҚШ, Франция, ГФР, Югославия, Чехословакия, Венгрия, Полша, Руминия ва бошқа мамлакатларда махсус институтлар ташкил этилди, олий ўқув юрти дастурларига киритилди. Масалан, Францияда 1945-76 йилларда Бордо, Гренобл, Эксе ва бошка шаҳарларда махсус институтлар тузилди. Буларда бир вақтнинг ўзида студентлар ҳам ўқиб, ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб бора бошлади. Бу институтларни битириб чиккан мутахассисларнинг 20 фоизи ижтимоий секторларда, 65 фоизи корхоналарда ва бошка соҳаларда ишлайди. 1965 йилдан Францияда 14 олий ўқув юрти фақат политология соҳаси бўйича мутахассис тайёрлаб келмоқда. 1980 йилларда Франциядаги 72 олий ўқув юртидан 18 университет политолог соҳаси бўйича докторантура тайёрлашга ихтисослаштирилди. 1969 йилда мустақил 6-секция сиёсатшунос ўқитувчилар университети, 1971 йилдан эса Сиёсий фанлар уюшмаси университетлари ташкил топди.

1949 йилда БМТ ҳузурида Халқаро «Политология Уюшмаси» таъсис этилди. 1955 йилда эса Сиёсий фанлар совет уюшмаси тузилди. Бунга собиқ СССР аъзо бўлсада бу фанни тан олмади. Лекин политология фани дунёда ва бизда ҳам шаклланиб борди. Бу соҳада 1962 йили Москвада илмий марказ ташкил этилди. 1979 йили Москвада Халқаро сиёсий фанлар уюшмасининг Бутунжаҳон Х11 конгресси бўлиб ўтди. Собиқ шўро мамлакатида буюк империяни сақлаб қолиш учун оддий фуқароларнинг сиёсат билан шуғулланишига ва уни

ўргатишга изн берилмади. Негаки кўп миллатли давлат бўлган СССР парчаланиб кетишини олдиндан сезган.

1) Ўзбекистонда дастлаб 1969 йилда ТошДУнинг (хозирги Ўзбекистон Миллий университети) фалсафа факультети таркибида политологлар тайёрлана бошланди. Мустақиллик шарофати билан 1991 йили кузида олдинги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тегишли партия мактаби Политология ва бошқарув институти этиб белгиланди. 1992 йил 23 сентябрдан Ўзбекистон Президенти Фармони билан Политология ва бошқарув институти тугатилиб, унинг базасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди: халқаро алоқалар, халқаро ҳуқуқ, халқаро журналистика факультетлари, шунингдек, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг ҳалқаро иқтисодий алоқалар бўлимларида политология фанига катта эътибор берила бошланди. Умуман, мамлакатимизда мустақиллик туфайли политология фанига кенг йўл очилди. Бу фанни шахсан Президентимиз Ислом Каримов ўз назоратига олди.

Бугунги кунда Политология фанининг аҳамияти ва роли ўсиб бориши қуйидагиларга боғлиқ.

Биринчидан, Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, жамият сиёсий ҳаётида 2 мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойишта бўлиб колгани йўқ. Ундаги можароларни сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга зарурият кучайиб бормокда. Бу уни политология нуқтаи назаридан атрофлича сиёсий таҳлил этиб боришни тақозо этади.

Иккинчидан, сиёсатда жаҳон тараққиётининг муҳим омили мамлакатлар ва халқлар манфаатларини уйғунлаштириш билан боғлиқ. Бу мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сиёсий фаолиятини умумбашарий муаммолар қўламининг кенгайиб бораётганига қаратиш ва уларни ҳал килишдаги бирликларни вужудга келтиришга қаратилган сиёсий қарашлар, назария ҳамда таҳлилларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.

Учинчидан, хозирги даврда ҳар бир шахснинг сиёсат билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжини англаш, унда онгли фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши, мавжуд демократик жараёнлар билан белгиланади.

Тўртинчидан, ҳозирги замонда сиёсий жараёнларнинг тез ўзгариб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ўзгаришларнинг дунё ҳамжамияти ва инсон манфаатлари билан уйғун бўлиши учун оқилона сиёсат олиб бориш билан бирга онгли сиёсий фаолият, сиёсатга онгли муносабатда бўлиш зарур. Бу уни атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Бешинчидан, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш жамият иктисодий-ижтимоий, маданий-маърифий сохаларда демократик ҳолатнинг олдини олиш учун унинг асосий кафолатларидан бири мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий, маънавий ва сиёсий фаоллигини ривожлантириш давлат сиёсати даражасида уйғун бўлишидир.

Агар жамият тараққиётига «Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир» деган тамойил асосида назар солинса, XX асрда бу жиҳатдан давлатларнинг 3 хил шакли борлигини кўрамиз:

1. Муайян ғоя ва мафкура мутлақлаштирилган (идеологизациялашган) **давлатдир**. Бунда бирон бир синф, партия ёки қатламга оид мафкура мутлақ ҳукмронлик даражасига кўтарилади, бошқа мафкура ва қарашларга йўл қўйилмайди. Ўзгача қарашдаги кишилар йўқ қилинади, уларга хос ғоя ва мафкуралар тақиқланади. Собиқ иттифоқ, баъзи социалистик мамлакатлар ва фашизм ҳукмрон бўлган давлатлар бунга мисол.

2. Юқоридаги ҳолнинг халқлар ва давлатлар бошига ниҳоятда катта кулфатлар келтиргани, фашизм ва коммунизмнинг моҳиятан бир хил, аммо бир-бирига қарама-қарши мамлактлар ҳаётини бутунлай қамраб олгани, охир-окибат 2-жаҳон урушини келтириб чиқаргани ғарбдаги кўпгина мамлакатларни бошка йўлдан боришга мажбур қилди. Бу йўл сиёсат ўз йўлига - ғоя ўз йўлига, мафкура ўз йўлига - давлат ўз йўлига деган қараш **(деидеологизация** - лот бекор қилиш) **асосида шаклланди**. Аммо XX аср 60-йиллари охирига келиб бу ҳам тўғри эмаслиги, ғоя ва мафкурасиз миллат, давлат ва жамият ҳаёти ҳалокатли бўлиши мумкинлиги, жамиятда умумий бир ғоявий тамойиллар лозимлиги аник бўлиб колди.

3. Реидеологизация йўли - тамойили. Демократия, фикрлар ранг-баранглиги, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда қандай қилиб умумий мафкуравий тамойиллар бўлиши мумкин? деган савол пайдо бўлди. Демократик давлатларда ғоявий тараққиётнинг бу йўлида бирон-бир мафкура ҳукмрон ва давлат мафкураси даражасига кўтарилмайди. Балки давлат бу сохада ҳам асосий

ислоҳотчи сифатида иш юритади. Демак, Ўзбекистон ана шу реидеологизация йўлини танланди ва шу йўлдан бормоқда.

Қисқача хулосалар

Демак, қисқача шундай хулосага келиш мумкин:

Сиёсат ҳақидаги фан бўлган политология сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар, сиёсат жараёнларни жаҳон мамлакатлари мисолида атрофлича тадқиқ этади.

Политология фани ўз тадқиқот объекти, қонуниятлари ва категорияларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Политология фани жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан ҳал этиш йўлларини кўрсатиб беришда, жамият аъзоларининг сиёсий онглилигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Умуман политология фанининг ўқитилиш сабаблари қўйидагилардан иборат:

XX аср 80-йилларининг 2-ярмида бошланган қайта қуриш туфайли жамият ҳаёти сиёсатлашиб борди.

Ана шу сиёсатлашувда сиёсий назария, сиёсий маданият даражасининг етарли эмаслиги аён бўлди.

Умуммаданий, умуминсоний, умуммилий қадриятларнинг ўсганлиги.

Марксча-ленинча ижтимоий фанларнинг инқирози.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда политология фанини ўрганиш ва уни ривожлантиришга реал имконият пайдо бўлди. Жамият ҳаётининг эркинлашуви инсонлар олдида сиёсатни чуқурроқ идрок этишга, сиёсий жараёнларга фаол иштирок этишни тақозо эта бошлади. Бугун политология фани ролининг ошиб боришини кўпроқ давр тақозо этмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Политология фани нимани ўргатади?

Собиқ иттифоқ даврида политология фанини ўргатишдаги камчиликлар нималардан иборат эди?

Политологиянинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни нималарда?

Политологиянинг қонун ва категорияларини тавсифланг.

Политология фани ролининг ошиб бориши сабаблари нимада?

Ўзбекистонда политология фани асосларининг ривожлантири-

лиши иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қандай муҳим аҳамият касб этади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2003, 4-6, 8-9, 14-27-бетлар.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1993, 35-83-бетлар.

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1994, 29-30-бетлар.

4. Каримов И.А. Ҳозирги боскичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. 5-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 104-110-бетлар.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 136-144, 149-162-бетлар.

6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Асарлар. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 134-135-бетлар.

7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар. 7-том, Т.: «Ўзбекистон» 1999, 90-91-98-бетлар.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 374-бет.

9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 68-71-бетлар.

10. Каримов И.А. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». – «Фидокор», 2000 йил 8 июн.

11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар. 11-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2003, 3-52, 214-248-бетлар.

12. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

13. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

15. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

16. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутки. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

17. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

18. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 3-7, 333-340-бетлар.

19. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: қурашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001.

20. Аристотель. Соч. 4 т. М.: Политика, 1993, 527-528-бетлар.

21. Ливитин Л. Ўзбекистон тарихий бурулиш палатасида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

22. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (Ўқув қўлланма). – Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.

23. Мухаев Р.Т. Основы политологии. М., 1996.

24. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 11-14-бетлар.

25. Малцев В.А. Основы политологии. Учебник для вузов. – М.: ИТРК. 2002. стр. 6-22.

26. Рахимов И., Зохидов А. ва бошқалар. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т.: «Университет», 2001, 28-81-бетлар.

27. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологиятга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 3-47-бетлар.

28. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март.

29. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005 6.

30. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005 26 апрель.

II МАВЗУ. СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР, ТАЪЛИМОТЛАР: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Қадимги дунё ва ўрта асрлар даврида сиёсий фикрлар

Сиёсат – давлат ишида иштирок этиш, давлат фаолияти шакллари, вазифалари, мазмунини белгилаш, синфлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг ҳокимиятга доир муносабатлари соҳасидир. Ҳар кандай ижтимоий муаммо бирор синф, гурух, қатлам, миллат манфаатлари билан тўқнаш келиб қолса сиёсий маъно касб этади. Шунинг учун ҳам сиёсий ғоялар, қарашлар, таълимотларнинг вужудга келиш жараёни жамиятдаги табақаланиш ва давлат ривожланиши билан ўзаро узвий боғликдир.

Дастлабки сиёсий-ҳуқуқий фикрлар барча халқларда, қадимги Шаркда ҳам, антик ғарбда ҳам: афсона, ривоятлар негизида шаклланган. Уларга кўра, ердаги тартиблар умумбашарий, коинот тартибларининг узвий қисми ва келиб чикиши жиҳатидан – илоҳийдир. Ана шундай тушуниш узоқ давр мобайнида Шаркда, кейинчалик ғарбда ҳам инсонлар, улар ўртасидаги муносабатлар, азалдан белгиланганлигига асосланиб барқарор дунёқараши шакллантирди. Бу қадимги даврдаги тузум, давлат, сиёсатга доир ифода этилган ғояларни 3 турга ажратиш мумкин:

1. Диний қараш.
2. Юридик қараш.
3. Сиёсий социологик қараш.

Буларда сиёсий ҳодисалар ҳар хил талқин этилган. Қадимги Хитойда император ер юзидаги тартибларни илоҳий тартиблар билан боғлаб турувчи ягона шахс деб қаралган. Хитой императори осмоннинг ўғлигина эмас, ўз халқининг отаси ҳам ҳисобланган.

Конфуций (эр.ав. 551-479) - таълимоти фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий фикр тарихида Сукротдан кейин муҳим роль ўйнаган. Конфуций давлатнинг **патриархал** - патерналистик концепциясини ривожлантирган. Унинг таъкид-лашича, давлат – катта оиладир. Император ҳокимияти гўё оила бошлиғи – отанинг ҳокимиятидек адолатли ва қўл остидагиларига меҳр-шафкатга асосланган. Ҳукмдор ва фуқаролар муносабати - оила аъзоларининг муносабатини эслатади: кичиклар катталар қарамоғида ва уларга итоат қилади. Конфуций одамларни ижтимоий келиб чикишига кўра 4 қатламга ажратади:

1) аслзодалар (ҳар қандай билимга туғилишдан эга);

2) билимларга ўқиш-ўрганиш жараёнида эга бўлганлар;

3) билимларни қийинчилик билан ўзлаштирувчилар;

4) билим олишга интилмайдиганлар.

Шу тариқа одамлар ўртасида тенгсизлик мавжудлиги ва оми одамлар, қуйи табақалар, кичиклар олий насаб аслзода, катталарга бўсунишлари зарурлиги белгилаб берилади. Ҳокимият оксуяклар қўлида тўпланиши лозимлигига асосланади. Конфуций ҳокимиятнинг адолат ва меҳр-шафқатга асосланиши, фуқаролар эса исёнлардан ўзларини тийишларини уқтиради. Бошқариш – ҳаммани жой-жойига қўйиш демакдир[1]. Давлат ҳокимияти халқ ишончисиз мавжуд бўла олмайди, аммо ҳукмдорлар ҳаммага ўрнак бўлишлари лозим. Конфуций таълимотига кўра «Ҳукмдор халқни ўз фарзандидек севиши, фуқаролар эса ҳукмдорни ўз отасидек ҳурмат қилиб, эъзозлаши лозим» дейилади. Одамларнинг «нажиб» ва паст кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди дейилган. Бу таълимот Хитойда кўп асрлар ҳукмрон идеология бўлиб хизмат қилиб келди.

Қадимги Мисрда эса Оллоҳ - ҳукмдор ҳокимиятнинг илк манбаи сифатида қаралган. Ерда ҳам унинг таъсири худди шундай сақланиб қолган. Бу ўзига хос пирамидага киёс этилган, унинг учи худо ва унинг сайлаб қўйган фиръавнлари, асоси эса оддий халқ деб қаралган. Улар ўртасида руҳонийлар ва задагонлар турган. Жамият ва давлатнинг хулқ-атвори инсоннинг кўпроқ қайси тоифага тегишлилиги билан белгиланган.

Қадимги Ҳиндистонда ҳам жамият ва давлатнинг келиб чиқиши илоҳий, мавжуд тартиб ва қоидалар ҳам шу асосда ўрнатилган, деган ғоялар мавжуд бўлган.

Умуман, дастлабки сиёсий таълимотлар юзага келишида «Авесто» бизга бой маълумотлар беради. Шунингдек, 1) **Тўмарис** (эр.ав. 530–520 йилларда массагет қабилаларига ҳукмронлик қилган); 2) Широқ (эр.ав. 509); 3)Спитамен (эр.ав. 329–327 йилларда Александр Македон қўшинларига қарши курашган, VII-VI асрлар) ва бошқа афсона ва ривоятларда, халқ қаҳрамони эпосларида билдирилган сиёсий фикрлар катта роль ўйнаган.

Сиёсий фикрлар тарихида диний анъаналарнинг энг классик кўриниши Августин (Шимолий Африка, 354–430) сиймосида ўз ифодасини топган. Христиан черковига хос белгилар унинг давлатдан устун туришига асосланган. «Черковга бўйсунмаган давлат қасоскорлар

[1] Юсупова Г.Х., Бугаева Г.А. Сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Политология курси бўйича маърузалар матни. 1-қисм. Тошкент: ЎзМУ, 2000. 7–14-беглар.

тўдасидан фарқ қилмайди» деган ғоя илгари сурилади. Инсонларни эса «илоҳий одам», «ердаги одам»га бўлади.

Антик давр сиёсий фикри Шарқ ғояларини ўзига сингдириб, кейинчалик ривожланган ғарб давлатчилигидаги барча дунёқараш ва мафкураларнинг куртакларини ундирган замин бўлди. Сиёсий фикр афсона ва ривоятлар қобиғидан чиқиб, жамият масалаларини фалсафий талқин қилишга интилди. Демократия антик даврларда тўлиқ намоён бўлиб, аста-секин инсоният ижтимоий-сиёсий қадриятлари хазинасидан жой олди.

Антик ғарбдаги сиёсий қарашлар. Феодализм ва капитализмгача бўлган сиёсий қарашларда қадимги файласуфларнинг роли муҳим аҳамиятга эга.

1) Платон - Афлотун (эр.ав. 427–347) қадимги юнон файласуфи. Унинг жамият тўғрисидаги фикрларининг қиймати шундаки, у ҳокимият, хусусан давлат ҳокимияти масалалари соҳасида илгари сурган айрим қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Сиёсатда («Давлат», «Сиёсатчи», «қонунлар», «Софист» асарларида) давлат тузилишини 3 табакага ажратади:

а) давлатни файласуфлар бошқариши керак;

б) ҳарбийлар давлатни урушлардан ҳимоя қилиши керак;

в) деҳқон ва косиблар моддий жиҳатдан таъмин қилиб туришлари керак, дейди.

Платон давлат бошқарувининг 3 шакли, турини кўрсатади:

а) монархия – бир киши ҳокимияти, қонуний ва ноқонуний (тирания) бўлиши керак;

б) демократия – ҳамманинг ҳокимияти, у ҳам қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин;

в) аристократия – озчилик ҳокимияти, баркамол ёки зўрлик асосида қурилган бўлиши мумкин.

Платон «Пифагор» диалогида давлат бошқарув санъати ҳақида фикр юритади. Давлатни фақат билимдон одамларгина бошқариши мумкин. Адолат – бу ўз ишини малакали, сидқидилдан бажаришдир. Платоннинг «қонунлар» китобида давлат ҳокимиятига чекланмаган назоратсизлик ҳолатини беради. «Республика» асарида коллективизм тушунчасини биринчи бор назарий асослади ва утопик жамият ҳақидаги тушунчалар билан бойитди.

(2) Аристотелр (Арасту) – (м.а. 384–322) қадимги юнон файласуфи, А. Македонский тарбиячиси. У кишиларни 3 табақага ажратади. Унинг «Сиёсат», «Этика», «Риторика» асарлари мавжуд.

а) Энг бой табақа.

б) Ўртача бой табақа.

в) Энг камбағал табақа.

Шунга кўра одамларнинг ахлоқий фазилатларини 3 турга ажратади. Булардан энг бой ва ўрта табақа энг гўзал фазилатларга эга, камбағал кишиларда ахлоқий фазилатлар йўқ, дейди у.

Давлат – қулдорлар синфининг ўрта табақасида бўлиши лозим. У давлат бошқарувини уч туркумга ажратади:

а) Монархия, акси - тирания.

б) Аристократия, акси – олигархия.

в) Полития, акси - демократия.

Арасту халқни икки йўл билан бошқариш мумкин дейди: 1) қўрқув уруғини сочиб; 2) Меҳр-муҳаббат қозониб.

Арасту фикрича, ҳаддан ташкари демократия ҳам бузилган демократиядир. Унинг «Сиёсат» асаридаги қуйидаги саволлари диққатга лойиқ: қайси ҳокимият афзалроқ; баркамол инсонлар ҳокимиятими ёки баркамол қонунлар ҳокимиятими? XVII асрда бу саволга Ш.Л.Монтескье «баркамол қонунлар ҳокимияти» деб жавоб берган эди.

Ўрта асрлар давридаги сиёсий қарашлар. Шарқ мутафаккирлари ўз қарашларида кўпроқ сиёсатнинг ижтимоий ва ахлоқий, маънавий қирраларини ёритганлар. Инсон, у учун муносиб моддий ва маънавий шароитларни яратиш контекстида олиб қаралган.

1) Абу Наср Форобий (873-950) «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари» асарида давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган истаги билан боғлайди. Давлатни яхши фазилатли, маърифатли ҳукмдор бошқариши лозим. Давлатнинг зўравонлик ва бебошликка қурилиши қораланади. Ўрта асрларда Форобий биринчилардан бўлиб, жамият ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт таркибини жиддий ўрганиш масаласини қўйди. Ижтимоий ҳаётни ўрганиш соҳасида Форобий бир катор масалаларни белгилаб берди. Форобийнинг 160 га яқин асари бор. Бевосита сиёсатга оид «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида рисола», «Фуқаролик сиёсати», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг афоризмлари», «Намунали шаҳар» асарлари бор. У идеал жамият тузилишини, яъни фазилатли шаҳар аҳолисини беш қисмга бўлади:

а) Файласуфлар – (фозил кишилар - муносиброк одамлар);

б) нотиқлар (ширинсухан кишилар, машшоқ, шоир, ёзувчи, дин

в) ўлчовчи (мутахассислар: ҳисобчи, ҳакам, муҳандис);

г) кўрикчилар (жангчилар, посбон, ҳуқуқ тарғиботчилари);

д) бойлар (хўжалик ишлари билан шуғулланувчилар, чорвадорлар, савдогарлар).

Давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатинг яхши билишлари керак. Шундай бошқарув кишиларни бахтга, тинчликка олиб боради. Бундай давлатда бошқарув адолатлидир. Аксинча бахтсизлик, урush ва қирғинларга олиб борадиган бошқарув адолатсиздир. Бошқарув санъати икки қисмдан иборат:

1. назарий (бошқарувнинг асосий усули ва қонун ҳақида билим);

2. амалий (давлатни идора қилиш).

Ақлли деб шундай кишиларга айтамизки, унда ўткир зеҳн, идрок бўлиши билан бирга, фазилатли, яхши ишларни амалга оширадиган, ёмон ишлардан ўзини сақлайдиган инсонлардир.

Форобий давлатнинг келиб чиқишини илоҳиётдан эмас, балки мавжуд жамиятдан излаш кераклигини айтади. Форобий жамоанинг катта - кичиклигига қараб уч турга бўлади:

1. Буюк жамоа – дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви.

2. Ўрта жамоа – бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа.

3. Кичик жамоа – алоҳида бир шаҳар давлатини бирлаштирувчи жамоа.

Одамларнинг энг такомиллашган жамоаси – бу шаҳар давлатидир. қишлоқлар шаҳарлардан кейин турувчи ва шаҳарларни озиқ-овқат билан таъминловчи жамоалар ҳисобланади. Форобий шаҳар давлатини икки тоифага бўлади: 1) Ал-Мадина ал-Фозила; 2) Ал-Мадина ал-Жоҳилия.

Агар барча шаҳар аҳолиси ўзаро биргаликда, иттифоқда яшаб, бир-бирларига ёрдам кўрсатсалар бундай шаҳарлар фазилатлидир. Барча халқлар тинч-тотув ва дўстлик асосида яшаса, ер юзида тинчлик бўлади.

Форобий асарларида давлат атамаси ишлатилмайди. Аммо шаҳар жамоалари деганда шаҳар-давлатларни назарда тутади. Давлатнинг келиб чиқишини Форобий одамларнинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжларидан деб билади. У давлатнинг асосий вазифасини иккига бўлади:

1. Давлатнинг ички вазифаси фуқаронинг бахтли ҳаётини таъминлаш.

2. Ташқи вазифаси ўз аҳолисини ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш.

Форобий урушларнинг икки хилини айтади:

1. Адолатли урушлар (Адолатсиз урушга қарши олиб борилади).

2. Адолатсиз урушлар (Боскинчилик урушлари).

Форобий давлат шакли масаласига ҳам тўхталади. Тахт отадан болага мерос бўлиб ўтишини қоралайди. Давлат бошлиғи ўз лавозимига мансуб бўлган шахс бўлишини ёқлайди. Унинг фикрича, давлат бошлиғи ҳар томонлама етук бўлиши керак. Форобий ана шу якка ҳокимлик тўғрисида гапирар экан, унинг олдига 12 талабни кўяди. Булар: 1) тўрт мучали соғлом; 2) нозик фаросатли; 3) хотирали; 4) зеҳни ўткир, зукко; 5) фикри тиниқ, сўзлари чиройли; 6)маърифатли; 7) тамоқ, ичимлик, аёлларга нисбатан очофат бўлмаслиги; 8) ҳакиқат-гўй; 9) номусли, ориятли, олийҳиммат бўлиши; 10) бойликка қизиқмайдиган; 11) адолатпарвар; 12) ботир, яъни қўрқоқлик ва ҳадиксирашдан ҳоли бўлиши даркор. Форобий мана шу барча хислатларнинг бир одамда бўлиши қийин, бундай туғма қобилият камдан кам одамларда учрайди ва улар нодир инсонлардир. Баркамол инсон топилмай қолса, унда юқоридаги фазилатлардан 6 ёки 5 таси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шаҳрига раҳбарлик қила олади, дейди. Фозиллар шаҳрида бундай одам йўқ бўлганда ана шу имом ёки унинг издошлари чиқарган қонун ва тартибларга амал қилинади. Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар ёшликдан шаклланган бўлиши лозим. Кейинги имомда яна 6 та фазилат ҳосил қилиниши зарур: 1) донишмандлик; 2) кучли хотира; 3) янги қонунларни ихтиро қилиш; 4) вазиятни тез илғаб оладиган; 5) нотиқлик; 6) ҳарбий ишларга моҳирлик, раҳбарлик қилиш. Шу хислатларга эга бўлган шахс топилмаса, 2 киши бирлашиб фозил шаҳарга раҳбарлик қилиши лозим, дейди.

2) Абу Райҳон Беруний (973-1048) - тарихчи, қомусий олим. Ғарбда, Францияда уни Алибарон номи билан тилга олишади. «Ҳиндистон» (1031), «Геодезия», «Минерология», «Ёдгорликлар» каби асарларида исломгача бўлган давр маданияти, маънавий ҳаётини акс эттирган, зўрлик, боскинчиликни қоралаган. Одамлар ижтимоий адолатли тартиб ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар. Давлат шакли – мамлакатни шоҳлар – мутлақ ҳокимлик эмас, балки маърифатпарвар шоҳлар бошқарсин, дейди. Шоҳлар ва қонунлар инсон учун хизмат қилиши керак, уни боскинчилардан ҳимоя қилиши лозим. Инсон фақат ўзи учун яшамаслиги керак, у умумбашарий борлиқ эканлигини эътироф этади. Беруний: «Юнон файласуфлари авом халқ учун

эмас, балки юқори табақалар учун усул ва қоидалар ишлаб чиққанлар». «Давлатни бошқариш, – дейди Беруний, – жабрланувчилар ҳукуқини зўравонлардан ҳимоя қилиш, бошқарилувчи халқ тинчлигини сақлаш учун ўз тинчлигидан воз кечиш демакдир». У адолатли ҳукмдорнинг асосий вазифаси кучли ва кучсизлар ўртасида тенглик, юкори ва паст даражадагилар орасида адолат ўрнатишдан иборат деб билади.

Йирик ҳинд давлат арбоби Жовоҳарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида ёзади: «Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материалларни камраб олиши билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, ўз илм аҳли ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради».

Берунийнинг «Оқ кийимлилар ва қарматийлар тарихи», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўллари», «Қонуни Маъсудий», «Сайдана» каби асрлари ҳам мавжуд.

3. Ибн Сино (1980-1037) – жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган комусий олим. Авиценна туфайли– ғарб олами Аристотель асарларини ўрганди. 200 дан зиёд асар колдирган. «Тиб конунлари» ўша даврдаёқ тезда лотин тилига таржима қилиниб, Европа, қатор Шарқ мамлакатларида дарслик бўлиб хизмат килиб келган, келмокда. Шунингдек, унинг «Нажот китоби», «Донишмандлик китоби», «Ишорат ва танбеҳ» асарлари муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий қарашларида Ибн Сино идеал жамият аҳолисида кишиларни бажарадиган вазифасига кўра уч табақага бўлади:

1) бошқарувчилар – маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар;

2) меҳнаткашлар – ишлаб чиқарувчилар;

3) ҳарбийлар – жангчилар.

Давлатсиз конун-қоидалар бўлмайди. Агар одамлар фақат шоҳу султонлардан ёки оддий меҳнаткашлардан иборат бўлса, барчалари ҳалок бўлади. У моддий тенгликни эътироф этади, лекин одамларнинг бойиб кетишлари тарафдори, ҳамма аъзолари учун бир хил бўлган конун ўрнатилган жамиятда адолатсизлик бўлмайди. Адолатсиз кишилар жазога лойиқдирлар. Агар ҳукмдорнинг ўзи адолатсиз бўлса, унга карши кўзғалишни окламоқ керак, дейди у.

4. Низомулмулк (Абу Али Ҳасан ибн али Исҳоқ Низомулмулк – 1017-1092) – Шарқ давлатшунослигининг асосчиларидан бири. У ўзининг «Сиёсатнома» (ёки Сияр ул-мулк) асари билан ўчмас

из қолдирган. Эрон шоҳларидан Алпарслон ва кейинчалик Маликшоҳ Салжуқ салтанатида 30 йилга яқин бош вазир бўлиб ишлаган. Машҳур Исфахон расадхонаси унинг маблағи ҳисобига қурилган. «Сиёсатнома» асарида шоҳ, қози, вазир, навкарбоши, элчи, хазинабон, сарой амалдорлари, бош қўмондон, лашкарбошилар, девонбеги ҳамда бошқаларнинг вазифалари, ҳунармандлар, савдогарлар, кенг халқ оммаси билан муносабат, қўшин ва қурол-яроғни сақлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, фуқароларнинг арз-додини эшитиш, солиқларни тартибга солиш, унинг ундирилишини назорат қилиш, мамлакат бутунлиги, давлатнинг адлу инсофи, ҳиммат, эҳсон, тўғрилик, хайрихоҳлик, маърифатларварлик, инсонпарварлик, раиятпарварлик ҳақида 50 фаслда адолатпеша сиёсатдон сифатида фикр юритади. Ҳатто у айрим ҳикоялари оркали амалдорларни хусусий ишларда, қуллари, хизматкорларини жазолашда ҳам қонунга риоя қилишни уқтирган.

5. Амир Темур (1336-1405) – XIV асрда буюк темурийлар давлатига асос солди. У давлат бошқарувида ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ё икки табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянди. Улар: 1) сайидлар; фозил кишилар; 2) ишнинг кўзини биладиган донишманд кишилар; 3) художўй, дарвеш, қаландарлар; 4) нўёнлар; 5) сипоҳ ва раият; 6) ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳокимлар, табиблар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли санъат; 11) сўфийлар; 12) тужжор (савдогар)лар.

А. Темур эл-юртни ўз тасарруфида ва итоатда тутиш учун 12 тузук тутди. Давлат ишларини 4 омилга боғлаб олиб борди:

1. Салтанат.
2. Хазина.
3. Қўшин (сипоҳ).
4. Раият (қора халқ).

Амир Темур ўз улкан империясини улус-улус қилиб идора қилган. Мовараннаҳрдан бошқа барча ўлка ва мамлакатларни у 4 улусга бўлди:

1. Қобул, ғазна ва қандаҳорни то Син дарёсигача бўлган ерлар билан қўшиб ва 12 минг кишилик қўшин билан тўнғич ўғли амирзода Жаҳонгирга берди. Унинг вафотидан кейин эса (1376) у вилоятларга Балх мамлакатини ҳам қўшиб, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом қилди.

2. Иккинчи ўғли Умаршайх мирзога Фарғона ўлкаси, сўнг 1393 йили Форс вилоятини берди. Фарғонага уни 10 минг кишилик қўшин билан жўнатди.

3. Учинчи ўғли амирзода Мироншоҳни эса 1380 йили унга 10 минг кишилик қўшин билан Хуросон мамлакатига тайинлади. 1383 йили эса унга ғарбий Ироқ ва Озарбайжонни (маркази Табриз) улус қилиб берди.

4. Хуросонга эса ўша йили (1383) кенжа ўғли амирзода Шоҳруҳни тайин килди. ва 8 минг кишилик қўшин билан Ҳиротга жўнатди.

5. Амир Темур салтанатни бошқаришда кенгаш, машварат (маслаҳатлашиш) ва маслаҳатга алоҳида эътибор берган.

Кенгаш – бу яқин ишончли одамлар билан муҳим давлат ишлари юзасидан қилинадиган маслаҳат, йиғилиш. **Машварат** – эса машойих, уламо, фузало, вузаро ва бошқа аркони давлатни тўплаб қилинадиган йиғилиш. «Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса-да, – дейди у, - ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмок лозим». «Давлат ишларининг 9 улушини, – дейди у, – кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини қилич билан ҳал қилдим». «Тажрибамдан билдимки, кенгаш 2 турли бўлади: Бири тил учида айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуядим ва дилимга жо этардим».

6) **Алишер Навоий (1441-1501)** – XV аср мутафаккири ижодида бир қатор муҳим фикрларни учратамиз. Навоий халққа нисбатан адолатсизлик ва ёвузликни коралайди. Марказлашган кучли подшолик ҳокимиятини ёқлаб чиқади. Негаки, кучсиз шоҳ порахўр қозилар, зўравон ва таъмагир амалдорларга йўл очиб беради. Кучли шоҳ ҳокимиятида фақат муносиб баркамол шахслар ўрин олади. Зулм учун золимнинг ўзи жавоб беради, негаки, кўмир ташиганнинг қўли қорадир. Инсонлар маънавий камолотга интилишлари лозим. Бунинг асосий шарти эса, А. Навоий фикрича, ҳалол меҳнатдир.

А.Навоий сиёсий ғояларини «Садди Искандарий» достонида асослаб берган. Унда ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён қилган. Навоий бу муаммони адолатли шоҳ – адолатли давлат – адолатли қонунлар – адолатли тартиб сифатида поэтик тасвирлаган[1]. Шунингдек, даҳо шоир турли халқлар, ижтимоий

[1] Политология. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. 31–32-betlar.

ғурухлар ва табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатга асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келишини гўзал тимсоллар орқали қуйлаган.

Навоий сиёсий қарашларида кўпроқ адолатли қонунларга асосланган маърифатли шоҳ ҳокимиятини орзу қилиб, уни Ҳусайн Бойқаро давридаги вазирлик фаолиятида амалга оширишга уринади. Навоийнинг бу каби илғор сиёсий қарашлари кейинчалик Бобурнинг давлат фаолиятида ва унинг бутун дунёга машҳур «Бобурнома» асарида янада бойитилди.

2.2. XVII–XX асрлардаги сиёсий қарашлар

Уйғониш даври, унинг ғоялари инсоният тарихидаги туб бурилиш дақиқаларидир. Инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон учун муносиб ҳаёт яратиш ғоялари айнан ғарб мамлакатларида уларнинг давлатчилиги ва сиёсат соҳасидаги амалий изланишлари давомида вакт чиғириғидан ўтиб, реал воқеликка айланди. Ушбу давр сиёсатчилари ва олимларидан энг йирикларини баён этамиз:

(1. Никола Макиавелли (1469-1527) – италиялик. Кўп йиллар давлат ишларида ишлаган. «Ҳукмдор», «Флоренция тарихи» асарларини ёзди. Унинг фикрича, «Давлатнинг ўзи инсон бўлиб, унга хизмат қилишнинг ўзи ҳам инсон ҳаётининг асл мақсади, туб моҳияти ва эзгу бахт-саодатини таъминлайди».) Давлатнинг одамларни тарбия қилиш вазифасини адо этишни шу пайтга қадар бўлиб келганидек, дин арбоблари қўлида қолдириш эмас, балки давлат елкасига юклатиб қўйиш зарур. Унинг сиёсий орзуси қадимги Рим республикасига айнан тўғри келадиган давлат тизимини қарор топтиришдир. «Давлат – доимий равишда ўзгариб турувчи сиёсий ташкилот». Давлатнинг вужудга келиши қарама-қарши кучлар ҳаракатининг натижасидир, дейди. Макиавелли давлатнинг энг яхши бўлган **республика** шаклини ҳимоя қилиб, давлатни идора қилиш, қаттиқ интизом ўрнатишда якка ҳокимлик зарурдир. Зўрлик қилмасдан туриб, у эски тартибларни ўзгартириш мумкин эмас, дейди. Яна у давлат ишини черков иши билан қўшмаслик керак, черковни давлатдан ажратиш лозим, дейди. Демак, у давлатчиликнинг **монархиядан республикага** томон ривожланишини олдиндан айтиб берган.

(2. Жан Боден (1530-1596) – франциялик. Унинг фикрича, давлат фақат монархия шаклида бўлиши керак. У давлат манфаатлари дин

манфаатларидан устунлигини таъкидлайди.) Жамиятда виждон эркинлиги қарор топиб, бирор дин қувғинда бўлмасин давлат асосини оила ташкил этади. Давлат – оиланинг муаммоларини ҳал қилувчи, хусусий мулкка асосланган ижтимоий мулкни сақловчи иттифоқдир. Мулкий тенгсизлик табиий ва зарурийдир. Давлат ижтимоий масалалар устидан ҳуқуқий ҳокимиятга эга. Унинг ҳокимияти ҳал қилувчидир. **Монарх** – ҳукмдор ҳуқуқ суверенитетининг ягона мутлақ манбаи.

3. Томас Гоббс - (1588-1679) – инглиз файласуфи. «Табиий ва сиёсий қонунлардан парчалар» ва «Фукаро тўғрисида» китобларида фукаролар урушлари сабабларини ва уларнинг олдини олиш йўлларини англаш воситаси сифатида биринчи ўринга қўяди. Давлатни эса у худо томонидан эмас, балки унинг бандалари – одамлар томонидан ўрнатилган «сунъий жисм» сифатида баҳолайди. Давлат ва ҳукмрон шахснинг 2 мукаддас бурчи мавжуд:

1) Халқ фаровонлигини таъминлаш.

2) Мамлакат тинчлигини муҳофаза қилишдир.

Т.Гоббс фукаролар урушининг олдини олиш учун буржуа диктатураси зарурлигини исботлашга уринади. Давлат ўзида жамланган ягона идора воситасида тинчликни сақлаши, табиий қонунлар бажарилишини таъминлаши, тартибни сақлаши, ҳунармандчиликни ривожлантириши, инсонларнинг диний, маънавий, ахлоқий қарашларига ҳам таъсир этиши керак бўлади.

4. Шарль Луи Монтескье (1689–1755) – франциялик файласуф, тарихчи олим. «Қонунлар руҳи тўғрисида», «Форс хатлари», «Румликлар буюклиги ва инкирози сабаблари тўғрисида» асарлари муаллифи. У «Қонунлар руҳи тўғрисида»ги асарида сиёсий-тарихий жараёнларни диний-руҳий талқин қилишга қарши чиқди. Унинг фикрича, иқлим, замин ва замин усти ҳолати халқлар руҳининг шаклланиши ҳамда ижтимоий тараққиёт табиатини белгилаб беради. У мустабид феодал сиёсий ҳукмронлик тизимини аёвсиз танқид қилади. Католик черковининг дунёвий ҳукмронлик қилишга уринишини қоралайди. Шу билан бирга диннинг асосий вазифаларини кўрсатиб беради. Табиий қонунлар жамият вужудга келишидан аввал мавжуд бўлган, қонунлар давлатнинг турига (республика, монархия, деспотия) боғлиқ, бошқарувни эса ижтимоий-иқтисодий, географик ва иқлим каби омиллар белгилайди. «Агар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар бир шахсда ёки бир ташкилотда мужассамлашса, эркинлик бўлмайди. Негаки, бу монарх ёки сенат золим қонунлар яратиб, улар-

ни зулм қилиш учун қўллаши мумкинлиги хавфи мавжуд бўлади. Эркинлик суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан ажратилмаганда ҳам бўлмайди. Агар бирор шахс ёки бирор ташкилот шу учала ҳокимиятни якка ўзида тўпласа, ҳамма нарса ҳалок бўлар эди...»

5. Жан Жак Руссо (1712–1778) – француз файласуфи, социологи, маърифатпарвари. «Одамлар ўртасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар», «Ижтимоий битим», «Эмиль ёки тарбия тўғрисида» асарлари бор. У буржуа демократияси, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва тенглик ғояларини тарғиб қилган. Тенгсизлик сабаби хусусий мулкдир. Ижтимоий тенгсизликка эркинлик ва ҳуқуқлар тенглигини қарши қўяди. Халқ иродасининг суверенлиги ва бўлинмаслигини тарғиб қилган.

6. Жон Локк (1632-1704) – англиялик. Ўзининг «Бошқариш тўғрисида икки мажмуа» асарининг 1-қисмида кироллик ҳокимияти илоҳий асосда эканлигини айтиб танқид қилади. Англияда 1688-89 йилларда давлат тўнтаришидан кейин ижтимоий-сиёсий тузумни кўради. Унинг фикрича, қонунлар шахс эркинлигини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришнинг зарур шартидир. «Қаердаки қонунлар бўлмаса, у ерда эркинлик бўлмайди». У кишиларни ягона мақсад учун курашишга бирлаштирган давлат сиёсий ҳокимиятини кишилар воситасида амалга оширмоғи лозим», дейди .

7. Томас Мюнцер (1490-1525) – Германиялик черков тарғиботчиси. Ер юзида синфсиз, зиддиятлардан ҳоли бўлган, хусусий мулкчилик тугатилган алоҳида давлат ҳокимиятини илгари суради. У ўзининг «Хон-беклар олдида тарғибот» асарида сиёсий ҳокимият халқ оммаси номидан ва унинг манфаатлари йўлида амалга оширилгандагина қонуний ҳамда ҳуқуқий ҳисобланиши мумкин, дейди. У кўзғолонга раҳбарлик қилгани учун қатл қилинади.

8. Томас Мор (1478–1535) – Инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби. «Утопия» китобида ҳаёлий Орол аҳолиси яратган тузум ижтимоий-сиёсий тузумлардан энг афзали, энг инсонпарвари, энг демократлашган, энг ақлли, интизом ва эркинлик, тартибот, ташаббускорлик, меҳнат ва роҳат жамиятини тасвирлайди. Хусусий мулкчиликни, тенгсизлик ва адолатсизликнинг асосий сабабчиси сифатида инкор этади. У эрксевар руҳи учун қатл этилади.

9. Томаззо Кампанелла (1568–1639) – Италиялик файласуф, шоир, сиёсий арбоб. У «Қуёш шаҳри» китобида коммунистик жамиятни тарғиб қилади. Бу фикрларни у тағин «Мессия подшолиги» аса-

рида янада ривожлантиради. Диний подшолик муқаррарлиги ҳаёлий билан бойитилади... Мехнат қилиш барча учун баробар ва 4 соатдан ошмаслиги лозим дейди.

10. Самуэл Пуфендроф (1632–1694) – давлатнинг пайдо бўлишини худонинг хоҳиши билан дейди. Давлатни вужудга келтиришнинг асосий ташаббускори бу худодир. Давлат фақат мутлак ҳукмронлик шароитида ўз максадларини амалга ошира олади.

11. Томас Пейни (1737–1809) – Америкалик. У биринчидан тинчлик ғояси моҳиятини тушунтириб берса, иккинчидан урушга карши тинчлик учун кураш олиб бориш зарур дейди. У Англиянинг шимолий Америкадаги мустамлакачилик сиёсатини қоралайди. Америка халкининг инглиз боскинчиларига қаршы курашини инқилобий ҳаракат деб билади. «Уруш сиёсати халкнинг ғазабини қўзғатади ва инқилобга олиб келади» дейди. Унинг «Оқил фикр» тазкирасида подшолик давлати тузилишини қатъий қоралайди хамда, Буюк Британиянинг шимолий Америкадаги мустамлака ўлкаларини ундан ажратиб мустақиллик бериш зарур эканлиги»ни исботлашга уринади. «Инсон ҳуқуқлари» асарида инқилоб қилиш ҳуқуқини унинг бош, етакчи, асосий ҳуқуқи сифатида таърифлайди.

12. Томас Жефферсон (1743–1826) – америкалик. У ўзининг сиёсий қарашларида монархия бошқарувини рад этиб, демократик сайловларга асосланган республика бошқарувини қўллаб-қувватлайди. 1776 йилда «АҚШ мустақиллиги баёноти»да ўз сиёсий қарашини шундай ёзади: «...ҳамма одамлар тенг қилиб яратилганлар ва уларнинг ҳаммалари ўзларини яратувчи томонидан (туғма ҳамда ажралмас) шак-шубҳасиз ҳуқуқлар билан инъомланганлар, бундай ҳуқуқлар қаторига ҳаёт, эркинлик ва бахт-саодатга интилиш киради»,

13. Адам Смит (1723–1790) – инглиз иқтисодчиси ва файласуфи. У ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳакида тадқиқот» асарида шундай ёзади: «Буюк миллатлар хусусий шахсларнинг хўжасизлиги туфайли ҳеч қачон камбағаллашмайдилар, балки улар кўп ҳолларда давлат ҳокимиятининг хўжасизлиги ва нодонлиги туфайли камбағаллашадилар». Яна у ёзади: «Мулкка эга бўлиш ҳуқуқидан махрум этилган инсон фақатгина иложи борича кўпроқ ейиш ва иложи борича камроқ ишлашга манфаатдор бўлиши мумкин».

14. Э. Берк (1729–1797) – Англия консерватори сифатида табиий ҳуқукларни тан олмаслик ғояси хосдир. Унингча, давлат ва жамият инсоннинг ихтироси эмас, балки табиий ривожланишининг нати-

жасидир. Давлатнинг асосий вазифаси тартиб ва қонунни сақлашдан иборат. У ҳокимиятнинг вакиллик шаклини қўллаб чиқади.

15. А. Токвиль (1805–1858) – «Америкадаги демократия» номли асарида ўзига хос либерал сиёсий назарияни яратди. Уни сиёсий тенглик билан сиёсий эркинлик ўртасидаги муносабат кўпроқ ўйлатади. Сиёсий апатия – сиёсий марказлашув ва ижтимоий бўйсундиришнинг бошланишидир, деб ҳисоблайди. Демократиянинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритади.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Шарқдаги сиёсий ғоялар. Бу даврда Шарқ мутафаккирлари сиёсий қарашларининг миллий озодлик ғоялари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлганлигини кўрамиз. Бу ғарбнинг Шарққа нисбатан олиб борган сиёсатининг мустамлакачиликка асосланганлиги билан боғлиқ. Унинг негизида, бир томондан, янги ҳудудларга эга бўлиш, бойлик орттириш бўлса, иккинчи томондан дунёни бўлиб олиш, халқларни тутқинликда, қарамлик ва тобеликда ушлаб туриш сиёсати мустамлакачилик сиёсатига хос хусусият тарзида намоён бўлади. Дастлаб, бу Шарқни ўрганиш мақсади билан бошланган бўлса, охир оқибатда унинг сиёсий мақсадлари кейинчалик аниқ маълум бўлди. Мустамлакачиликка қарши ғоялар ва ҳаракатлар бошланди. Европада бу «Социализм учун кураш» шиори билан бошланган бўлса, Шарқда Европанинг таъсир доирасидан чиқиш, мустақиллик ғоялари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлди.

Собиқ комунистик мафкура асосчилари «миллий озодлик ҳаракатлари»ни қўллаган бўлса-да, амалда халқларнинг озодлигини бўғишга қаратилган назарияни яратган эдилар. Шарқда миллий озодлик кураши ўз тарихий илдизларини ўрганишнинг бошланиши билан характерланади. Масалан, **М.Ганди (1869–1948), М. Иқбол (1877–1938)** асарлари нутқ ва чиқишлари Шарқ халқларини уйғотишга даъват этадиган, уларни мустақилликка ундайдиган сиёсий ғоялари билан ажралиб туради. Масалан, М. Ганди (Ҳиндистон) инглизларнинг урф-одатлари, саноати ютуқлари асосида содир бўлган эрксизлик, қарамликка нисбатан бойкот эълон қилди. Халқни маърифий йўл билан мустақил бўлишга чорлайди. **Гандизм** унинг номи билан боғлиқ бўлиб, озодлик учун курашда куч ишлатмаслик тамойилига асосланади. Мустамлакачи ҳокимиятга қарши, ўзаро зиддиятли ҳолатлар-

ни ён беришлар, муроса ва консенсус асосида ҳал этишга ундайди. Сиёсатни ахлоқ билан боғлиқ ҳолда талқин этади.

Бу даврдаги сиёсий қарашларда давлат ва халқлар мустақиллиги, эркинлик, демократия учун ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ғоялари илгари сурилади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиёдаги маърифий-сиёсий таълимотлар. Бу даврнинг кўзга кўринган шахслари:

1. Огаҳий (1809–1874). Унинг сиёсий қарашлари таржима ва асарларида баён этилди. 19 асарни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. «Юсуф ва Зулайҳо», «Шоҳу гадо» достонларини ўгирган. 1999 йил декабрида Урганч шаҳрида Огаҳийнинг 190 йиллиги кенг нишонланди. Огаҳийнинг сиёсий қарашларида 2 тенденция мавжуд:

Давлатни бошқариш масаласида маърифатпарварлик, инсонпарварлик, демократик қарашлар илгари сурилади.

Масалани бир томонлама ҳал қилиб, топиш кийин бўлган идеал маърифатпарвар шахс роли баҳоланади.

2. Аҳмад Дониш (1827–1897)нинг сиёсий қарашлари Бухоро амирлиги давридаги сиёсий тартиблар, харакатлар, давлат бошқаруви ва тузилиши моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. У Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий қарашлари билан Россияни таққослайди. Бу фарқ давлат бошқарувида катта эканлигини баён этади. У ўзи тузган лойиҳада давлат бир гуруҳ кишиларга эмас, балки бутун халқ манфаатига хизмат қилиши керак. Ҳукмдор мамлакатни идора қилишда давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб иш қилиши лозим. Ҳукмдор улар гапига қулоқ солиши керак. Чунки бир киши ақлидан кўпчилик ақли устун бўлади. «Кимки ақлсиз бўлса, у одил ҳам эмас... ақл ва давлатни бир-биридан ажратиб бўлмайди, ақлсиз одамлар мамлакатни идора қила олмайдилар» дейди. А. Дониш сиёсий қарашлари Бухоро амирига ёқмади, у саройдан четлаштирилди.

3. Бердақ (1827–1900) – қорақалпоқ шоири ва мутафаккири. У ўз сиёсий қарашларида Хива хонлиги маъмурий сиёсий идора усулини фош қилди. Хива хонлиги феодал монархиядан иборат бўлиб, давлат тепасида қўнғирот уруғига мансуб бўлган хон туради. Хон чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, давлат бошқаруви отадан болага мерос бўлиб ўтаверади. Олий давлат бошқаруви, маъмурий лавозимдагилар хоннинг қариндош-уруғлари эди, у судлов ишларида қонунсизликни кўрди. Аҳоли тирикчилиги ер билан, лекин ер хон қўлида, амалдорларга қарашли. Хоннинг солиқ сиёсати даҳшатли, ўлпонларнинг 25 га яқин тури бор. Ана шу ижтимоий адолатсизликни қорала-

ди. Буларни ўзининг «Аҳмоқ подшо» достонида битди. 1998 йил декабрида қоракалпоқ мумтоз шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллиги кенг нишонланди.

4. Саттархон (1843–1902) хонлик тизимини ўзбошимчаликда, қонунсизлик ва порахўрликда, мамлакат фаровонлиги, илм-фан ривожи ҳақида ғамхўрлик қилмасликда айблади. Шу сабабли ҳам мамлакат қолоқ дейди, у. Сатторхон фикрича, «Жамият тараққиётининг асосини илм-фан, маърифат ташкил қилади, маърифат - жамиятнинг фаровон яшаши гаровидир».

5. Фуркат (1858–1909) феодал хонлик тартибларининг мамлакат ривожига ғов эканлигини айтади. Хон ва бекларнинг ўзаро уруш ва низоларини, бесқинчиликларини қоралади. «Хонлар – илм-фан, халқ фаровонлиги, мамлакат ривожи ҳақида ғамхўрлик қилиш ўрнига ўзларининг роҳат ва маишатлари билан банд бўладилар», дейди.

Умуман, бу даврда Мукимий (1850–1908), Завқий (1853–1921), Анбар Отин (1870–1914), Аваз Ўтар ўғли (1884–1919) кабилар ҳам маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилиб, сиёсий тузумни ислоҳ қилиш тарафдорлари эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида жадидчилик ғоялари. Бу даврда Туркистон ўлкасида «жадидчилик» ҳаракати пайдо бўлди. Бу ҳаракатнинг халқимиз миллий, ижтимоий ва маданий тарихида ўзига хос ўрни бор. Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг намоёндалари мамлакатни қолоқликдан чиқариш ва миллий тараққиётга эришишнинг маърифий йўлини кўрсатдилар.

Чор Россиясининг чекка ва мустамлака ўлкаси бўлган Туркистонда мактаб-маорифнинг янгиланиши, янги адабиётнинг вужудга келиши, миллий театр, матбуотнинг туғилиши ва йўлга қўйилиши ҳам жадидчилик ҳаракатининг самараларидир.

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида бир хиллик бўлмаган: идора усулида конституцион монархия ва республикачилик қарашларида хилма-хиллик бўлган, баъзи масалаларда жиддий фарқ борлигини инкор қилмаган ҳолда, жадидизм муайян қарашлар тизими сифатида шу давр эҳтиёжларини ифодалар эди.

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий қарашларида чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик режимига қаратилган ғоялар билан бирга иккиланишлар, мўътадиллик ғоялари уйғунлашган эди. Бунда матбуотнинг роли ўсди. Жадидчиларнинг газета ва журналлари ўлка-

да кенг таркалиб мусулмон аҳолисининг сиёсий онги ўсишига таъсир эта бошлади.

1906 йилдан бошлаб Туркистон жадидлари ўзларининг «Тараккий», «Хуршид» номли газеталарини нашр кила бошлади. Унда мўътадиллик, иккиланишлар, журъатсизлик сезилиб турса-да, чоризм сиёсатини кескин кораловчи мақолалар ҳам босилиб турди.

Жадидчилик оқими ташкилий жиҳатдан ўз низом ва дастурига эга эмас эди. Сабаби у ташкилий жиҳатдан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилмаганди.

Жадидчиликнинг кўзга кўринган намояндалари: 1. Исмоилбек Гаспринский (1851–1914) – юкори аслзодалар оиласидан. Кримда мусулмон диний мактабида таълим олган, аслий ўзи Кримнинг Бокчасаройидан эди. Туркистон жадидлари ўз сиёсий дастурини ана шу крим-татар сиёсий арбобидан олди. У Москвада кадетлар корпусида ҳарбий таълим олган. Туркия ва Францияда 2 йил яшаган. крим ярим оролида яшаган аҳолининг 25 фоизини ташкил килган крим-татарлари орасида турк тилини саклаб колишни ёклаган. 20 йил «Таржимон» журналини нашр этди. И.Гаспрали 1893 йили Бухоро амири Абдулаҳадга янги усул мактаблари тузишни таклиф килиб, рад жавоби олди. У Туркистонга жадидчилик оқимини биринчи бўлиб ёйди. 1910 йили Туркистоннинг турли жойларида 50 га якин шундай мактаблар ташкил этди. Тошкентда 20, кўконда 16 та шундай марказий жадид мактаблари очилди. И.Гаспрали ҳар бир миллатнинг маориф-маданиятини миллий заминда олиб бориб, миллий тил учун кураш ташкил килган эди. У туркий халклар учун ягона тил, имло масаласини ҳимоя қилиб чикди. И.Гаспрали «Юз йилдан сўнг. 2000 сана» романини ёзди. У синфий кураш назариясига карши эди. «Маданияти йўк миллатнинг саноати бўла олмас. Модомики, ул йўк, ҳали синфий низоларга ҳам эрта. Бизнинг бугунги вазифамиз ҳали маданий ўсувдан, шунга йўл ҳозирловдангина иборат». У ўз романида консиз кечадиган инкилоб ҳакида ёзди. Энг яхши орзу ҳам, агар у зўрлик ва куч билан амалга ошадиган бўлса, зулмдир, ҳар хил кўрсатмалар, буйрук, зўровонликлар бўлса, бундай «мамлакат ва жамият мукаррар равишда казарма вазиятига келиб колади» деган эди.

2. Махмудхўжа Беҳбудий (1879–1919) – Самарканд шаҳрида рухоний оиласида дунёга келди. У ҳаж қилиб Макка ва Мадинага борди, Миср ва Туркия шаҳарларида бўлди. Петербург, Москва, Қозон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлди. Беҳбудий жадид оқимга қўшилиб, Туркистоннинг Россиядан ажралиб чиқишини

ва унинг мустақил давлат сифатида ички ва ташқи сиёсат олиб бориши лозимлигини ҳимоя қилди. Жадидлар 1917 йил февраль инқилобидан сўнг ўз сиёсий ташкилотларини тузишга киришди. 1917 йил мартида «Шўрои Исломия» ташкилотига асос солди. Мусулмонларни бу ташкилот атрофига бирлаштиришга чақирди. Бехбудий озодликка эришишда маърифатнинг ролига юқори баҳо берди. У «Маориф бўлимида турган мусулмонларнинг бошини силангиз. Мафкурага ёрдам этингиз. Туркистон болаларини илмсиз қўйманг, озодлик йўлини кўрсатинг» деган эди.

3. Мунавварқори Абдурашидов (1878–1931) – Туркистонда жадидизм ҳаракати раҳбарларидан бири, педагог, зиёли оиласида туғилган. Тошкентда Юнусхон мадрасасида таълим олган. 1903 йили жадид мактаблари очиб, ўзи унда дарс берган. Шу мактаблар учун қўлланма, дарслик ёзган. У маҳаллий бойлар кайфиятини ифода қилган. У эски мактабларни ислоҳ қилиб, унда дунёвий илмлар ўқитилиши тарафдори эди. У халқни маърифатга чақирди. «Шўрои Исломия» ташкилоти тузувчиларидан бири эди. Бу ташкилотга маҳаллий бойлар, руҳонийлар кирган. Ташкилотнинг талаби Туркистонда буржуа Россияси таркибида миллий-диний автономия тузиш, маданият ва маориф соҳасида капитализм ривожи учун зарур бўлган баъзи ислоҳотлар ўтказишдан иборат эди. У 1931 йил 26 апрелда собиқ шўро тузуми тарафдорлари томонидан қатл этилди.

4. Фитрат (1886–1938) – ўзбек ёзувчиси ва олими. У дин ва эски дунё саркитларига карши курашган. Самарқанд Педакадемиясида ишлаган. «Қиёмат» прессаси, «Захронинг имони» (1920), «Қийқиқ эшон» (1930), «Рўзилар» каби драматик асарлари билан феодал тузумига ва динга қарши чиқди. 1938 йил 4 октябрда Тошкентда шўро тузуми тарафидан отиб ўлдирилган.

5. Чўлпон (1893–1937) – ўзбек шоири, таржимон, санъатшунос. У дастлаб мадрасада, сўнг рус-тузем мактабида ўқиган. 1919–20 йилларда «Турк ГОСТА» газетасида муҳаррир, «Қизил байроқ», «Туркистон» каби газеталарда адабий ходим, 1924 йилдан Москва ўзбек драма студиясида, кейин Ўзбекистонда маориф ва театр соҳаларида ишлаган. 1938 йил 4 октябрда Сталин сиёсати туфайли отиб ўлдирилган.

Умуман, жадидчилик ҳаракатининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Жадидчилик ҳаракати Туркистонда сиёсий жараёнлар ривожланишига катта ҳисса қўшди. Маърифатчилик ҳаракати сифатида бош-

лаган ҳаракатларида халқнинг умумий саводи ва маърифатини кўтариш ғоясини илгари сурди.

Жадидлар динга қарши курашган эмаслар, балки шариатга қаттиқ риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмлар бериш асосида ислоҳ қилиш зарурлиги масаласини кўтардилар.

Жадидчилар ҳаракати Россияда вужудга келган большевиклар партияси билан бир вақтда шаклланди. Истибдод ҳукумати жадидларни дин пешволарига қарши қўйиб ҳаракат қилса, жадидлар маърифат йўли билан халқ онгини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар.

2.3. XX аср сиёсий концепциялари ва янги даврда сиёсий қарашлар

XX аср сиёсий концепциялари, политология таълимотидаги назариялар қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий дарвинизм ва забт этиш назарияси (Номарксистик).

1) **Людвик Гумилович** – Польша-австралиялик (1838-1909). У «Социология ва сиёсат» асарида бу назарияни асослаб берган. Унга кўра ижтимоий ҳаёт давридан бошлаб одамлар, руҳлар, синфлар, партиялар ва давлатлар ўртасида кураш бўлиб келган. Бу инсониятнинг яшаши учун зарур. 2) **Герберт Спенсер** (1820–1903) – «Социологиянинг асоси» асарида давлат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузилади, жамият урушдан тинчлик томон, ҳарбий соҳадан индустриал жамиятга ўзгариб боради. 3) **Франц Оппенгейрер** (1864–1943) – «Социология системаси» китобида «Либерал социализм»ни асослаб, иқтисодий ва сиёсий фаолият ҳақида ўз фикрини баён этади. Ижтимоий-сиёсий иллат манбаи–йирик ер мулкчилигидир, дейди.

2. Юқори табака назарияси. Элита («Бошқарувчи озчилик», «зодагонлар»). Бу назария асосчилари: 1) **Гаэтано Моска** – (1856–1941) – италиялик, адлияшунос, социолог, тарихчи олим. «Сиёсий фандан парчалар» асарида «сиёсий ёки бошқарувчи синф» назариясини ишлаб чиқди. Бу сиёсий ғоя «Зодагонлар назарияси» бир кўринишини ташкил этади. «Жамият барча даврларда: бошқарувчилардан ва бошқарилаётганлардан иборат. Бошқарувчилар озчиликни ташкил қилсада, куч, бойлик, уюшкоқлик қадриятларига эга, демократия эса аслида кенгайтирилган аристократиянинг ўзгинасидир», дейди. Элита ҳукмрон синф. Сиёсий тараққиёт бир ҳукмрон элита қўлидан иккинчисига ўтганда юз беради. Ҳокимият ҳеч вақт

кўпчилик кўлига ўтмайди. Сайловлар элиталарни янгилаш усули. 2) **Парето Вилрфредо** (1848–1923) - италиялик социолог ва сиёсий иктисодчи. Унинг сиёсий қарашлари ҳам Г.Моска қарашларига якин. Ҳар бир даврда ўзига хос 2 гуруҳ: элита ва элитага қарши турганлар бўлади. Улар ҳокимият учун курашади. Тарихда элиталар ўзгариб туради. Сиёсий бошқарув қобилияти «зодагонлар» да дейди.

3. Сиёсий партиялар назарияси: Асосчилари: 1) **Моисей Острогорский** (1854–1919). У «Демократия ва сиёсий партияларни ташкил этиш» асарида Англия ва АҚШ сиёсий партиялари фаолиятини таққослаб, уларда а) аристократик; б) сиёсий клублар; в) оммавий ташкилотлар борлигини кўрсатади. Учинчи босқичнинг бюрократлашиб боришини таниқид этади. 2) **Роберт Михайлрс** (1876–1936) – «Сиёсий партиялар социологияси» асарида партияларни олигархиялаштириш конунини кашф этади. Агар ҳокимият партия раҳбарларини қўядиган бўлса, бу партия қўғирчоқ партияга айланиб колади, оддий партия аъзолари бошқарувда иштирок этолмайди. Сиёсий ҳаётни демократлаштириш лозимлигини айтади. «Темир конунлар оддий фуқаро учун ишонч колдирмайди», дейди. 3) **А.Бентли** – англиялик, у «Манфаатдор гуруҳлар» назариясини ишлаб чиқди. Унда жамият сиёсий системасини ҳаракатга келтирувчи кучлар ижтимоий синфлар, табақалар, гуруҳлар манфаатлари эмас, сиёсий партиялар эмас, балки щахсий ва уюшган «манфаатдор гуруҳлар» тўдаси ташкил этади, деди.

4. Макс Вебернинг политология таълимотлари («Доҳийлик демок-ратияси» таълимоти ҳам дейилади): **М.Вебер** (1864–1920) назарияси ғарб ва дунёнинг XX аср социологиясига ижобий таъсир кўрсатди. У бюрократияни ҳумрон синф деб ҳисобламайди, балки уни ҳокимиятнинг кўлидаги курол деб қарайди. У демократия назариясини ишлаб чиқди. Бу назариянинг марказида жамиятдан ўзини алоҳида тутган бюрократик аппарат устидан ижтимоий назорат механизмини ишлаб чиқиш ғояси ётади. У бюрократияни ўзига бўйсундира оладиган сиёсий элитани танлаш техникасига эътибор беришни талаб қилади. М.Вебер ҳукмронлик усули бу давлат типологияси ва конунчилигидан иборат. Ҳукмронлик деб ҳокимиятга танҳо эгаллик килишни, ҳокимият монополияси эса, ўз эркини буйруклар ёрдами билан ўтказиш қобилиятини тушунади. Ҳукмронлик – бу конунийлаштирилган зўрликдир. У 3 хил бўлади: анъанавий, содиклик ва леталлик (очиклик). Анъанавийлик ҳукмронлик урф-одатларига асосланади, содиклик сиёсий лидерларга содиқ бўлишга, очиқ ҳукмронлик

эса ҳуқуққа асосланади. М.Вебер бошқаришнинг президентлик шаклига ҳам эътибор берди.

5. **«Тоталитаризм назарияси»** – (лот.) сиёсий режим тури ҳақидаги таълимотлардан бири бўлиб, давлатнинг барча ҳаётий соҳалари устидан тўла (тотал) назорати, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда йўқ қилиниши, оппозиция ва ўзгача фикрларга нисбатан қатоғонлар бўлишини баён этади. Уни А.Арендт, К.Фридрих, З.Бжезинский асослаб берганлар. Бунда 1) иқтисодий марказлашган раҳбарлик; 2) ижтимоий соҳа назоратда; 3) сиёсий соҳада бир партиялилик; 4) маънавий соҳада ҳукмрон мафкура; 5) оммавий коммуникация воситалари партия ва давлат қўлида; 6) партия ва давлат қўлида барча қуроллар тўпланади.

6. **«Плюрализм назарияси»** (Европа мамлакатларида).

7. **«Плюралистик демократия» назарияси** (XX аср 20–30-йилларида АҚШда юзага келган).

8. **«Конвергенция» назарияси** – (ўхшаш, яқинлашиш, индустриал жамият) ва бошқа таълимотлар, назариялар мавжуд. XX аср бошларида ғарб политологиясида технократик таълимотлар кенг таркалди. Жумладан, «Илмий бошқариладиган жамият» (Г.Саймон), «Постиндустриал жамият» (Д.Белл), «Технотрон жамият» (З.Бжезинский) назариялари ҳозирги тараққиёт ва дунёнинг умуминсоний муаммоларини (экологик, энергетик, озиқ-овқат, уруш, демографик) ечишнинг ягона йўли деб тавсия этишади.

Америка сиёсий фанларининг пайдо бўлиши. АҚШда сиёсатшуносликнинг ривожланишини қуйидаги 3 босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. XIX аср охиридан I жаҳон урушигача бўлган давр.

2. Икки, яъни биринчи ва II жаҳон уруши ўртасидаги давр.

3. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан ҳозиргача бўлган давр.

Биринчи давр политологиянинг Америкада қарор топиш даври ҳисобланади. Бу даврда АҚШда йирик университетларда сиёсий фанлар бўлимлари ташкил этилди. 1914 йилдан федерал даражада эмпирик тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган марказлар ташкил топди.

Иккинчи даврда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Табиий-илмий билимлар билан яқинлаштирилди.

Учинчи даврда 1) Америка бошқаруви ва сиёсат; 2) қиёсий сиёсат; 3) халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати; 4) сиёсий назария ва фалсафаси; 5) ижтимоий бошқарув ва сиёсат каби йўналишларда

тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ч.Мерриам (1874-1953), Г.Лассуэл (1902-1979), Г.Моргентау (1904-1980) каби политологларнинг алоҳида ўрни бор.

Қисқача хулосалар

Демак, қисқача шундай хулосага келиш мумкин:

1. Қадимги Шарқ мамлакатлари, Юнонистон ва Римдаги сиёсий қарашлар, сиёсат, давлатни бошқариш масалаларини ишлаб чиқишда, жамиятдаги ижтимоий, сиёсий муносабатларни ифодалашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2. Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб мамлакатлари мутафаккирларининг ижтимоий - сиёсий фикрлари политология фанида янгича йўналишлар, назариялар ҳамда таълимотларни яратишда муҳим асос бўлди.

3. XX аср сиёсатшунослиги сиёсий тизим, сиёсий ҳокимият, сиёсий социология янгича оқимлар шаклланиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

4. Жадидчилар ҳаракати XX аср бошларида Туркистонда кенг ёйилиши тасодифий ҳодиса эмас, балки ўлкада етилиб келган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётнинг конуний ифодаси бўлди.

5. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фанлар, хусусан, политология фанига бўлган муносабат тубдан ўзгарди, бу фан барча олий муассасаларда ўтилмоқда, ёшлар ўз сиёсий ҳуқуқларини мукаммал ўрганиб олиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсий қарашлар ва таълимотлар ривожини таҳлил этинг ҳамда босқичларга бўлиб чиқинг.

2. Қадимги Хитой ва Ҳиндистондаги дастлабки сиёсий фикрларни баён этинг.

3. Антик Юнонистон ва Римда қандай муҳим сиёсий фикрлар илгари сурилган?

4. Форобийнинг «Фозил кишилар ҳақида рисола» асарини чуқур таҳлил этинг.

5. Шарқ ва ғарбдаги сиёсий қарашларни қиёсий таққосланг.

6. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулук» асарида нималар ҳақида фикр юритилади?

7. Ўзбекистонда сиёсий карашларнинг манбаларини, тарихий, миллий-маънавий илдизларининг ўзига хос жиҳатларини аниқланг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. – 5-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 181-191-бетлар.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 136-139-бетлар.

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Асарлар. жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 132-140-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар. жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 388-389-бет.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 132-334-бетлар.

6. Каримов И.А. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». – «Фидокор», 2000 йил 8 июн.

7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрель.

9. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

10. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

12. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

13. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Ҳалқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

14. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: қарашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001.

15. Аристотель. Соч. Т.4. – М.: «Мысль», 1983.

16. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: «Халқ мероси», 1993.

17. Бобур М. Бобурнома. – Тошкент: 1989.

18. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

19. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш паласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

20. Макиавелли Н. «Ҳукмдор» - «Жаҳон адабиёти», 2002 йил сентябр, 105-148-бетлар.

21. Маҳмудҳўжа Беҳбудий. Танлаган асрлар. Тошкент: «Маънавият», 1996.

22. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Тошкент: «Адолат», 1997.

23. Темурнома. – Тошкент: 1990.

24. Темур тузуклари. Тошкент: 1991.

25. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (Ўқув қўлланма). – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999, 14-40-бетлар.

26. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 10-11-бетлар.

27. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 3-47-бетлар.

28. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.

29. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.Г

30. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.

II БЎЛИМ. СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР ВА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

III МАВЗУ. СИЁСИЙ ҲАЁТ, ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ. СИЁСИЙ ЖАРАЁН ҲАМДА СИЁСИЙ ТИЗИМ

3.1. Сиёсат – ижтимоий ҳодиса сифатида

Сиёсат – ижтимоий ҳаётда кенг тарқалган тушунчалардан биридир. У кундалик турмушда ҳам, илмий адабиётларда ҳам кўп маънода ишлатилади. Кундалик ҳаётда кишилар кўпинча ҳар кандай максадга мувофиқ ижтимоий фаолиятни сиёсат деб аташади. Бу муайян максадга бўйсундирилган партия ёки фирма раҳбарининг фаолияти ёхуд эрнинг хотинига, болаларига, бутун оиласига муносабати бўлиши ҳам мумкин. Сиёсат кишиларнинг биргаликда яшаш, имкониятини рўёбга чиқариш санъати, кўп ҳолларда эса «зўравонлик воситаси» сифатида талқин этилади. Илмий адабиётларда сиёсатнинг турли хил таърифлари бўлиб, уларни, асосан 3 гуруҳга: 1) социологик; 2) субстанционал ва 3) фаоллик гуруҳларига бўлиш мумкин.

1. Сиёсатнинг социологик таърифлари социологик ёндошувга асосланади. Улар бошқа ижтимоий ҳодисалар: иқтисодий, ижтимоий гуруҳлар, ҳуқуқ, ахлоқ, маданият, дин орқали таърифланади. Социологик таърифларни жамиятнинг акс эттирадиган соҳаларига қараб 1) иқтисодий; 2) ижтимоий; 3) ҳуқуқий; 4) ахлоқий (меъёрий) ва шу кабиларга бўлиш мумкин.

2. Иқтисодий таърифи – марксизм ва иқтисодий детерминизмнинг бошқа концепцияларида берилган. Иқтисодий базис устидаги устқурма, иқтисод эҳтиёжлари, манфаатларининг жамланган ифодаси сифатида тавсифланади. Ҳозирги вақтда албатта, иқтисод ва сиёсатни ижтимоий ҳаётнинг ўзаро узвий ҳаракати сифатида қарамоқ лозим. Бу тушунчаларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди, уларни тенг англамоқ керак.

3. Стратификация талқини. Бунда сиёсат муайян ижтимоий гуруҳлар – синфлар ва миллатларнинг ёки манфаатдор гуруҳларнинг рақобати сифатида талқин этилади. Синфлар ўртасидаги курашнинг марксча талқини ҳозирги вақтда ўз таъсирини йўқотди.

4. Сиёсатнинг ҳуқуқий талқини, унинг ахлоқий таърифига бевосита қўшилиб кетади. Сиёсатнинг ҳуқуқий концепциясига кўра давлатни ҳуқуқдан келиб чиқадиган ҳодиса сифатида қарайди.

Ҳукукни сиёсатнинг маҳсули сифатида карайдиган тушунчалар ҳам мавжуд.

5. Сиёсатнинг меъёрий талқини – бунда меъёрий ёндошув сиёсатнинг идеаллардан, қадриятлардан келиб чиққанлигини унутмаслик керак. Унинг олий қадрияти – адолат, тинчлик, эркинлик ва умумий фаровонликка хизмат қилишдир.

2. Сиёсатнинг субстанционал (объектив реаллик) таърифи: Бу таърифлар сиёсатнинг қандай биринчи асослардан, тўкималардан ташкил топганлигини очиб беришга мўлжалланган. Бу гурухда ҳам сиёсатнинг бир неча таърифлари бор. Бу сиёсатни ҳокимиятга, уни эгаллаш, қўлда ушлаб туриш ва қўллашга қаратилган ҳаракатлар сифатида талқин қилинади. М.Вебер «Сиёсат, бу ҳокимиятда иштирок этишга ёки ҳокимиятнинг давлатлар ўртасидами, давлат ичидаги кишилар гуруҳлари ўртасидами тақсимланишига таъсир кўрсатишга интилишдир», деб ёзади.

1) **Сиёсатнинг «ҳокимиятий» таърифи** унинг яратувчилик сифатини акс эттиради.

2) **Муассасавий таърифи** – асосий сиёсий институт – давлат орқали таърифланади. Бу таърифда сиёсат – давлат ишларида иштирок этиш, давлат фаолиятининг мазмуни, вазифалари, шаклларини аниқлаш бўлиб кўринади.

3) Сиёсатнинг антропологик (оламнинг келиб чиқиши, эволюцияси) талқини унинг ихтилоф – консенсус таърифлари билан янада бойийди. Ихтилоф – бу сиёсатнинг негизида ётувчи зиддиятларга қаратилади, унинг динамикасини белгилайди. Консенсусда – низоларни гўхтатиш ва ҳал этиш.

3. Сиёсатнинг фаоллик гуруҳидаги таърифи сиёсатнинг динамикасини очиб беради. Улар сиёсатни бутун жамият учун мажбурий бўлган қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни сифатида таърифлайди. Бунда сиёсатнинг мақсадини аниқлаш, қарорлар қабул қилиш, ушбу максадларни амалга ошириш учун эммани ташкил этиш, ресурсларни сафарбар этиш, сиёсий фаолиятни тартибга солиш, уларни назорат қилиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва сиёсатнинг янги максадларини аниқлаш киради. Фаоллик талқини сиёсий қарорлар назариясида кенг қўлланилади.

1) Сиёсатнинг телеологик (юн. ҳодиса-жараёнлар худо томонидан бирор максадга йўналтирилади) таърифи: а) фаолиятнинг жамоавий табиати ва б) онгли тури мавжуд.

2) **Сиёсатнинг системали талқини** – сиёсий тизим турли наза-

рияларда асослаб берилган.

Сиёсатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифалари: Сиёсатнинг ижтимоий табиати, вазифалари ҳақида жаҳон ижтимоий-сиёсий фикрида хилма-хил қарашлар мавжуд:

3) Тоталитар ижтимоий-сиёсий қарашлар.

4) Анархистик ижтимоий-сиёсий қарашлар.

5) Либерал ижтимоий-сиёсий қарашлар.

6) Кейнсиан ижтимоий-сиёсий қарашлар: XVIII-XIX асрларда Ғарбда ҳукмронлик қилган либерал қараш Д.М.Кейнс томонидан кўриб чиқилди. Бунда капитализмга ўз-ўзини тартибга солувчи жамият сифатида либерал қарашлардан воз кечиш, бутун жамият ижтимоий тизимининг, унинг барча элементларининг фаровонлиги учун масъулиятни ҳукуматнинг ўз зиммасига олиш зарурлигини асослаб беришдан иборат.

Сиёсат – жамиятнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. У ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва ролига кўра иқтисодий ва маънавий соҳаларга кўп жиҳатдан ўхшашдир. Сиёсат жамиятда халқ манфаатларини ҳимоя қилади. У ҳам халққа, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. У жамиятнинг иқтисодий ва маънавий соҳаларидан тубдан фарқ қилади.

Сиёсат – жамиятнинг ижтимоий муаммоларига чуқур кириб борувчи, таъсир ўтказувчи ва уларни ҳал этувчи соҳадир. Бу соҳада барча ижтимоий гуруҳлар, қатламлар учун белгиловчи аҳамиятга эга бўлган, турли йўлни кўрсатиб берадиган қарорлар ишлаб чиқади ва қабул қилинади. Шу билан бирга сиёсат – улар амалда бажариладиган ижтимоий муаммолар ҳал этиладиган ва жамиятнинг бир бутунлиги, хавфсизлиги, тинч-тотувлиги ва осойишталиги таъминланадиган соҳадир. Демак, у **ижтимоий соҳани,** шунингдек, **иқтисодиётни ҳам** тартибга солиб, юксалтиришга, эски хўжалик юритиш тизими ўрнига янги хўжалик юритиш тизими қарор топишига доир тадбирларни ҳам ишлаб чиқади, амалга оширади. Агар сиёсат иқтисодиётдан устун турса, унинг йиғилиб колган муаммоларини ҳал этишдан бош тортса, ўз мақсад ва вазифаларини бажара олмайди. Иқтисодиётдан доим устун турган сиёсат ҳақиқий сиёсат бўла олмайди.

Сиёсат жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий соҳасини ҳам бошқаради, тартибга солиб туради. У омманинг, ҳар бир инсон маънавий маданиятини оширишга, унинг табиат, жамият сирларини, ижтимоий ҳаётдаги ўз ўрнини билиб ва англаб олишига доир тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Чунки ижтимоий, иқтисодий

соҳаларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг ўзи кутилган натижаларни беравермайди. Агар иқтисодиёт, маънавият – маърифатда у ёки бу масалани ушбу соҳа доирасида ҳал этилса, сиёсатда эса бутун жамиятга, барча ижтимоий гуруҳларга доир масалалар ҳал этилади. **Сиёсат** – бутун жамиятга дахлдор бўлган масалаларни ҳал этувчи соҳадир.

Сиёсатнинг бош мақсади – жамиятнинг фақат иқтисодий ёки маънавий-маърифий соҳасини ривожлантириш ва моддий, маънавий бойликларни тобора кўпроқ ишлаб чиқариш эмас, балки унинг беистисно барча соҳаларини тараққий эттириш ва мустаҳкам бир бутунлигини, хавфсизлигини, барқарорлигини, тинч-тотувлигини, осойишталигини таъминлашдан иборатдир. Бу улкан мақсадни рўёбга чиқариш учун хилма-хил **назарий ва амалий вазифаларни бажаради**.

Назарий вазифаси: ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жамиятнинг хавфсизлигини, барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб бериш, илмий асосланган оқилона дастурларни, қонунларни, қарорларни ишлаб чиқишдир. Бунда палапартишликка йўл қўймаслик керак. Шунингдек, сиёсат дастурлар, қонунлар, қарорларни ишлаб чиқиш билан бирга уларни қабул қилиш вазифасини ҳам бажаради.

Сиёсатнинг асосий амалий вазифаси – қабул қилинган дастурлар, қонунлар, қарорларни ҳаётда изчиллик, қатъият билан амалга ошириш, бутун жамиятни турли-туман иллатлардан, хасталиклардан тозалашдир. Чунки, бу вазифа ижтимоий ҳаётда амалга оширилмас экан, унда жамиятнинг мустаҳкам хавфсизлигига, барқарорлигига, тинч-тотувлигига, бахт-саодатга зришиб бўлмайди.

Сиёсат ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қуйидаги **услублар**дан фойдаланади: 1) ишонтириш; 2) тарбиялаш; 3) куч ишлатиш; 4) мажбурлаш.

Ҳозирги вақтда «сиёсат» тушунчаси ҳам кенг, ҳам тор маънода қўлланилади.

Кенг маънода сиёсат ижтимоий ҳаётнинг объектив манзарасини ифодалайди. У жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни акс эттиради ва уларни **иқтисодий сиёсат, маданий сиёсат, социал сиёсат, ҳарбий сиёсат каби турли тушунчалар орқали** ифодалайди.

Тор маънода эса сиёсат жамият ҳаётининг алоҳида бир соҳасида, яъни сиёсий соҳада рўй берадиган ўзгаришларни ифодалайди ва шу соҳанинг ўзига нисбатан қўлланилади. Жамиятдаги барча сиёсий

ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти сиёсатнинг тор маъноси орқали очиб берилади. Халқаро ташкилотларнинг сиёсий фаолияти ҳам сиёсатнинг тор маънодаги ифодасидир. Сиёсат тор маънода давлатларнинг 1) ички ва 2) ташқи фаолияти, халқаро сиёсий муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ўзида акс эттиради.

Сиёсат ўз моҳияти ва хусусиятларига кўра 2 турга бўлинади:

1) адолатли ёки тараққийпарвар сиёсат;

2) адолатсиз ёки реакцион сиёсат.

Сиёсат ўз тузилишига кўра 2 турга: 1) ички ва 2) ташқи сиёсатга бўлинади.

Ички сиёсат – бу сиёсат субъектларининг мамлакат ичкарисида амалга оширилиадиган фаолиятидир.

Ташқи сиёсат – ташқи турли давлатлар билан олиб борилади. Бу давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан халқаро майдонда амалга ошириладиган фаолиятдир.

3.2. Сиёсий жараён тушунчаси ҳамда унинг тартиб ва турлари

Сиёсий жараён – сиёсий тизим фаолиятининг шакли. У сиёсий тизимнинг вужудга келиши, амал қилиши, янгиланиши ва инқирозли ҳолатларини унинг барча таркибий қисмлари, алоқалари, таъсири ҳаракати жараёнида ўрганиш, аниқ ва яхлит тасаввур қилиш имконини беради.

«Сиёсий жараён» тушунчаси – бирор йўналишга эга ҳаракат, ҳолатларнинг изчил алмашиниши, бирор натижага эришишга қаратилган фаолиятлар бирлигини англатади. Шунингдек, сиёсий жараён тушунчаси ўз навбатида сиёсий ҳолатлар ва ҳодисаларнинг ички боғлиқликка эга занжир, сиёсат субъектларининг ҳокимиятга қаратилган ҳаракатлари ўзаро муносабатлари бирлигидир.

Сиёсий жараёнлар қуйидаги кўринишларда амал қилади:

1) Сиёсий тизим ташкилотларини шакллантириш. Бунда сиёсий тизим таркибида янги ташкилотлар тузилади, улар ўртасидаги меъёрий муносабатлар ўрганилади.

2) Сиёсий тизимни қўллаб-қувватлаш. Унда барқарорлигини анъаналар, тадбирлар, ҳуқуқий ва мафкуравий кўрсатмалар воситасида таъминлаш.

3) Сиёсий қарорларни қабул қилиш ва ижро этиш.

Сиёсий жараён мавжудлигининг тартиблари. Сиёсий жараён ҳокимиятни ҳаракатда ўрганади. Шу туфайли сиёсий жараён мавжуд-

лигининг 3 таркиби ажратилади: турғунлик, ривожланиш, инқироз тартиблари:

1) **Турғунлик тартибида** шаклланиб бўлган сиёсий муносабатлар одатдаги чегараларда тутиб турилади. Бу тартибда сиёсат субъектлари фаолиятида консерватизм ва анъаналарга содиқлик етакчи бўлади.

2) **Ривожланиш тартибида** жамият ичидаги ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга мувофиқ равишда сиёсий тизимнинг бошқарув ва амал қилиш услублари ўзгара бошлайди.

3) **Инқирозли тартиби** – сиёсий яхлитликнинг йўқолиши, марказда қочма кучларнинг ортиб бориши, ҳокимият қабул қилаётган қарорларнинг бажарилмаслиги, сиёсий ҳокимият легитимлиги йўқолиб боришини англатади.

Сиёсий жараён турлари: Сиёсий жараёнларни туркумлашнинг бир қанча усуллари мавжуд:

1. **Маданият тури**. Демократик жамиятлар учун маданиятни ўзлаштириш қийинчиликлари мавжуд.

2. **Сиёсий жараённинг устувор тури**:

1) консенсуслик (келишувли) тури;

2) консенсусли, аммо унда муаммоларни ҳал этиш тури;

3) давлат муаммоларини баён этиш ва ижтимоий гуруҳ тури;

4) муаммоларни қўйишда пассив, лекин долзарб масалаларни ечишда фаол, шунинг учун манфаатли гуруҳлар каршилигини ечишга асосланган тури.

3. **Ўтиш даврини бошидан кечираётган** жамиятларда сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра 3 турга бўлинади:

1) **Технократик тури** (Қонунчилик ва сиёсий анъаналар доирасида).

2) **Идеократик тури** (анъанавий жиҳатларга хос, умуммиллий ғоя асосида бирлаштириш).

3) **Харизматик тури** (Шарқ маданиятида сиёсий етакчи ролига юқори баҳо берилади).

Умуман, сиёсий жараёнларнинг кўрсатиб ўтилган бу турлари соф ҳолда учрамайди, улар бир-бирини тўлдириб келади.

Сиёсий жараёнларни қабул қилиш жараёни. Сиёсий қарор – ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий ҳокимиятнинг хусусияти шундаки, унда сиёсий талаб аниқ ифодаланмаган бўлса ва шу талабни ифодалаётган субъектлар доимий тазйиқи сезилмаса, тизим бундай талаб ва

эхтиёжлар жамият ҳаёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса ҳам жавоб бермайди. Шунинг учун турли даражадаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг боши вазифаси – ўз манфаатлари ва талабларини давлат ҳокимияти институтлари қилаётган бошқарувга доир қарорлар киритишдан иборат. Сиёсий қарорлар сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологиясидир. Сиёсий карорларни қабул этишнинг 3 босқичи кўрсатилади.

1) Тайёргарлик босқичи (халқ оммаси фаол иштирок этади).

2) қарорларни қабул қилиш босқичи (давлат, унинг органлари, партия).

3) қабул қилинган қарорларни амалга ошириш босқичи.

Иккинчи босқичдаги сиёсий қарорларни қабул қилишнинг бир неча усуллари мавжуд:

1) Компромисс – ўзаро ёнбосишлар натижасида эришилган битим.

2) Консенсус (келишув) – карор овоз бериш йўли билан эмас, келишув йўли орқали қабул қилинади.

3) Устунлик – сиёсатда бирор сиёсий куч ёки давлатнинг бошқа сиёсий куч ёки давлатларга нисбатан бошқа мавқеини эгаллаши.

Учинчи босқичда ҳокимият қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этади. Бу карорлар сиёсатнинг барча субъектларини қониктирмайди, лекин уларнинг амал қила бошлашини таъминлаш зарур.

Сиёсий иштирок – ижтимоий-сиёсий жамоа аъзоларининг ички сиёсий муносабатлар ва ҳокимият таркибига жалб этилганлиги.

Сиёсий иштирок: 1) тўғридан-тўғри (бевосита) ва бавосита амалга оширилиши мумкин; 2) умумий ва чекланган; 3) ихтиёрий ва мажбурий; 4) анъанавий, фаол ва пассив; 5) легитим ва колегитим; 6) қонуний ва конунга хилоф бўлиши мумкин.

Сиёсий иштирок шакллари ҳам турлича. Уларга:

1) ахборот қабул қилиш ва узатиш;

2) сиёсат ва давлат арбоблари ҳамда ташкилотлари билан мулокот;

3) сайлов ва бошқа сиёсий компанияларда иштирок;

4) намойишларда, сиёсий иш ташлашларда, оммавий норозилик ҳаракатларида, озодлик урушлари ва инқилобларда;

5) бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувда;

6) қонунлар яратиш, уларни ҳимоя қилиш ва уларга амал қилишда;

7) сиёсий партиялар ва ижтимоий сиёсий ҳаракатлар фаолиятда

иштирок этиш киради.

Сиёсий иштирок қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) турли манфаатлар, талаблар, умидларни ифодалаш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш;

2) сиёсатчилар ва бошқарув аппарати ходимларини танлаш. Улар фаолиятини назорат этиш;

3) бошқарувга доир қарорлар ва сиёсат йўналишини белгилашга аҳолини жалб этиш;

4) сиёсий ижтимоийлашув;

5) ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

6) бюрократия билан курашиш, фуқароларни сиёсат ва бошқарувдан бегоналашувига қарши кураш.

Сиёсатни амалга ошириш учун унинг барча даражаларида зарур нарсалар қуйидагилар:

1. Шахслар – сиёсий фаолият субъектлари.

2. Механизмлар – анъаналар, урф-одатлар, қоидалар, қонунлар сиёсий фаолият субъектларига таъсир этиш услублари.

3. Институтлар – сиёсий фаолият субъектларининг сиёсий фаолият механизмлари билан алоқадорликда амалга ошувчи тадбирларни қўллаб-қувватловчи, туртки берувчи, назорат қилувчи ва текширувчи ташкилотлар.

Сиёсий жараёнлар деб жамиятнинг сиёсий ҳаётида турли хилдаги воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериб туриши, уларнинг объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб боришига айтилади.

Сиёсий муносабатлар деб жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг сиёсий жараёнларида узлуксиз ҳаракатда бўлган сиёсат субъектлари ва уларнинг объектга қиладиган таъсирини ифода қилувчи ҳаракатларнинг умумий ифодаси ёки уларнинг бирлигига айтилади[1].

3.3. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш вазифалари сиёсат ва сиёсий муносабатлар иқтисодий, ижтимоий, шахсий муносабатлардан мустақил равишда мавжуд эмас. Натижада сиёсат жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида – иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланишида ўзига хос ўрни мавжуд. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини ривожлантириш Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларнинг энг муҳим қирраси бўлиб қолаяпти.

[1] Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат». 1997, 58–67-б.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар асосан ҳокимият ва жамият ўртасидаги мулоқот, келишув асосига қурилади Жамият ўз талабларини ҳокимиятга вакиллик органлари, манфаатдор-гуруҳлари томонидан етказиб беради. Ана шу вакиллик тизими (партиялар, ОАВ, нодавлат ташкилотлари ва х.к.) шаклланиш жараёнларини бошидан кечираяпти.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар давлатнинг ислоҳотчилик роли ва фаол сиёсат олиб бориши билан характерланади. Бу – бизнинг давлатчилик анъаналаримиз билан белгиланади. Ўрта Осиёда «ҳокимият – жамият» муносабатларида доимо давлат асосий роль ўйнаган. Бугун «фуқаро – жамият – давлат» тизими қарор топмоқда.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг кўпчилигини асосан давлат институтлари ташкил этади. Бу яна фуқаролик жамиятининг у қадар ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Айни вақтда сиёсий жараёнлар иштирокчилари (субъектлар) сонининг ортишига қаратилган ҳаракатлар кучаймоқда.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра жамиятни бирлаштириш учун миллий ғояга кучли эҳтиёж сезилади ва айни вақтда сиёсий етакчининг роли катта бўлади.

Қисқача хулосалар

Сиёсат – жамиятнинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқарувчи соҳа эмас, балки унинг бирлиги ва яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлиги, тинч-тотувлиги ва осойишталигини таъминловчидир. Бу соҳа хўжалик ва маънавий-маърифий ишлар билан эмас, балки ижтимоий ҳаётни бошқариш, тартибга солиш, хавфсизликни таъминдаш масалалари билан шуғулланади.

Демак, сиёсат давлат ишларида қатнашиш, давлатни йўлга солиб туриш, давлат фаолиятининг шаклларини, вазифаларининг мазмунини белгилаб бериш демакдир. Сиёсат гарчанд, иқтисодиётга нисбатан иккинчи ўринда бўлсада, айниқса иқтисодий муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этишда асосий восита ҳисобланади. У жамият ҳаётининг барча соҳасига таъсир килади.

Демак, сиёсий жараёнларнинг ҳар бир мамлакатда қандай боришини унинг бошқа мамлакатлар ички сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларга хос умумий хусусиятлар асосида таърифлаб бериш мумкин. Буларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам сиёсий жараёнларнинг бош манбаи ва етакчи кучи халқ оммасининг онгли фаолиятидир.

Сиёсий жараёнларнинг боришини, унинг даражасини белгилаб берадиган етакчи куч сиёсатнинг хилма-хил субъектларидир.

Демак, сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлар жамият ҳаётидаги объектив ҳодисадир. Сиёсий жараёнлар – жамият сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларнинг бирлигидан иборат. Бу бирлик сиёсий муносабатлар ва уларнинг боришини ҳам ўзида ифода этади. Давлатларнинг ички ҳаёти ва халқаро сиёсий муносабатларнинг кечиши ҳам сиёсий жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсат тушунчасини баён этинг ва унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва вазифаларини аниқланг.

2. Сиёсатнинг услублари нималардан иборат?

3. Сиёсатнинг иқтисодиёт ва маънавият билан боғлиқлиги нималарда кўринади?

4. Сиёсий жараён тушунчасини Сиз қандай изоҳлайсиз?

5. Сиёсий жараённинг қандай турлари бор?

6. Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини баён этинг.

7. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хослигини изоҳаб беринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1993, 35-83, 222-331-бетлар.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 3-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1995, 12-бет.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 35-50-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 415-683-бетлар.

5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халкни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: Ўзбекистон 1999, 96-98-бетлар.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380-бет.

7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-333-бетлар.

8. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 504-505-бетлар.

9. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутки. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрель.

11. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

12. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

14. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

15. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

16. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: қурашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001.

17. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: «Халқ мероси», 1993.

18. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

19. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. «Ўзбекистон» - 2001.

20. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 10-11-бетлар.

21. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Тошкент: «Адолат», 1997.

22. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма), Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 41-50-бетлар.

23. Пугачев В.П. Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 386-403-бетлар.

24. Темур тузуклари. Тошкент:, 1991.

25. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.

26. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.

27. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.

IV МАВЗУ. ДЕМОКРАТИЯ ВА УНИНГ АСОСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ. ДЕМОКРАТИК ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

4.1.Сиёсий тизим тушунчаси, моҳияти, тузилиши, вазифалари ва типологияси

Сиёсий тизим – сиёсатни, жамиятда ҳокимият ва давлат бошқарувини шакллантириш ва амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар тизимидир. **Сиёсий тизим** – давлат ва нодавлат ташкилотлар мажмуини ифодаловчи умумижтимоий тушунча.

Сиёсий тизим субъектларини 1) ҳокимият; 2) давлат; 3) сиёсий партиялар; 4) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; 5) шахс, сиёсий лидер кабилар ташкил этади. Сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий фаолият каби тушунчаларга эса сиёсий тизим инъикоси сифатида қаралиши лозим[1].

Жамият сиёсий тизими таркиби, тузилиши жиҳатидан 4 асосий элементдан ташкил топган:

1) Сиёсий институтлар, улар ўртасидаги муносабатлар.
2) Сиёсий қоидалар, онг ва маданият.
3) Сиёсий фаолият.
4) Сиёсий жараён.

Сиёсий тизим тузилиши – типологияси қуйидагилардан иборат:

Сиёсий тизимнинг маржона типологияси. Бунда формация тури ва ижтимоий-иктисодий таркиби каби тушунчаларга асосланади (кулдорлик, феодал, буржуа, социалистик сиёсий тизим).

Сиёсий тизимнинг ғарб типологияси. Сиёсий тартибот характерига кўра: демократик, авторитар, тоталитар тизимларга ажратилган[2].

Сиёсий тизимнинг анъанавий ва модернизациялашган (янгиланган) тури. Бунда ривожланмаган фуқаролик, сиёсий роллар, вазифаларнинг бўш таксимланганлиги, ҳокимиятни асослашнинг хорезматик усули ётади.

Янгиланган замонавий тизим типологияси: ривожланган фуқаролик жамияти, аниқ тақсимланган, сиёсий роллар, ҳокимиятни асослашнинг рационал усулига эга.

Сиёсий тизим ўз хусусиятига кўра жамиятнинг бошқа тизим-

---

[1] Мамадалиев Ш. Сиёсий тизимимиз: реаллик ва такомил. «Тафаккур», 1999, № 3, 4–9-betлар.
[2] Политология курси бўйича маърузалар матни. 1 - қисм. Т.: ЎзМУ, 2000, 46–49-betлар.

ларидан қуйидагича фарқ қилади:

Сиёсий тизим устунроқ мавқега эга бўлиб, у қабул қилган қарорлар бутун жамият ва унинг кичик тизимлари учун мажбурийдир.

Сиёсий тизим ижтимоий муҳит ва аввало жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмаси билан боғланиб кетган.

Сиёсий тизим нисбий мустақил бўлиб, унинг тузилиши, роллари, функцияларининг махсус қурилмаси мавжуд бўлади, яъни у мустақилдир.

Сиёсий тизимнинг асосий вазифалари 4 та:

1. жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаб, белгилаб боради;

2. имкониятларни сафарбар қилади;

3. жамият тизими барча элементларини бирлаштириш вазифасини бажаради;

4. ҳақиқий сиёсий ҳаётнинг зарур даражасига расмий сиёсий ва ҳуқуқий нормалар билан эришиш.

Сиёсий тизимнинг 2 томони мавжуд:

1. ҳуқуқий;
2. социологик.

Умуман, **жамият сиёсий тизими тузилиши қўйилагича:**

1. Сиёсий ҳокимият.
2. Сиёсий ташкилотлар.
3. Сиёсий муносабатлар.
4. Сиёсий маданият.
5. Сиёсатнинг субъектлари.

Сиёсий ҳокимиятда ташкилотлар 3 хил бўлади:

Асосий сиёсий ташкилотлар (парламент, давлат ва унинг органлари, сиёсий партиялар) сиёсий ҳокимиятни бевосита амалга оширади, ҳокимият учун кураш бош мақсад бўлади.

Асосий бўлмаган сиёсий ташкилотларга: касаба уюшмалари, кооперация, ёшлар ташкилотлари, ижтимоий ҳаётнинг ўзаро таъсирида одамлар муносабати, ҳаракатини кўрсатиш мумкин.

Сиёсий бўлмаган ташкилотлар (театр, спорт, ДОСААФ ва ҳ.к.) сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда қатнашмайди. Бироқ, кейинги вақтларда жамоатчилик бирлашмалари ҳам маълум даражада сиёсатлашиб бормоқда. Айниқса спорт ва ҳ.к.

Сиёсий тизим жамият ҳаётини, унинг иқтисодий шарт-шароитларини, ижтимоий ва миллий тузилишини, демографик ва экологик

жараёнларини, аҳоли саводхонлиги даражасини, ижтимоий онг ҳолатини, маънавий ҳаётни, халкаро аҳволни акс эттиради.

Сиёсий тизимнинг моҳияти қўйидаги вазифаларда ўз ифодасини топади. Сиёсий тизим ўзида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, этник ва миллий тузилмаларини акс эттиради. Сиёсий тизим орқали манфаатларнинг асосий гуруҳлари аниқланади.

Сиёсий тизимни ташкил этувчи элементлар сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишда тутган ўрнига қараб 4 кичик гуруҳ, тизимларга ажратилади:

1. Ташкилий тизим. 2. Маданий-мафкуравий тизим. 3. Меъёрий (норма) тизим. 3. Ахборот коммуникация тизими .

Демак, сиёсий тизимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Жамиятнинг максад ва вазифаларини аниклаш.

2) Имкониятларни сафарбар этиш.

3) Жамият тизими барча элементларини бирлаштириш.

Сиёсий тузум – демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар аҳволини, давлат ҳокимияти органларининг улар фаолиятининг ҳуқуқ асосларига муносабатини акс эттирувчи давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари тизими сифатида белгиланади.

Мустабид тузум – кенг миқёсларда илм-фан билан чиқиша олмайди. Чунки бундай тузум шароитида ишлаб чиқарувчилар, фуқаролар мулкдан, жамиятни идора этишдан, маданиятдан бебаҳра қилинади. Бу маъмурий-буйруқбозлик усулидир. Бундай тузумда илм-фан сиёсат дастурига айланиб қолади. Иккинчидан, бебозорсиз маъмурий-буйруқбозлик иқтисоди ташкил этилади.

Умуман, ҳозирги замон сиёсий тузумларини 4 асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Демократик сиёсий (халқчил) тузум.

2. Тоталитар (марказлашган) тузум.

3. Авторитар (танҳо киши ҳукмронлиги) тузум.

4. Либерал (оғувчи, шахс манфаатини кўзловчи) тузум.

1. Демократик тузум биринчи навбатда халқнинг, кўпчиликнинг манфаатини ҳимоя қилади. белгилари:

1. қонунчилиги: демократик конунларнинг ривожланган тизими.

2. Давлат бошлиғи ваколатлари: қонун билан чекланган.

3. Ҳокимиятнинг вакиллик органлари ваколатларнинг кенг доирасига эга.

4. Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига амал қилади.

5. Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари: юқори даражада.

6. Партиялар: кўппартиявийлик.

7. Мафкураси: сиёсий фикрлар хилма-хиллиги.

8. Ҳуқуқ ва эркинликлари: қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади.

9. Жазолаш органлари: қонун билан қаттиқ чегараланган.

10. Муҳолифат қонуний суратда фаолият олиб боради.

2. Тоталитар сиёсий тузум: У ёки бу мақсадлар учун жамиятнинг бутун хаётини ва алоҳида олинган ҳар бир кишининг хаётини назорат килишга интилувчи сиёсий тизим. Белгилари:

1. Қонунчилиги: Қонунчилик тизими кам ишланган.

2. Давлат бошлиғи ваколатлари: амалда чекланмаган.

3. Ҳокимиятнинг вакиллик органлари: кўғирчоқ ҳукумат.

4. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи: расмий эътироф этилади.

5. Маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари: расмий кенг доирада.

6. Партиялари: якка оммавий-сиёсий партия.

7. Мафкураси: якка расмий мафкура.

8. Ҳуқуқ ва эркинликлари: сиёсатга дахлдор бўлмаган нарсаларга рухсат берилади.

9. Жазолаш органлари: сиёсий жиноятчиларни қидирув махфий амалга оширилади.

10. Муҳолифат рад қилинади.

3. Авторитар сиёсий тузум, белгилари:

1) Қонунчилик: қонунчилиги минимал даражада.

2) Давлат бошлиғи ваколатлари: амалда чекланмаган.

3) Ҳокимият вакиллик органлари: ваколатлар йўқлиги ёки кўғирчоқ ҳукумат.

4) Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи: рад килинади.

5) Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари: паст даражада.

6) Партиялари: етакчи партия давлат хизматида бўлади.

7) Мафкураси: якка мафкура ҳукмронлиги.

8) Ҳуқуқ ва эркинликлари: ҳокимият кўрсатган нарсаларгагина рухсат берилади.

9) Жазолаш органлари: оммавий-сиёсий катағонлар асосида.

10) Муҳолифат тақиқланган.

4. Либерал сиёсий тузум: Ҳар бир шахснинг манфаати ва озодлигини кўзлайди. АҚШда кўпроқ либерал демократия юзага келган. Кўринишлари: 1) Қонунчилик кам ишланган; 2) давлат бошлиғи ваколати: амалда чекланмаган; 3) ҳокимият вакиллик органи: кўғирчоқ ҳукумат; 4) ҳокимият бўлиниш принципи: расмий эътироф этилади; 5) маҳалий ҳокимият органи ваколати: паст даражада; 6) партиялари: етакчиси давлат хизматида; 7) мафкураси: фикрлар хилмахиллиги паст даражада; 8) ҳуқуқ ва эркинликлари: чекланган; 9) жазолаш органлари: паст; 10) муҳолифатга: қисман рухсат берилади.

4.2. Сиёсий тизим ва сиёсий демократия

Сиёсий тизим ва сиёсий демократик жамият сиёсий ҳаётида ўзаро боғлик бўлган сиёсий ҳодисалардир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Сиёсий тизим демократияга қанчалик таъсир этса, демократия ҳам сиёсий тизимнинг ривожланишига шунчалик кучли таъсир қилади.

Демократиянинг сиёсий тизим билан боғлиқлиги, аввало сиёсий тизим субъектларининг жамият ҳаётига қиладиган таъсири, унинг халқ оммаси манфаатларига хизмат қилиши билан белгиланади. Сиёсий тизимнинг демократиялашиш жараёнидаги ўрни давлат ҳокимияти томонидан кенг халқ оммаси манфаатларининг ҳимоя қилиниши ва улар учун сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий эркинликларнинг қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилиши мисолида яққол намоён бўлади. Аммо давлат ҳамма вақт ҳам демократияни тўла амалга ошира олмайди. Давлат қачонки халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилувчи куч сифатида ҳаракат қилсагина, у жамият ҳаётини демократиялашнинг асосий куроли бўлиб хизмат қилади.

Демократия Қонунчилик шароити билан узвий боғлиқ. Демократиялаш жараёни Ўзбекистонда ҳам давом этмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил 29 августда Олий Мажлис 6-сессиясидаги «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари», 2002 йил 29-30 август кунлари 2-чақириқ Олий Мажлиснинг 9-сессиясида «Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» хусусидаги нутқи ва маърузаларида бу масалага чуқур ендошди. Кейинчалик ҳам бу масалага бир неча бор эътибор бериб келмоқда. «Демократиянинг энг муҳим тамойили, – деган эди у, – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш

ҳукукини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»лигини баён этган эди[1]. Жамият ҳаётида демократиялаш жараёни қанчалик чуқурлашиб борса, бу ҳол шубҳасиз, жамият сиёсий тизимининг мустаҳкам бўлиши ва унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Демократиялаш жараёни мураккаб сиёсий ҳодиса бўлиб, у асосан ваколатли ва бевосита демократия орқали амалга оширилади. "Агарда хар кайси партия; деган эди Президент И. Каримов; муайян ижтимоий тоифа ёки гуруҳнинг манфаатини ифода этадиган бўлса, демократиянинг энг таъсирчан механизми бўлган сайловлар ҳисобидан дастурини амалга ошириш, ўз мақсадига етиш имконига эга бўлади. Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия бу сайлов дегани"[2]

1. Вакиллик демократияси – демократиянинг бир шакли бўлиб, давлатни бошқаришда, давлат ва жамоат ишларида фуқароларнинг вакиллари орқали иштирок этишидир. Вакиллик демократиясининг ёрқин ифодаси халқ депутатлари бўлиб, улар сайловчиларнинг вакилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам халқ вакилидир. Вакиллик демократияси амал қилиши натижасида фуқароларнинг аксарият кўпчилиги давлат ва жамиятни бошқаришда, уларнинг фаолиятида кенг иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

2. Бевосита демократия – демократиянинг бир шакли бўлиб, у ҳар бир фуқароларнинг давлатни бошқаришда, давлат ишларида бевосита - яъни шахсан иштирок этишидир. Бевосита демократиянинг кўринишларига сайловда овоз бериш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш, конун лойиҳалари ва бошқа тадбирларнинг муҳокамаси, референдум (умумхалқ овози), фуқаролар йиғини ишларида ҳамда давлат органларига таклифлар киритишда иштирок этиш ва бошқалар киради.

Қадимда Юнонистонда демократия ва олигархия ўртасида кураш тарихи бўлиб келганлигини ҳам унутмаслик керак. Янги даврда унинг мазмуни, эркинлик, фуқаролик, халқ суверенитети, миллий суверенитет, миллий давлат ғоялари ривожланди.

Ҳозирги вақтда демократия – халқни ҳокимият манбаи, деб эътироф этувчи, фуқаролар тенглиги, озчилик ҳуқуқларини ҳимояловчи, давлатнинг асосий органлари - сайловлар натижасида шаклланувчи сиёсий ҳокимият тизими, сифатида тушунилади.

---

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7 – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380 - б.

[2] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон". 2005. 68 б.

Демократиянинг замонавий моделлари. Илмий адабиётларда демократиянинг 3 асосий замонавий модели мавжуд: либерал, идентитар, плюралистик.

1. Мумтоз либерал демократия модели: икки муҳим соҳани: давлат ва фуқаролик жамиятини бир-биридан ажратади (XIX–XX аср бошларида). Белгилари: 1) ҳокимият манбаи бўлган халқ каторига мулкдор эркакларгина (*қуйи табақа, аёлларсиз*) киритилган. 2) Индивидуаллик, шахсни ҳокимиятнинг бирламчи ва бош манбаи, деб билиши кўзга ташланади.

2. Идентитар демократия модели: уни коллективчилик демократияси ҳам дейишади. Белгиси: халқ, миллат, синф яхлитлигидан келиб чиқади. Умумий белгилари: 1) халқни коллективистик *талқин* этиш; 2) халқ ичида қарама-қарши кучларнинг йўқлиги; 3) эркинликнинг *коллективистик, давлат ва жамият ичида фаоллиги*; 4) тоталитар табиатга эгалиги; 5) даврнинг таркибий қисмлари тенглиги; 6) умумий сиёсий сафарбарлик; 7) сиёсий ҳуқуқларни юридик жиҳатдан эътироф этиш ва ҳ.к.

3. Плюралистик демократия модели. Ғарб демократияси либерал сиёсий тизимидан ўсиб чиққан. Уларга *конституционализм*, ҳокимиятлар бўлиниши ва ҳоказолар киради. Буни замонавий демократия *модели ҳам дейилади*.

Замонавий демократия – хилма-хил ижтимоий гуруҳларга ўз манфаатларини баён этиш ва рақобатли курашда уларнинг мувозанатини акс эттирувчи, муроса-мадорага асосланган бошқарув шаклидир.

4. Репрезентатив демократия – *халқ олдида масъул, малакали* ваколатли бошқарув ғоясига асосланган.

5. Партиципаторлик демократияси – бошқарувда интеллектуал потенциалга асосланади.

6. Демократия ва шарқ. Шарқ демократиясининг ўзига хослиги. Жамоа.

7. Марксистик концепция (қулдорлик, буржуа, социалистик демократия).

8. Плебисцитар концепция (умумхалқ фикри, референдум *йўли билан*).

9. Элитар демократик концепцияси.

Ўзбекистон демократиянинг қайси йўналишларидан бормоқда?

1. Биринчидан, шарқона демократик йўлдан. Демократик жамиятни барпо этишнинг халқаро тамойиллари, дунё ҳамжамияти

эътироф этган қоидалари бор. Булар: 1) фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгалиги; 2) озчиликнинг кўпчилиққа бўйсуниши; 3) барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги; 4) давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; 5) сайлов ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардир. Булар қарийб барча мамлакатлар Конституцияларида белгилаб қўйилган тартиб-қоидалардир. Бироқ, демократияни жорий этишда буларнинг ўзи кифоя қилмайди. Фақат шунинг ўзи аҳоли барча эҳтиёжларини, маънавий-руҳий оламини қамраб ололмайди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатлари мавжуд. Демак, демократияга ёндошиш усули бор. Президентимиз: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни, Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин (мусулмончилик аста-секин, кофирлик бир пастда) тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди», деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганини кўрсатади.

2. Иккинчидан, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш эмас, балки табиий, тадрижий ўсишини таъминлаш. Бу дегани Ўзбекистон мустақилликка чиққанидан кейин бир қатор мамлакатлар, жумладан, Туркия, Германия, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг демократик тараққиёт йўллари билан танишди, уларда биз учун ибратли ва ўрганишга арзийдиган жиҳатлари бор. Бироқ Ўзбекистон Президенти бу масалага ўз муносабатини билдирди. «Ҳар бир миллат ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб бу масалага ёндошиши зарур... Одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқ. Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона нусха кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин», деган эди Юртбошимиз Ислом Каримов.

3. Учинчидан, мамлакат туб аҳолисининг (жамоатчилик) руҳиятини ҳисобга олиш лозим бўлади. Ёки ҳурриятга муносабати

ҳам бошқалардан андоза олиш, мамлакат туб аҳолиси руҳиятини ҳисобга олмаслик раҳбарни ҳам, аҳолини ҳам, бутун мамлакатни ҳам боши берк кўчага киритиб қўяди. Ғарб демократиясини Шарқ мамлакатларида кўр-кўрона жорий этиш мумкин эмас. Бунинг аччиқ натижалари 1991-1996 йилларда Тожикистон мисолида яққол намоён бўлди.

4. Тўртинчидан, жамиятнинг маънавий қиёфасига боғлиқ, умумий маданий савияси, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, бебаҳо мулк бўлган олий қадриятларига боғлиқ.[1] Одатда якка-якка шахсларнинг руҳий кечинмалари, хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворларидан умумжамият кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Умум-халқ манфаатларини ҳисобга олиш, унга таянсагина қадриятга айланади. Қадриятлар эса – бебаҳо мулк, уларни халқ яратади, халқ баҳолайди, ўзи асраб авайлайди. Демократия худди ана шундай буюк неъмат.

4.3. Сиёсий ҳокимият тушунчаси, моҳияти, шакли ва тузилиши ҳамда унинг кўринишлари

Сиёсий ҳокимият жамият ҳаётидаги мураккаб сиёсий ҳодисалардан бири. Уни амалга ошириш механизмлари, фаолият кўрсатиш даражаси ниҳоятда ранг-баранг бўлиши билан бирга, унда ҳокимиятнинг бошқа турлари ҳам ўз ифодасини топади, уларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга.

Ҳокимият тушунчаси оддий тилда ва илмий адабиётларда жуда кўп қўлланилади. Масалан, «оила ҳокимияти», «ота-она ҳокимияти», «давлат ҳокимияти» ва ҳ.к. Илмий манбаларда политологлар – сиёсий ҳокимият тўғрисида, иқтисодчилар хўжалик ҳокимияти ҳақида, социологлар – социал ҳокимият, юристлар – давлат ҳокимияти, диндорлар – илоҳий ҳокимият тўғрисида сўз юритиб, улар ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларини ўрганишда ҳокимият тушунчасидан фойдаланадилар. Демак, ҳокимият тушунчаси кенг ва хилма-хилдир. Ҳокимиятга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

«Ҳокимият – бу кишилар, ижтимоий гурухлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, хулқ-атворига, ҳаракатларига иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир».

Ҳокимиятнинг моҳиятини раҳбарлик, ҳукмронлик ва бўйсунди-

[1] Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Т.: «Маънавият», 1999, 133–174-бетлар.

риш муносабатлари ташкил этади. Ҳокимиятнинг алоҳида тури, бу сиёсий ҳокимиятдир ва унга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«Сиёсий ҳокимият – бу сиёсат субъектларнинг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос алоҳида шаклидир»[1]. Шунингдек, «сиёсий ҳокимият» қуйидаги ҳолатлар билан ҳам белгиланади:

1. **Ҳокимият** – бу жамиятга хос бўлган кишилар ўртасидаги иродага асосланган муносабатлардир.

2. **Ҳокимият** – бу кишилар ўртасидаги сиёсий ҳукмронликдир.

3. **Ҳокимият** – бу давлат ташкилоти тизимидир.

4. **Ҳокимият** – бу маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идорадир.

АҚШ да 3 даражадаги ҳокимият мавжуд:

1. Маҳаллий ҳокимият.

2. Штат ҳокимияти.

3. Федерал (умумдавлат) ҳокимияти.

Сиёсий ҳокимият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотлардан таркиб топади. Бу ҳақда кейинги мавзуларда кенгроқ фикр юритамиз. Аввало ҳокимият тушунчаси, унинг тузилиши, кўринишлари, ҳокимиятнинг легитимлиги ва турлари ҳақида фикр билдирмоқ жоиздир. Чунки ҳокимият масаласига турли ёндошувлар мавжуд.

Ҳокимият тушунчасига оид энг муҳим ёндошувлар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳокимиятнинг кенг тарқалган таърифларидан бири – **позитив-социологик талқиндир** (немис социологи М.Вебер). Бу талқинда ҳокимият бирор индивиднинг муайян ижтимоий шароитда бошқа индивидга ўз иродасини ўтказиш қобилияти сифатида тушунилади. Ҳокимият муносабатларининг асосини ўзаро таъсир доирасига киритиш муносабатлари ташкил этади. Бундай муносабатлар ҳокимият субъекти ва объекти ўртасида қарор топади.

2. Ҳокимиятнинг телеологик талқини (Б. Рассел). Бунда ҳокимият кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришдан иборат. Бу атроф-муҳит, табиат билан қамраб олинади.

3. Бихевиористик (ингл. инсон онгини эмас, балки хулқини ўрганиш) **талқини** (XX асрда Америкалик олим психолог Г. Лассуэл таклиф этган). Ҳокимиятни тушунишни реал шахсларнинг ўзаро ҳа-

[1] Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 92–93-бетлар.

ракатидан иборатлиги ётади. Инсоннинг ҳокимият орқали бойлик, обрў орттиришидир, ҳокимият – бу уни эгаллаш билан ҳузурланишга имкон берадиган мақсад ҳамдир, дейилади.

4. Ҳокимиятнинг психологик талқини (З. Фрейд, К. Густав Юнг, К. Хорни). Бунда ҳокимиятни реал индивидларнинг хулқатвори сифатида бихевиористик тушунишдан келиб чиқади. Ҳокимият идораларининг «Ихтиёрий қўшилишга» тайёргарлиги сифатида вужудга келади.

5. Ҳокимиятнинг тизимли талқини. Бу талқин ҳокимиятнинг бихевиористик ва психологик таърифларидан фарқ қилади. Бунда ҳокимиятнинг индивидуал муносабатлардан эмас, балки социал тизимдан ҳосил бўлишини баён этади.

6. Ҳокимиятнинг тузилмавий-функционал талқини (америкалик социолог Т. Порсонс). Бу талқин ҳокимиятни кенг бўлмаган субъектларнинг муносабати, социал ташкилотнинг хусусияти сифатида, инсонлар бирлигининг ўзини ўзи ташкил этиш, уюштириш, сафарбар қилиш услублари сифатида олиб қарайди. Ҳокимият – бу ресурсларни, таъсир кўрсатиш воситаларини сафарбар қилишга имкон берувчи социал макондир, ролларнинг хусусиятидан иборатдир. Бошқача айтганда, ҳокимият – рахбарлик лавозимларини эгаллаш ва муайян функцияларни бажариш билан боғлиқ фаолиятдир[1].

7. Реляцион (фран. муносабат) **таърифи**. Бу таъриф ҳокимиятни икки шерик ўртасидаги муносабат сифатида олиб қарайди. Бунда улардан бири иккинчисига белгиловчи таъсир кўрсатади. Бу ҳолда ҳокимият унинг субъекти ва объектининг ўзаро ҳаракати сифатида намоён бўлади, субъект муайян воситалар ёрдамида объектни назорат қилади.

Ҳокимият тузилиши ва кўринишлари. Ҳокимият – яхлит ва бир бутун ижтимоий ҳодисадир. Бу эса унинг муайян таркибий қисмлардан ташкил топганлигини инкор этмайди. Ҳокимият – бир қатор тузилмалардан иборат бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг таркибига субъект, объект ва ресурслар киради. Ҳокимиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири - субъектдир. У ҳокимиятнинг бевосита тушунчасидир.

Субъект – ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи қисмидир. У алоҳида инсон, ижтимоий гурух, кишилар бирлиги, масалан, халқ ёки дунё ҳамжамияти, давлат институтлари, сиёсий партиялар бўлиши

---

[1] Политология. Ўқув қўлланма. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. «ЎАЖБНТ», 2002, 96–109-бетлар.

мумкин. Бироқ ҳар қандай инсон ҳокимиятнинг субъекти бўлавермайди. Ҳокимиятнинг субъектлари хилма-хил. Унинг бошланғич омиллари **индивидлар** ва ижтимоий гуруҳлар, **иккинчилари – сиёсий ташкилотлар, энг юқори даражадагиси субъектлари – сиёсий элиталар, етакчилардир.** Ҳокимият субъекти объект билан ўзаро муносабатларда биринчи даражали роль ўйнайди.

Объект – ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементидир. У ҳокимият субъекти қарорларининг бевосита бажарувчисидир. Объект ҳам худди субъект сингари ҳокимиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бу элементсиз ҳокимиятни тасаввур этиб бўлмайди. **Ҳокимиятнинг объектини қуйидагилар ташкил этади: индивид, ижтимоий гурух, синф, жамият.** Ҳокимият объектининг сифати, фаоллиги жамиятнинг сиёсий маданияти билан белгиланади.

Ресурслар – ҳокимиятнинг асосини ресурслар ташкил этади. Ресурслар кишиларни рағбатлантириш, жазолаш ёки ишонтиришда қўлланилиши мумкин. Ҳокимият ресурслари хилма-хил. Илмий адабиётларда бир неча турларга бўлинади: **утилитар, мажбурловчи ва меъёрий ресурслар.**

1. Утилитар ресурслар – бу кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган моддий ва бошқа ижтимоий воситалардир. Бу воситалардан кишиларни рағбатлантириш учун ҳам, жазолаш учун ҳам фойдаланилади.

2. Мажбурловчи ресурслар – бу маъмурий жазолаш билан боғлиқ бўлган воситалардир. Утилитар ресурслар иш бермай қолса, ундан фойдаланилади. Бунга иқтисодий санкциялардан ҳайиқмайдиганларга суд орқали таъсир қилишни кўрсатиш мумкин.

3. Меъёрий ресурсларга – инсоннинг ички дунёси, қадриятлар ва хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи воситалар киради.

Ҳокимиятнинг ресурсларини инсон ва жамият фаолиятининг муҳим соҳалари: сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-ахборот, куч ишлатувчи соҳаларга биноан туркумлаштириш ҳам кенг тарқалган.

4. Сиёсий-ҳуқуқий ресурслар – бу ижтимоий тартибни, хавфсизликни, барқарорликни, фуқаролар тинчлигини, жамиятнинг яхлитлиги ва бутунлигини таъминловчи воситалардир. Бу воситаларга дастурий ҳужжатлар, Конституция, қонунлар ва уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар киради.

5. Иқтисодий ресурслар – бунга ижтимоий ва хусусий ишлаб

чиқариш ҳамда истеъмол қилиш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пуллар, техника, унумдор ерлар, ерости қазилма бойликлари ва ҳоказолар киради.

6. Социал ресурслар – социал стратификациядаги ижтимоий мақом ёки ранг, ўриннинг амалга оширилиши ёки пасайиш кобилиятидир.

7. Маданий-ахборот ресурслари – билим ва ахборот ҳамда уларни олиш ва тарқатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалардир.

8. Куч ишлатувчи ресурслар – бу қурол-яроқ, жисмоний мажбурловчи муассасалар ва бунинг учун махсус тайёрланган кишилардир. Улар ўзагини армия, полиция, хавфсизлик хизмати ташкил этади.

9. Демографик ресурслар – ҳокимиятнинг махсус ресурсларидир. Бу бошқа ресурсларни ишлаб чиқарувчи универсал, кўп функцияли ресурсдир. Инсон – моддий бойликларнинг яратувчиси, аскар ва партия аъзоси, билим ва ахборотнинг эгаси ва тарқатувчисидир.

4.4. Демократик ва ҳуқуқий давлат тушунчалари ҳамда мустақиллик ва Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш жараёни

Демократия (грек. халқ ҳокимияти) – халқ ҳокимиятчилиги, сиёсий плюрализм, фуқаролар эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқлари сингари конституциявий принципларни эътироф этишга асосланган давлат тузилиши шаклидир. Демократия халқнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишида иштирок этиши, давлат органлари ишини ташкил этиш, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. У давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократия (биз олдинги бобларда баён этганимиздек) бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади. Демократия ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир.

1. Демократик давлат тушунчаси – бундай давлатда давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида, мамлакат фуқаролари турли-туман йўллар орқали кенг иштирок этадилар. Фуқароларнинг давлат органларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан кафолатланади ва уларнинг иштирокига кенг имкониятлар яратади. Демократик давлатда инсон манфаати, қадр-қиммати, ҳаёти, соғлиғи ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларнинг

ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда кўриб боради. Давлат фуқаролар назоратида ва уларга турли воситалар орқали ҳисоб беради. Демократик давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартия-вийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади.

2. Ҳуқуқий давлат тушунчаси[1] – давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Бунда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонун устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципи асосида ташкил этилган демократик давлат.

Демак, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) Халқ ҳокимиятининг амалга ошиши.

2) Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги. Яъни шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги.

3) Конституция ва қонун устуворлиги.

4) Ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили.

5) Суд мустақиллиги.

6) Инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.

7) Давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти.

8) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.

9) Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги.

10) Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Ҳуқуқий давлатнинг барча учун умумий бўлган андозаси йўқ. Уни ҳар бир давлат миллий давлатчилик борасида тажрибаларига таяниб, халқнинг зеҳнияти, қадриятлари ва анъаналарини ҳисобга олиб, ўз стратегик мақсадларига мос ҳолда шакллантиради. Лекин ҳуқуқий давлатчиликнинг дунё тан олган ва умумбашарий қоидаталабларига жавоб берадиган биз юқорида 10 та тамойилларини баён этдик. Бу тамойиллар ҳуқуқий давлатнинг конституциявий асоси. Улар бизнинг Конституциямизда тўлиқ акс этган.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни қарор топтириш учун жамиятни демократлаштириш зарур. Бунда Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, 1) анъанавий мезонга эътибор бериш ва у

---

[1] Қаранг: Азизхўжаев А., Ҳусанов О., Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия», 2001, 37–38, 140-бет; Саидов А., Таджихонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Тошкент: ЎзР ИИВА, 1999, 20-бет.

билан ҳисоблашиш лозим. 2) Аввал мамлакат аҳолиси турмушини юксалтириш даркор. Чунки турмуш онгни белгилайди. 3) Фуқаролар онги, тафаккурини ўзгартириш керак. Турмушнинг юксалиши ўз навбатида одамлар онги ва тафаккур тарзини ўзгартиришга олиб келади. 4) Ҳуқуқий демократик жамиятга табиий йўсинда, ҳеч зўриқиш ва талофатсиз эришишимиз мумкин[1]. «Одамлар сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб борилиши зарур».

3. Фуқаролик жамияти тушунчаси – инсоннинг ялпи ҳуқуқлари кафолатланадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган жамият тузилиши. Бунда ҳар бир фуқаро, жумладан, Ўзбекистон фуқароси ўз ихтиёри билан фуқароликдан чиқиши мумкин. Фуқароликдан чиқмоқчи бўлганлар олдига маълум шартлар қўйилади, яъни улар давлат, жамоа, фуқаролар олдида ҳеч қандай мажбурияти, қарздор ёки давлат ва ҳарбий сирлардан воқиф бўлмаслиги керак. Агар фуқароликдан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ёки унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса, у фуқароликдан вақтинча чиқарилмайди. Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон фуқароси фуқаролигини йўқотади:

1) Чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти идораларига ишга кирса.

2) Чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқароси 5 йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобида турмаса.

3) Фуқароликни сохта ҳужжатлар тақдим этиб олган бўлса.

Фуқароликдан чиқариш Ўзбекистон Президенти ваколатига киради.

Фуқаролик жамияти – демак, ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Ўзбекистон «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини ишлаб чиқди ва уни изчилик билан амалга оширмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг қуйи органи бўлган маҳалланинг аввало ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Бу Асосий комусимизнинг 105-моддасида ўз ифодасини топган. 1993 йил 2 сентябрда «Фуқаролар-

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 - Т.: Ўзбекистон, 2000, 333-бет.

нинг ўзини ўзи бошкариш органлари тўғрисида» конун, 1999 йил 14 апрелда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари тўғрисида» конуннинг янги тахрири, 2001 йил 9 апрелда Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 2000 йилга келиб Ўзбекистон 13 мингдан ортиқ, Тошкент шаҳрида эса 481 тадан кўпроқ маҳалла фаолият юритмоқда.

Қисқача хулосалар

Сиёсий тизим – давлат идоралари ўртасидаги муносабатлар шаклидир. Сиёсий тизим жамиятда ҳокимият ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни умумлаштиради.

Сиёсий тизим марказида сиёсий ҳокимият бош масаладир. **Ҳокимият** – бу одамларга қарорларни мажбур қилиш ва бажартиришнинг ёки таъсир кўрсатишнинг шундай усулидирки, бунда улар кўрсатилган ва кутилган усулда ҳаракат қиладилар.

1. Ҳокимият – бой ва хилма-хил шаклларда, даражаларда кўринадиган ижтимоий ҳодисадир. Бу шакл-кўринишлар илмий адабиётларда ресурсларга асосланишига кўра 1) сиёсий; 2) иқтисодий; 3) социал; 4) маданий-ахборот; 5) мажбурловчи ҳокимиятларга ажратилади.

Сиёсий ҳокимият шакли ва кўриниши.

2. Иқтисодий ҳокимият - ҳокимиятнинг мустақил кўринишларидан бири ҳисобланади. У сиёсий ҳокимиятдан фарқ қилади. Иқтисодий ҳокимият ресурслар устидан назорат қилиш, моддий бойликларга эгалик қилишни англатади.

3. Социал ҳокимият - ҳокимиятнинг мустақил кўринишларидан бири, у иқтисодий ҳокимият билан узвий боғлиқ. Агар иқтисодий ҳокимият моддий бойликларни тақсимлаш қобилиятини англатса, социал ҳокимият эса социал зинапоядаги ўринларни: мақомлар, лавозимлар, имтиёзларни тақсимлаш қобилиятини билдиради.

4. Маданий-ахборот ҳокимияти – бу илмий билимлар, ахборотлар ва уларни тарқатувчи воситалар орқали кишилар маънавий дунёси *устидан назоратидир. Баъзи манбаларда уни ОАВ сифатида «Тўртинчи* ҳокимият» сифатида қарашади.

5. Мажбурловчи ҳокимият – мажбурловчи ресурсларга таянадиган ва жисмоний куч ишлатишни қўллаш ёки куч ишлатишдан фойдаланиб назорат *қилишдир. Масалан, жиноий гуруҳларни тугатиш,* ташқаридан бўладиган босқинчилик ҳаракатларини бартараф этишда ишлатилади.

Ҳокимиятнинг легитимлиги ва турлари: Ҳокимият легитимлиги (фран. қонунийлиги) одатда унинг қонунийлиги ва адолатлилигини, фуқаролар томонидан ижобий баҳоланишини ва ихтиёрий тан олинишини англатади.

Ҳокимиятнинг легитимлиги бир хил эмас, унинг мазмун-моҳиятига кўра хилма-хил турлари бор. М.Вебер **ҳокимият легитимлигининг** 3 турини ажратиб кўрсатган. Булар:

1. Анъанавий легитимлик.

2. Харизматик легитимлик (юнон. «харизма» – худо томонидан инъом этилган илоҳий қобилият).

3. Оқилона-ҳуқуқий легитимлик.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Сиёсий тизим нима?
2. Сиёсий тизим субъектларини баён этинг.
3. Сиёсий тизим типологияларини изоҳлаб беринг.
4. Сиёсий тизимнинг асосий вазифалари нималардан иборат деб биласиз?
5. Сиёсий ҳокимиятдаги 3 хил ташкилотларни тўлик баён этинг.
6. Ҳозирги замон сиёсий тузумларининг асосий гуруҳларини келтиринг?
7. Вакиллик ва бевосита демократияга таъриф беринг.
8. Ўзбекистон демократиянинг қайси йўлларидан бормоқда?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003.

2. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. – 5-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 186-188-бетлар.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 152-155-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 373, 328-379-бетлар.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000, 347-348-бетлар.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 1999 йил 8 декабр.

7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи» 2002 йил 30 август.

8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутки. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрель.

9. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

10. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

12. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича караш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

13. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

14. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: қурашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001.

15. Аристотель. Политика. Соч. Т.4. – М.: «Мысль».

16. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: «Халқ мероси», 1993.

17. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

18. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

19. Макиавелли. Государь. М.: 1990.

20. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Тошкент: «Маънавият», 1996.

21. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Тошкент: «Адолат», 1990.

22. Темурнома. – Тошкент: 1990.

23. Темур тузуклари. Тошкент:, 1991.

24. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров. Политология (ўқув қўлланма) – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999, 14-40-бетлар.

25. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. «Ўзбекистон», 2000, 36-37, 68-бетлар.

26. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 202-255-бетлар.

27. Жўраев С.Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т. ТошДШИ, 2003, 38-50-, 192-200-бетлар.

28. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Т. ЎзРИИВ Академияси, 2004, 278-290-бетлар.

29. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март.

30. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд» 2005 6 апрель.

31. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005 26 апрель.

V МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР. ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

5.1. Иқтисодиётнинг сиёсатда ифодаланиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодиёт – юнонча сўздан олинган бўлиб, уй хўжалигини бошқариш деган маънони билдиради. Тарихий ривожланиш шундан далолат берадики, дастлабки даврларда ҳаёт кечириш асослари кўпроқ одамларнинг табиат неъматларини бевосита ўзлаштиришидан иборат бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб одамларнинг ўзаро алоқалари, тажрибаси, фан-техника тараққиёти каби иқтисодий омилларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. «Иқтисодиёт» жараёни одамлар ҳаётдаги таъсирларнинг бирлигидан вужудга келади. Демак, истеъмол неъматларида одамларнинг, ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ўз аксини топган. **Иқтисодиёт** – жуда кенг ва мураккаб тушунча. Унга, биринчи навбатда ушбу мамлакат ёки жамиятдаги иқтисодий муносабатлар киради, уларнинг табиати эса мавжуд мулкчилик муносабатлари билан белгиланади.

Иқтисодиёт – халқ хўжалиги тармоқлари, бўлимлари йиғиндиси, жамиятнинг ҳақиқий иқтисодий базасидир. Собиқ шўро даврида мамлакат иқтисодиёти 2 соҳага – 1) ишлаб чиқариш ва 2) ноишлаб чиқариш соҳаларига бўлинган халқ хўжалиги тармоқлари таснифига асосланар эди. Унда мустақил корхона тегишли тармоклар учун характер бирлиги қилиб қабул қилинган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигининг 2 соҳасидаги чегара йўқолиб бормоқда, яъни мулкий тизим вужудга келмоқда. Демак, халқ хўжалиги ибораси эндиликда кўпинча **макроиқтисодиёт** деб юритилмоқда.

Тарихий тажриба кўрсатадики, **иқтисодиётни ташкил этиш шакллари** ёки **иқтисодиёт тизимлари** 3 кўринишда бўлган:

1) Натурал иқтисодий тизим.

2) Режали (буйруқбозлик) иқтисодиёт тизими[1].

3) Бозор иқтисодиёти тизими.

Ана шу 3-**бозор иқтисодиёти тизимига** ҳам 4 йўл билан бориш мумкин:

1) Тадрижий (эволюцион) йўл билан.

2) Инқилобий (революцион) йўл билан.

3) «Шокатерапия» йўли билан.

---

[1] Йўлдошев Ў., Муфтайдинов Ў. Иқтисодий билим асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1997, 16–17-бетлар.

4) Ислоҳот йўли билан (Ўзбекистон ҳозир мана шу йўл билан бормоқда).

Иқтисодиётнинг тузилишида жуда катта 2 даража фарқланмоқда:

1) Макроиқтисодиёт.

2) Микроиқтисодиёт.

Макроиқтисодиёт – ижтимоий хўжалик, умуммиллий иқтисодиёт, мамлакат миқиёсидаги иқтисодиёт ва у ҳақидаги илмдир.

Микроиқтисодиёт – корхоналарда нсъматлар ва хизматларни яратиш, уларни истеъмол қилиш ҳамда улар ҳақидаги илмдир.

Иқтисодий сиёсат – давлатнинг халқ манфаатлари йўлида амалга оширадиган иқтисодий тадбирлари тизими. У иқтисодий муносабатларни ифодалайди, иқтисодий тараққиёт йўналишига таъсир этади. Иқтисодий сиёсатнинг моҳияти, мақсадлари ва услублари ижтимоий тузум характери ҳамда объектив конуниятлари билан белгиланади. Унинг таъсир доираси жамиятнинг иқтисодий қонунлари характерига ва кишиларнинг бу қонунларни билиш даражасига, улардан фойдаланишига боғлиқ. Давлат бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётга боғлиқ бўлган сиёсатлар ўтказади.

Макроиқтисодий сиёсат – кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, деҳқон хўжаликлари, қайта ишлаш тармоқлари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлашдан иборат. Ҳозир мамлакатимизда «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки муассасаси ана шу мақсадда фаолият кўрсатмоқда. "Авваломбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди; деган эди Президент Ислом Каримов; макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди"[1]

Иқтисодиёт ва сиёсат тушунчаларида жамиятнинг 2 асосий соҳасидаги масалалар умумий тарзда ўз аксини топади. Бу соҳаларда бўладиган ўзгаришлар жамият аъзоларининг турмуши ва ҳаёт шароитларида, халқлар ва давлатлар тақдирига, кишилар турмуш тарзи ва тафаккурида юз берадиган тарихий ўзгаришларни ҳам белгилайди. Иқтисодиёт билан сиёсат ва уларнинг нисбатида ижтимоий ҳаётнинг моддий ва маънавий соҳаларида бўладиган ўзгаришларнинг бирлиги ва ўзига хослиги кўринади.

---

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 68 б.

Иқтисодиёт даставвал, жамият аъзоларининг моддий эҳтиёжлари, уларнинг объектив манфаатлари тарзида намоён бўлади. Иқтисодий манфаатлар асосида эса алоҳида олинган шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва ниҳоят жамиятнинг яхлит манфаати ётади. Иқтисодий манфаатлар англаб олиниши биланоқ, у сиёсий моҳият касб этади. Шунга кўра сиёсат маънавий ҳаётда ҳал қилувчи ўрин тутади. Иқтисодиёт билан сиёсат ўртасидаги ўзаро боғлиқликдан ташқари улар нисбатининг қатор объектив қонуниятларини ажратиш мумкин. Бу қонуниятлар жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича фарқланиб келган. Жамият моддий ҳаёти унинг бошқа соҳаларига нисбатан белгиловчи аҳамиятга эга. Умуман, ана шу жамият моддий ҳаётининг бошқа соҳаларга таъсири, **иқтисодиётнинг белгиловчи аҳамияти** қуйидаги ҳолларда кўринади (**иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан фарқли томонлари**):

1. Иқтисодиёт аниқ намоён бўлмай пировард натижада кўринади. Шунга кўра у ёки бу гуруҳлар олиб борадиган сиёсатнинг асосини уларнинг жамиятдаги моддий аҳволидан қидирмоқ лозим. Шундагина бу сиёсат қандай иқтисодий манфаат, кимларнинг манфаати ифода этилганлиги ва қандай ишлаб чиқариш усули ҳимояланаётганлигини билиш мумкин бўлади.

2. Иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан белгиловчи ўрни вақт жиҳатдан намоён бўлади. Сиёсат иқтисодиётга ҳар жиҳатдан тобедир.

3. Иқтисодиёт сиёсатга нисбатан бирламчи. Сиёсий ўзгаришлар бора-бора иқтисодиётга хизмат қилади (сиёсат иқтисодиётга хизмат қилмаса сиёсатбозликка айланиб қолади).

4. Иқтисодиёт қонунлари объектив амал қилади, у сиёсат томонидан яратилмайди, уларни сиёсий йўл билан бекор қилиб бўлмайди.

Энди сиёсатнинг иктисодиётга нисбатан мустақиллиги қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсат ўз келиб чиқишидан қатъи назар, уни юзага келтирган иқтисодиётга нисбатан маълум даражада мустақил ҳисобланади. Лекин унинг нисбий мустақиллиги аниқ шароитларга боғлиқ бўлиб, ўзгарувчанлиги турлича бўлиши мумкин.

2. Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида ўзига хос вазифа ва қонуниятларга эга. Буни сиёсатнинг бош институти бўлган давлатнинг нисбий мустақиллигида кўриш ҳам мумкин. Давлат иқтисодиётнинг белгиловчи таъсирида бўлса-да, ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланади.

3. Сиёсатнинг иқтисодий ривожланишдан олдинга кетиши қонунияти унинг нисбий мустақиллигини билдиради.

4. Баъзан сиёсатнинг иқтисодий талабларга нисбатан орқада қолиши қонунияти амал қилиши мумкин. Негаки, тараққиётдан манфаатдор бўлмаган кучлар ўз ҳукмронлигидан маҳрум бўлишидан қўрқиб, имкон қадар эскича консерватив сиёсатни давом эттиравериши мумкин.

5. Сиёсатда ички мантиқ мавжуд бўлиб, у фақат иқтисодий таъсир остида бўлмайди, балки маълум бир қоидаларга ҳам риоя қилинади.

6. Сиёсат иқтисодиётга қайта таъсир этганида иқтисодий эҳтиёжлар ифодаланади, унга кўмак беради.

7. Ҳокимият бир гурух қўлидан иккинчи гурух қўлига ўтган вақтда сиёсат иқтисодиётдан устун туришини ҳамиша сиёсий жараён тасдиқлаб келмоқда.

8. Сиёсат бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Бозор иқтисодиёти – товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида бошқариладиган иқтисоддир.

Бозор иқтисодиётининг муҳим томони ишлаб чиқилган товарга кишилар эҳтиёжини қондириш учун зарур миқдор ва турда, бозор тан оладиган даражада меҳнат сарфланади. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим қонунларидан бири, бу қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонунидир.

Тарихан бозор иқтисодиётининг 2 тури мавжуд: 1) тартибсиз, стихияли ривожланувчи бозор иқтисодиёти; 2) сиёсий жиҳатдан тартибга солинувчи, бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўлиб, жамият бундай бозорга давлат орқали ва иқтисодий воситалар (нарх, солиқ, фойда, рента, субсидия ва ҳ.к.) билан маълум йўналиш беради, унга онгли равишда таъсир кўрсатади. Ҳозирги даврда дунё мамлакатларида бозор иқтисодиётининг бу тури кўпинча ҳукмронлик қилади.

Президент Ислом Каримов 1992 йилда «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарини ёзди. Асарда демократик жамият қуришнинг жаҳон тараққиёти тажрибаси таҳлил қилинди. Ўзбекистонда демократик, ижтимоий адолатли жамият қуришнинг кенг қамровли йўналишини, тараққиётнинг **ўзбек моделини** асослаб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон ана шу демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ана шу сиёсат негизида ўзбек модели ётибди. Ўзбекистон бозор иқтисо-

диётига ўтишнинг ислоҳот йўлини танлар экан, шу асосида ички сиёсат олиб боришнинг 5 та асосий тамойилини ишлаб чиқди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиётнинг мафкуравий мақсадларга бўйсундирилмаслиги ва сиёсатдан устунлиги. (Биз ана шу масалага кўпроқ тўхталамиз). Бунда иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш – демократик ва бозор ўзгаришларининг асоси қилиб қўйилди. Биринчи навбатда иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шарти эканлиги уқтирилади. Иқтисодиёт мафкуравий тазйикларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ равишда ривожланиши лозим. Ўзбекистоннинг ижтимоий бозор иқтисодиётида ўз андозасини яратишда қуйидаги энг муҳим элементларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) кишилар фаровонлигини оширишни таъминлайдиган ижтимоий йўналиш;

2) макроиқтисодиётни ўстириш;

3) иқтисодий бошқарув методларини жорий этиш;

4) давлат томонидан бошқарилишдан узоқлаштириш, жамият ҳаётини, айниқса иқтисодиётни эркинлаштириш;

5) иқтисодиётга чет эл сармояларини жалб этиш;

6) аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилиб, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Бозор механизмларини ишга солиш учун, аввало

1) мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказиш;

2) баҳони босқичма-босқич эркинлаштириш;

3) бозор инфратузилмасини шакллантириш;

4) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

2. Давлатнинг бош ислоҳотчилиги тамойили.

3. Жамият ҳаётида қонун устуворлиги тамойили.

4. Кучли ижтимоий сиёсат – иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолати.

5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма босқич - тадрижий йўли.

6. Маданий-маърифий сиёсат – давлат сиёсатининг устувор йўналиши тамойили. Бу тамойил 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази фаолиятини тако-

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 301–306-бетлар.

миллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Президент Фармонининг 1-бандида келтирилди.

7. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисоблансин. Бу Президентнинг 1997 йил 6 октябрдаги Фармонида қайд этилди.

8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларни ёшлар ижтимоий онги ва қалбига чуқур сингдириш. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойишида қайд этилди.

Республикамиз иқтисодий, молиявий барқарорлиги ва ўсишининг энг муҳим шартлари:

1) макроиқтисодий пропорциялар;

2) инфляцияни пасайтириш;

3) пул ҳажми ва давлат бюджети тақчиллигини чеклаш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш лозимдир.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичлари:

1. **Биринчи босқич**. Бозор иқтисодиёти ва инфратузилмасининг ҳуқуқий асосларини яратиш. Бу масалага доир биржалар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, савдо уйлари, турли ширкатлар ва қўшма корхоналар тузиш бўйича 5 йил ичида (1991–1994 йиллар) 300 дан ортиқ қонун, фармон, қарорлар қабул қилинди.

2. **Иккинчи босқич**. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Бу масалага 1994–1995 йиллари кенг эътибор берилди ва 1999 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда майда ва ўрта давлат мулклари хусусийлаштирилди, давлат тасарруфидан чиқарилди.

3. **Учинчи босқич**. Тахминан 1999 йиллардан то ҳозиргача бўлган (2003) даврни ўз ичига олмоқда. Бу даврда ўрта ва йирик мулклар давлат тасарруфидан чиқарилмоқда, ўрта мулкдорлар синфига эътибор қаратилмоқда.

4. Ҳар учала босқичда ҳам чет эл сармояларини кенг миқиёсда республика иқтисодиётига жалб қилишга эътибор берилди ва берилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг уч меъзон ва кадриятлари мавжуд:

1) хусусий мулк;

2) эркин тадбиркорлик;

3) рақобат.

Ана шу даврда сиёсатда, маънавиятда: а) зиёли мавқеи; б) маърифат нури; в) ижодкор сўзининг қадри ва салмоғи бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида иқтисодиёт ва сиёсат масаласига кенг тўхталиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қилинган ишларга баҳо бериб, иккинчи босқичда ва ҳозирги даврда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти, умуман ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 4 та асосий вазифасини белгилаб берди[1]:

1. Асосий вазифа: мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни давом эттириш.

2. Энг муҳим вазифа – барқарорлаштириш, ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, пул қадрсизланишининг олдини олиш, ишсизликни тўхтатиш ва ҳ.к.

3. Муҳим вазифа – миллий валютани мустаҳкамлаш. Сўмни товар билан таъминлаш.

4. Стратегик вазифа – ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш. Хомашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ўлкага айлантириш.

Ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, қуйидаги ишлаб чиқилган асосий тамойилларга амал қилиб келмоқда:

1. Ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги.

2. Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

3. Мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик.

4. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги.

5. Ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ташқи алоқаларда: Ўзбекистон дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакат фирмалари ва компаниялари билан иқтисодий алоқаларни ўрнатган. Чет эл сармояси иштирок этаётган 2000 дан зиёд корхона ишламоқда, деярли 80 дан зиёд хорижий банк билан ҳамкорлик қилинмоқда. Де-

---

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддаслир. Т.3 – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 175–366-беглар.

мак, "Аввалги ўстувор вазифа аввалгидек бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат"[1]

5.2. Ижтимоий сиёсат мазмуни, моҳияти, мақсади, сиёсий жиҳатлари ҳамда унинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон давлати олиб бораётган сиёсат 4 асосий соҳа – иқтисодий, сиёсий, социал (ижтимоий) ва маънавий соҳаларни ўз ичига олади.

«Социал» тушунча кенг маънода олганда табиатдан ташқари инсон жамиятига тааллуқли барча соҳаларни қамраб олади. Иқтисодий, сиёсий жараёнлар ва жамият маънавий ҳаётининг бутун соҳаси **социал соҳа дейилади.** Ижтимоий ҳаёт ҳақида гапирганда «социал» термини тор маънода ишлатилади. Жамиятнинг социал соҳасидаги масалалар хилма-хил бўлиб, уларни ҳал этиш сиёсатга боғлиқ. Фақат илмий жиҳатдан асосланган тўғри сиёсатни ишлаб чиқиш орқали бу соҳада асосий мақсадга эришиш мумкин. Лекин социал соҳада танланган йўл ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлмаслиги мумкин. Масалан, собиқ шўро тузумида тутилган ижтимоий сиёсат бунга мисол...

Социал сиёсат – бу халқ фаровонлигини ошириш, ижтимоий ва миллий муносабатларни такомиллаштириш, турмуш тарзини ўстириш йўли билан фаровон, озод ва обод Ватан барқарорлигини мафкуравий, сиёсий-ташкилий жиҳатдан таъминлашдир.

«Социал сиёсат» тушунчаси кенг маъноли бўлиб, у ўзида ижтимоий ҳаётнинг алоҳида бир соҳасида бўладиган ўзгаришларни акс эттиради. Унинг асосини давлат ва сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг жамият аъзолари турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган фаолияти ташкил этади. Социал сиёсат ижтимоий соҳа билан узвий боғлиқ. Социал соҳага эса синфлар, гуруҳлар ва миллатлар, шаҳар билан қишлоқ муносабатлари, ақлий ва жисмоний, интеллектуал меҳнат, жамият билан шахс ўртасидаги муносабатлар киради. Социал соҳага сиёсий ёндошишнинг 2 муҳим жиҳатини эътиборга олмоқ зарур:

1) Социал соҳани жамиятнинг сиёсий муносабатларидан ажратилган ҳолда қараш мумкин эмас.

2) Сиёсат социал соҳага қанчалик таъсир қилса, социал соҳадаги ўзгаришлар ҳам сиёсат ўзгаришига таъсир этишини ҳисобга олиш лозим.

---

[1] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 76 б.

Социал сиёсатда 2 муҳим томон, жиҳатлар борки, уларни эътибордан кочирмаслик керак:

1) Меҳнаткашларнинг, меҳнат жамоаларининг, барча аҳолининг манфаатларини кўзлаб, уларнинг ҳаёт даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, бунинг учун зарур чора-тадбирларни амалга оширган ҳолда бу жараённинг олдини олиш демакдир.

2) Иккинчи муҳим жиҳати эса, эҳтиёжманд соҳаларнинг, ногиронлар, қариялар ва болаларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, айниқса, она ва болалик муаммоларини асло эътибордан четда қолдирмасликдан иборат. Ишсизликнинг олдини олиш, вақтинча ишсиз қолганларга қонун асосида кўмак бериш, ҳеч кимни медицина ёрдамидан четда қолдирмаслик, одамларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш.

Социал соҳани муваффақиятли ҳал этиш, ривожлантириш сиёсатга боғлиқ бўлганлиги учун бу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда илмий жиҳатдан асосланган сиёсий йўлни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун қуйидаги объектив ҳолатлар эътиборга олиниши лозим:

1) Давлатнинг қонун чиқарувчи органларида фаолият кўрсатувчи халқ депутатлари аҳолининг ижтимоий аҳволини чуқур биладиган кишилар бўлиши керак. Бизнинг давлатимиз ана шу томон бормоқда.

2) Сиёсий партиялар, ташкилотлар ва сиёсий ҳаракатлар социал соҳаларда мавжуд бўлган камчиликларни объектив баҳолашлари лозим.

3) Бу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқишда моддий ва маънавий имкониятларни тўла ҳисобга олиш зарур.

Социал бошқарув методлари қуйидагилардан иборат:

1. Маъмурий-буйруқбозлик усули. Биз бундан воз кечдик.
2. Иқтисодий метод.
3. Ахлоқий таъсир кўрсатиш методи.
4. Ҳуқуқий тартиб ўрнатиш методи.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида социал масалани сиёсий ҳал этишда маъмурий-буйруқбозлик методларидан воз кечди. Бу сиёсат чуқур демократизмга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг иқтисодий методи қўл келмоқда. Бу фикрлар хилма-хиллиги, тўла ошкоралик шароитида ижтимоий масалалар тадрижий йўл билан ҳал қи-

линмоқда. Юқоридаги методлар турли мамлакатларда турлича ҳал этилмоқда. Шу билан бирга социал бошқарувни амалга оширишнинг ташкилий принциплари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Демократизм ва халқ оммасига таяниш.
2. Демократик централизм.
3. Жамоа ва якка раҳбарликнинг уйғунлашуви.
4. Шахсий масъулият.
5. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш.
6. Ҳисоб ва назорат.
7. Давлат ва жамоат ташкилотлари функцияларини бир-бири билан уйғунлаштириш.
8. Қонунчилик, ошкоралик.
9. Ҳудудий-маъмурий бошқарув.

Бу тамойиллар дунё мамлакатларида социал бошқарувни амалга ошириш ва уни ташкил этиш, ижтимоий жараёнларни тартибга солишда қўлланилмоқда.

Социал сиёсатни шакллантиришнинг асослари қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсий асослари: мустақилликнинг эълон қилиниши, фуқаролик.

2. Ҳуқуқий асослари: 1992 йил 8 декабрда ЎзР Конституциясининг қабул қилиниши.

3. Иқтисодий асослари: табиий ресурслар, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари: хусусий, жамоа, давлат, аралаш.

4. Маънавий асослари: миллий, диний, ахлоқий, бадиий қадриятлар.

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли» (1993) каби асарларида «ўзбек модели»ни асослаб берар экан, унинг ички сиёсатида 5 асосий тамойилни ишлаб чиқиб, уларни тўла изоҳлаб берган эди. Ана шу 5 та тамойилнинг бири 4-си **кучли ижтимоий сиёсат** бўлиб, у иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолатидир. Кучли ижтимоий сиёсат тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) Аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорини шакллантириш. 2001 йил 13 февралда Президентнинг «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. У меҳнат Вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизида ташкил топди.

2) Даромад сиёсатини юритиш: пул даромадлари.

3) Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш.

4) Ижтимоий таъминот ва ижтимоий кафолатлар, кам таъминланганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

5) Халкнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш...

6) Ҳар кимнинг меҳнатига ва ҳар кимнинг қобилиятига яраша тамойилини таъминлаш. Адолат – кишилар ўртасидаги тенгликни назорат қилиш, токи бир тоифа бошқаси устидан ҳукмрон бўлмасин, ҳар қайси табақа ушбу қоидага риоя қилсин (Ҳусайн Воиз Кошифий. «Ахлоқи Мухсиний» – 1440–1505).

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида»...(1997) асарида бозор муносабатларига ўтиш даврининг мураккаб синовларидан эсон-омон ўтишда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаларини кўрсатиб қуйидаги 4 та масалага алоҳида эътибор берган эди:

1. Ижтимоий зиддиятларга йўл қўймаслик.

2. Одамларни даъват этувчи ижтимоий сабабларни рўёбга чиқаришнинг аҳамияти.

3. Кенг кўламдаги узоқ муддатли ислоҳ қилиш жараёни дастлабки ўтиш даврининг мураккаб жараёни эканлигини назарда тутиб, алоҳида ижтимоий сиёсат юритиш.

4. Ўтиш даврида одамларнинг тафаккур юритиш психологиясининг ўзгаришини назарда тутиш.

Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш йўли, уни яхшилаш ва самарасини кўтариш вазифалари, йўл-йўриқлари қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш...

2. Давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларининг маблағларини кенг жалб этиш...

3. Одамлар куч-қобилиятларининг тўла-тўкис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш...

4. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасидаги катта фарқларга асоссиз йўл қўймаслик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шакллантириш... (кескин табақаланиш 8 дан 7,5 бараварга тушди...).

5. Қашшоқликка қарши кураш. Аҳоли энг мухтож қатламининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш... БМТ

1996 йилни қашшоқликни тугатиш Халқаро йили деб эълон қилган ҳам эди. Ғарбий Европа мамлакатларида энг бой 10% фуқароларнинг даромади энг ночор 10% фуқаролар даромадидан 8–12 марта ортиқ, АҚШда эса бу кўрсаткич 16–18, Россияда 13–14, Ўзбекистонда 6%га тенг бўлмоқда.

Фақат бойлик учун ёки бойлик ва бойларга қарши эмас, балки **камбағаллик ва қашшоқликни тугатиш** йўлида бозор иқтисодий имкониятларини ишга солиб, ўрта қатламни вужудга келтиришга *уринган мамлакатлар (Швеция, Австрия,* Германия) ижтимоий тараққиётга эришдилар. Булар учинчи йўл, яъни ислоҳотлар йўли орқали эришдилар. Ўзбекистонда ҳам мана шу ўрта табақани шакллантиришга Президент томонидан эътибор берилмоқда.

Халқаро политологлар нисбий қашшоқликка тавсиф беришда 3 хил ёндошув мавжудлигини таъкидлашади:

1. Кўпроқ бозор муносабатларига нисбатан ишлатилади. Бунда аҳоли жон бошига тақсимланадиган даромадлар энг *кам истеъмол* халтаси деб аталувчи кўрсаткичга, яшаш минимумига таксимланади. Бу кўрсаткичдан ҳам паст даромадга эга бўлган кишилар қашшоқлар сафига мансуб деб аталади.

2. Нисбий қашшоқликнинг иккинчи хили ҳар бир инсонда мавжуд бўлган *қобилиятларни амалга ошира олмаслик ҳисобланади.* Даромадлар инсоннинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришда восита холос.

3. Нисбий қашшоқликнинг учинчи хилини ихтиёрий камбағаллик деб атаса бўлади. Турмуш даражаси ва имкониятларини амалга *ошириш шароитларига* кўра теварак-атрофдаги бошқа тоифа одамлар ва жамиятда таркиб топган меъёрлардан сезиларли тарзда ортда қолган кишилар камбағал хисобланади. Бошқача айтганда, инсон даромадларининг етарли эмаслиги ёки ўз имкониятларини амалга оширишга қурби етмаганлигидан эмас, балки ён атрофидаги бошқа тоифа одамларга нисбатан имкониятлари камлиги учун ҳам камбағал ҳисобланиши мумкин.

Камбағаллик шахснинг *ишёқмаслиги ёки мулкдан махрумлиги* натижасида юзага келиши ҳам мумкин. Аммо камбағаллик бирор бир бахтсизлик, тасодиф ва бошқа ҳолатлар натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Биз иккинчи бобда баён этганимиздек, Адам Смит ёзади: «Мулкка эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилган инсон фақатгина *иложи борича кўпроқ ейиш ва иложи борича камроқ ишлашга* манфаатдор бўлиши мумкин». Яна ана шу инглиз иқтисодчиси таъкидлагани-

дек, «Буюк миллатлар хусусий шахсларнинг хўжасизлиги туфайли ҳеч қачон камбағаллашмайдилар, балки улар кўп ҳолларда давлат ҳокимиятининг хўжасизлиги ва нодонлиги туфайли камбағаллашадилар».

Боқимандалик ва ҳасадгўйлик руҳияти билан ҳеч бир жамият камбағаллик муаммосини батамом ҳал қилолган эмас.

Социал сиёсатнинг асосий йўналишлари. Булар аввало қуйидагилардан иборат:

1. Жамият аъзоларининг меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган сиёсий йўлни ишлаб чиқиш керак.

2. Аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматни ташкил этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

3. Халқ фаровонлигини ошириш ва тақсимот муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган сиёсат юритиш.

4. Жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари тўғрисида ғамхўрлик ва болали оилаларга ёрдамни кучайтиришга қаратилган сиёсат бўлиши керак.

5. Ҳаётнинг ижтимоий, маиший шароитларини яхшилашга қаратилган сиёсат юритиш (аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, уй-жой муаммоларини ҳал этиш, турмуш ва ишдан ташқари вақт...).

6. Маориф ва маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатларини ишлаб чиқиш (таълим тизими ва уни такомиллаштириш, маданий қурилиш ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш).

7. Меҳнат соҳасида ижобий, прогрессив ўзгаришларни амалга оширишга қаратиш (меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни социал ташкил этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш).

8. Жамиятнинг соғлом ижтимоий-руҳий муҳитини шакллантиришда социал сиёсатнинг ролини ошириш (ижтимоий ахлоқ, уни инсонийлаштириш, жамиятга зид ҳолатларга қарши кураш, турмушнинг ахлоқ негизларини мустаҳкамлаш ва ҳ.к.).

Демак, "давлат бошқаруви органларининг вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, - деган эди Ислом Каримов; эски маъмурий буйруқбозлик тизимига хос ўз умрини яшаб бўлган ортиқча бўғин ва вазифалар, биринчи галда тақсимлаш функциялари кескин тарзда қисқартирилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ чегаралаб қўйилди"[1]

---

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 73 – б.

5.3. Социал сиёсатда ижтимоий адолат, мухофаза ва кафолат масалалари

Социал сиёсатда ижтимоий адолат, ижтимоий мухофаза (ҳимоя) ва ижтимоий кафолат масалалари алоҳида ўрин тутади.

1. Ижтимоий адолат масаласи. Ижтимоий адолат – жамиятнинг демократик ривожланиш даражасини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш нормаларини, миллат ҳаёт тарзининг ахлоқий тимсолини белгиловчи давлат сиёсати, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган табақалари манфаатини кўзлаб, миллий бойликларни тақсимлаш тартибидир. (Юридик энциклопедия. Т.: «Шарқ», 2001, 176-бет).

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ҳам зарур. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислом Каримов ички сиёсатдаги 5 та тамойилнинг биттаси, яъни учинчи тамойил: жамият ҳаётида қонун устуворлиги ҳақида тўхталган эди. Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб, бундай хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Ижтимоий йўналтирилган Қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак. Қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши лозим. Қонунга бўйсуниш керак. Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир. Қонун олдида ҳамма баробар. Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Ҳуқуқий давлатнинг элементлари: 1) қонун устуворлиги; 2) қонун олдида ҳамманинг тенглиги; 3) ҳамма ўз иш фаолиятини қонун доирасида бажариши; 4) ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили амал қилади: а) қонун чиқарувчи ҳокимият; б) ижроия ҳокимият; в) суд ҳокимияти; г) оммавий ахборот воситалари – «тўртинчи ҳокимият» иш юритади.

Демак, ижтимоий адолат – реал халқ ҳокимиятидан ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигидан, миллатларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлилигидан, шахснинг ҳурмат қилинишидан, унинг ҳар томонлама камол топиши учун шароит яратиш. Кенг миқёсда ижтимоий кафолатлар: иш билан таъминлаш, маорифдан, маданиятдан, медицина хизматидан фойдаланиш ва уй-жойли бўлиш, кексалар, оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва бошқалар. Ижтимоий

адолат тамойилларини қатъий амалга ошириш – халқ бирлигининг, жамият сиёсий барқарорлигининг, ривожланиш динамикасининг муҳим шартидир.

Демак, **ижтимоий адолат** – ижтимоий онгнинг энг муҳим белгиси бўлиб, шахс, синф ёки ижтимоий гуруҳ имкониятлари ва эҳтиёжлари, ҳуқуқлари ва фаровонлигининг даражаси, жамиятнинг шахсга бўлган муносабати меъёрини, одамларнинг мамлакатда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий, маданий воқеаларга муносабатини, кишилар кундалик фаолиятига давлат ёки жамият томонидан берилган баҳонинг ҳаққонийлигини кўрсатади. Ижтимоий адолатнинг **биринчи амалий вазифаси** ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлигини таъминлашдир. **Ижтимоий адолатнинг иккинчи вазифаси** жамиятда мавжуд бўлган турли гуруҳлар ва табақалар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди, улар орасидаги мувозанатни сақлаб туриш давомида зуҳур бўлади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин».

Носириддин Тусий (1201–1274, Ўрта Осиёлик астроном ва математик) **социал адолатнинг** 3 та асосий талаби мавжудлиги ва у жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил эканлигини алоҳида уқтирган эди:

1. Адолатнинг биринчи талаби – аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашдир. **2. Иккинчи талабига кўра,** эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда кишиларни хизматга тайёрлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш лозим. **3. Адолатнинг учинчи талаби** эса, барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратишдан иборат.

Саккиз аср чамаси ўтиб Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бу фикрлар ўз ифодасини топмоқда. И.А.Каримов: 1) «Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига – ошиб-тошиб кетган бойлару, камбағал қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак». 2) Ҳалол меҳнат кишиларига имконият яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган. 3) «Адолатнинг учинчи талаби» жамият тараққиёти ва унинг сиёсий муҳитини белгилашда раҳбар кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишга катта аҳамият беради.

2. Ижтимоий муҳофаза (ҳимоя) – айрим ижтимоий гуруҳларга ҳар томонлама ёрдам бериш учун йўналтириладиган давлат тадбир-

лари йиғиндиси. Масалан, компенсация, турли енгилликлар ва ҳоказо Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд иқтисодий, ижтимоий вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг моддий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуини қамраб олади Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан биридир. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг манбаи қуйидагилардан иборат:

1) давлат бюджети;

2) ижтимоий суғурта жамғармаси;

3) корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағлардан ташкил топади.

4) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш бўйича хайрия жамғармаларининг («Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод», «Саломатлик ва меҳр-шафқат» ва ҳоказо) иштироки бор. Биргина 1995 йилда Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети харажатларининг 29,3 фоизи ижтимоий-маданий тадбирларга, 21,8% аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилди. Бу жиҳатдан қараган-да Ўзбекистонда 30 дан ортиқ курорт, 40 та дам олиш, даволаниш масканлари бор. Улар республикадаги барча корхона ва ташкилотларга мунтазам равишда йўлланмалар тарқатади, уларнинг деярли 20 % қўшни давлатларга тақдим этилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг ягона концепцияси ишлаб чиқилди. Унда республикада мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам тизими: пенсия таъминоти, болаларга нафақа, ёлғиз кишиларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, ҳаракат воситалари билан таъминлаш, тиббий, меҳнат ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш, тиббий хизмат, ишсизларни ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам бериш, бир йўла (номунтазам) ёрдам йўналишларида амалга оширилиши белгиланган.

Амир Темур ўз «Тузуклар»ида баён этишича, «Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб, иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин».

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид бир неча қонунлар, ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996–2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинган эди.

Ижтимоий химоя объекти – ижтимоий химоянинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя объектига қуйидаги аҳоли гуруҳлари киради:

1) Ногиронлар. 2) Нафақахўрлар. 3) Ёш болалар. 4) Боқувчисини йўқотган оилалар (204 минг 550 кишидан кўп, 1995). 5) Ёлғиз ва ҳомиладор оналар. 6) Қашшоқлик чегарасидан кам даромад олувчи оилалар. 7) Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлар. 8) Вақтинча ва умуман ишсизлар. 9) Ўқитувчилар. 10) Талабалар. 11) Қарилик пенсиясидагилар (1,8 млн. атрофида). 12) Ногиронлик пенсиясидагилар (400 000 киши атрофида) ва ҳоказо.

Ижтимоий ҳимоя объектлари тўлиқ ўрганилмаганлиги боис жон бошига тўғри келадиган даромад ёки ишловчиларнинг иш ҳақидан қатъи назар барчага тенг таъминот ёки бошқа *имтиёзлар яратилиши*, барча аҳолига ёппасига олиб борилган қатор тадбирлар самара бермади. **Текисчилик** – бу (социализмдаги) моддий неъматларни ҳаммага, килган меҳнатига қарамай, тенг тақсимловчи қарашдир. Текисчилик тенденциясини бартараф этиш учун аввало меҳнатнинг миқдори ва сифатидаги реал тафовутларга қараб иш ҳақининг табақаланишини таъминлаш керак (Социализмда унинг ҳар иккала қисми бирлаштирилиб, бир бутун килиб юборилган эди). Ижтимоий ҳимоя илмий тамойилга асосланган бўлиши керак. Бу дегани ижтимоий ҳимоя тизимига энг кам миқдордаги истеъмол савати ва истеъмол бюджетини ишлаб чиқиш ва асослаш, турли усуллар ёрдамида кўрсатиладиган ижтимоий ҳимоянинг ёрдам қийматини аниқлаш, ижтимоий ҳимоя меъёрини белгилаш ва бошқалар киради.

Ижтимоий таъминот. Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш давомида аҳолини, айниқса ночор гуруҳларни аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барпо этилди.

Ижтимоий таъминот тизимида Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги, 12 вилоят ва Тошкент шаҳри ижтимоий таъминот бошқармалари, 233 туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари, 34 қариялар ва ногиронларнинг интернат уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати, «Олтиариқ» ва «Товоксой» санаториялари, «Ортопедия» илмий-тиббий-техникавий мажмуаси ва унинг вилоятлардаги устахоналари, ҳар бир туманда ижтимоий ҳимоя бўлимлари *фаолият* кўрсатмоқда.

Қарилик пенсияси 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлган 60 ёшлик эркакларга, 20 йиллик меҳнат стажига ~~эга бўлган 55 (54)~~ ёшга

кирган аёлларга берилмокда. Пенсионерлар 2,6 млн. дан ортиқ, ёлғиз қариялар 33 мингга яқин, 20 турдаги 106 хил имтиёздан 1 млн. дан кўпроқ киши фойдаланмокда.

Ижтимоий суғурта жамғармаси 1993 йил 4 августда ЎзР ВМ ҳузурида ташкил этилди. Республикада 1998 йилда 40 га якин халқаро, республика хайрия жамғармалари, хорижий жамғармалар-нинг Ўзбекистон бўлимлари фаолият олиб бормокда.

Меҳр-шафқат: Жаҳон бўйича етим-есирлар ва ота-она қаровисиз қолган болалар сони 7 млн. дан ортик. МДҲ мамлакатларида бундай болалар сони 500 мингга етади. 1998 йилда Ўзбекистонда 30 та мехрибонлик уйи бор эди. Уларда 4675 нафар бола тарбияланмокда («Мулоқот». 1998, № 4, 30-бет).

Фахрийлар: Республикада 2 млн. фахрий яшайди. Шундан 500 минг нафари уруш, қолганлари меҳнат фахрийларидир.

Республикамиз аҳолисининг қарийб 3 млн. нафарини меҳнатга лаёқатсиз кишилар ташкил этади. Улар, албатта ижтимоий ёрдамга муҳтож ҳисобланади.

Пенсионерларнинг 1 млн. 200 мингдан ортиғи имтиёзга эга. 40 минг нафари навбатда турибди.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Президентимиз Ислом Каримов «Савоб ишни ҳар ким, ҳар доим ва ҳар куни қилиши керак» деганлар.

2002 йилга келиб дунёда 16 млн. ногирон болалардан атиги 2% дан кўпроғи махсус таълим мактабларида ўқишади.

3. Ижтимоий кафолат масаласи: Кафолат французча сўздан олинган бўлиб, таъминот деган маънони билдиради. Лекин кафолат баъзи манбаларда ёзилишича арабча сўздан олинган бўлиб, масъулиятли, ишонтириш деган маъноларни билдиради. **Кафолат** – инсониятнинг, жамиятнинг демократия ва ҳуқуқий давлат томон ривожланиш жараёнида қўлга киритган ютуқларидан бири. Демократик ҳуқуқий давлат инсон, ташкилот ва оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқларини конституцияда ва бошқа давлат ҳужжатларида эълон қилиш билан чекланиб қолмай, улардан амалда фойдаланишни кафолатлайди, яъни таъминлайди, амалга оширишга барча шарт-шароитларни яратиб беради.

Кафолатлашнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий каби турлари бор. **Ижтимоий кафолатлар** деганда – барча Ўзбекистон

фуқароларининг миллати, тили, дини, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар Конституция ва бошқа Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган сиёсий, ижтимоий, иктисодий ҳуқуқлар билан бирга уларнинг ҳаёт даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, эҳтиёжманд оила ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ғамхўрлик қилишдир[1]. Ижтимоий кафолатлаш, энг аввало ижтимоий адолат ва ижтимоий муҳофазани тўғри йўлга қўйишни англатади.

Қисқача хулоса

Иктисодиёт (кенг маънода) – кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва у билан боғлик бўлган моддий муносабатларни ифодалайди. Шунингдек, табиат билан жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ҳам шу сохага киради. Ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг иктисодий асосини ташкил этади ва кишилар ҳаётининг барча ҳодисаларини, уларнинг истак ва интилишларини ҳамда ижтимоий муносабатларини тартибга солиб турувчи сиёсий ҳуқуқий ҳолатлар табиатини белгилайди.

Социал сиёсат бу умумий сиёсатнинг асосий кисмларидан бири бўлиб, ижтимоий режалаштириш ва бошқариш ҳақида иктисодий, сиёсий, тарбиявий-мафкуравий муаммоларни бартараф этиш билан бирга социал муаммолар хал этилади. Социал сиёсатда асосий масала – инсон тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Социал сиёсат фуқароларнинг ижтимоий тенглиги даражасини ифода этувчи социал адолатдир.

Демак, ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Фуқароларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини мутассил яхшилаб бориш. 2. Мулкчилик шаклларини ўзгартириш, кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш. 3. Шаҳар ва қишлоқда кенг тармоқли иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратиш орқали уларни бир-бирига яқинлаштириш. 4. Ижтимоий муносабатларнинг ҳамма соҳаларида адолат принципини янада тўларок амалга ошириб бориш. 5. Кўп миллатли Ўзбекистондаги миллатлар ўртасида тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстликни саклаш ва мустаҳкамлаш.

---

[1] Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат. Т.: «Шарқ», 1998, 90–91- бетлар.

Демак, жамият аъзоларининг турли кисмларини социал ҳимоялаш соҳасида олиб бориладиган сиёсат турли мамлакатларда турлича намоён бўлса-да, бироқ уларда кўпгина ўхшаш томонлар ҳам мавжуд бўлади.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Энг асосийси, одамлар турмуш даражасининг ўсиши хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожига боғлиқ бўлиб, у аҳолининг даромадларини оширишда ҳам салмоқли манба бўлиб хизмат қилади. Афсуски, биз бу имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдалана олмаяпмиз»[1].

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодиёт сўзи нимани англатади ва унинг асосий тармоклари нималардан иборат?

2. Иқтисодиётни ташкил этиш шакллари ёки иқтисодиёт тизимларини изоҳлаб беринг.

3. Макро ва микроиқтисодиёт сўзларига таъриф беринг.

4. Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарининг биринчи ва иккинчи бўлимларини изоҳлаб беринг.

5. Социал сиёсат тушунчаси нимани англатади ва унинг икки муҳим жиҳатини изоҳлаб беринг.

6. Социал бошқарувнинг қандай методлари бор ва унинг ташкилий принципларини баён этинг.

7. Кучли ижтимоий сиёсатнинг асосий тамойилларини баён этинг.

8. Ижтимоий адолат, ижтимоий кафолат, ижтимоий ҳимоя деганда нималарни назарда тутиш мумкин?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Мустақиллик муқаддас неъмат. – 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1997, 318-320-бетлар.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – 7-жилд, Т.: «Шарқ», 1998, 134-135-бетлар.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 36-37-бетлар.

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 341-бет.

4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халкни-халқ, миллатни-миллат килишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 84-85-бетлар.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 370-381-бетлар.

6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 334-336-бетлар.

7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2002 йил 25 апрел.

9. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

10. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

12. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича караш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

13. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жихатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутки. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

14. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, кувончлар. «Академия» нашриёти, 2001 йил.

15. Аристотель. Политика. Соч. Т.4. – М.: «Мысль».

16. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Халқ мероси», 1993.

17. Бобур. Бобурнома. – Т.: 1989.

18. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

19. Макиавелли. Государь. М.: 1990.

20. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т.: «Маънавият», 1996.

21. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. -Т.: Адолат,1997.

22. Темурнома. - Т.: 1990.

23. Темур тузуклари. Т.: 1991.

24. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

25. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма) – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 14-40-бетлар.

26. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 28-29-бетлар.

27. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 386-403-бетлар.

28. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 10-28-бетлар.

29. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март.

30. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005 6 апрель.

31. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005 26 апрель.

VI МАВЗУ. СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ

6.1. Давлат – жамият сиёсий тузилмасининг асосий ташкилоти сифатида

Сиёсий хокимият мураккаб ижтимоий ходиса бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотлардан таркиб топади.

Давлат – ижтимоий ходиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида мухим роль ўйновчи алохида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўровонлик билан иш олиб борса – реакцион давлат ҳисобланади. «Давлат» сўзи кўпинча «мамлакат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айрим ҳолларда «мамлакатимиз» деган сўз ўрнида «давлатимиз» деган сўзни учратишимиз мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари – фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунади[1].

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. Негаки, у ҳокимиятни ўзига энг кўп мужассамлаштирган сиёсий ташкилот бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ечишнинг энг кўп имкониятларига ҳам эгадир. Шу туфайли жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи бошқа институт ва ташкилотлар ҳам айнан давлат атрофида бирлашадилар. «Давлат» кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндошув мавжуд: **ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий**.

Давлат моҳиятини тушунишдаги 1-ёндошувга кўра, **давлат** – умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. 2-ёндошувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли

[1] Қаранг: Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия» 2001, 27-бет.

бўлиб хизмат қилган. 3-ёндошувнинг асоси қўйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўз ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир[1]. Албатта, учала ёндошувда ҳам муайян асос бор. Янглишув бир назарий қараш бошқаларидан устун қўйилиб, мутлақлаштирганда бошланади. Демак, давлатни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Давлат – суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилотидир.

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

Давлат – ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. «Ҳокимият», «давлат» ва «сиёсат» тушунчалари ўзаро жуда яқин бўлиб, бир-бирларини белгилаб беради.

Давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар қуйидагилардан иборат:

1. Теологик назария («бутун ҳокимият худоники» деган қоидага асосланади).

2. Патриархал назария (давлат катталашиб кетган оиладан келиб чиққан).

3. Шартнома назарияси (XVII-XVIII асрларда ёйилган, давлат – онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси).

4. Зўрлик назарияси (давлат зўрликдаги ғолибнинг ҳокимияти).

5. Ирригация назарияси (Шарқда улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан келиб чиққан).

6. Синфий назария (К.Маркс, Ф.Энгелрс, В.И.Ленин – фикрларича давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамият қарама-қарши синфларга ажралиши туфайли келиб чиққан).

Давлат тўғрисидаги қарашларни энг қадимги даврлардан учратсак-да, уни ҳозирги маънода тушуниш, яъни жамиятнинг сиёсий ташкилоти тарзида ўрганиш Н.Макиавеллидан бошланган.

Давлат ҳокимияти (давлат аппарати) – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тузилмага бирлашган, давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир. Давлат ҳокимияти – халқ ҳокимиятининг махсус тузилма – давлат орқали амалга

[1] Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999, 9–10-бетлар.

оширилишидир. Давлат ўз органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат қўлида тўпланганда гина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида мажбурлов ва таъсир чораларини қўллайди.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг 4 та бўлиниш принципи мавжуд. Ўзбекистон Конституциясининг халқ ҳокимиятчилигига бағишланган 11-моддасида эса давлат ҳокимияти 3 та бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Улар 1) қонун чиқарувчи (парламент); 2) ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси) ва 3) суд ҳокимияти. 4) Оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимиятдир (Бу дунёдаги ривожланган мамлакатларда). 2002 йил 4 апрелда Олий Мажлис 8-сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинди.

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларидаги ўзгаришларни, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга доир қонунларни ишлаб чиқади. Давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қонунларни бажариш ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият Ғарбда Парламент, Сейм, Конгресс ва ҳ.к. деб юритилса, Шарқда Олий Мажлис, Кенгаш деб аталади.

Парламент (фран. парле – гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади) – давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширади. Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Россияда Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада Сейм деб аталади.

Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасида ягона қонун қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритувчи Олий Давлат органидир.[1] Халқ вакиллари депутатларидан иборат бўлган Олий Кенгаш таркибида 1990–1994 йилларда 150 депутат, 1995–2004 йилларда эса 250 депутат бўлиб, улар сайловчилар томонидан 1) умумий; 2) тенг; 3) тўғри сайлов ҳуқуқи асосида; 4) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлисга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари 5 йил муддатга сайланади. Олий Мажлис ўз фаолиятини тегишли муддатларда

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 16–20-бетлар.

ўтказиладиган сессияларда амалга оширади, сессиялар бир йилда камида 2 марта чақирилиши белгиланган. Зарур холларда навбатдан ташқари сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

2005 йилдан бошлаб Олий Мажлис икки палатали: 1) **қуйи палата** – Қонунчилик палатаси кўппартиявийлик асосида округлардан 120 депутат сайланади. Қонун шу Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллангач, Президент томонидан имзоланади. 2) **Юқори палата** – Сенат палатаси. Сенат поғонали сайлов йўли билан ташкил қилинади. Бу сайлов тизимидаги янгилик. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳридан 6 кишидан, Қорақалпоғистон Республикаси вилоят, туман, шаҳарлардан депутат кенгашларининг қўшма мажлисида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси Президент томонидан белгиланади. Жами 94 Сенатор мавжуд бўлади. Олий Мажлис аъзоларининг умумий сони 214 депутат қилиб белгиланган.

Олий Мажлис ўз фаолиятига ёрдам бериш учун турли органларни тузади. Олий Мажлиснинг ваколатлари Конституция ва Олий Мажлис тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган. 1993 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 1994 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. 2002 йил 12-13 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Дунё мамлакатларининг баъзи парламентларида депутатлар сони қўйидагича:

1) АҚШ Конгрессига 535 депутат сайланади.
2) Россия Федерал Мажлисига 626 депутат сайланади.
3) Миср Халқ Ассамблеясига 454 депутат сайланади.
4) Исроил Кнессетига 120 депутат сайланади.
5) Финляндия Эдускунтига 200 депутат сайланади.
6) Исландия Альтинггига 63 депутат сайланади ва ҳ.к.

Парламентаризм тажрибаси кўрсатадики, парламент 1 палатали ёки 2 палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида 2 палаталидир. XX аср сўнгги ўн йилликларининг ўзида 2 палатали парламентлар сони 45 тадан 70 тага кўпайди. Ҳозирги замонда 2 палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декаб-

рда қабул килган Ўзбекистон республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорига кўра 2002 йил 27 январда референдум ўтказилиб, овоз бериш бюллетинига қуйидаги мазмундаги саволлар киритилди:

1. Сиз келгуси чақирик Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз? (93,65 фоиз сайловчилар «ҳа» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафаридан 93,65 фоизи, овоз берган, қарши овоз 6,35 фоизни ташкил қилди.

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз? (Умумий сайловчиларнинг 91,78 фоизи «ҳа» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган 11.117.841 нафардан 91,78 фоизи маъқуллаган, 8,22 фоизни қаршилар ташкил этди.

2. Ижро қилувчи ҳокимият давлатнинг турли идора ва муассасаларидан ташкил топган бўлиб, улар қонунларда ифодаланган тадбирларни ҳаётга жорий этади. **Ижро этувчи ҳокимият** – ҳокимиятнинг алоҳида тури, у Қонунчилик (вакиллик), суд ҳокимиятидан ҳоли, мустақил равишда иш олиб боради. Республика ижро этувчи ҳокимиятига Президент бошчилик қилади, жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятга эса ҳоким. Ижро этувчи ҳокимият ижро органлари томонидан амалга оширади. **Ижро органлари** – ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органларидир. Ўзбекистон Республикасида Олий ижро органи – Вазирлар Маҳкамасидир, у ҳам ҳукумат ҳисобланади, ҳам коллегиал, умумий ваколатли органдир. Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 23-24 февралда ва 2000 йил 11 февралда икки марта тайинлаб ва тасдиқлаб қўйилди. Ҳозир 21 та вазирлик ва 11 та давлат қўмиталари мавжуд. Ижро органлари турли тармоқ ва соҳаларни идора этади. Республиканинг марказий идоралари: вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқалар. Улар яккабошчилик асосида иш олиб боради. Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошчилик асосида амалга оширади. Жойларни идора этишда у ўзининг тармоқ идора органларидаги бўлим ва бошқармаларига таянади. Масалан, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан ташкил қилинади ва улар ўзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек вакиллик органи олдида ҳисоб беради[1].

Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимиятнинг раҳбари –

[1] Азизхўжаев А. ва бош. Конституциявий ҳуқуқ. Т.: «Академия», 2001, 44-45-бетлар.

Президент, шунингдек ижроия ҳокимият органи бўлиб Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳисобланади[1].

3. Суд ҳокимияти қабул қилинган ва ҳаётга жорий этилган қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи давлат идоралари муассасаларидан ташкил топади.[2]

Президент Ислом Каримов ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини баён этган эди. "Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди...."[3]

Давлат ҳокимияти ўзининг тузилиши, мазмуни, мақсад ва вазифаларига кўра бир хил бўлмайди. У айрим мамлакатларда кенг халқ оммасининг иродасини ифода қилса, баъзи мамлакатларда эса алоҳида сиёсий кучларнинг ёки озчиликнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шунга кўра бу ҳокимият ё халқ ҳокимияти ёки мустабид ҳокимият бўлади.

Мустабид ҳокимият озчиликнинг ҳокимияти бўлиб, у зўрликка асосланади. Бундай ҳокимиятлар кўпчиликни итоатда тутиб туришга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бўғиб қўйишга, демократияни тақиқлашга ҳаракат қилади. Мустабид ҳокимият жазолаш, мажбур қилиш усулларини кучайтиришга ва шу йўл билан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилади. Ўтмишда бундай ҳокимиятлар жуда кўп бўлган. Наполеон, Гитлер, Муссолинолар бошчилик қилган ҳокимиятлар зўрликка асосланган ана шундай ҳокимиятлар бўлган.

Давлат тузуми – Конституциявий ҳуқуқ (давлат ҳуқуқи) нормалари билан белгиланадиган ва мустаҳкамланадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тизими. «Давлат тузуми» «конституциявий тузум»га қараганда кенгроқ тушунчадир.

Давлат суверенитети – (фран. ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги) – давлатнинг ўз ички ишларида ва ташқи муносабатларида бошқа бир давлатдан тўла мустақиллиги[4]. **Суверенитет** – ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги бўлиб, мамлакатнинг мустақиллигини

---

[1] Юридик Энциклопедия. Тошкент: «Шарқ», 2001, 175–176-betlar.
[2] Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 104-бет.
[3] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 43– б.
[4] Конституциявий ҳуқуқ асослари. Т.: «Шарқ», 2001, 251-бет.

билдирувчи тушунча. Конституциявий ҳуқуқда давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети тушунчалари ишлатилади. **Давлат суверенитети** – ҳокимиятнинг мамлакат ичида олийлиги ва ташқи муносабатларда тўла мустақиллигидир. Бунда ҳеч қандай ташқи давлат ишларига таъсир қила олмайди. **Миллат суверенитети** – миллатларнинг тўла ҳокимиятини, уларнинг тўла сиёсий эркинлигини, ўз ҳаётини ихтиёрий, мустақил давлатни ташкил қила олишини билдиради. **Халқ суверенитети** – халқнинг тўла ҳокимиятини билдиради, яъни халқ жамият ва давлатни бошқариш имкониятини берадиган ҳамма иқтисодий ва сиёсий воситаларга эга бўлади[1].

Давлат рамзлари – Конституцияда белгиланган бўлиб (5-модда), байроқ, герб ва мадҳия ҳисобланади. Асосан ва умуман давлат рамзларига қуйидагилар ҳам киради:

1) Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси.

а) Давлат байроғи – 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинди.

б) Давлат герби – 1992 йил 2 июлда қабул қилинди.

в) Давлат мадҳияси – 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди.

2) Мустақил Ўзбекистон давлатининг номи. Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ «Давлатнинг Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маъно англатади» деб ёзиб қўйилган. «ЎзР» ёки «РУ» деб ёзиш керак, дейилади.

3) Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси (1992 йил 8 декабрда қабул қилинган).

4) Ўзбекистон Республикасининг давлат тили – 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган ва Конституциянинг 4-моддасида тасдиқланган.

5) Мустақил давлат пойтахти – Тошкент шаҳри. Конституциямиз 6-моддасида баён этилган.

6) Мустақил давлат фуқаролиги. Конституциянинг 21-моддасида айтилганидек, фуқаролик ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгисидир.

7) Давлат мукофотлари ва унвонлари (1997 йил ноябргача 30 та Ўзбекистон Республикаси фахрий унвони таъсис этилган).

8) Миллий валюта. 1994 йил 16 июнда қабул килган «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Президент Фармони. 1994 йил 1 июлдан «Сўм» муома-

[1] Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия», 2001, 97-бет; Юридик энциклопедия. Тошкент: «Шарқ», 2001, 404-бет.

лага киритилди.

9) Умумхалқ байрамлари ва бошқалар.

6.2. Давлатнинг асосий белгилари, шакллари ва вазифалари

Давлатнинг асосий белгилари – бу давлатни мустақил давлат сифатида эътироф этиш учун сабаб бўладиган тушунчалардир. Мустақил давлат бўлиш учун ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди, Конституцияси, аҳолиси (халқи), давлат рамзлари, фуқаролиги, армияси, олий ҳокимият органлари, пул бирлиги бўлиши зарур. Демак, давлатнинг асосий рамз-белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзига хос оммавий ҳокимиятнинг – давлат (ижтимоий) ҳокимиятининг таъсис этилганлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг борлиги.

2. Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги[1]. Бу фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшашини билдиради. Ёки бошқача айтганда, фуқароларнинг ҳудудий жиҳатдан бўлинганлиги.

3. Суверенитетлиги (фран. олийлиги), яъни ички ва ташқи сиёсат юритишда мустақил бўлиш.

4. Ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар риоя этадиган қонунларни чиқаришга қодирлиги.

5. Давлат аппаратининг сақланиши ва таъминланиши ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун **солиқлар солиниши.**

6. Умумиинсоний функциялари (вазифаларни) **бажариш,** яъни ҳудудни қўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш учун қуролли кучлар ва бошқа мажбурловчи органларнинг мавжудлиги. Бу махсус давлат органларига: мудофаа тизими, Ички ишлар вазирлиги, ички ишлар хизмати, прокуратура, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, божхона хизмати ва ҳ.к.

7. Конституция, давлат рамзлари ва фуқаролик мақомининг мавжудлиги.

Давлат шакли деганда, давлат тузилиши ва бошқарув усулини белгилайдиган ташқи хусусиятлар тушунилади. Давлат олий органларини ташкил этиш, давлат ҳокимиятининг ҳудудий тузилиши ва уни амалга ошириш усулларидир. Давлат шакли 3 элементдан ташкил топади. Булар қуйидагилардан иборат:

---

[1] Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 1999, 10–11-бетлар.

I. Давлатнинг бошқарув шакли.

II. Давлатнинг тузилиш шакли.

III. Сиёсий режим.

Энди буларни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Давлатнинг бошқарув шакли – Олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиш даражаси тушунилади. Дунёдаги барча мамлакатлар бошқарув шаклига қараб давлатни иккига ажратадилар: **монархия ва республика**.

1. Монархия шакли (юнон. якка ҳокимлик) – олий ҳокимият якка ҳоким давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқарув шакли. Бунда давлат бошлиғи наслдан-наслга ўтади ва монарх умрбод давлат бошлиғи бўлади.

Монархия давлат бошқарувининг 4 тури мавжуд: 1) Мутлақ монархия; 2) Конституцион монархия; 3) Парламентли монархия; 4) Чекланган монархия.

1) Мутлақ (абсолют) монархия – бунда монархнинг ваколати чекланмаган, у ягона ҳукмдор бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (қирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида) бундай монархия мутлақ монархия дейилади. Мутлақ монархия ҳозирги кунда 8 та мамлакатда сақланган, улар қаторига Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлар, Қувайт ва бошқалар киради.

2) Конституцион монархия – (ёки буни чекланган – парламент ҳам дейилади) шакли ҳам мавжуд. Агар монархнинг ҳокимияти Конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий, парламент шаклида бўлади. Бунда мамлакатда Қонунчиликни парламент, ижро ҳокимиятини ҳукумат олиб боради. Масалан, Япония ва бошқа мамлакатлар киради. Монархлар турли мамлакатларда турли номлар билан аталади. Масалан, Японияда – император, Англияда, Испанияда – қирол, Малайзияда – султон, қувайтда – амир, Люксембургда – буюк герцог.

3) Парламентлик монархия – мамлакатлари (ҳозирги Англия, Бельгия, Норвегия, Швеция)да қирол шоҳлик вазифасини ўтасада, мамлакатни тўла маънода бошқаролмайди. Ҳукумат парламент томонидан сайловларда кўп овоз олган муайян партиялар вакилларидан иборат қилиб шакллантирилади.

4) Чекланган монархия – турли тарихий даврда турли кўри-

нишга эга бўлади. Ҳозирги замон олимлари чекланган монархияни (феодализм даврида) табақавий-вакиллик ҳамда конституциявий монархияга бўладилар. Конституцион монархия ўз навбатида дуалистик ва парламент кўринишларга эга[1].

2. Республика шакли – (юнон. «умумий иш») ҳокимиятнинг олий идоралари муайян муддатга сайланадиган давлат бошқарув шаклидир. Бунда давлат органлари сайланади (масалан, парламент) Республикада фуқаролар сиёсий ва шахсий ҳуқуққа эга бўладилар. Ҳозирги вақтда дунёдаги барча давлатлардан 140 таси республика шаклида бошқарилади.

Давлат бошқарувининг республика шакли қуйидаги турларга бўлинади:

1) Президентлик республика – бунда давлатни халқ томонидан сайлана-диган, жуда кенг ваколатларга эга бўлган Президент бошқаради. У давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам бошлиғидир. Масалан, АҚШ, Мексика, Ўзбекистон ва ҳ.к. Ўзбекистон давлат тузуми – Республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент.

2) Парламентар республика – бунда давлат бошлиғи – сайланувчи мансабдор шахс – жуда кичик ваколатларга эга. Унинг ҳукуматни тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутган ўрни номигагина аҳамиятга эга. У ҳукуматни бошқармайди, ҳукуматни Бош Вазир бошқаради. Аммо ҳукумат уни тарқатиб юборишга мумкин бўлган парламент олдида жавобгардир. Парламентар республикага Италия, Германия, Венгрия, Австрия кабилар мисол бўла олади. Бу мамлакатларда, яъни парламентар республикада парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент президентни сайлайди. Бунда президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди.

Парламент – бу жамият ҳаётини ойнадай акс эттирадиган кўзгу "Бинобарин жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги мухокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай Қонунчилик ҳокимиятига ишонади"[2]

3) Аралаш типдаги республика (ярим президентлик) – бунда президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни Президент умумхалқ сайловларида

---

[1] Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ умумназарий масалалар (давлат назарияси). Т.: «Адолат», 2000, 150–151-бетлар

[2] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 26 – б.

сайланиб, юридик ва реал ваколатларга эга бўлади. Бирок хукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у нафакат Президент олдида, балки парламент олдида хам сиёсий жавобгар бўлади. Бунда Президент хукуматга умумий рахбарлик килади, лекин уни бош вазир бошкаради. Президент маълум холатлар юз берганда парламентни таркатиб юбориш хукукига эга. Масалан, Францияда Президентни халк сайлайди, у жуда катта ваколатларга эга, аммо у хукуматни бошкармайди.

4) Суперпрезидентлик республикаси[1].

5) Социалистик республика.

II. Давлатнинг тузилиш шакли. Бу давлатнинг тузилишини белгилирувчи хусусият бўлиб, давлатлар 1) федератив (мураккаб) ёки 2) унитар (оддий) ҳамда 3) конфедератив турларга бўлинади.

1. Федератив давлат (фран. бирлашма, иттифок) – маълум сиёсий мустакилликка эга давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Федератив давлат миллий ёки худудий тамойиллар асосида тузилиши мумкин. Федерациянинг субъектлари: республика, вилоят, ўлка (Россия), штат (АҚШ ва Хиндистонда), ерлар (Германияда) деб аталади. Федератив давлатларда бир неча Конституция, бир неча фукаролик бўлади. Унитар давлатдан фаркли ўлароқ федерация ҳокимият олий органларининг 2 тизимига эга: 1) федерал органлар; 2) Федерация аъзоларининг тегишли органлари, федерал органлар ўз ваколатлари ва функцияларини бутун мамлакат худудида амалга оширадилар. Федерацияни ташкил этувчи тузилмалар том маънодаги давлатлар эмас.

Федерация худудий ва миллий турларга бўлинади.

1) Худудий федерация.

2) Миллий федерация.

Жахонда 20 дан кўпрок федерациялар бор. Хусусан, АҚШ, Германия, Бразилия, Россия, Хиндистон (Бир вактлар собик СССР, Чехословакия, Югославия) каби.

2. Унитар давлат (фран. ва лот. бирлик) – давлат ёки миллий давлат тузилишининг оддий кўриниши бўлиб, у давлат тузилиши шаклларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат ҳукуқи маъмурий-худудий бирликларга (вилоят, округ, туман, департамент ва х.к.) бўлинади. Унитар давлатда, федерациядан фарқли равишда, худуд, битта конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти ягона, олий вакиллик органи, битта ҳукумат мавжуд бўлади. Бу эса мамлакатнинг

[1] Исломов З., Хусанов О., Мирҳамидов М. Ҳуқуқшунослик. Маърузалар матни. Т.: «ЎАЖБНТ», 2000, 29-бет.

бутун ҳудудида марказий ҳокимиятнинг таъсирини кучайтириш учун ташкилий-ҳудудий шароитлар яратади. Айрим ҳолларда унитар давлатга мухтор давлат ташкилоти макомига эга бўлган бир ёки бир неча бирликлар кириши мумкин. Масалан, мухтор вилоят, мухтор республика. Ўзбекистон таркибида давлат тузилишига хос белгилари мавжуд бўлган Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд.

Умуман, унитар давлат ягона конституцияга, ягона олий Қонунчилик ва олий идора органига эга марказлашган давлатдир. Унитар давлатларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғистон, Франция, Италия каби мамлакатлар киради. Унитар давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади, давлат одатда бир миллатли бўлади.

3. Конфедератив давлат (лот. иттифоқ, бирлашма) – давлатлар иттифоқининг муайян мураккаб шакли бўлиб, унда иттифоққа кирувчи давлатлар ўз суверенитетларини тўла сақлаб қоладилар. Конфедерация ҳам халқаро ҳуқуқий ташкилот, ҳам давлат ташкилоти хусусиятларига эга. Ҳозирги кунда дунёда биттагина конфедерация – Европа Иттифоқи мавжуд. Турли даврларда қуйидагилар конфедерация шаклида бўлган: Австрия-Венгрия (1918 йилгача), Швеция ва Норвегия (1905 йилгача), АҚШ (1781–1787 йй.), Швейцария (1815-1989 йй.). Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, конфедерация ўтиш даврининг ёки иттифоқнинг тўла барбод бўлиши ёхуд федератив (иттифоқ) давлатга айланишининг шаклидир. Конфедерацияда ягона пул тизими ўрнатилмайди, иттифоқ фуқаролиги бўлмайди ва ҳ.к.

III. Сиёсий режим. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш усули, ташкил этишнинг бир шакли ва йўналишлари мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ҳамда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради. Аммо бу ҳақда умумэътироф этган ягона фикр йўқ. Аслида сиёсий режимни жамият сиёсий (давлат ҳокимиятини) ҳокимиятини амалга ошириш усуллари, шакллари, йўллари тизимини белгилайди. Бу ҳокимиятнинг функционал тавсифидир. **Сиёсий режим** – давлат шаклининг жамиятда инсон мавкеини белгиловчи энг муҳим элементидир. Давлатчилик тарихида сиёсий режим 2 та катта гуруҳга бўлинади: 1) демократик режим; 2) антидемократик режим.

1) Демократик режим. Халқ ҳокимиятчилиги икки шаклга эга: вакиллик демократияси ва бевосита демократия.

а) **Вакиллик демократияси** – халкнинг ўз ҳокимиятини вакиллик идоралари, яъни демократик ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи

бошқариш идораларининг сайлаб қўйиладиган органлари орқали амалга оширилишини билдиради.

б) **Бевосита *демократия*** – халқнинг демократик ҳокимият масалаларини ҳал этишда умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан тўғридан-тўғри иштирок этиши.

2) Антидемократик режим (демократияга зид режим)да давлат идоралари ҳокимиятни амалга ошириш чоғида демократия принциплари ва *қоидаларига риоя этмайдилар*, уларни доимо ёки тез-тез бузадилар.

Давлатнинг вазифалари: мамлакатнинг нормал ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодни ташкил қилиш натижасида фаровон ҳаёт *яратиш демакдир*. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ҳам давлатнинг вазифасидир. Давлат ўз вазифасини бажариш жараёнида чет мамлакатлар билан алоқалар ўрнатади ва ўз фуқаролари манфаатини чет мамлакатларда ҳам ҳимоя қилади. (Конституциявий ҳуқуқ. Т.: «Академия», 2001, 31-бет). Шу билан бирга давлат ҳокимияти мамлакатда *ижтимоий* тартибни сақлайди, фуқароларнинг тотувлигини, давлатнинг бир бутунлигини таъминлаб, уни ички ва ташқаридан бўладиган ҳужумлардан ҳимоя қилади, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва бошқа вазифаларни бажаради.

Давлат *ҳокимняти вазифалари* ички ва ташқи функцияларга бўлинади:

1) Давлатнинг ички функциялари давлат ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Ички функцияга қуйидагилар киради:

а) *Регулятив (тартибга солиш*, бошқариш) – мамлакатда ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш.

б) Кўриқлаш (сақлаш, муҳофаза қилиш) – қарама-қарши кучлар қаршилигини бостириш. Ички хавфни бартараф этиш.

в) Ижтимоий ҳимоя, буйруқбозликнинг олдини олиш, ҳуқуқ тартиботини *таъминлаш ёки фуқаролар* тотувлигини сақлаш.

г) Маънавий-мафкуравий фаолиятни, сиёсий онгни шакллантириш.

2) Ташқи функциялар – давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу ўз навбатида:

а) *тинчлик учун кураш;*

б) мудофаа ва хавфсизлик – мамлакатни ташқаридан бўладиган ҳужумлардан мудофаа қилиш;

в) халқаро ҳамкорлик: халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш;

г) бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли нормал муносабатларни бошқариб бориш;

д) умумбашарий муаммоларни ҳал этишда халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш ва ҳ.к.

Қисқача хулосалар

Давлат – жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синф, ташкилот, ҳамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институтдир.

Давлат ҳокимияти қонунийдир, яъни давлатнинг, унинг органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади. Давлат ҳокимияти ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб турувчи, ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари кенг имкониятга эга эмас.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти кенг халқ оммасининг иродасини ифода қилувчи халқ ҳокимияти ҳисобланади ва халқ манфаатларига хизмат қилади.

Давлатнинг бошқарув шакли – ҳокимиятни ташкил қилиш олий органларининг ваколатлари, улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлади. Давлатнинг бошқарув шаклини аниқлашда энг муҳим белги – давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақоми қандайлиги, у давлат бошига қандай йўл билан келиши ҳисобланади.

Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузаси бу борада катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлат нима ва уни изоҳлаб беринг?
2. Давлатнинг келиб чиқишига доир қандай назариялар мавжуд?
3. Давлат ҳокимияти деганда сиз нимани тушунасиз?
4. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?
5. Парламентаризм ҳақида Президентимиз Ислом Каримов қандай ғояларни илгари сурган эди?

6. Ўзбекистондаги Олий Мажлис нима учун 2 палатали қилиб белгиланиши ҳақида референдум ўтказилди, сабаби нималарда деб биласиз?

7. Демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳақида тўхталинг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 4-5, 8-9, 14-33-бетлар.

2. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаш-тиришнинг муҳим вазифалари. 5-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 120-121-бетлар.

3. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. – 5-жилд, Т «Ўзбекистон», 1996, 185-187-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – 6-жилд, Т «Ўзбекистон», 1998, 178-188-бетлар.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380-бет.

6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-334-бетлар.

7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 495-бет.

8. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрел.

10. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

11. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

13. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

14. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

15. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: қурашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001 йил.

16. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Халқ мероси», 1993.

17. Низомиддин Шомий. – Зафарнома. Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.

18. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

19. Жалилов А. Сиёсий партия: юксалиш муаммолари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992.

20. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

21. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма) – Т.: «Ўзбекистон», 1990.

22. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.

23. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 256 – 275 – бетлар.

24. Жўраев С.Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 38-50-, 38-50-бетлар.

25. Усманов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. Т.: F.Fулом ном. нашр. – матбаа уйи, 2004, 3-47-бетлар.

26. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март

27. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005 апрель.

28. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005 26 апрель.

VII МАВЗУ. СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА КЎП ПАРТИЯВИЙЛИК. ОАВ ВА ДЕМОКРАТИЯ

7.1. Сиёсий партия тушунчаси, унинг классификацияси ва партиявий тизим ҳамда сиёсий ҳаракатлар

Ўрни ва аҳамияти жиҳатидан сиёсий партиялар ва ҳаракатлар жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. Қайси мамлакатда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, шу мамлакатда фикрлар эркинлиги ҳам бўлмайди, бу ҳол жамият ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Тарихий тараққиётнинг маълум бир боскичида жамиятда ижтимоий-иктисодий табақаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода килувчи сиёсий партиялар шакллана бошлаган.

«Партия» сўзи лотинча «парз» – қисм, бўлак сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади.

Сиёсий партия – ижтимоий синф, табақа ва гуруҳларнинг туб манфаатларини ўз фаолиятида ифода этувчи, уларнинг муайян мақсад-манфаатларини, орзу-умидларини ҳимоя қилиш учун курашда уларга сиёсий раҳбарлик қилувчи сиёсий ташкилотдир.

Бошқача айтганда, **сиёсий партия** – жамиятнинг муайян қисми, манфаатларини ифодаловчи ва давлат органлари фаолиятида иштирок этишни ўзига мақсад қилиб қўювчи маслакдошларнинг уюшган гуруҳидир.

Сиёсий партиялар – жамиятнинг муайян ижтимоий табақалари фаол намоёндаларини бирлаштирувчи, сиёсий ҳаётда бевосита иштирок этиш орқали ўз манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилот. Ёки бошқача изоҳлаганда, **сиёсий партиялар** – қараш ва мақсадлари бир бўлган турли табақа ва гуруҳлардаги фуқароларнинг сиёсий мақсадни кўзлаб тузган бирлашмалари – ташкилотларидир.

Сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиб, тегишли органларга ўз вакилларини ўтказиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятида иштирок этади. Шу билан бирга сиёсий партиялар замонавий жамият тизимининг муҳим қисми бўлиб, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

Сиёсий партияларнинг вужудга келиши сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун муросасиз кураш олиб бориш заруриятн билан узвий боғлиқдир. Сиёсий партияга ўхшаш институтлар Ғарб ва Шарқда қадимдан мавжуд бўлган[1]. Тарихдан маълумки, сиёсий партиялар қадимги Юнонистонда ташкил топган бўлиб, улар олдин жуда озчиликни ўз сафларида бирлаштирган. Улар таркиби жиҳатидан жуда тор доирада уюшган сиёсий ташкилотлар бўлган. Улар асосан жамиятдаги турли синфларнинг манфаатларини эмас, балки қулдорлар синфи ичидаги хилма-хил сиёсий оқимлар манфаатларини ифода этган. Афинада гетерийлар, Рим оптимат ва популярлари антик даврида сиёсий партия вазифаларини бажаришган.

Ўрта асрларнинг сиёсий ҳаётида ҳам сиёсий партиялар ўз моҳияти жиҳатидан бир оз фарқ қилган. Фақат мустабидлик ёки мутлақ ҳукмронлик тузумларида сиёсий партиялар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида очиқ ҳаракат қила олмаган.

Саноатлаштириш даврига қадар сиёсий партияларнинг универсал шакли кланлар ва махфий ташкилотлар эди. Кланлар асосан қариндошлик алоқалари билан боғланган кишилардан иборат эди. **Ўрта асрлар** Англиясида Йорклар ва Ланкастерлар, Арабистонда (ўрта асрда) эса алавийлар («Али партияси»), Осиё давлатларида ҳозирги кунда ҳам қариндошлик ва юртдошлик принципларининг сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида аҳамияти катта.

XVIII-XIX асрларга келиб, сиёсий партиялар белгиланган тарзда тасдиқланган дастур, низоми ва доимий аъзолиги билан замонавий демократик институтлар шаклланиши даврида пайдо бўлган. Агар партия муҳолифат хусусиятига эга бўлса, демократик муассасалар ривожланмаган шароитда махфий ташкилот хусусиятларига эга бўлиб қолади. Масалан, Европада Массонлар ташкилотлари, Ислом дунёсида Исмоилийлар ташкилотлари. Айрим пайтларда бу сиёсий партиялар махфий ташкилот хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Ҳозирги шароитда амал қилаётган сиёсий партиялар ўз ижтимоий аъзоси, таркиби ва сиёсий ҳаракат дастурининг қандай мақсадларга йўналтирилганига қараб 3 гуруҳни ташкил этади:

1. Феодал муносабатлари ва тартибларининг сақланиб қолишини ифода этувчи сиёсий партиялар. Бу гуруҳга Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги феодал муносабатлари сақланиб қолаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар киради. Мақсади: феодал тузум тартибларини ҳимоя қилишдан иборат.

[1] Юридик энциклопедия. Т.: «Шарқ», 2001, 392-бет.

2. Буржуа синфи манфаатини ифода этувчи партиялар бўлиб, подшоликни тан олади, баъзан социал-демократик кўринишдаги партиялардир.

3. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, ҳунарманд-косиблар ўз манфаатини сиёсий фаолиятлари ва ҳаракат дастурларида акс эттирадиган сиёсий партиялардир[1].

Аввал бошда капиталистик жамиятда сиёсий партиялар XIX асрда буржуазиянинг турли гуруҳлари томонидан тузилган. **Америка қитъасида:** АҚШ Демократик партия (1828), АҚШ Республикачилар партияси (1854), Колумбия консерватив партияси (1848), Колумбия либерал партияси(1849), Аргентина гражданлар радикал Иттифоқ партияси (1891), Гондурас либерал партияси (1891), Гондурас миллий партияси (1891) ташкил топди. **Европада:** Бельгия католик партияси (1830), Италия республикачилар партияси (1832), Буюк Британия либерал партияси (1832), Буюк Британия консерватив партияси(1867) ташкил топди. **Осиёда:** Ҳиндистон миллий Конгресси партияси (1885). **Африкада:** (асосан XX аср бошларида) Жанубий Африкаликлар миллий конгресси партияси (1912), ЖАР Миллатчилар партияси (1913). **Австралия ва Океания қитъасида:** Австралия лейбористлар партияси (1891), Миллий (собиқ аграр) партия (1916), Лейбористлар партияси (1916), Австралия либерал партияси (1944) ва бошқа партиялар юзага кела бошлади. Сиёсий партиялар фаолияти Ўрта Осиёда асосан XX аср бошларига келиб ташкил топди. Бу аввало Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсатига қарши озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлган[2]. Жумладан, шу йилларда кенг ёйилган жадидчилик ҳаракати туфайли «Турон», «Иттиҳоди тараққий», «Бирлик», «Шарқ озодлиги», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар», «Мифтаҳ ул-маориф» ва бошқа кўплаб ижтимоий ташкилотлар фаолият кўрсатган. Аммо собиқ шўро ҳукуматининг қуролли истилоси натижасида барча миллий сиёсий партиялар фаолияти тақиқга олинди ва батамом тугатилди. Фақат истиқлол туфайлигина Ўзбекистонда сиёсий партиялар том маънодаги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таркибига айланди.

Партиявий тизим – жамият ичида ижтимоий фаолиятни шакллантирувчи, ташкил этувчи сиёсий институтлар мажмуасидир. Сиёсий институтлар бир томондан сиёсий партиялар билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бошқа томондан – партиялар сиёсий

---

[1] Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997. 111-112-б.
[2] Политология. Маърузалар матни. Т.: «ЎАЖБНТ», 2000, 92-бет.

тизимнинг ижтимоий элементлари ва фуқаролар ўзаро муносабатлари ифодаси. Партия тизими маълум бир жамият ёки давлатлар томонидан қабул қилинмаган. Масалан, Бутан, Уммон, Қувайт, Саудия Арабистони кабилар. Шу билан бирга бир партияли ёки кўп партияли тизимлар ҳам мавжуд.

Сиёсий партияларнинг партиявий тизим жиҳатидан **таснифи, турлари.** Дунё давлатларида партиявий тизим классификацияси, турлари қуйидагилардан иборат бўлиб келган:

1. Кўппартиявийлик тизими. Бу тизимда фуқароларга турли партиялардан номзодларни танлаб олишга ва жамиятни давлатлаштиришда у ёки бу дастурга афзаллик беришга имкон яратади. Кўп партиявийлик тизими ўз навбатида:

1) Кўп партиявийлик тизимида **ҳукмрон партияларга** бўлинади. Масалан, АҚШ Демократик партияси (1828), АҚШ Республикачилар партияси (1854), Австралия лейбористлар партияси (1916), Австралия Альянс партияси (1966), Ўзбекистонда ФМДП (1998), ХДП (1991) ва ҳоказо.

2) Кўп партиявийлик тизимида **ҳукмронсиз партиялар.** Масалан, АҚШ Компартияси (1919), АҚШ Социал-демократик партияси, АҚШ Социалистик партияси. Ўзбекистонда бизнинг тахминимизча, «Адолат» партияси (1995), Миллий тикланиш партияси (1995) ва ҳоказо.

3) **Иттифоқ (блок) партиялари.** Масалан, Германия социал-демократик партияси (1869), Христиан социал Иттифоқи (1945), Эркин демократик партия (1848), Христиан демократик Иттифоқи (1950), «Кўкатпарварлар» партияси (1980) ва ҳоказо.

2. Икки партиявийлик тизим. АҚШда 2 партияли тизим таркиб топган бўлиб, ҳокимият тепасига Республикачилар (ҳозирги президент Ж.Буш) ва Демократик партия келиб туради.

3. Бир партиявийлик тизими. Тарихнинг бориши якка партиявийлик тизими давлатда диктатура ўрнатилишига олиб келишини тасдиқлади.

Политология таълимотида политологлар сиёсий партиялар тузилишига доир турли фикр-мулоҳазаларни билдирганлар.

Сиёсий партияларнинг тузумга кўра турлари:

1. Буржуа-демократик партиялар.
2. Авторитар партиялар.
3. Социалистик партиялар.

Сиёсий партиялар фаолиятидаги устунлик хусусиятига қараб, уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Авангард типидаги партиялар.

2. Парламент типидаги партиялар.

3. Сайлов компаниясида иштирок этиш учун тайинланадиган партия (кўпроқ ривожланган мамлакатларда).

4. *Муносабат* партияси, клуб партияси (маърифатпарварлик характеридаги, масалан, Москва ишчилар клуби ва ҳоказо).

Сиёсий партияларнинг синфий белгиларига кўра: пролетар (ишчи), дехкон, майда буржуа, буржуа, помешчик партиялари мавжуд бўлган.

Сиёсий партиялар мафкуравий белгиларига кўра: коммунистик, социалистик, социал-демократик, халқ, либерал, консерватив, диний ва миллий партияларга бўлинган.

Сиёсий партиялар мавжуд тузумга кўра: инқилобий, ислоҳотчи, консерватив ва реакцион партиялар бўлган.

Сиёсий партиялар ташкил топиши, фаолият усулларига кўра: демократик, авторитар, тоталитар партияларга ажратилган.

Сиёсий партиялар таркибига кўра: оммавий партиялар, ходимлар партияси, оқ суяклар партияси бўлган.

Сиёсий партиялар сиёсий йўналишига кўра: сўл, марказ, ўнг партияларга бўлинади.

Сиёсий партиялар фаолиятига кўра: босиқ, радикал, экстремистик *партиялар учрайди.*

Демократик жамиятнинг муҳим омилларидан бири бўлган **кўппартиявийлик** мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг объектив жараёнига айланди. Партия жамият ҳаётини демократлаштиришда ва ҳар бир мамлакат олдида турган вазифаларни белгилаш ва амалга оширишда ўзига хос ўринга эга бўлади ҳамда муайян функцияларни бажаради. **Биринчидан**, жамоатчилик фикрини шакллантиради. **Иккинчидан**, сиёсий фаолиятда иштирок этади. **Учинчидан**, фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифаларини ўтайди. **Тўртинчидан**, сиёсий маданиятни оширади. **Бешинчидан**, парламент ва ҳукумат фаолиятига сиёсий мақсадлари орқали таъсир кўрсатади. **Олтинчидан**, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга ошишида фаол иштирок этади.

Партия дастурлари сиёсий-ижтимоий аниқ мақсад ва функция-

ларга қаратилган бўлиб, улар 2 турга бўлинади.

1. Ички функциясига кўра: 1) жипслаштирувчи; 2) мувофиқлаштирувчи; 3) рағбатлантирувчи; 4) етакчиликка интилиш; 5) Ўзбекистон мавкеига мослиги.

2. Ташқи функциясига кўра: 1) тарғибот ва ташвиқот; 2) маълум сиёсий йўналишга мослаштириш; 3) сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик каби вазифалар киради.

Сиёсий партиялар фаолияти қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

1. Ўз фаолият мақсадларини аниқлаш ва белгилаш, ўзининг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадиий қарашлари тизимини яратиш ва уларни кенг омма орасида ёйиш.

2. Жамият аъзоларининг турли манфаатларини ўз фаолияти ва ҳужжатларида мумкин қадар кенг қамраб олиб, улар учун энг маъқул партияга айланишга интилиш.

3. Турли органларга сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда ниҳоятда ўринли ва долзарб шиорларни ўртага ташлаб, сайловчиларнинг мумкин қадар кенг доираси овозини ўз фойдасига ола билиш.

4. Сиёсий партия қаторига янги аъзоларни тортиш ва саралаш йўли билан унинг етакчи ва билағонлари табақасини шакллантириш.

5. Партия дастурида кўрсатилган вазифалар ва ваъдаларни қонун чиқарувчи ҳамда ижроия давлат органлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилиш.

Демак, сиёсий партиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этадилар.

2. Олий Мажлис сайловларида иштирок этадилар.

3. Маҳаллий вакиллик органларини тузишда иштирок этадилар.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессияси «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонун қабул қилди. (Унгача сиёсий партиялар фаолияти 1991 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун асосида иш олиб борди). Янги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун 17-моддадан иборат. Президентлик ваколатларини бажариш вақтида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиш шарт. Қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар: судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, милиция, хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Сиёсий партия ту-

зиш камида 8 та ҳудудий субъект (вилоят), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 5 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади (Олдин, 1996 йилгача 5 та вилоятдан 3 минг имзо тўплар эди). Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида 50 кишидан иборат бўлиши, партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаши, таъсис съезди ё конференциясини чакириш бўйича ташкилий қўмита тузишлари лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб 7 кунлик муддатда, кечиктирмасдан Республика Адлия вазирлигига қўмита ҳақида, раҳбарияти ҳақида хабардор қилиши лозим. Ташкилий қўмита 3 ой фаолият кўрсатиши мумкин. Съезд ё конференция чакириши лозим. Таъсис съезди ё конференцияда партия низоми ва дастурини қабул қилади, органини тузади. Низом қабул қилингач, 1 ой муддатда ЎзР Адлия вазирлигига партия органининг камида 3 аъзоси имзолаган ариза, низом, дастур, таъсис съезди ё конференция баёни, рўйхатдан ўтказиш йиғими – банк ҳужжати ва бошкалар топширилиши керак. Адлия вазирлиги 2 ой ичида кўриб чиқади. Рўйхатдан ўтса, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши керак. Сиёсий партия ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қиладилар ва ўз фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида Олий Мажлис ё ваколат берувчи органга ҳисобот тақдим этади.

Сиёсий партиялар тегишли тартибда рўйхатга олингач, фаолиятини амалга оширади. Улар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва махсус қарорлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар (улар 4 та):

1. Фидокорлар Миллий демократик партияси (ФМДП) – (1998 йил 28 декабрь). 2000 йил 14 апрелда янгидан ФМДП ташкил топди, яъни «Ватан тараққиёти» (1992 й. 24 майда тузилган) ва Фидокорлар МДП битта партияга бирлашди. Бош котиби Эркин Норбўтаев эди. 2000 йил 14 апрелдан ФМДП МКнинг бош котиби этиб Ахтам Турсунов сайланди. Партия аъзолари тахминан 50 мингдан ошик. Партия олий органи Қурултой бўлиб, у 5 йилда 1 марта чақирилади. Партия аъзоларининг кўпчилиги ёшлардир. Партия дастурида «Кураш ҳам ҳуқуқдир. Ҳақиқат йўлида курашмоқ ва фидокорлик демакдир» шиор мавжуд. Шунингдек, Президентнинг «Кучли давлатдан кучли жамият сари» дастурий ғоясини илгари суради. Олий Мажлисда ўз фракциясига эга бўлиб, парламент типидаги партиядир. 1999–2004 йилларда Олий Мажлисда 52 депутати бўлиб, парламент фрак-

циясида 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Партия ҳокимиятга эришиш учун Президент, парламент, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш идораларигача сайловларда қатнашади. Сиёсатни ушбу идораларда қонуний йўл билан халқ томонидан сайланган вакиллар орқали амалга оширади. 2000 йил 9 январда Президент сайловига Ислом Каримов номзоди ана шу партия орқали биринчи бўлиб кўрсатилди. ФМДПнинг **асосий мақсади:** фуқаролар фаоллигини ошириш ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш. Ёки ФМДП 3 устувор масалани ечишни мақсад қилиб қўйган:

1. Эркин бозор иқтисодиётига суянган очиқ, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш.

2. Эл-юрт ҳаёт даражасини тараққий топган давлатлар ва халқлар даражасига кўтариш.

3. Жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг ўзига муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш.

Шунингдек, демократик жамият тараққиётини жадаллаштириш, зиёлилар, тадбиркорлар ва деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш, хусусий мулкчиликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш. Ўз фаолиятида ҳамиша амалий тажриба ва соғлом ақл-идрокка таяниб иш кўриш.

ФМДПнинг матбуот органи: «Fidokor» газетаси. Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол тарғибот ишларини юритиб келмоқда.

2. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ХДП) – (1991 й. 1 ноябрь). Биринчи котиби: 1991–1994 йилларда М.Расулов, 1994 йил 1 ноябрдан Абдулҳофиз Жалолов. Партия аъзолари 557 минг 100 нафардан кўпроқ. Аъзолари салоҳиятининг 200 мингга яқин қисмини 30 ёш атрофидагилар ташкил этади. 14173 та бошланғич ташкилоти бор. ХДП ўз сафларида кенг оммани – зиёлилар, хизматчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийларни, 80 га яқин миллат ва элатларни бирлаштирган. 1995–1999 йилларда Олий Мажлисда 69 депутат (27%), 1999–2004 йилларда 50 депутатдан иборат партия фракциясига эга[1]. Бу жиҳатдан парламент фракциялари орасида 2-ўринда туради. 2000 йил 9 январда бўлган сайловларда мамлакат Президентлигига номзод қилиб А.Жалолов номзоди кўрсатилди ва сайловда 4,17% овозга эга бўлди (И.А.Каримов эса 91,9%).

ХДПнинг олий органи қурултой бўлиб, у 5 йилда 1 марта чаки-

[1] Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 7-сессияси материалларини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар. Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 10-бет.

рилади. Партия шиори: «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат». 1993 йил декабрида ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси қабул қилинган. 1999 йил октябрида 3-қурултойда қабул қилинган янги таҳрирдаги дастурига «Ёшлар – Ватан келажаги» номли махсус бобни киритди. ХДПнинг мақсади: ижтимоий адолат, мамлакат тараққиёти ва маънавий янгиланишини таъминлаш. Ёки бошқача айтганда, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий максадлари:

1. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш.

2. Туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни амалга ошириш орқали равнақ топган қудратли, демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятни бунёд этиш.

3. Кишиларнинг миллати, сиёсий қараштари, диний эътиқодларидан қатъи назар, муносиб ҳаёт кечириш учун тенг имкониятларни яратиш.

4. Фуқароларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари, тинч ҳаёт кечиришини кафолатлаш.

Матбуот органи: «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, шунингдек, ойлик «Мулоқот» журналига эга. Журналистлари аккредитация қилинган. "Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолини кам таъминланган ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳақида дастурий чиқишлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди"[1]

3. «Адолат» социал демократик партияси (1995 йил 18 февраль).

Партия Марказий Кенгаши раиси Турғунпўлат Даминов. Партия аъзолари 30 минг кишидан зиёд. 147 шаҳар ва туманларда мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари бор. Кенг омма табақасини ўзида бириктирган. Парламентда ўз фракциясига эга бўлиб, Олий Мажлисда 1995–1999 йилларда 44 депутати (17%), 1999–2004 йилларда эса 9 депутати бор. Президент сайловида (2000 йил 9 январь) И.А.Каримов номзодини кўрсатди. Партия шиори: «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак». Партиянинг мақсади: ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ижтимоий адолат ўрнатиш. Ёки бошқача айтганда, «Адолат» СДП ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйган:

1. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш.

2. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш.

3. Ватанга содиқ хизмат қилиш.

---

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 20-21 б.

4. Адолатли фуқаровий жамият қуриш.

5. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-демократик талабларга ҳамда мамлакатимизда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг орзу-умидларига монанд шарт-шароит юзага келтиришга ҳисса қўшиш.

Матбуот органи: «Адолат» ҳафталик газетаси.

4. Миллий тикланиш партияси (1995 йил 3 июнь).

Партиянинг биринчи котиби дастлаб Азиз Қаюмов эди, 2002 йилдан эса Иброҳим Ғафуровдир. Партия аъзолари 10 минг кишидан кўпроқ. Ўз фаолиятида кўпроқ Ўзбекистон зиёлиларига суянади. Ижтимоий қатлам сифатида ўрта табақаси, яъни ўқитувчи, врач, муҳандис ва бошқа касб эгаларини ўз сафларида бирлаштирган. Партия ўз атрофида илм-фан, маданият ва маорифга хизмат қилаётган йирик олимларни уюштирган. Парламентда 1995–1999 йилларда бу партиянинг 7 нафар аъзоси бор эди. 1999–2004 йилларда Олий Мажлисда 12 депутатдан иборат партия фракцияси фаолият кўрсатмоқда. 2000 йил президент сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлади. Партия шиори: «Миллат, инсон ва Ватан манфаати муқаддасдир». Партиянинг мақсади: давлатнинг умуминсоний қадриятлар асосида миллий тикланиши. Ёки бошқача айтганда, партиянинг олий мақсади:

1. Миллатнинг маънавий бирлиги.
2. Ватан (Туркистон) – ягона оила.
3. Кучли демократик давлат.
4. Миллий қадриятлар.
5. Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция.
6. Замон кишиси.
7. Миллий истиқбол.

МТПнинг матбуот органи: «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси.

Умуман, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ташкил қилиш жараёни кетаяпти. 4 та сиёсий партия ва қатор жамоат бирлашмаларининг вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир фуқаро ўз манфаатларини ифодалайдиган, мамлакат тараққиётига имкон яратиб берадиган партияни танлаб олиши учун демократик ҳуқуқий давлатда камида 2 партия бўлиши керак.

Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба олиши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими молиявий мустақилликка

эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак.[1]

Сиёсий партия фракцияси – Олий Мажлис фракциялари сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилган ва уларга мансублигига қараб уюшган депутатлар бирлашмасидир. Улар тегишли вакиллик органлари ва сиёсий партиялар манфаатини кўзлайди, масалаларни муҳокама этишда иштирок этиб, умумий фикрга эришишга ҳаракат қилади[2].

Ҳозирги пайтда Олий Мажлисда Фидокорлар МДП фракцияси – 52, ХДП фракцияси – 50, «Адолат» СДП – 9, Миллий тикланиш демократик партияси фракцияси – 12 депутатдан иборат. Шунингдек, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 94 нафар депутатлар блоки ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган 15 нафар депутатлар гуруҳи парламент ишида қатнашмоқда. Сиёсий партия фракцияси Олий Мажлис кенгаши таркибига киради. Партия аъзолари партиянинг жамиятдаги таъсири сезиларли бўлиши учун сиёсий тизимда раҳбарлик ўринларини эгаллашлари лозим. Демак, ҳокимиятга интилиш партиянинг асосий белгисидир. Бизда эса ҳали аксарият бу ҳақиқатни ё тушунмайди ёки тан олгиси келмайди ё ундан қўркади. Характерли бир мисол, Германияда агар сиёсий партия таъсис этилганидан кейин 6 йил давомида бундестаг ёки ладтагга бўладиган сайловлар учун ўзи ишлаб чиққан таклифларни киритмаса, ўз ҳуқуқий мақомини йўқотади.

Сиёсий ҳаракатлар. Сиёсий ҳаракатларнинг ижтимоий негизи аввало XIX аср биринчи ва иккинчи ярмида меҳнаткашлар оммаси аҳволининг иқтисодий жиҳатдан тобора оғирлашиши натижасида юзага келиб, ишсизлар сонининг ўсишига сабаб бўлди. Натижада капитализм вужудга келтирган зулм ва эксплуатацияга қарши оммавий норозиликлар кучайди. Бу ҳаракатга 1864 йилда тузилган I Интернационал (1864–1876) назарий ва ташкилий жиҳатдан бошчилик қилди. Дастлаб сиёсий ҳаракатларнинг қуйидаги турлари юзага кела бошлади:

1. **Консерватив** (лот. ҳимоя қилиш, сақлаш) оқим – буржуа синфи қарашларини ўзида жамлади, халқ озодлиги ва прогрессив ғояларга қарши чиқди.

2. **Реформистик ҳаракат** – ишчилар орасидаги сиёсий оқим бўлиб, фаровон жамиятга олиб борадиган ислоҳотлар йўлини қўллаб-

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 39-40 б.
[2] Азизхўжаев А. ва бошқалар. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия». 2001, 109-бет

қувватлади.

3. **Революцион сиёсий ҳаракат** – буржуа жамиятини фақат синфий кураш орқали йўқотиб, унинг ўрнига пролетариат диктатураси ўрнатишни мақсад килиб кўйди.

4. **Контреволюцион сиёсий ҳаракат** – бу инқилобга зид фитна, суиқасд, фуқаролар уруши, саботаж актлари, қўпорувчилик билан кураш олиб борди.

Сиёсий харакатнинг асосий формадари:

1) Иқтисодий кураш – моддий манфаатдорликни ҳимоя қилади.

2) Сиёсий кураш – сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш.

3) Мафкуравий кураш – халқнинг ўзини англаб етишини шакллантириш.

Натижада, XIX асрда ишчилар ҳаракати 2 оқимга – революцион ва реформистик оқимга бўлиниб кетди. Ишчилар синфи:

1) Революцион оқимга бўлинди (Компартиялар шакилланди).

2) Реформистик оқим (Социал-демократик партиялар пайдо бўла бошлади).

Ҳозирги даврда бир мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй бераётган зиддиятли вазиятлар, ҳудудий низолар, хавф-хатарлар аҳоли турли катламини ташвишга солмоқда. Сиёсий ҳаракатларнинг вужудга келиши узоқ тарихий тараққиётнинг натижасидир. Бу ҳаракатлар турли даврларда халқ оммасининг зулм ва зўравонликка, миллий ва ирқий камситишларга қарши норозиликлари натижаси сифатида намоён бўлиб келган. Сиёсий ҳаракатлар турли ижтимоий мавқега эга бўлган сиёсий, диний эътиқодлари ҳам турлича, миллати, ирқи, жинсидан қатъи назар умумий мақсад атрофида ихтиёрий равишда бирлашган кишилар иттифоқидир. Ҳозирда сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишини, жаҳон цивилизациясини термоядро уруши ва терроризм, экологик ҳалокатлардан сақлаш, очлик, қашшоқлик, юқумли касалликларга қарши кураш каби муаммоларни ҳал қилиш зарурияти ташкил этади.

Оммавий демократик ҳаракатлар – ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. Улар сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатиб ижтимоий ҳаётни ўзгартиради ва ривожлантиради.

1. Уруш хавфига қарши олиб борилаётган сиёсий ҳаракатларда **қуролсизланиш масалалари** билан мунтазам шуғулланиб келаётган «Жаҳон тинчлик кенгаши», «Халқаро тинчлик институти», «Европа кенгаши» сингари халқаро сиёсий ташкилотларнинг роли ва аҳамияти

катта бўлмоқда.

2. Сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишларидан яна бирини – жаҳон тараққиётига катта хавф туғдираётган **терроризмга қарши кураш** масалалари ташкил қилади.

2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган фожиали воқеалардан сўнг минтақа ва умуман дунёда юзага келган вазият, халқаро терроризм офатининг илдизлари, омиллари ва сабаблари, унинг инсоният бошига келтирган фоҳиалари хусусида Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил 6-7 декабрда бўлиб ўтган 2-чақириқ Олий Мажлис 7-сессиясида «Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатларидан улуғ мақсад йўқ» мавзусидаги нутқида асослаб берилди. Ўзбекистон ушбу офатга қарши кураш муаммоларига муносабатини билдирди. Сессия халқларни терроризмга қарши курашда бирдамлик ҳақида Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаатини эълон қилди. У «Терроризмга қарши курашда бирдам бўлайлик» номини олди. Мурожаатда терроризмга қарши курашда халқимизнинг бирдам, собиткадам бўлиши ва огоҳликни қўлдан бермаслик нақадар зарурлиги, мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эгалиги кўрсатиб берилди. Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил 11-14 март кунлари АҚШга сафари ва Президент Ж.Буш билан учрашувида бу масала дунё жамоатчилиги томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланди. Бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ***Биринчидан,*** *илгари терроризм дунёнинг турли минтақаларида ўзаро боғлиқ бўлмаган бўлса, эндиликда эса бу ҳаракатлар бир-бири билан чамбарчас боғланиб бормоқда.* **Иккинчидан,** терроризмнинг жаҳон цивилизациясига қарши офатга айланиши кўплаб давлатлар ва уларнинг раҳбарлари дунёдаги соғлом сиёсий кучларнинг бу масалага охирги пайтгача эътибор бермаганлиги ва қатъият билан кураш олиб бормаганлиги билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов дунёда биринчилардан бўлиб терроризмнинг бутун инсониятга хавфи тўғрисида халқаро анжуманларда дунё жамоатчилигини огоҳлантирган эди. **Учинчидан,** халқаро терроризм бирор бир миллат ёки халқ эмас, балки бутун дунё халқлари тараққиётига хавф солади. **Тўртинчидан,** терроризмга қарши кучларни бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарурлигига жаҳон жамоатчилиги иқрор бўлаётганлигидир. Бу қараштар, терроризмга қарши Ўзбекистоннинг муносабати 2001 йил 5 октябрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг баёнотида ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири билан *бўлган суҳбатида ўз ифодасини топди.*

3. Сиёсий ҳаракатларнинг муҳим, асосий йўналишлардан яна бири экологик ҳалокатга қарши биргаликда курашдир. Бундай сиёсий ҳаракатлар «Яшиллар ҳаракати», «Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракати», «Табиий муҳитни сақлаш ҳаракати», Ўрта Осиё республикаларининг «Орол ҳалқаро жамғармаси» бўйича ҳамкорлиги кабиларни мисол килиб келтириш мумкин.

4. Ҳозирги кунда сиёсий ҳаракатларда етакчи кучлардан бири ёшлар ҳаракатларидир. «Демократик ёшлар федерацияси» ҳаракати жаҳондаги 300 дан ортиқ миллий ёшлар ташкилотларини ўзида бирлаштирган.

5. Талаба ёшлар ҳаракати ҳам етакчи сиёсий ҳаракатлардан биридир. «Ҳалқаро талабалар уюшмаси» тинчлик ва ҳалқаро хавфсизлик учун барча мамлакат талабаларини ўзида уюштирган.

6. Сиёсий ҳаракатларда хотин-кизлар ҳам иштирок этмокда. «Ҳалқаро хотин-қизлар кенгаши», «Ҳалқаро хотин-қизлар демократик федерацияси», «Бутунжаҳон қишлоқ хотин-кизлари Ассоциацияси» сингари кўплаб ҳалқаро ташкилотлар тинчлик, демократия учун курашиб келмокда.

7. Собик СССР худудида, хусусан, Литвада «Саюдис», Украинада «Рух», Россияда «Демократик Россия», Тожикистонда «Растохез» демократик ҳаракат сари, Ўзбекистонда «Халқ бирлиги» ҳаракати (1995) ва ҳоказо юзага келди.

Ўзбекистонда 1989–1993 йилларда бир катор норасмий сиёсий ҳаракатлар ҳам юзага келган эди. Улар, асосан қуйидагилардан иборат:

1. «Бирлик халқ ҳаракати» (1988).
2. «Интерсоюз» уюшмаси (1989).
3. «Ўзбекистон демократик ҳаракати» (1989).
4. «Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар учун ҳаракат» (1991).
5. «Тўмарис» хотин-кизлар ҳаракати (1990).
6. «Яшиллар» халқ партияси (1992).
7. «Бирлик» партияси (1990).
8. Эркин деҳқонлар партияси.
9. Сайқал ижодий интеллигенция демократик ҳаракати.
10. Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» жамоатчилик ҳаракати (1995) ва ҳоказо.

Бу сиёсий ҳаракатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини кўлга киритгач тарқалиб кетди, баъзи бирлари Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтдилар.

7.2. Ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари – сиёсатнинг субъектлари сифатида

Жамият ҳаётида кўп сонли ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади, улар бевосита сиёсатнинг субъектларидир. Ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган мақсадларни амалга ошириш учун фуқаролар томонидан ихтиёрий тарзда тузилган уюшмалар **ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари** деб аталади. Ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларига кўра ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатда бевосита қатнашади. Бу ташкилотларнинг шаклланиши узоқ тарихий тараққиёт натижасидир. Масалан, қадимги қулдорлик давлатларида қулдорлар синфининг юқори қатламларига мансуб бўлмаган озод фуқаролар, озод ишлаб чиқарувчилар ўз манфаатларини ифода этувчи, уларни ҳимоя қилувчи ижтимоий жамоат ташкилотларини тузиб, жамият сиёсий тизимининг амал килиши жараёнида у ёки бу даражада иштирок этганлар.

Ижтимоий ташкилотлар билан оммавий жамоат ташкилотлари айнан бир хилдаги ташкилотлар эмас. Ижтимоий ташкилотлар оммавий ташкилотлардан ўзининг жамият сиёсий тизимида тутган мавқеи, олиб борадиган ишларининг кўлами, мақсад-вазифалари, жамият сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидаги иштироки билан оммавий жамоат ташкилотларидан фарқ қилади. Оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий ташкилотларга нисбатан жуда кўп сонли бўлиб, улар жамиятнинг барча соҳаларида иш олиб бораётган фуқароларнинг нисбатан кичикроқ уюшмаларини ўз ичига олади. **Ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг турлари** қуйидагилардан иборат. Аввало, бу ташкилотлар жамият сиёсий тизимида давлат ва сиёсий партиялардан кейин муҳим ўрин эгаллайди. Улар:

1. Касаба уюшмаси ташкилотлари. Бу ижтимоий ташкилот бўлиб, ўз сафларида 7,5 млн. дан ортиқ аҳолини бирлаштирган (1997), 53 мингдан кўп бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, унинг таркибида 21 та тармоқ уюшмалари бор. Мустақиллик йилларида биринчи марта «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатланганлиги» тўғрисида қонун қабул қилинди. ЎзКУТлари тизимида 450 дан кўпроқ маданият саройи ва уйи, клублар, 338 та кинокурилма мавжуд, 2 млн. дан ошиқ китоб жамғармасига эга бўлган 400 дан зиёд клубхона фаолият кўрсатмоқда. Мингдан ошиқ тўгарак ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларида 30 дан зиёд ҳаваскор иштирок этмоқда. ЎзКУТлари:

1) Ҳукумат тармоқларининг раҳбарлари, мулкчиликнинг барча шаклари раҳбарлари ва тадбиркорлар билан йирик битим ва жамоат шартномалари тузади.

2) Ижтимоий суғурта маблағларининг бир қисмини тасарруф этади.

Касаба уюшмалари ташкилий-сиёсий курашга уюшқоклик асосида етакчилик қилади ва кўп ҳолларда ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Жамият тараққиётида шундай воқеалар ҳам содир бўлганки, касаба уюшмалари мустабид тузумга карши демократик сиёсий тузумни ўрнатганлар ва давлат бошқарувини қўлга киритганлар. Масалан, 1974 йилда Германиядаги «қора полковниклар» диктатурасининг кулаши ва демократик сиёсий тузум ўрнатилишига касаба уюшмалари уюштирган ва бошқарган иш ташлашлар сабаб бўлган. Польша Халқ Республикасида «Бирдамлик» касаба уюшмаси узоқ йиллар давомида олиб борган кураши натижасида сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олган эди.

2. Ёшлар ташкилотлари ҳаракати. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. 2000 йилгача Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси номи билан фаолият кўрсатиши мустақиллик йилларида кўп ишларни амалга оширсада, у ўзини оклама**ди.** (1996 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги фармони ҳам бор эди). Натижада 2000 йил 24 январда ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов ««Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» нуткида «Камолот» номини сақлаб колишни, шу ном билан аталадиган янги ташкилот... (Асарлар, 9-том, 197-бет) тузишни таклиф этди. Натижада 2000 йил апрелда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг 2001 йил 1 октябргача 14 та вилоят, 211 та туман, шаҳар бўлимлари ва 15 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти ташкил этилди. Аъзолари сони 2,6 млн. нафардан ошди.

3. Хотин-қизлар ташкилотлари. Мамлакатимиз аҳолисининг 52% дан ортиғини хотин-қизлар ташкил қилади. Мустақиллик йилларида Республикамиз хотин-қизларини 1) тунги сменаларда ишлашдан халос этиш; 2) эртароқ пенсияга чиқариш; 3) соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича анча ишларни олиб борди.

Умуман, хотин-қизлар ташкилотларининг асосий мақсади хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларни жамоат

ишларига сафарбар этиш ва шу асосда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолликларини ошириб боришдан ҳам иборатдир. 1945 йилда «Халқаро хотин-қизлар демократик федерацияси» ташкилотига асос солинди.

4. Диний ташкилотлар – диний жамоаларнинг энг юқори расмий уюшмаси. Жамият сиёсий ҳаётида бошқа жамоат ташкилотлари билан бир каторда диний ташкилотлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Дунёдаги мусулмон мамлакатларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Ислом мамлакатлари; 2)ислом давлат дини мамлакатлари; 3) ҳуқуқий демократик мусулмон давлатлари (дин давлатдан ажратилган, бевосита Ўзбскистон ана шу 3-гуруҳ давлатлар турига киради). 2002 йилга келиб республикамизда 15 та диний конфессияга мансуб 1900 дан зиёд диний ташкилотлар фаолият кўрсатди. Бухородаги Мирараб мадрасаси, Тошкент Ислом университети, Тошкентдаги олий маъҳад, 14 та мадраса, 400 га яқин диний мусулмон ўқув муассасалари ва бошқа динларга тегишли 19 ўқув юртлари муассасаларида 4200 дан ортиқ ёшлар дин асосларини, дунёвий билимларни ўрганмоқда[1].

Оммавий жамоат ташкилотлари. Жамият сиёсий тизимида ижтимоий ташкилотлар билан бир каторда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий сиёсий тузуми қандай бўлишидан қатъи назар барча мамлакатларда амал қилади. Аввало демократик жамиятни барпо этишда БМТ ҳужжати (меморандуми)да кўрсатилганидек, 3 та (соҳа) секторнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Булар: 1) давлат; 2) бозор (иқтисодиёт); 3) жамоат ташкилотлари. Учинчи сектор ҳақида гап кетганда улар таркибига касаба уюшмалари (аввало, буни ижтимоий ташкилотларнинг асоси сифатида ҳам қаралади), жамғармалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаракатлари, касбий ассоциациялар, клублар, академик институтлар ва бошқалар киради.

Учинчи сектор субъектлари турли мамлакатларда турлича номланади. Масалан, Буюк Британияда хайрия муассасалари, АҚШда ноҳукумат ёки нотижорат ташкилотлари, айрим мамлакатларда эса улар кўнгилли жамиятлар деб юритилади. Лекин кўпинча мутахассислар, олимлар ўртасида ҳам ишлатиладиган ноҳукумат, нодавлат атамаларига шубҳа билан қараш мумкин. Бу ҳақда БМТ тизимининг маълумотномасида шундай дейилади: «**Ноҳукумат ташкилотлари атамаси** унга қарама-қарши бўлган давлат ташкилотлари атамасининг айни тескари маъносига эга. БМТ тизимида **ҳукумат ташки-**

[1] «Фан ва турмуш». 2000, № 2. 10–11-бетлар.

лотлари давлатлараро битимлар асосида юзага келиб, унга аъзо бўлган ҳукуматлардан ташкил топади. **Нодавлат ташкилотлари эса** давлатлараро битимлар асосида тузилмайди ва унга кирувчи ҳукуматлардан иборат эмас. Нодавлат ташкилотлари миллий ва халқаро, умумий ва юқори ихтисослашган бўлиб, унга БМТ таркибига кирувчи тузилмалар билан маслаҳат ҳамда оператив ваколатлар асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш мумкин». Жамоат ташкилотлари тузиш ва фаолият принциплари: 1) ихтиёрийлик; 2) тенг ҳуқуқлилик; 3) ўзини ўзи бошқариш; 4) ошкоралик; 5) қонунийликка асосланади. Жамоат ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. **Кўнгиллилик** – уларнинг мутлақо ихтиёрий асосда тузилганлиги. Унда аъзолик ва фаолият кўрсатиш ҳар бир фуқаронинг хоҳиши ҳамда розилиги билан амалга оширилади.

2. **Мустақиллик** – мавжуд қонунлар ва ўз низом қоидаларига кўра фаолият кўрсатиш. Бирор бир ўзга ташкилотнинг қонунсиз аралашувидан ҳоли бўлиш.

3. **Ўзини ўзи маблағ билан** таъминлаш. Низом мақсадларини амалга ошириш учун Қонунчилик талабларига мувофиқ тадбиркорлик, ишлаб чиқариш – хўжалик ва бошқа ман қилинмаган фаолият билан шуғулланиш.

4. **Ўз помидан келиб чиқиб, жамоатчилик**, яъни кўпчилик учун хизмат қилиш. Ўзига тегишли маълум қатлам ёки гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо.

*2002 йилга келиб мамлакатимизда республика ва халқаро аҳа*миятга молик 220 дан ошиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан 4 та сиёсий партия, 2 та ҳаракат, 46 та жамият, 5 та қўмита, 24 та ассоциация, 18 та тармоқ касаба уюшмалари, 35 та жамғарма, 15 та уюшма, 32 та федерация, 31 та бошқа ташкилотлар мавжуд. Шунингдек, республикамизда ҳисоб рўйхатига олинган 1500 та вилоят, 20 дан ортиқ хорижий давлатларнинг жамоат ташкилотлари ҳам бор. Ўзбекистонда 1286 та жамоат бирлашмаларидан 292 таси рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII бобида, «Фуқаролик кодексининг» 73–75-моддаларида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг асослари ҳақида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» (1996)ги қонунларда ноҳукумат ташкилотларининг фаолиятини таъминлашга қаратилган қоида ва меъёрлар ўз аксини топган бўлса, Президент

Фармонлари ва ВМ қарорларида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, имтиёзли солиқ тўловларини белгилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш шарт-шароитлари яратиб берилмоқда. 1992 йил Олий Кенгаш XI сессиясида Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради» (Асарлар, 1-том, 126-бет).

Президентимиз И.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида «Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бормоқда, – деган эди. – Сўнгги 5 йил ичида жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари сони 1500 тага кўпайиб, бугун (1999) уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда» (Асарлар, 7-том, 384-бет).

Мамлакатимизда фуқаролар ёки юридик шахслар ташаббуси билан тузилган ва кўнгилли, ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади. Ўзбекистондаги барча нодавлат ва жамоат бирлашмаларини 8 гурухга бўлиш мумкин:

1. **Аҳоли муайян** йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бу ташкилотлар жумласига:

1) «Маҳалла» жамғармаси.

2) ЎзР хотин-қизлар қўмитаси.

3) Ногиронлар уюшмаси.

4) «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати.

5) «Нуроний» фахрийлар жамғармаси киради.

2. **Ихтисослашган миллий** ва халқаро жамғармалар:

1) «Экосан».

2) «Соғлом авлод учун» жамғармаси.

3) «Умид» жамғармаси.

4) Амир Темур маданий-тарихий жамғармаси.

5) Матбуотни демократлаштириш ва журналларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси.

6) Оролни қутқариш жамғармаси.

7) Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани.

3. **Ҳукуматга карашли** бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар:

1) Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси.

2) Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази.

3) Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамияти.

4. ***Ижодкор зиёлиларнинг*** миллий жамоат ташкилотларига:

1) Ёзувчилар.

2) Артистлар.

3) Рассомлар.

4) Бастакорлар.

5) Архитекторлар.

6) Кинемотографчилар.

7) Судьялар.

8) Адвокатлар – жамоат ташкилотлари киради.

5. **Миллий маданият марказлари** (юздан зиёд): Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоалар вакилларининг маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида бирлаштирилган.

6. **Умуммиллий хайрия** жамиятлари, жамғармалари:

1) Болалар жамғармалари.

2) Болалар уйи тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси.

3) Республика талабалар жамғармаси.

7. ***Ижтимоий аҳамиятли*** ва ижодий изланишлар билан боғлиқ, асосан экологик масалалар бўйича маҳаллий бирлашмалар:

1) Сайёҳлик ва бадиий ҳаваскорлик клублари.

2) Ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари.

8. **Жамоат муассасалари**:

1) «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази.

2) Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази.

3) «Сабр» ишонч маркази – Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган ижтимоий муассасалар.

Шунингдек, жамоат ташкилотларига дунёдаги бир қатор:

1) «Халқаро кизил хоч ва кизил ярим ой ташкилоти.

2) «Чет мамлакатлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти».

3) Ёзувчилар, театр ходимлари, рассомлар, журналистлар уюшмалари.

4) Маҳалла кенгашлари.
5) «Эл» халқаро уюшмалар мавжуд.

7.3. Жамият ҳаётини демократлаштиришда «тўртинчи ҳокимият»нинг ўрни ва роли

Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принциплари, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақил кучга, «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда. ЎзР Конституциясига ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (1997 йил 26 декабрь) қонунга мувофиқ ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги: радио орқали, матбуот, телевидение ва бошқа ОАВларда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини баён этиш ҳуқуқи ҳавола этилади. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири – матбуот ва ахборот эркинлигидир. Аммо сўз ва матбуот эркиндиги мутлақ бўла олмайди. Чунки телевизор экранидан янграган, газетада эълон қилинган ахборотни миллионлаб одамлар эшитадилар, ўқийдилар. Агар қандайдир бир одам, корхона, ишлаб чиқариш тармоғи ҳақида янглиш маълумотлар айтса, бу билан уларнинг нуфузига путур етказилади, ҳуқуқлари бузилади. Конституциянинг 67-моддасида қайд этилганидек, улар «ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар». Демак, ОАВ нинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. «Ахборотлашган жамият» тўғрисидаги қарашлар негизи ҳам дунёда ахборот кўламининг ортиб бораётгани билан боғлиқ. XXI аср «ахборот асри»га айланмоқда. ОАВ жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби милий ғоя ва мафкура билан суғорилган ғоя ва мақсадларни халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончини шакллантиришда ҳамда халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодини (И.А.Каримов) уйғотишда ва карор топтиришда муҳим роль ўйнайди. ОАВ инсонларни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан узвий боғлайди. Шунда «ахборот холис», «ишончли», «аниқ» бўлиши мумкин. ОАВларни «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш жараёни кечмоқда, лекин бу жараён мураккаб ҳолларда кечмоқда. Хусусан, ахборот таҳлилида эскича фикр юритиш ўз таъсирини сақлаб турибди. Ҳозирги вақтда ахбо-

рот «чегара» билмайдиган омилга айланиб қолди. Президент Ислом Каримов 2002 йил 29 августда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 9-сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида «тўртинчи ҳокимият»ни ўз номига яраша кўтариш лозимлигини баён этди.

Ўзбекистон жамияти ҳаётида ОАВ ролини фаоллаштириш қуйидагича тасаввур этилмоқда:

1) ОАВ имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш.

2) ОАВ мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва ҳолис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида ҳолис воситачи бўлиши ва муҳими, инсон ва жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва ОАВларини таёрлаш жараёнини кўриб чиқиш. Ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усуллари ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш) ОАВ фаоллиги ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга солувчи Қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Матбуот тўғрисида, журналистлар фаолияти, ахборот олиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Умуман, "аввало оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак; деган эди Ислом Каримов; бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозим

Биз матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолатини бозор муносабатлари, ахборот майдонида соғлом рақобат тамойилларининг ривожланишида кўрамиз"[1]

Матбуот эркинлиги муҳим ўринда туради. У сиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этади. Ахборот сиёсат, мамлакат сиёсий режими, характери билан бевосита боғлиқ. Масалан, авторитар ва тоталитар режимлар «ахборот»ни бўғиш, «сир» сақлашдан, унга «ҳукмронлик» қилишдан кўпрок манфаатдор. Демократик жамият

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 53 – б.

эса эркин алмашиш, унинг хилма-хиллигини таъминлашдан манфаатдор, бу *жамиятларнинг яшовчанлигини* таъминлайди.

Қисқача хулосалар

Умуман сиёсий партиялар ва ҳаракатлар қуйидаги принциплар асосида бирикиши лозим:

1) Конструктив (тузилиш асос қилиб, амалий) таклиф асосида.

2) *Компромизм* (*муроса-мадора*) йўли билан.

3) Реаллик.

Сиёсий ҳаракатлар маълум сиёсий манфаатларни, максадларни амалга оширишга йўналтирилган сиёсий фаолият бўлиб, унинг асосида жамият аъзолари турли катламларининг мақсад ва манфаатлари ётади. Унинг *ривожи жамият аъзолари* фаоллиги натижаларига боғлиқ бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида рўй бераётган бундай ҳаракатлар фақат миллий хусусиятларга эга бўлиб қолмай, улар халқаро майдонда умуминсоний моҳият касб этмоқда.

«Тўртинчи ҳокимият» инсонлар онги, қалби, дунёқарашига, хоҳиш-иродасига *таъсир этишнинг муҳим омилидир. XXI* асрда инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир пайтда дунё 2 қутблидан кўп қутбли оламга айланди. Бундай шароитда «...қаердаки, мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин»лигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда. Ахборот майдонида ҳам турли сиёсий кучлар, *мамлакатлар, халқлар, ижтимоий* гуруҳлар билан боғлиқ «манфаатлар», «қарашлар» бир-бири билан дуч келади. Ахборот ҳолислиги таъминланмаса, у «хавф-хатар», «беқарорлик» омилига айланиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш вазифалари эркин ва мустақил ОАВ ҳар томонлама ривож топишини тақозо *этади. Улар ҳақли* равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор. Мустақиллик йилларида нашрлар сони кўпаймоқда. «Ҳозир мамлакатимизда 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатга олинган»[1]. Радио ва кўрсатувларнинг ҳажми кўпайди. Уларнинг жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида тутган ўрни ортиб бормоқда. 2002 *йил 12-13 декабрда «Ах*борот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги конун қабул қилинди.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Кишилар қандай мақсадларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларга уюшадилар?

---

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Т.7 –Т.: «Ўзбекистон», *1999*, 391-бет.

2. Давлат конституцияси ва қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қандай партиялар тузилиши тақиқланган?

3. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларни изоҳлаб беринг?

4. Сиёсий партиялар таснифида қандай партиялар турлари мавжуд?

5. Қайси партия Ўзбекистон Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатди ва қанча ёки фоиз овоз олди?

6. Сиёсий ҳаракатлар ҳақида нимани биласиз ва уни изоҳланг?

7. Жамоат бирлашмаларининг давлат органларидан асосий фарқларини баён этинг.

8. Давлат ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро алоқалари қай тарзда амалга оширилади?

9. Ўзбекистонда қандай партиялар ва жамоат бирлашмалари ташкил этиш тақиқланган?

10. «Сиёсий партиялар» тўғрисидаги қонунга кўра қандай ҳолларда сиёсий партиялар тузиш мумкин?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 13-бет.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 152-153-бетлар.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380-384-385-бет.

4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-бетлар.

5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрел.

7. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

8. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

10. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича караш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

11. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

12. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, кувончлар. «Академия» нашриёти, 2001 йил.

13. Аристотель. Политика. Соч. Т.4. – М.: «Мысль».

14. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Халқ мероси», 1993.

15. Бобур. Бобурнома. – Т.: 1989.

16. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

17. Макиавелли. Государь. М.: 1990.

18. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т.: «Маънавият», 1996.

19. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Т.: «Адолат», 1997.

20. Темурнома. - Т.: 1990.

21. Темур ťузуклари. Т.: 1991.

22. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

23. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма) – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 14-40-бетлар.

24. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 351-368–бетлар.

25. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 60-88, 251-259-бетлар.

26. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 2004, 175-186-бетлар.

27. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.

28. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.

29. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.

VIII МАВЗУ. СИЁСИЙ ЭЛИТА ВА СИЁСИЙ ЕТАКЧИ (ЛИДЕР)

8.1. Сиёсий етакчилик (лидер) тушунчаси, функциялари ҳамда сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик

Бошқариш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир. Унинг тузилиши ва механизмлари ниҳоятда мураккаб бўлиб, жамият ҳаётида амал қилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бошқариш жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахл қилади ва унинг таъсирида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бошқаришга хос бўлган объектив хусусият жамият ривожланиш қонуниятлари талабларига мувофиқ амал қилади. Бошқариш қандай шаклларда олиб борилиши ва амал қилишидан қатъи назар, у сиёсий моҳиятга эга бўлади. Бошқариш-нинг сиёсий моҳияти бошқариш ва раҳбарликни сиёсат субъектлари томонидан амалга оширилиши билан белгиланади. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти бошқаришда маълум даражада иштирок этади.

Бошқаришнинг сиёсий моҳияти жамият эҳтиёжларидан келиб чиқади. Агар жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларга таъсир қилмаса ва улар ҳаракатидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмаса, жамият ривожланиши издан чиқади. Инсониятнинг бутун тарихи кишиларнинг табиат ва жамиятнинг стихияли ҳаракатига қарши курашдан иборат бўлиб келган. Ибтидоий муносабатлардан мулкчилик муносабатларига ўтилиши ва дастлабки қулдорлик давлатининг пайдо бўлиши бошқаришнинг сиёсий моҳият касб этиши учун асос бўлган. Давлат сиёсатнинг субъекти сифатида жамият ҳаётини бошқаришни ўз зиммасига олган ва давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар сиёсий мазмунга эга бўлган.

Сиёсий бошқариш – бу ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлай билиш ва дуч келинган муаммоларни ҳал этиш ҳамда жамиятнинг афзалликларидан, унинг реал имкониятларидан фойдалана билишдир[1].

Сиёсий бошқариш мазмуни 2 та муҳим хусусиятни: 1) бошқариш механизмларининг ташкил қилиниши ва 2) бошқаришнинг жамият ҳаётидаги сиёсий соҳаларда намоён бўлишини акс эттиради.

Сиёсий бошқаришнинг функциялари бошқариш ишларини тўғри ташкил қилиш ва жамият сиёсий ҳаётидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилишни кўзда тутади. Сиёсий бошқаришнинг энг муҳим ва **асосий функциялари қуйидагилардан иборат**:

1. Қонунлар, қарорлар, дастурлар, низомларни ишлаб чиқиш.

---

[1] Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат». 1997. 162–173-бетлар.

2. Ишни ташкил этиш. Давлат олиб бораётган сиёсат ишни ташкил этиш функциясида ўзининг амалий ифодасини топади...

3. Ишни тартибга солиш функцияси. Бошқарув фаолиятида ташкил қилинадиган ишларни изчиллик асосида амалга оширишни билдиради...

4. Назорат қилиш функцияси. Ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб боришни англатади.

Умуман, сиёсий бошқаришнинг ана шу функциялари ўзаро боғлиқ ва чуқур алокада бўлади. Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбар-лик ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий ҳодисалардир. Сиёсий раҳбарликсиз сиёсий бошқаришни тасаввур қилиб бўлмайди.

Сиёсий етакчилик ҳодисасига доир кўплаб назариялар мавжуд. Сиёсий етакчилик ҳодисасини таҳлил этишда Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Н.Макиавеллининг хизматлари катта. Уларнинг фикрича, сиёсий етакчи – бу бутун жамиятни жипслаштирувчи, ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар қандай воситаларни қўлловчи ҳукмдордир. Умуман, сиёсий **етакчилик ҳақидаги назариялар** қуйидагилардан иборат:

1. **Фатализм** (лот. тақдирга оид) **назарияси.** Кишиларнинг «олий кучлар»га, «илоҳий тақдирга», «худонинг пешонага ёзиб қўйгани»га боғлиқ ғоялар илгари сурилади.

2. **Ҳукмдорлик назарияси**. Подшоҳ, амир, хон, монарх ва ҳокозо билан боғлиқ.

3. **Волюнтаристик** (лот. эрк, ирода) **назарияси**. Ушбу тушунча 1883 йилда Ф.Теннис томонидан киритилган ва қуйидаги маъноларга эга: 1) эркни борлиқнинг олий қоидаси деб ҳисобловчи йўналиш (А.Шопенгауэр); 2) тарихий жараённинг конуниятлари билан ҳисоблашмайдиган фаолият. Аслида бу назарияни Г.Карлейли (1795–1881) ва Р.У.Эмерсонлар (1803–1882) ишлаб чиққанлар. Уларнинг фикрига кўра, тарих қаҳрамон, диний шахс ижодининг маҳсулидир.

4. **Парадигматик** (юнон. намуна) **назарияси.** Ф.Ницше ишлаб чиққан. У олий биологик тип – етакчи йўлбошчи, йўлбошчи инсон, ғайри табиий фавқулодда инсон тўғрисидаги ғояни асослашга ҳаракат қилади. Инсон инсоний ахлоқ нормалари чегараланмаган, яхшилик ва ёмонликдан юқори туради. У оддий одамлар ҳамда ўзига ўхшаш фавқулоддаги йўлбошчи инсонлар билан меҳрибон, мулойим бўлиши мумкин. У кучли, иродали, комил ва гўзал инсондир.

5. **Ижтимоийлашув назарияси** (тақлид қилиш). Бу замонавий назария бўлиб, уни Г.Тард (1843–1904) ишлаб чиққан. Ҳаётнинг асо-

сий конуниятларидан бири – етакчи, йўлбошчиларга издошларнинг тақлид қилишидир, деган ғояни асослашга ҳаракат қилади.

Етакчи – йўл кўрсатувчи маъносини англатади. Бу хусусиятга эга инсон бошқаларга таъсир эта олиши, муайян мақсадларга эришиш учун уларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил эта олиш қобилиятига эга.

Сиёсий етакчилик – сиёсий фаолият тури бўлиб, у икки томоннинг ўзаро алоқаларини англатади: 1) биринчи томон – етакчилар ўз издошларининг манфаат ва эхтиёжларини биладилар ва баён этадилар, бошқа томон эса, шу манфаатларни ифодалаш ва амалга оширишлари учун ўз ваколатларининг бир қисмини уларга ихтиёрий равишда топширадилар.

Замонавий политологияда етакчиликка доир **бир қанча ёндошувлар мавжуд**:

1. **Етакчи** – бу бошқа кишиларга таъсир этиш демакдир. Етакчи ва унинг издошлари ўртасида ўзаро муносабатлар мавжуд бўлиб, у етакчидан гуруҳ аъзоларига қараб ҳар доим бир томонлама йўналтирилган бўлади.

2. **Етакчилик** – бу бошқарувчанлик мақоми, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий позициядир.

3. **Сиёсий етакчилик** – бу сиёсат бозорида амалга ошириладиган махсус тадбиркорлик шаклидир. Бундай рақобатчилик курашовида томонлар ижтимоий вазифаларни ечиш бўйича дастурлар алмашишади[1].

Сиёсий етакчига кучли ирода, ёқимлилик, қатъийлик қобилияти, интуиция зарур. Етакчилик ва йўлбошчиликнинг табиатини тушунтириб беришда қуйидаги хилма-хил назариялар мавжуддир:

1. **Характер назарияси**. Унда етакчилик ҳодисаси шахснинг юксак хусусиятлари асосида тушунтириб берилади. Бу хусусиятлар: ўткир заковат, фаҳм-фаросат, темир ирода, қайноқ энергия, юксак ташкилотчилик қобилиятлари, кишиларга ёқа олишлик хусусияти, айниқса билимдонлик ва масъулиятлиликни ўзига олишга тайёрлик хусусияти. Ҳозирда демократик давлатларда сиёсий етакчиларга хушсуръатлилик, нотиклик хусусиятлари ҳам асосий талаб сифатида қўйилмоқда.

2. **Омилли-таҳлилий таълимот назарияси**. Бу назария тарафдорлари фикрига кўра, етакчиларнинг соф индивидуал хусусиятлари-

[1] Политология. Ўқув қўлланма. Т.: 2002. 130–137-betлар.

ни ва муайян сиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлидаги хулқ-атвор белгилари муҳим роль ўйнайди.

3. **Вазиятлар таълимоти**. Политологлар В.Далль, А.Гарднер фикрича, етакчи – муайян вазият маҳсулидир. Тарихда тасодифий етакчилар бўлмайди, ҳар бир етакчи ўз даврининг, тарихий вазиятнинг маҳсули. А.Македонский, Оливер Кромвель, Чингизхон, А.Темур, Ж.Мангубердилар ҳам ўз даврининг етакчилари эди. Аммо улар бир-бирларидан фарқ қилади.

Шўро даврининг инкирози Б.Ельцин, В.Путин, И.А.Каримов, Н.Назарбоев, А.Акаев каби етакчиларни илгари сурди. Улар эски тоталитар тузумга барҳам бериш ва демократик жамиятни барпо этиш сари халқни етакладилар. Сиёсий етакчига қўйиладиган талаб инкирозли ва баркарор ҳолатларга ҳам боғлиқ бўлади. Вазиятлар назарияси сиёсий етакчининг индивидуал хусусиятларини рад этмайди, лекин уларни мутлаклаштириш ҳам ноўринлигини баён этади.

4. **Тарафдорлар тушунчаси** таълимоти. Кўпроқ сайловчилар билан муносабатда бўлувчилардир.

5. **Психологик таълимот.** Унда **сенсуал** характеридаги майл, субъектив – компенсаторлик вазифасини бажаради. Турли камчиликларга йўл қўймасликка ёрдам беради. Бу психоаналитик назария бўлиб, авторитаризмга мойиллиги бўлган ва ҳокимиятга интилувчи шахс типидир.

Сиёсий етакчилик турлари 4 асосий хусусиятларни ҳисобга олади: етакчининг характер хусусиятлари, у бажариши лозим бўлган вазифалар, унинг издошлари ва уларнинг ўзаро ҳаракати тизими, етакчи ва ўзаро муносабат механизми. Лекин етакчиликнинг универсал таълимотини яратиш мумкин эмас.

Политологлар ҳозирги замонда сиёсий етакчиларни у ёки бу мезонларга кўра **авторитар ва демократик етакчиларга** ажратадилар.

Авторитар етакчилик – танҳо йўналтирилган таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, у санкциялар, куч ишлатишни назарда тутади. **Асоси: одатлар.**

Демократик етакчилик – раҳбар томонидан гурух ёки ташкилот аъзоларининг фикрлари, манфаатларини ҳисобга олиб, уларнинг бошқаришда иштирок этишини ифодалайди. **Асоси:** тафаккур, эътиқод ва ҳиссиётлар.

М.Вебер «Сиёсат – ҳам майл, ҳам касб сифатида» мақоласида, легитимликнинг 3 турига асосланишини баён этади:

1. **Анъанавий етакчилик.** Анъана, маросим, одат кучи каби механизмларга таянади. Итоат қилиш одати мерос сифатида қаралади. Бу тур доҳийлар, оқсоқоллар, шоҳлар бошқаруви учун хос.

2. **Харизматик етакчилик.** Ҳукмдор – етакчининг қудратига халқнинг чексиз ишончига асосланади.

3. **Рационал-ошкора етакчилик.** Етакчиликни сайлашнинг тартиби, унга муайян ҳокимлик ваколатларининг оқиллиги, қонунийлиги тўғрисидаги тасаввурларга асосланади.

Америкалик политолог Роберт Такер сиёсий етакчиликнинг 3 турини ажратиб кўрсатган:

1. **Консерваторлар.** Жамиятни шу ҳолатда сақлаб қолишга қаратилган фаолият олиб боришади.

2. **Реформаторлар.** Ҳокимият таркибини кенг қамровли ислоҳотлар воситасида тубдан ўзгартиришга интиладилар.

3. **Инқилобчилар.** Одатда қурол кучи билан бошқа ижтимоий тузумга тез, сакраш орқали ўтишни режалаштиради.

Замонавий политологияда етакчиларнинг 4 та йиғма образи қўлланилади: 1) байроқдор ёки буюк инсон; 2) хизматчи; 3) савдогар ва 4) ўт ўчирувчи.

1) **Етакчи байроқдорни** воқеликни шахсий идрок этиш, оммани жалб этишга қодир бўлган ғоялар, идеаллар ажралиб туради.

2) **Хизматчи-етакчи** ҳам ўз тарафдорлари ва сайловчиларнинг манфаатларини ифода этишга интилади, улар номидан иш кўради.

3) **Савдогар-етакчи** – ўзининг ғоя ва режаларини чиройли қилиб кўрсатади, афзаллигига ишонтиради, сотиб олишга жалб этади.

4) **Ўт ўчирувчи етакчи** энг долзарб ижтимоий муаммолар, даврнинг муҳим талабларини мўлжалга олади.

Реал ҳаётда бу 4 образдаги етакчилар алоҳида ҳолда учрамасдан, сиёсий арбобларда аралашган ҳолда учрайди.

Етакчилик функциялари – унинг фаолиятининг бош йўналишидир. Сиёсий етакчиликнинг асосан қуйидаги 6 функцияси мавжуд:

1. Жамиятни жипслаштириш ва бирлаштириш.

2. Энг мақбул сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

3. Ижтимоий ҳакамлик ва патронажлик, қўриқчилик, оммани қонунсизликдан, амалдорларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш, тартибот ва Қонунчиликни назорат, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари билан сақлаб туриш.

4. Ҳокимият ва оммaнинг мулоқоти, сиёсий ва ҳиссий алоқа ка-

налларини мустаҳкамлаш ва шу билан фуқароларнинг сиёсий раҳбарликдан бегоналашувининг олдини олиш.

5. Янгиланиш ташаббускори бўлган оптимизм ва ижтимоий энергияни тўплаш, омма сиёсий мақсадларини амалга оширишга сафарбар қилиш.

6. Тизимли легитимлаштириш. Бу асосан тоталитар етакчиларга хос.

Сиёсий бошқаришнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан бошқаришни амалга оширишга масъул бўлган кадрлар, уларнинг сиёсий етакчилиги ва ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқдир. Собиқ шўро даврида кадрлар сиёсатида бир-бирига зид 2 тенденция мавжуд бўлган:

1) Кадрлар корпусида турғунлик ҳолатлари.

2) Миллий раҳбар кадрларга ишонмасдан, тез-тез алмаштириш тенденцияси.

Президент Ислом Каримов 1996 йили Вазирлар Маҳкамасида республика раҳбар ходимлари билан ўтказилган йиғилишда ва 2000 йил 11 февралда Олий Мажлис 2-чақириқ, 1-сессияси, 2-йиғилишида сўзлаган нутқларида мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг тақдири кўп жиҳатдан ана шу раҳбар кадрлар масаласига боғлиқлигини уқтириб ўтган эди. «Агар масъул кадрлар бу ислоҳотни теран англайдиган, жонкуяр, ватанпарвар бўлсалар, юртни, халқни ўйласалар, ислоҳот ким учун, нима учун қилинаётганлигини тушунсаккина ниятларимиз амалга ошади. Энг муҳими – авваломбор, эл-юрт манфаатларини кўзлаб, юрагидан ўтказиб фидойичасига ишлашга тайёр бўлганлар, сувдай, ҳаводай керак», деган эди. Бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган иллатлар:

1. Социалистик боқимандалик тафаккури.

2. Корхона бошқарувининг тарқоқ тизими.

3. Унумсиз технологик жараён, ишлаб чиқаришнинг такрор усули.

4. Корхоналарда малака ошириш ва ишчи, мутахассисларни ўқитишнинг тарқоқ тизими...

Жамиятда сиёсий лидерларнинг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

1. Демократик лидер.

2. Либерал лидер.

3. Тоталитар лидер.

Президент Ислом Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилоят

Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида (1998 йил 3 июнь) сўзлаган нутқида «Ислоҳотларнинг моҳиятини, аввало раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. У масъул бўлган ҳудуднинг муаммолари, эҳтиёжларини чуқур англаб, катта ва кичикнинг ишончини қозониб, уларни рози қилиб, ўзининг амалий ишлари билан эл-юрт хизматига муносиб бўлиб ишлаган тақдирдагина халқни ўз изидан эргаштириши мумкин», деган эди. Ўзбекистон шароитида ислоҳотларнинг самарали кечишида раҳбарнинг шахс сифатидаги фазилатлари муваффақиятнинг 73% ни таъминласа, қолган 27% эса, касбий жиҳатлари билан белгиланиши қайд этилади.

Бу борада, раҳбар фазилати ҳақида академик Иброҳим Мўминов шундай фикр билдирган эди: «Раҳбар 3 масалада қатъий бўлиши керак. Шунга амал қилган бошлиқнинг раҳбарлик фаолияти бокий бўлади. Бу ишда:

1) ҳалоллик; 2) ростгўйлик; 3) изчил фидоийликдир.

Сиёсий лидер мазмун ва моҳиятига кўра 3 га бўлинади:

1) бошқарувдаги сиёсий етакчилик; 2) доимий сиёсий етакчилик; 3) ишбилармонлик.

Сиёсий етакчининг функциялари ҳам 3 га бўлинади:

1) мафкуравий; 2) ташкилий; 3) сиёсий.

Бугун XXI асрга келиб раҳбар қуйидаги хислатларга эга бўлиши талаб этилади: 1) Шахсий; 2) амалий; 3) профессионал.

1. **Шахсий хислатлар** (Раҳбарнинг шахсий хусусиятлари):

1) ижтимоий манфаатларни ўз шахсий манфаатларидан юқори қўйиши.

2) Адолатпарварлик.

3) Ўз қўл остидагиларга ҳурмат билан қараш, инсонпарвар ва ғамхўр бўлиш.

4) Камтарлик ва очиқ чеҳрали бўлиш.

5) Меҳнат жамоасида қулай руҳий муносабатларни вужудга келтириш.

6) Одамлар билан осонликча тил топиша олиш.

7) Мустақил фикр эгаси бўлиш.

8) Умумий маданият савиясининг юксаклиги, воизлик маданияти билан ички ва ташқи маданиятнинг уйғун бўлиши.

9) Босиқ бўлиш.

10) Ўзига ишонч.

11) Ўз-ўзига талабчан бўлиш.

12) Билимдонлик.

13) Ташкилотчилик.

14) Раҳбарликка хос хотиранинг бўлиши. Ходимларни имкон қадар исм-шарифи билан сўраш.

15) Ишга ҳар доим яхши кайфиятда келиб-кетиш[1].

2. Амалий хислати (Раҳбарнинг ишдаги амалий хусусиятлари):

1) Фикрининг тиниқлиги, ўзининг овози, нутки, ҳиссиётини бошқара олиши, тетиклик.

2) Янгиликни қабул қила билиш, янгича замонавий технология ва механизмларни ўрганиб олиш, уни амалиётга татбиқ этиш.

3) Ташкилотчилик қобилияти.

4) Ўз сўзи устидан чиқа билиш.

5) Ташаббускорлик.

6) Ишбилармонлик.

7) Тадбиркорлик.

8) Объективлик.

9) Касб одоби ва маданиятига амал қилиш.

10) Касбий ўз-ўзини тарбиялаб бориш ва ҳоказо.

3. Профессионал хислати:

1) Ўз касбига қизиқиш.

2) Ишлаб чиқаришни билиш.

3) Кадрларга эътибор бериш.

4) Ўз малакасини оширишга интилиш.

5) Ишбилармонлик.

6) Тадбиркорлик.

7) Касбий изланувчанлик, касбий кузатувчанлик.

8) Касбий ўзини ўзи тарбиялаб бориш.

9) Узлуксиз касб маҳоратини ошириб бориш.

10) Жамоада уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликни таъмин этиш.

11) Онгли интизом ва ўзаро ҳурматни йўлга қўйиш.

12) Сўз эркинлигини карор топтириш.

13) Тежамкорлик ва вақтдан унумли фойдаланишга эришиш.

14) Ўз қадр-қимматини сақлаб бориш.

15) Ҳар доим касб одоби, маданиятига амал қилган ҳолда ижодкорлик ва ташаббускорликни ривожлантириб бориш.

Шахс ва раҳбар масъулияти қуйидагилардан иборат:

1. Шахсий маданият – бу энг аввало инсоннинг ўзига нисбатан бўлган талабчанлигидир.

2. Оила олдидаги масъулият – маданият ва масъулият асослари.

---

[1] Абдукаримов Х. Раҳбарлик санъати. «Қонун ҳимоясида». 2000, № 9, 8–10-бетлар.

энг аввало оилада шаклланади.

3. Жамоа олдидаги масъулият. Жамоадаги раҳбар ходим масъулияти:

1) Мутахассисликни тўғри танлаш.

2) Уларнинг вазифасини бажариш учун шароит яратиб бериш.

3) Иш жараёнини мунтазам назорат қилиб туриш.

4) Иш натижаларига одил, ҳолисона баҳо бериш, жамоа аъзоларини маънавий ва моддий рағбатлантириш, тақдирлаш ва жазолаш каби.

4. Ватан ва миллат олдидаги масъулият.

5. Инсоният олдидаги масъулият («Мулоқот». 2001, № 3, 5-бет).

Ҳукуматимиз томонидан мамлакатнинг XXI аср ёш раҳбарларини тайёрлашга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Жумладан, «Умид» жамғармаси дастури – Президентнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш дастуридан энг машҳури ҳисобланади. Шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997), «Соғлом авлод давлат дастури» (2001) каби дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар бугунги кунда амалиётда ўз ифодасини топмоқда.

8.2. Сиёсий бошқаришнинг асосий тамойиллари

Сиёсий бошқаришнинг самарали олиб борилиши ва унинг муваффақияти кўп жиҳатдан бу соҳада мавжуд бўлган тамойилларга оғишмай амал қилишга ва унинг натижаларига боғлиқдир. Бундай тамойиллар турлича бўлиб, уларнинг ҳар бири сиёсий бошқаришнинг ташкил этилиши, уни амалга оширишнинг зарурлиги ва муқаррарлиги билан талабларга қатъий риоя қилиш зарурлигини ифода қилади. Сиёсий бошқаришда амал қиладиган тамойилларга асосланиш натижасида бошқарув ишининг тўғри ташкил этилишига муваффак бўлинади. Сиёсий бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Объективлик ва субъективлик тамойили[1]. Сиёсий бошқаришнинг бу тамойили қайси мамлакатда ва қандай шароитда амалга оширилишидан қатъи назар, у жамиятнинг яшаши ва ривожланиши учун объектив эҳтиёж бўлиб ҳисобланади. Сиёсий бошқаришда объективлик тамойилининг моҳияти жамият ривожлнишининг объектив қонуниятлари кучини ҳисобга олишни билдиради. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти бошқариш ишларини амалга оширишда жамият ҳаётида

амал қиладиган объектив конуниятларни ва уларнинг ҳаракат йўналишларини билиб олиши талб этилади.

Сиёсий бошқаришда субъективликнинг моҳияти сиёсат субъектларининг фаолияти билан белгиланади. Субъективлик сиёсий бошқаришга субъектив ёндошишни билдиради. Сиёсий бошқаришда сиёсат субъектлари турлича катнашади. Масалан, давлат бошқарувида сиёсат субъектлари давлат аппарати ходимларининг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида иштирок этишини англатса, сиёсий партияларнинг бошқариши эса, бошқаришда ҳар бир партиянинг партия ҳаётига доир ишларни бошқаришдаги иштирокини англатади. Сиёсий бошқаришда объективлик ва субъективликнинг моҳияти субъективизмга батамом тескаридир.

Субъективизм – сиёсий бошқариш жараёнида объектив қонуниятлар кучини менсимаслик ёки уларга эътибор бермасликдан иборат. Субъективизм бошқаришни издан чиқаришга, жамият ҳаётида стихиялиликнинг авж олишига сабаб бўлади.

2. **Асосий звено тамойили.** Жамият ҳаётида рўй берадиган муаммоларнинг барчасини бир вақтнинг ўзида бажариш мумкин эмас. Бу муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олиш лозим. Сиёсий бошқаришда белгиланган вазифаларнинг кетма-кетлигини, биринчи ва иккинчи навбатда бажарилиши зарурлигини эътиборга олиш лозим.

Асосий звено тамойили, бир томондан, сиёсий бошқариш ва уни ташкил этишга доир вазифаларни, иккинчи томондан эса, жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ҳал этишни талаб қилади. Асосий звено тамойили долзарб вазифалар орасидан асосийларини биринчи навбатда ҳал қилишга бутун эътиборни қаратишни, куч ва имкониятларини ишга солишни тақозо этади. Баъзан шундай долзарб муаммоларни тезда бажаришга тўғри келадики, уни асло кечиктириб бўлмайди. Ана шу муаммоларни ҳал қилиш сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарликнинг қандай ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Асосий звено тамойилининг муҳим талабларидан бири – бу ҳал

[1] Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат». 1997, 173–181-бетлар.

қилиниши зарур бўлган вазифаларнинг умумий занжиридаги ҳар бир бандни маҳкам ушлаб туришни, бу бандларнинг ҳар бири ўзаро қанчалик боғлиқ эканлигини билиб олишни ва кайси пайтда кандай банднинг муҳим эканлигини ўз вақтида аниқлаш зарурлигини тақозо этади. Асосий звено тамойилининг талаблари Президент Ислом Каримовнинг «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» каби асарларида, нутқ ва мақолаларида ўз ифодасини топган.

3. **Ҳудудий тармоқ тамойили.** *Бошқаришнинг* барча турлари каби сиёсий бошқариш ҳам ҳудудий-тармоқ тамойили талабларига қатъий амал килишни талаб этади. Сиёсий бошқаришда бу тамойилнинг моҳияти жамият ҳаётига сиёсий раҳбарликни амалга оширишда ҳудудлар ва тармоқларнинг ўзига хос хусуснятларини хисобга олишни тақозо этади. Бунинг маъноси шундаки, бошқаришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароитлари, уларда мавжуд бўлган имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳаёт соҳаларининг турли тармоқларида ишни ташкил қилиш ва унинг самарали бўлишига эришишни билдиради.

Сиёсий бошқариш ва раҳбарлик бошқариш ишларини ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ташкил этиш ҳамда амалга оширишни англатади. Ҳудудий-тармоқ тамойилининг моҳияти бошқаришда бу икки томоннинг ҳеч бирига устунлик берилмаслигини ифодалайди. Ҳолбуки, бошқаришнинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ҳолда ташкил қилиниши ва амалга оширилиши лозим. Сиёсий бошқаришнинг ҳудудий-тармоқ асосида ташкил этилиши ҳозирги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун умумий ҳодисадир. Бироқ уни амалга оширишнинг усуллари, воситалари ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароитларидан келиб чиқади. Мамлакатимизда бу тамойил ҳудудий бошқаришда президентлик, ҳокимликлар ҳамда халқ депутатлари кенгашлари орқали амалга оширилса, тармоқлар бўйича бошқариш эса **вазирликлар ва уларнинг жойлардаги бўлимлари орқали амалга оширилади**. Ўзбекистон Конституциясида сиёсий бошқариш механизмлари ва уларнинг ваколатлари қонунлар асосида белгилаб берилган.

4. **Масъулиятни ҳис килиш тамойили**. Сиёсий бошқаришда бу тамойилнинг моҳияти раҳбар кадрлар ва кенг жамоатчилик олдига қўйилган вазифага ўта масъулият билан ёндошиш зарурлигини ифо-

далайди. Бу зарурият, аввало, жамият ривожланишининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Жамият ўз-ўзича ривожланмагани сингари, *унда бошқариш ишларининг ташкил этилиши ва олиб борилиши* ҳам унга масъулият билан ёндошишни тақозо этади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндошишнинг аҳамияти ҳақида гапириб: «...биз кадрларнинг топширилган вазифа учун жавобгарлигини қаттиқ назорат остига олишимиз керак. Токи, ҳар бир раҳбар жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун масъул экапини теран ҳис этсин» (Асарлар, -Т.3, 13-14-б.).

Президент Ислом Каримов 2000 йил 11 февраль куни 2-чақириқ ЎзР Олий Мажлисининг 1-сессияси 2-йиғилишида сўзлаган нутқида ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қуйидаги фикрларни баён этган эди: «...ҳозирги шароитда, ўта масъулиятли бир даврда, ҳаёт мураккаблашиб, халқаро аҳвол, ички ва ташқи вазият тобора кескинлашиб бораёган бир пайтда аввало раҳбарларга, биринчи навбатда энг юқори вазифаларда ўтирганларга, жумладан, хукумат аъзоларига, бир сўз билан айтганда, етакчилик вазифасини ўз зиммасига олган шахсларга замон талаблари кундан-кунга ошиб бораётганини пайқаш қийин эмас» (Асарлар, –Т.8, 357- б.).

Масъулият ҳисси бошқарув ходимлари олдига юксак талабларни қўяди: сиёсий раҳбар, лидер ўзида шахсий, амалий ва профессионал хислатларни (биз бу ҳақда олдинги саволда гапириб ўтган эдик) мужассам этмоғи даркор. Умуман, масъулиятни ҳис этиш раҳбар кадрларнинг жамият олдидаги жавобгарлигини чуқур англашни акс эттиради. Ҳар бир раҳбар ходим жамият олдида ўзига топширилган иш учун шахсан жавобгардир...

5. **Ворислик тамойили**. Бу тамойилнинг моҳияти сиёсий бошқариш жараёнида бўладиган ўзгаришларда узвийлик бўлишни тақозо этади. Сиёсий бошқаришдаги **узвийлик**, бир томондан бошқарув органлари ва ташкилотлари *тизимида намоён бўлса, иккинчи* томондан эса, сиёсий бошқаришга масъул бўлган раҳбар кадрлар фаолиятида акс этади.

Ворислик тамойили сиёсий ҳокимиятларнинг ўзгариши, бошқариш тизимидаги кадрларнинг алмашиниши билан жамиятда амалда бўлиб келган бошқариш тизимини ёки бошқариш услубларини батамом ўзгартириб, уни янгидан бошлашни эмас, балки бошқариш соҳасида қўлланиб келинган йўлни давом эттиршни, унга айрим ўзгаришлар киритиб боришни ифодалайди. Ворислик тамойилининг бу

талабига амал қилмаслик жамиятда кўплаб нохушликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу талабга бошқарувнинг юқори бўғинларида амал қилмаслик жамият учун жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ворислик тамойили талабларига амал қилмаслик кўпинча давлат тўнтаришлари қилинганда ёки сиёсий ҳокимиятларга реакцион, фашистик кучлар келганда рўй беради. Бундай кучлар одатда бошқариш ва раҳбарликни амалдаги конституцияни бутунлай бекор қилиш, мамлакатнинг аввал давом этиб келган сиёсий йўлини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, демократияни тақиқлаш сингари сиёсий ишлардан бошлайдилар. Кейинги йилларда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги, айниқса, Якин Шарқдаги айрим мамлакатларда рўй берган давлат тўнтаришлари натижасида бошқариш соҳасида рўй берган ўзгаришлар бунга мисолдир.

Ворислик тамойилининг моҳияти ва унинг зарурлигини Президент Ислом Каримов қуйидагича таърифлайди: «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, дейишади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни бокиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ»[1].

8.3. Ҳозирги дунёда етакчилик ривожланишининг янги тенденциялари

Ҳозирги дунёда етакчилик ривожланишида 5 тенденция шаклланди:

1. Миллий етакчилар глобал муаммоларни эндиликда четлаб ўта олмайдилар. Улар ўз ички сиёсатларини умумжаҳон, глобал жараёнининг бир қисми сифатида қарашлари лозим бўлади.

2. Норасмий етакчиларнинг роли ва таъсири ортиб боради.

3. Етакчилар фаолияти иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўпрок жалб қилинаяпти. Бу – етакчи фаолияти билан боғлиқ равишда у ёки бу миллат турмуш даражасининг ортишида намоён бўлаяпти, ўз навбатида бу фаолият давомийлиги ҳам ортаяпти.

4. Етакчи – қаҳрамон ва етакчи – анти-қаҳрамон каби сиёсатчиларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли камаймоқда[2].

5. Ҳокимиятлар бўлиниши ва фуқаролик жамияти чегараларининг кенгайиши ҳисобига сиёсий етакчи ҳокимияти ҳам чекланаяпти.

Ҳар бир мамлакатда етакчилар, яъни сиёсий лидерларни етиш-

---

[1] Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 141-б.
[2] Политология. Маърузалар матни. Т.: «ЎАЖБНТ», 2000, 114-115-б

тириб берувчи кадрларни тайёрлаш тизими мавжуд. У жамият сиёсий тизими мақсадлари, сиёсий мафкура қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра кадрлар тайёрлаш тизимини 3 турга ажратиш мумкин:

1. **Либерал-демократик тизим.** У ўз навбатида 2 кўринишда мавжуд:

1) Ғарбий либерал-демократик тизим.

2) Шарқий либерал-демократик тизим.

2. **Тоталитар тизим.** Бу тизимда етакчига, тизимга ва мафкурага содиқлик алоҳида қадрланади. Ушбу режим XX аср маҳсули. Унга фашистик режим ва социалистик давлатларнинг баъзиларини киритиш мумкин. Тоталитар режим авторитар режимнинг энг кескин шаклидир.

3. **Теократик тизим.** Диний мафкурага амал қиладиган мамлакатларда мавжуд.

Умуман, сиёсий етакчининг ижтимоий аҳамияти тўғридан-тўғри сиёсий маданият даражаси ва омманинг фаоллиги билан боғлиқдир. Фаол сиёсий маданиятнинг, барқарор демократик анъаналарнинг мавжудлиги, давлат томонидан назорат қилинмайдиган фуқаролик жамияти ва сиёсий муҳолифатнинг борлиги заиф етакчилар учун имкониятларни камайтиради, турли хил ўзбошимчаликнинг, ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олади ва шу билан бирга сиёсатда индивидуал қобилиятлар ва талантларни намоён қилишга кенг йўл очиб беради.

Лидер шахсларнинг шаклланганлиги даражасини характерловчи энг муҳим фазилатлар эса қуйидагилардан иборат: 1) аклий зукколик; 2) ҳуқуқий комиллик; 3) ахлоқий етуклик; 4) меҳнатга ҳалол муносабат; 5) етук маданий савия; 6) профессионал ифтихор; 7) миллий ва умуминсоний ғурур.

Жамиятда лидер шахсларнинг сиёсий маданияти ижтимоий ҳаётда фаоллигига қараб уларни қуйидаги асосий типларга ажратиб кўрсатиш ҳам мумкин: шахс ва лидер типлари:

1. **Сиёсатдан йироқ тип.** Унинг сиёсатга бефарқлиги объектив ва субъектив омиллар билан узвий боғлиқлигини унутмаслик керак.

2. **Сиёсий фаоллиги паст бўлган тип.** Ёки бу бошқа сусткашлик типи ҳам дейилади.

3. **Сиёсатга ўртача аралашадиган тип**. Ёки бу индефферентик тип ҳам дейилади. Бу энг кўп тарқалган тип. Лекин вазиятга қараб ип кўрувчи ҳам бўлиши мумкин.

4. **Шахснинг тўлароқ сиёсий типи**. Маълум сиёсий партияларга аъзолиги.

5. **Шахснинг арбоб, ходим типи.** Ёки фаоллик типи ҳам дейилади. Бунда у сиёсий партияларга кўпроқ вақтини ажратади. Масалан, депутатлар.

6. **Профессионал сиёсатчи тип.** Бутун хаётини сиёсий мансаб йўлига сафарбар қилиб, сиёсий арбоблар сафидан жой олади.

7. **Шахснинг энг юқори сиёсий раҳбар типи**. Бу сиёсий етакчи бўлган шахсдир. Жуда катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлади. Ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Қисқача хулоса

Сиёсий бошқариш – бу сиёсий субъектларнинг давлат воситасида жамият ҳаётига таъсир кўрсатишдир. У сиёсатнинг объекти ва субъекти ўртасидаги муносабатларни моддийлаштириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Сиёсий етакчи – сиёсий жараёнлар билан бирга бутун жамият, сиёсий ташкилот ёки ҳаракатни ҳам бошқаради, воқеаларнинг бориши ва сиёсий жараёнлар йўналишини ўзгартира олади. Сиёсий етакчилар жамиятдаги сиёсий жараёнларни жонлантирадилар, жамиятнинг тарихий ривожланишини белгиловчи дастурлар, ғояларни илгари сурадилар.

Ворислик – табиат, жамият ва билиш тараққиёти жараёнида ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, жамиятда ижтимоий ва маданий қадриятларнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳамда ўзлашиши анъаналарига амал қилинишидир[1].

Ҳозирги дунёда сиёсий етакчиларни қандай мақсадга бўйсунганлигига қараб ижтимоий типларга ажратиш мумкин.

1. Инсонпарвар етакчи шахснинг бошқа типдаги шахслардан асосий фарқи шундаки, унинг барча фазилатлари умуминсоний эътиқод, инсонни улуғлаш кайфияти билан суғорилган.

2. Гуманистик типдаги лидер шахснинг моҳияти гуманизм, яъни инсонпарварлик ғоялари – миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги билан характерланади.

Демак, сиёсий муносабатлар ва сиёсий жараёнларда сиёсий раҳбарнинг роли ҳозирги мустақиллик шароитида Ўзбекистон давлати учун демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида бениҳоя катта бўлиб, мамлакатда туб ижтимоий-сиёсий, маънавий ислоҳотларнинг барқарор ривожланишига таъсир этади,

[1] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-том. 2001, 500-б.

жамиятни ривожлантиради.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Политология нуктаи назаридан сиёсий етакчилик ходисасини таҳлил қилинг.

2. Етакчи, йўлбошчилар тўғрисидаги замонавий назарияларни баён этинг.

3. Политологияда замонавий етакчиликка доир қандай ёндошувлар мавжуд?

4. Ҳозирги демократик давлатларда сиёсий етакчиликка қандай маънавий талаблар қўйилмоқда?

5. Президент Ислом Каримовнинг сиёсий етакчилик фаолиятини изоҳлаб беринг.

6. Сиёсий етакчиликнинг қандай турлари мавжуд?

7. Сиёсий бошқаришнинг асосий звено ва ворислик тамойиллари ҳақида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

2. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. – 5-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 181-183 бетлар.

3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилиш-га хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 1999, 146-147 бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 386-387 бетлар.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 335-336 бетлар.

6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи» 2002 йил 30 август.

7. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

8. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгидаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

10. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

11. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташкари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

12. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, кувончлар. «Академия» нашриёти, 2002.

13. Аристотель. Политика. Соч. Т.4. – М.: «Мысль» 1983.

14. Абу носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: «Халқ мероси», 1993.

15. Бобур. Бобурнома. – Тошкент: 1989.

16. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

17. Макиавелли. Государь. М.: 1990.

18. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т.: «Маънавият», 1996.

19. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Т.: «Адолат», 1997.

20. Темурнома. – Тошкент: 1990.

21. Темур тузуклари. Тошкент: 1991.

22. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида Т.: «Ўзбекистон», - 2001.

23. Отамуратов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (Ўқув қулланма) – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999, 14-40 бетлар.

24. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 19-20 бетлар.

25. Пугачев В.П., Соловьёв А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 143-183 бетлар.

26. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март.

27. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005 6 апрель.

28. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005 26 апрель.

IX МАВЗУ. СИЁСАТ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

9.1. Миллат тушунчаси ҳамда сиёсий жараёнлар ва миллий муносабатлар

Миллат (арабча – халқ маъносини билдиради) – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит худудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлик. Миллатга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Миллат деб**, тил, маънавият, миллий ўзликни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар асосида муайян худудда яшовчи кишиларнинг бирлигига айтилади[1].

Аслида миллат тушунчасини аниқлашда турлича ёндошувлар мавжуд:

1. Инглиз файласуфи Эрнест Геллнер «Миллат – инсон яратган, у инсон иши ва онгининг маҳсули» дейди.

2. Рус олими Л.Ионнинг фикрича, «Миллатга мансублик инсонга туғилишдан берилади ва унинг бутун ҳаёти давомида ўзгармай қолади. У жинс каби мустаҳкамдир...».

3. Рус олими В.А.Тишковнинг фикрича, «Миллат илмий тушунча эмас, бу сиёсий шиор ва сафарбарлик воситасидир».

4. Собиқ шўро даврида миллатга таъриф беришда синфий нуқтаи назардан қарашлар устувор эди. Бунинг оқибатида синфий манфаатлар миллий манфаатлардан устуворликка эга бўлиб келди.

5. Ўзбекистонда ҳам миллат тушунчасига турли фикрлар билдириб келинди.

Ер юзида 3 мингга яқин миллат мавжуд. Улар ўз каторида инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96% ни бирлаштирадилар, 4% элатлар ва қабилалардир. Ҳар бир миллатнинг сони бир неча 10 мингдан бир неча 100 минггача боради. Аслида миллатлар сонининг кўп ё камлигига қараб 5 гуруҳга бўлинади:

1. **Буюк миллатлар**: (Хитойлар, ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар - ҳар бири юз млн. дан ортиқ сонга эга).

2. **Катта миллатлар**: (ҳар бири 50 млн. дан 100 млн. гача: инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, турклар ва бошқалар).

3. **Йирик миллатлар**: (ҳар бири 10 млн. дан 50 млн. гача ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиопияликлар ва бошқалар)[2].

4. **Ўрта сонли миллатлар**: (ҳар бири 1 млн. дан 10 млн. гача).

---

[1] Политология. Маърузалар матни. Т.: «ЎАЖБНТ», 2000, 116-120-бетлар.

[2] Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: «Шарқ», 1998, 120-б.

5. **Кичик миллатлар**: (ҳар бири бир неча 10мингдан 1млн.гача).

Жаҳондаги энг йирик 27 миллат Ер юзи аҳолисининг қарийб 75%ни ташкил этади.

Миллат ягона тушунча бўлмай, у ўз ичига уруғ, қабила, элат, халқ, миллий ва этник гуруҳларни ҳам қамраб олади.

Уруғ, қабила – ибтидоий жамоа тузумига хос белгилардир.

Элат – кишиларнинг тил, территория ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган миллатдан олдинги бирлигидир. Элатлар қулдорлик тузумида пайдо бўлди. Давлат пайдо бўлиши билан элатнинг мустаҳкамланишига имконият яратилди.

Ўзбек элати – турли уруғ ва қабилалардан ўрта асрларда шакллана бошлаган. Ўзбек элатининг шаклланишини баъзи олимлар 4 даврга бўлади:

1)қадимги замондан V асргача.

2)VI–XII аср (қорахонийлар давлат ҳукмронлиги даврида тўла шаклланди).

3)XIII–XIV аср 70-йиллари (Мўғиллар истилоси, Чингизхон қарамлиги).

4)XV–XVI асрлар.

Миллий гуруҳлар: тарихий тараққиёт жараёнида ўз миллий бирлигидан ажралиб бошқа ҳудудларга кўчиб бориб яшайдиган халқ миллий гуруҳдир. Миллий гуруҳлар мамлакат учун ёки маълум давлатнинг айрим минтақаси учун маҳаллий бўлмаган миллат ва элатнинг кичик бир бўлаги. Миллий гуруҳлар сиёсий сабаблар туфайли ҳам шаклланиши мумкин. Яъни давлатлар ўртасида сиёсий чегаранинг ўзгариши натижасида у ёки бу халқнинг маълум бир бўлаги ўз ўзагидан ажралиб колиши мумкин. Масалан, Россия билан Хитой ўртасидаги чегаралар ўрнатилиши натижасида қозоқларнинг бир қисми Хитой давлатида қолиб кетган. Россия билан Афғонистонда худди шундай ўзбек, тожик, туркманларнинг маълум қисми Афғонистонда қолиб кетган. («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». 1998, № 7, 6–11- б.). Ўзбекистонда кам сонли халқларни ташкил этувчи 840 дан кўпроқ авар, 745 қўмиқлар яшайди ва ҳоказо.

Этник гуруҳлар – бир-бири билан жуда бўш алоқада бўладиган бир неча минг ёки бир неча юз кишидан иборат кишиларнинг кам сонли бирлашмаси. (Ўзбекистонда 258 дан кўпроқ ингушлар, 240 дан ошиқ гагауз, 110 карам этник гуруҳлар яшашади).

Этник бирлик – кишиларнинг қабила, элат, миллат ва бошқа бирликларидан иборат бўлган, тарихан таркиб топган алоҳида барқа-

рор ижтимоий гурухдир. Этник бирлик тушунчаси этнографик жиҳатдан **халқ** маъносини англатади. Ўзбек этноси миллат сифатида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида шакллана бошлади.

Хўжалар – (академик Э.Юсупов фикрича,) истило даврида араблар маҳаллий аҳоли билан тил топишиш учун уларнинг қизларига уйланишган. Олдин арабларга ҳеч бир киз турмушга чиқмаган. Кейин шундай қонун кучга киради: кимки, ҳарбий аскарга тегса, улардан туғилган болаларга «хўжа», яъни хўжайин унвони берилган. Биринчидан, хўжалар катта ҳуқуқга эга бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол аралашган. Иккинчидан, улар турли солиқлардан озод қилинган, имтиёзли табака бўлган. Учинчидан, хўжалар маҳаллий аҳоли билан араблар ўртасида кўприк бўлишган, ҳар икки томонга сўзлари ўтган. Хўжалар **кораларга** қиз бермасалар ҳам ўз наслини кўпайтириш учун улардан қиз олишган.

Сайид –атама. Сайидлар деб Муҳаммад Пайғамбар ва уларнинг кизлари Фотима авлодларига айтилади. Бахтли давлатчилар ҳисобланган. Сайид – тоза насл демакдир. (Аҳмад Яссавий, Б.Нақшбанд, Н.Кубролар бўлган).

Тўралар – оқ суякларга хос бўлиб, ҳарбий отряд стакчилари, манғитларнинг қўшин бошлиқларидан иборат бўлган. Бухоро амирлигида мавжуд бўлган. Тўралар Чингизхон наслидан келиб чиқиб, ислом динини қабул қилиш билан ҳукмдорлик қилган кишилардир.

Мир – бошлиқ сўзидан келиб чиқиб, мироб сўзи сув таровчи, яъни сувни аниқ мақсад сари йўналтирувчи маъносини билдиради. Мирлар эл-юртга раҳбарлик қилганлар. Тўралар ва Мирлар мавқеи коралардан юқори, сайид ва хўжалардан кейин турганлар.

Қоралар – сўзи оддий халкка нисбатан ишлатилган. («Туркистон», 1998 йил 21 ноябрь).

Собиқ шўро даврида миллий чегаралаш сиёсати миллий-этник хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўтказилди. XX аср 30-йилларида оммавий катағонлар туфайли калмиқлар, қорачайлар, болқорлар, чеченлар, ингушлар, қрим татарлари, месхети турклари, немислар, корейслар, греклар, курдлар бошига аянчли қисмат тушди, улар ўз яшаб турган жойларидан бошқа худудларга мажбуран кўчирилди.

Собиқ СССР республикалари 2 гуруҳга; хом ашё ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи республикалар ва тайёр маҳсулотларни қайта ишловчи республикаларга бўлиб ташланди. Натижада бу республикалар тараққиёти технократик асосда ривожланди, яъни бир томонлама ривожланишга мойиллик юзага келди.

Ер аҳолисининг ярмидан кўпи 5 тил: хитой, инглиз, испан, хинд ва рус тилларида гаплашадилар. 600 тил яхши ривожланган бўлса, 6 мингга яқини 100 йил ичида йўқолиб кетиши мумкин («Маърифат», 1997 йил 8 январр).

Миллатнинг қуйидаги бирликлари мавжуд (олдин улар 4 та эди):

1) *Тил бирлиги.*
2) Иқтисодий бирлик.
3) Ҳудудий бирлик.
4) Маданий бирлик.
5) Мустақил давлат бирлиги.
6) Ҳар қандай миллатнинг тарихий-тақдири бирлиги.
7) Миллатнинг тақдир бирлиги.
8) Миллатнинг манфаатлар ва истиқбол бирлиги.
9) Миллатнинг характер бирлиги (урф-одатлар ва ҳ.к.).

Миллат равнақини белгилайдиган омиллар:

1) Миллатнинг ўз мустақиллиги, тили ва ҳудудининг мавжудли-

2) Тарихи, адабий мероси ва қадриятлари.
3) Келажагимиз бўлган ёш авлодни соғлом руҳда тарбиялаш.

Президент Ислом Каримов: «Бугунги кунимизнинг ўзига хос ёрқин хусусиятларидан бири миллатнинг ўзлигини англашдир», деган эди ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида. Демак, **миллатнинг ўзлигини англаш тушунчаси** (ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади):

1. Миллий бирлик ва бошқа этносларнинг мавжудлигини тушуниб етиш.
2. Миллий қадриятлар: тил, туғилиб ўсган жой, маданиятга содиқлик.
3. *Миллий манфаатларни* тушуниб етиш.
4. Миллий мустақиллик ва миллий тараққиётга интилиш.
5. Ватанпарварлик.

Шахснинг миллий ўзлигини англаш деганда:

1. Миллат (этнос)га мансублигини англаб етиш.
2. Ўз миллатининг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англаш.
3. Миллий қадриятларга содиклик.
4. Миллат эҳтиёжлари ва манфаатларини англаш, уларнинг ривожланиш йўлларини билиш.

5. Миллий тараққиётга виждонан хизмат қилиш.

Суқрот: «Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдали ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан ҳоли бўлади. Бунинг натижаси ўларок, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана олади. Окибатда ўзини кулфатлардан сақлайди».

Имом Ғаззолий: «Оллоҳни англашдан аввал ўзни англамоқ жоиз».

Августин (илоҳиятчи): «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини уйғотмоқ керак».

Чингиз Айтматов: «Ўз тарихини билмаган халқ манқуртга айланади». Унинг «Асрга татигулик кун» асарида босқинчилар тарафидан бошига туя териси ёпилиб, терининг сиқуви окибатида хотирасидан айрилиб манқуртга айланган одам ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек унинг Мухтор Шохонов билан бирга ёзган «Чўққида қолган овчининг оҳизори» номли суҳбатларида манқуртлик, садизм, «зомби»лик ҳақида ҳикоя қилинади.

«Садизм» – жинсий бузуқлик, азоб бериб ҳузур қилиш...

«Зомби»да инсон итоатгўй кул-ижрочига айлантирилади...

«Манқуртлик» – ўзлигини билмайдиган инсонга айлантирилиши...

Бу руҳий жиҳатдан ўзликни англамаслик, хотирасизлик...

Шу боисдан ҳам мустақилликка чиққандан кейинги даврда Президент Ислом Каримов халқимизнинг миллий ўзликни англаш бўлган эҳтиёжини ҳамиша гапириб келади. Унинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида миллий туйғу, миллий ўзликни англаш билан боғлиқ бўлган масалалар кўтарилди.

«Миллий руҳиятни» шакллантиришда **«миллий ғурур»**, **«миллий ифтихор»**, «миллий ҳис», «миллий характер» каби тушунчалар ҳам муҳим ўрин тутади.

1) **«Миллий ғурур»** – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. «Шахс ғурури» – бу фахрдир. Ҳар бир шахснинг ютуқларидан кимдир мамнуният ҳиссини туяди, ота-она фарзандларидан, устоз истеъдодли шогирдидан, ёзувчи яхши асаридан, боғбон сўлим боғидан фахрланади ва ҳоказо. Ўзлигича қола билган одамнинг ғурури бут-бутундир.

2) **«Миллий ифтихор»** – миллат маънавий камолотининг барча жиҳатлари, мероси ва бугунги қадриятларини ўз ичига олади. Мил-

лий истиқлол натижасида эришилган ва эришилажак иқтисодий ва маънавий ютуқлар кўпайган сари Ўзбекистон билан фахрланиш ҳиссси – миллий ҳис шунчалик кучайиб бораверади.

3) «**Миллий ҳис**» - бу миллат манфаати билан яшаш, ўзининг кимлигини танимоқ, зеро ўзлигини танимаган инсонда миллий ифтихор сўнади. «Миллийлик, миллатга мансублик – бу умумжаҳон тараққиётининг қонуниятидир, миллий ғурурсиз ҳеч бир миллат миллат сифатида шаклланмайди.

«**Миллий туйғу** – деган эди Президент Ислом Каримов, - инсон учун табиийдир, чунки, у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун-жаҳон жамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳакиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас».

4) «**Миллий характер**» - ўзбек характери, миллий рухияти, миллий ўзига хос томонлари асрлар давомида шаклланган ҳамда аста-секин уларнинг қонига ва жонига жойлашиб кетган. «Инсоннинг кимлигини нимани англашига қараб билиб оламиз» деган эди ҳинд мутафаккири Р.Тогар.

Миллий масалага доир тенденциялар қуйидагилардан иборат.

Марксизм-ленинизм таълимотига кўра капитализмда 2 та тенденция мавжуд бўлган: (бу кўпинча XIX аср охири ва XX аср 80-йилларигача):

1. Миллатларнинг уйғониши (капитализмга хос деб келинган).

2. Миллатнинг қўшилиб кетиши (империализмга хос деб келинган).

Бугунги кунда, яъни XX аср 90-йилларидан кейинги даврда ва XXI аср бошларида миллий масалада 2 та тенденция юзага келди, улар (бу мазкур масалага янгича қараш нуқтаи назаридан келиб чиққан):

1. Миллатларнинг уйғониши (XX аср бошларига хос бўлган).

2. Миллий давлатчиликка интилиш тенденцияси (XX аср 90-йилларига хос бўлган бу тенденциялар ривожланаётган мамлакатларда юзага келганлиги ҳақида политологлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда).

Демак, миллатнинг умумий ўзига хос хусусияти, бу:

1) халқларнинг уйғониши;

2) ўз-ўзини, тарихини ва маънавий қадриятларини англаш;

3) миллий рамзларга эътиборнинг кучайиши.

Шу боисдан ҳам биринчидан, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилик, иккинчидан, турфа тилли аҳоли қатламларининг оммавий-сиёсий онги даражаси ва тузилишини билмасдан туриб миллий муносабатларни ривожлантириш мумкин эмас.

Демак, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ўзаро муносабатларининг ҳолати билан боғлиқ бўлган тушунча ҳисобланади. Бу жараёнларга миллатлар ва улар орасидаги муносабатлар ҳам боғлиқ бўлади. Чунки, миллатлараро муносабатларни барқарор ривожлантиришни ташкил қилмасдан туриб, сиёсий жараёнларнинг барқарор ривожланишини ташкил қилиб бўлмайди. Агар собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитидаги сиёсий жараёнлар ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, миллий манфаатлар давлат манфаатларига бўйсунтирилган эди. У ёки бу миллатнинг ўз манфаатларини ўртага қўйиши давлатга қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланар эди. Шунинг учун давлат бундай ҳаракатларни куч ишлатиб бўлса ҳам «тинчитишга» ҳаракат қилар эди. Аммо, давлатнинг бундай ҳаракатлари миллий жараёнларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келмади, аксинча, бу жараён зимдан катта куч сифатида шаклланиб келди ва давлат ҳокимиятининг ичидан емирилишини тезлаштирди.

Бу аччиқ «тажрибадан» келиб чиққан хулоса шуки, давлат жамиятда кечадиган муносабатларнинг табиий ривожланиш қонунларига асосланган ҳолда ўзининг фаолият йўналишларини белгилаб олиши зарур.

Айниқса, миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланиши учун ҳар бир миллатнинг сиёсий манфаатларини ҳисобга олиш давлат сиёсатида устувор бўлиши амалий аҳамиятга эгадир. Шунинг билан бирга миллатлараро муносабатларга сиёсий тус бериш хатарли эканини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Яъни миллатларнинг ўзаро муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган у ёки бу салбий ҳолатлар давлат ҳокимиятини қўлга киритиш учун кураш даражасига кўтарилмаслиги керак. Чунки бундай жараён албатта давлатни ҳалокатга ва миллатлар манфаатларининг поймол бўлишига олиб келади. Сиёсий жараёнларнинг ривожланиши миллатлараро муносабатларнинг барқарор тараққий этишига хизмат қилиши лозим. Бу эса ўз навбатида бутун жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Демак, **миллий муносабатлар** – миллатлараро алоқалар ва ҳамжиҳатлик тизими, шунингдек уларнинг мавжудлиги ва равнақ то-

пишидаги миллатлараро ички муносабатлардир. Мазкур миллатлараро муносабатлар масаласини тўлароқ ҳолда кейинги мавзуда кўриб чиқамиз.

9,2. Миллий муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий йўли

Миллат мавжуд экан, албатта миллий масала ҳам, миллатлар ўртасида турли муносабатлар ҳам мавжуд бўлади. **Миллий масала** деганда турли миллат ва элатларнинг ўзаро муносабатларида зарур эҳтиёжларни қондиришга тўсқинлик қилувчи холатларнинг юзага келиши тушунилади. Улар кўп миллатлар яшайдиган мамлакатларда у ёки бу миллатларнинг манфаатларини хисобга олмаслик холатларидан келиб чиқади.

Миллий муносабатлар эса турли миллатлар яшайдиган мамлакатларда улар ўртасида моддий ва маънавий соҳада ўзаро ёрдамлашиш, бойиш, алмашиш ва ижобий маънодаги таъсир кўрсатиш орқали намоён бўлади. Адолат ва қонун устуворлиги қарор топган мамлакатларда миллий масала барҳам топиши мумкин. Аммо миллий муносабатлар мавжуд бўлиб колаверади. У миллатнинг абадийлиги ва улар манфаатларининг сақланиб қолиши билан боғлиқдир. Тўғри, миллий манфаатларни тўла кондириш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Чунки эҳтиёжлар миллатларнинг ўзи каби ўсиб бораверади, унинг тўхташи миллий тараққиётнинг тўхташини ҳам билдиради. Шунинг учун ҳам миллий муносабатларни барқарорлаштириш учун:

1. **Биринчидан,** давлат сиёсатида барча миллатларнинг эхтиёжларини ҳисобга олиш зарур.

2. **Иккинчидан**, қабул қилинадиган қонун ва қарорларда ҳамма миллатларнинг тенглиги, уларнинг барча яратиладиган моддий ва маънавий бойликлардан тенг фойдаланиш кабилар ўз ифодасини топиши лозим.

3. **Учинчидан**, кўп миллатли давлатларда кандайдир сабаблар, хусусан ташқи кучларнинг аралашуви ёки ўзларини миллатпарвар қилиб кўрсатувчи, аслида ўзининг жирканч мақсадларини амалга ошириш йўлида атайлаб миллатлараро муносабатлар омилидан фойдаланишга интилишга уринувчи ички кучларнинг айби билан ҳам юзага келиши мумкин бўлган миллатлараро можароларни ҳал қилишда сиёсий воситалардан фойдаланиш йўлидан бориш зарур бўлади. Чунки, миллий можароларни ҳал килишнинг куч ишлатиш йўли ҳеч қачон ижобий натижа бермаган. Аксинча, куч ишлатиш

йўли – давлатни ҳалокатга, миллатларни жаҳолатга олиб келувчи энг хатарли йўл ҳисобланади. Шунинг учун ҳам агар миллатлараро можаролар келиб чиққудай бўлса, уни ҳал қилишнинг **ягона йўли сиёсий воситалардан фойдаланиш ҳисобланади.**

«Миллий сиёсат» – миллий масала. Ўз моҳиятига кўра миллатларнинг озодлиги ва эркин ривожланиш шароити тўғрисидаги масалаларни ўз ичига олади. **Миллий сиёсат** – давлатнинг тегишли сиёсий ва адлиявий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган, миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб турадиган, муайян мақсадга қаратилган фаолият.

Миллий сиёсат деганда давлат томонидан жамиятдаги турли миллатлар ва этник гуруҳларнинг ривожига, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга ва шу асосида барқарор ривожланишни ташкил қилишга қаратилган, аник мақсад асосида олиб бориладиган фаолият тушунилади.

Миллий сиёсатда барча миллат ва этник гуруҳлар манфаати ҳамда эҳтиёжларининг қондирилиши адолатли ташкил қилинган бўлса, миллатлараро можаролар келиб чиқмаслиги учун имконият яратилган бўлади. Бу ўз навбатида жамият барқарор ривожланишининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Миллат ва элатлар сиёсатнинг субъекти ҳисобланади. Чунки, миллий манфаат мустақил ривожланиш, ўз маданияти, тарихи, тилини эъзозлаш сиёсий фаоллигини кўрсатади.

Миллий сиёсат бошка иктисодий, ижтимоий, демографик ва *бошка сиёсатлар билан бир қаторда ишлатилади.* ***Миллий сиёсатнинг асосий қоидалари*** қуйидагилардан иборат:

1) Ҳуқуқий давлат талабларига риоя қилиш ва миллий манфаатларни ҳисобга олиш.

2) Миллий муаммоларни ҳал қилишда тор синфий ёндошувлардан воз кечиш.

3) Ҳамдўстликда барча субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши.

4) Миллий муносабатларнинг ошкоралиги ва очиқлиги.

5) қарор топган кучлар нисбати, миллий вазият ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда муроса ва мулоқот.

Миллий муносабатлар ҳамма замонлар учун бўлганидек, ҳозир ҳам долзарб масаладир. Агар миллий масала тўғри ҳал қилинмаса, жамият икки томонлама зарар кўради: 1. **Биринчи томондан,** мамлакат ичида миллатлар ўртасида келишмовчилик, низолар чиқиб тура-

ди, бу эса иқтисодий ривожланишга ҳам салбий таъсир қилади. 2. **Иккинчи томондан,** давлатнинг чет давлатлар билан бўладиган муносабатларига ҳам раҳна тушади.

Миллий муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши учун аввалс ўзга миллат орасида оқилона сиёсат олиб боришнинг асосий йўли қонун қабул қилиб, бу қонун барча миллат вакиллари учун маъқулланган, бир бўлиши лозим.

Умуман, миллий масалани ҳал этишнинг **асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат**:

1. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқи.

2. Барча миллатлар учун жинси, ирқи, миллатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги принципи (ЎзР Конституциясининг 18-моддаси шу ҳақида).

3. Барча миллатларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар миллий манфаатларини ҳурмат қилиш принципи.

4. Миллийликнинг байналминаллик билан узвийлиги.

5. Ҳар бир миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий ва диний хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларга ҳурмат билан қараш.

6. Ўртоқларча ўзаро ёрдам ва манфаатдорлик.

7. Шовинистик, миллатчилик, маҳаллийчилик кўринишларига ён бермаслик ва уларнинг бирон бир кўринишларига муросасиз кураш принципи.

Аслида, миллий муносабатлар ижтимоий-сиёсий ходиса бўлиб, соф ҳолда мавжуд бўлмайди. Яъни у иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларнинг бири сифатида намоён бўлади.

Демак, «миллий муносабатлар» тушунчаси муносабатларнинг 3 шаклини ўз ичига олади:

1) Ички миллий муносабатлар.

2) Миллий этник бирликлар ўртасидаги муносабатлар.

3) Миллатлар, элатларнинг шахслараро даражасидаги муносабатлар.

«Миллатлараро муносабатлар» тушунчаси эса:

1) Миллий бирликлар ўртасидаги муносабатлар.

2) Турли миллатлар вакилларининг шахслар даражасидаги муносабатларда ўз аксини топади.

Миллатлар ўртасидаги муносабатларга урғу бермоқчи бўлганда «миллатлараро муносабатлар» атамаси ишлатилади.

9.3. Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг миллий сиёсати

Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат – жамиятни янгилашнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Жамиятни янгилашнинг муваффақияти мамлакатда истиқомат қилувчи кам сонли халқлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан изчил ва мунтазам шуғулланишга боғлиқ.

Ўтмишда тарихий ҳақиқатдан қатъий чекиниш ҳолатларига йўл қўйилди, миллий муносабатлар соҳасидаги далиллар қўпол равишда бузиб кўрсатилди.

Таниқли турк олими Зиё Кўкалп фикрига кўра, «миллат на ирқий, на қавмий, на жуғрофий, на сиёсий ва на бир иродавий уюшма эмасдир. Миллат тил, дин, ахлоқ ва бадиий жиҳатларга кўра муштарак бўлган, яъни муайян тарбияни олган одамлардан таркиб топган бирликдир».

Олдинги мавзуда баён этилганидек, ўзбек этноси миллат сифатида XIX асрининг охири ва XX асрнинг бошларида шакллана бошлади. Ваҳоланки, бу даврда ўзбеклар яшайдиган худуд бир-бирига бўйсунмайдиган: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, қўқон хонлиги ва Балх амирликларига бўлинган эди. Ана шундай шароитда миллатнинг шаклланиши ва ривожи жуда мураккаб шароитда кечди. XX аср бошларида ғоялар кураши (коммунистик ва исломий) бу мураккабликни янада чигаллаштирди. Ана шундай қарама-қарши жараёнлар гирдобида миллатнинг шаклланиши мураккаб, балки фожиали кечди. Шўро даврида миллий маданият ғаразли мақсад билан аста-секин йўқотила борилди. Масалан, ўзбек тилини олайлик:

1. 1917–1929 йилларда октябрь инқилобидан кейин 19-йилларда ўзбек ёзуви араб графикаси асосида биринчи марта ислоҳ қилинди.

2. 1929–1940 йилларда, хусусан, 1929 йили араб графикасидаги ўзбек ёзуви лотин алфавити билан алмаштирилди.

4. 1940–1991 йилларгача, хусусан, 1940 йили эса ўзбек тили рус графикаси асосидаги ёзувга ўтилди.

Ўзбек халқи, ўз миллий мустақиллигига эришганидан кейин асосий мақсади, ҳақиқатни тиклашдан иборат бўлди. Бу йўлда кўп ишлар қилинмоқда. Республика аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки, биргаликда ҳаёт кечирувчи бошқа миллатга мансуб кам сонли аҳолининг тақдири, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб

қолиш, камол топиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб беришдан иборат бўлди.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожланишида миллий-маданий марказларнинг ҳам ҳиссаси катта. 1989 йилда Маданият вазирлиги қошида Республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди. Унинг таркибида 12 та, жумладан, қозоқ, корейс, арман, озарбайжон, тожик каби маданият марказлари фаолият кўрсата бошлади. 1995 йилга келиб миллий-маданий марказларнинг сони 80 дан ошди. Бугунги кунда республикамизда 90 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. 1992 йил Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси **«Байналминал маданият маркази»** ташкил қилинди. Марказ умумхалқ байрамлари жумладан, ўзбекларнинг «Наврўз»и, русларнинг «Масленница, Рождество»си, татарларнинг «Сабантўй» ва бошқа миллий байрамларда фаол иштирок этиб келмоқда. 1994 йили биринчи марта «Халқ ижодиёти» фестивали бўлиб ўтди. «Манас» (қирғиз) эпосининг 1000 йиллиги Республикамизда ҳам кенг нишонланди. 1995 йил 10–11 март кунлари «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар маданияти» илмий-амалий конференцияси Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Миллий маданият марказларининг асосий вазифаси 3 йўналишга эга:

1. Ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватан билан алоқа ва муносабатларни жонлантириш, миллий хис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиш.

2. Мустақил Ўзбекистонни ўзининг ҳақиқий Ватани деб билиш ва унга садоқат билан хизмат қилиш.

3. Ватан билан муштарак ҳаёт кечириш, унинг маданияти, турмуш тарзи ва тилини ўрганиш, мустақил давлатга номи берилган миллат билан дўстликда, ҳамкорликда ва тотувликда яшаш.

Ана шу 3 йўналишда олиб борилаётган ишлар йил сайин янгидан-янги шаклларда, турларда, йўналишларда ранг-баранг бўлиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда 28 млн.дан ошиқроқ ўзбеклар яшайди. Ўзбекистонда 26 млн. аҳолининг тахминан 18 млн.дан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади. Шунингдек, Тожикистонда жами аҳолининг 24,4%, Қирғизистонда – 13,8%, Туркманистонда – 9%, Қозоғистонда – 2,5%ни ўзбеклар ташкил этади.

Миллий муносабатлар маданияти – бу турли миллат ва халқларнинг бевосита алоқаларидаги ғоявий-сиёсий, ахлоқий, маданий-турмуш нормасига оид ўзаро муносабатлар йиғиндисидир. **Миллий маданиятлар** – халқларнинг маънавий якинлиги манбаидир. 1994 йил 23 майда Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишида Президент Ислом Каримов «Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак» мавзусида нутқ сўзлади. 1994 йил 10 январида Тошкентда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида шартнома имзоланди. 1994 йил 16 январда Қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилди. 1994 йил 30 апрелда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисида баёнот қабул қилинди.

Президент Ислом Каримов «Ватан – саждагоҳ каби мукаддасдир», «Туркистон – умумий уйимиз» мавзуидаги нутқларида Марказий Осиёдаги ўзаро иқтисодий интеграция алоқалари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. 1997 йил охирида «Ўзбекистон–Қозоғистон дўстлик жамияти» нодавлат ташкилоти тузилди. 1997 йил 15–16 сентябрда Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролидан ҳоли зона» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ягона иқтисодий маконга 1998 йил 26–28 мартда Тожикистон Республикаси ҳам қўшилди.

Миллий сиёсатнинг характерли хусусиятидан бири унинг демократизм ва инсонпарварлигидир. Демократиялаш ўзини ўзи бошқариш, инсонпарварлик фақат умуминсоний асос бўлибгина қолмай, шунингдек, миллий муносабатларни қайта қуриш ва йўналтиришнинг моҳияти ҳамдир.

Халқлар бирлашувининг давлат-ҳуқуқий шакллари оддий ва мураккаб характерга эга:

1. Унитар (оддий)-(қўшма, бирлашган, бир бутун) давлат шакли.

2. Федератив (мураккаб) давлат шакли–(иттифоқ, уюшма, бирлашма).

3. Конфедератив (мураккаб) – мустақил давлатлар иттифоқи.

Қисқача хулоса

Умуман, қисқача қилиб, шундай хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, миллат инсоният ва жамият тараққиётининг ҳосиласи ҳисобланади. Унинг шаклланишида моддий омиллар, хусусан, давлат, иқтисодиёт муҳим роль ўйнаган бўлсада, улар миллатнинг

тўлиқ моҳиятини очиб беролмайди. Улар инсонларнинг ўзаро яқинлашишига ўз таъсирини ўтказган. Аммо миллатни бирлаштирувчи нарса, **маънавий омиллар** ҳисобланади. Хусусан, руҳият, тил, маънавият, урф-одат, анъана, қадриятлардир.

Иккинчидан, миллат тушунчасини таърифлашда синфий ёндошув, унинг чинакам куч, қудратини хаспўшлаш ҳисобланади. Чунки инсоният ва жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатлари тажрибалари шуни кўрсатадики, синфлар ўртасида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар замини моддий манфаатдорлик билан боғлиқ. Мамлакатларда аксарият аҳолининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш ўзаро қарама-қаршиликларнинг ҳам сўниб боришига олиб келади.

Умуман миллатнинг шаклланишида моддий омиллар қандай роль ўйнаса, унинг абадийлиги ва барқарорлигини таъминлашда асосий омил – маънавий- руҳий салоҳият ҳам шунча муҳим роль ўйнайди.

Демак, миллий муносабатлар – кишиларнинг тарихан вужудга келган бирлиги: уруғ, қабила, элат, халқ, миллий гуруҳлар, кам сонли халқлар, этнослар ва уларнинг ҳозирги юксак, барқарор шакли бўлган миллатларнинг ривожланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

«Миллатлараро муносабатлар» – элатлар, халқлар, миллатлар, кам сонли халқлар ўртасида таркиб топадиган турли алоқаларга айтилади. **«Миллий муносабатлар»** дейилганда кўпинча миллатлар, элатлар, кам сонли халқлар ҳаётини ривожлантириш ва улар ўртасидаги турли алоқалар тушунилади. Шу боис «миллий муносабатлар» дейилганда одатда «миллатлараро муносабатлар» тўғрисида ҳам гап кетиши мумкин. Демак, буларни бир-бирига кўшиб юбориш ёки ажратиб кўрсатиш нотўғри. Бу тушунчалар бир-бири билан боғлиқ. Лекин «миллатлараро муносабатлар» «миллий муносабатлар» доирасига киради.

Назорат ва муҳокама учун саволар

1. Миллат тушунчасига қандай таъриф берилган ва миллатнинг асосий белгиларини баён этинг. Ўзбек элатининг пайдо бўлиши ҳақида нималарни биласиз?

2. Президент Ислом Каримов «Жамиятимиз мафкураси халқни–халқ, миллатни–миллат қилишга хизмат этсин» деган асарида қандай муаммоларни кўтарган эди?

3. *Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридаги* бош ғояларни изоҳлаб беринг.

4. Миллатнинг миллий ўзлигини англаш билан шахснинг миллий ўзлигини англашни гапириб беринг. Миллий сиёсатнинг асосий қоидалари нималардан иборат?

5. Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон умумий уйимиз» ғоясида устувор бўлган жиҳатлар нималардан иборат?

6. Президент Ислом Каримов «Fidokor» газетаси мухбири саволларига жавобларида «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк *келажакка ишончдир» мавзуидаги бош ғояларни изоҳлаб беринг.*

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003, 4-5 бетлар.

2. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. – 5 жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 186-188-бетлар.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон»1997, 36-39, 77-87- бетлар.

4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 1998, 137-139-бетлар.

5. Каримов И.А. «Озод ва Обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаётпировард максадимиз» 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000, 345-346-бетлар.

6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ этиқоди ва буюк *келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000,* 499-бет.

7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

8. Каримов И.А. биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий Дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи». 2003 йил 25 апрель.

9. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

10. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

11. Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

12. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

13. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

14. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: қурашлар, истироблар, кувончлар, «Академия» нашриёти. 2001 йил.

15. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

16. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

17. Отамуратов С. Миллат. Миллий онг, миллий ғурур.ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши. (мақолалар) - Мустақиллик изохли илмий-оммабоп Луғати. Т: «Шарқ», 1998.

18. Отамуратов С., Эргашев И, Акрамов Ш., Қодиров А. Политалогия, (Ўқув қулланма), тошкент: «Ўзбекистон», 1999.

19. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 23-бет.

20. Пугачев В.П.,Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 48-63-бетлар.

21. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: Назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 151-159, 251-266, 333-341-бетлар.

22. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март.

23. Гулямов С.С. Феномен экономического Прорыва. «Труд», 2005 6 апрель.

24. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005 26 апрель.

X МАВЗУ. СИЁСАТ СУБЪЕКТЛАРИ: ГУРУҲЛАР ВА ҚАТЛАМЛАР

10.1. Ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг турлари

Жамият ҳаётида кўп сонли ижтимоий гуруҳлар фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдор бўлиб, бу фаолият жамиятнинг мавжудлиги, уларнинг яшаши ва ривожланишининг зарур шарти сифатида намоён бўлади. Кишилик жамияти пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи турли хилдаги ижтимоий гуруҳларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидир. Ижтимоий гуруҳлар турли хил шароитларда ва турли хил сабабларга кўра шаклланган. Уларнинг шаклланиши жамият ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, тарихий тараққиётнинг ҳар бир янги даври бу гуруҳлар мавкеига, уларнинг турмуш ва ҳаёт шароитларига ўз хусусиятларини киритган.

Ижтимоий гуруҳлар сиёсатнинг ўзига хос субъектлари ҳисобланади. Сиёсат – бу инсонлар ўртасидаги муносабат соҳасидир. Шунинг учун сиёсатга жуда кўп омиллар, муносабатлар таъсир кўрсатади. Шунда «Сиёсат субъекти» тушунчаси ишлатилади. **Сиёсат субъекти деганда**, сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг **субъекти дейилади**. Ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзининг иродасини сиёсатда ифодаланган ташкилоти ва ҳокимияти орқали амалга оширади. Ижтимоий гуруҳлар ҳаракатининг жамият ҳаётидаги амалий натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, унда жамиятга қилинадиган таъсир ўз ифодасини топади.

Ўзгаришга, ўзгартиришга ёки қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсий фаолият билан боғлиқ сиёсий реаллик, **сиёсат объекти** деб аталади.

Сиёсат субъекти сифатида, шахслар социал гуруҳлар, қатламлар, институтлар ва ҳаракатлар фаолият юритса, уларнинг сиёсатда тутган ўрни хилма-хил бўлади.

Ижтимоий гуруҳлар ўзининг шаклланиш хусусиятларига кўра куйидаги турларга бўлинади:

1. Синфийлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар.

2. Этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар.

3. Касб-корлик ва мутахассислик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар.

4. Элита гуруҳлари.

1. Синфий хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар:

1) Ишчилар гуруҳи. Бунга саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган кишилар киради. Марксизм-ленинизм таълимоти ишчилар гуруҳини сохталаштириб юборган. Аслида ишчилар синфи ҳеч качон жамиятда етакчи ва раҳбар куч бўлмаган. Ишчилар гуруҳи ўзининг сиёсий онглилиги ва фаоллиги жиҳатидан бошка ижтимоий гуруҳлардан кескин фарқ килади. Дунё мамлакатларида уларнинг аксарият қисми **саводсиз ва малакасиз** бўлиб, улар ўрта маълумотга ҳам эга эмаслар. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатларида узоқ давом этган мустамлакачилик сиёсати бу ўлкалардаги ишчиларнинг билим олиши учун имконият бермаган эди. Кейинги йилларда бу мамлакатларда ҳам малакали ишчилар тайёрлашга эътибор берила бошлагани уларнинг турмушига ижобий таъсир кўрсатди.

Ишчилар синфи гарчи сайловларда катнашсаларда, уларнинг баъзилари бунга бефарқ муносабатда бўлиб қолмоқда. Лекин барча дунё мамлакатларидаги ишчиларнинг ижтимоий ва сиесий қарашлари бир хил эмас. Ҳуқуқий демократик давлатларда ишчилар синфи ўзларининг демократик талабаларини қўйиш ва уларни амалга ошириш бўйича фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ишчилар гуруҳи ўзларининг **касаба уюшмаси ташкилоти** ёрдамида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий талабларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Барча мамлакатларда ана шу касаба уюшмалари фаол ишлаб турибди. Масалан, Жаҳон Касаба Союзлар Федерацияси 140 млн.дан ошиқ ишчиларни ўз сафларида бирлаштирган бўлиб, ишчиларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, Эркин Касаба Союзлар Конфедерацияси 63 млн.дан ошиқ ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шакллари ижтимоий табақаланишга олиб келди ва ишчилар сон жиҳатдан камайди.

2) Деҳқонлар гуруҳи – қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш билан машғул бўлиб, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучига айланган гуруҳ.

2. Этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар. Бу гуруҳнинг: Ёшлар; 2) Фахрийлар; 3) Хотин-қизлар; 4) Диндорлар ва ҳ.к.

Булар асосий гуруҳлар бўлиб, жамият ҳаётида турли шароитларда, турли сабабларга кўра шаклланган. Бу гуруҳлар жамиятдаги

ижтимоий мавқеига кўра бир-бирига жуда яқин туради. Бу гуруҳлар ишчи ва деҳқонлардан фарқ қилиб, ўз куч ва қобилиятлари, билим ва малакалари, ҳаётий тажрибаларига кўра жамиятда алоҳида мавқеда туради. Бу гуруҳлар асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланмайди.

Бу гуруҳлар орасида «Ёшлар гуруҳи» алоҳида ўрин ва мавқега эга. Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Жами 26 миллион аҳолининг 65 фоизидан зиёдини 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ҳозир юртимизда ёшлар билан боғлиқ бўлган бир қатор ижтимоий ҳаракатлар мавжуд. 2001 йил 25 апрелда янгидан ташкил топган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низом ва дастурларида қайд қилинганидек, **болалар ташкилоти** – 7–14 ёшларни, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари эса 14–28 ёшдаги ёшларни ўз сафларида бириктирган. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов 2001 йил 14 январда «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» мавзуида сўзлаган нуткида ёшлар ташкилоти олдида турган давримизнинг энг долзарб масалаларини белгилаб берган эди. 2003 йилга келиб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 14 вилоят, 209 туман, 20 мингдан зиёд бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, ҳаракат сафида 4 млн. 400 минг нафар аъзоси бор. Шундан 570 минг нафари олий ўқув юртлари талабаларидир.

3. Касб-корлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар. Бу гуруҳга олимлар, муҳандислар, ўқитувчи-педагоглар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, журналистлар ва бошқа шулар сингари кишилар киради. Бу гуруҳлар ижтимоий жиҳатдан бир-бирларига жуда яқин. Улар жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларда фаол иштирок этади. Бу гуруҳларнинг ўзлари уюшган ташкилотлари ҳам мавжуд.

Ижтимоий гуруҳлар катта ва кичиклигидан қатъи назар ўзларининг ички ва ташқи муносабатларидан ташкил топган, маълум тузилишга эга бўлади. Кичик ижтимоий гуруҳлар ўз олдига қўйган **мақсад ва вазифаларига қараб расмий ва норасмий гуруҳлар** кўринишларида бўлади.

1) Расмий гуруҳлар – ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, қоида ва талабларига эга бўлган ҳолда ҳаракат қилади. Бу гуруҳлар юқори даражада расмийлашган гуруҳлардир. Бунда ташкилот доирасидаги қонун-қоидалар, иш тартиблари амалда унинг ҳамма аъзоларининг фаолиятини қамраб олади. **Расмий ижтимоий ташкилотлар** – юқори даражали кўрсатмалар, буйруқлар, фармойишлар билан бошқариладиган, ташкилий ҳаракатлар жараёнида шаклланадиган

ўзаро боғлиқ тизимдир. Расмий гуруҳлар махсус ўз маъмурий аппаратига эга бўлади.

2) **Норасмий гуруҳлар** эса майл ва хохишларининг умумийлиги асосида ҳаракат қилади. Ҳар қандай расмий гуруҳлар асосида норасмий гуруҳлар вужудга келиши мумкин. Норасмий гуруҳлар ўзўзидан, ички сабаблар туфайли вужудга келган кишилар бирлиги сифатида, ташкилий масалаларни расмий конунларда кўрсатилганидан фарқ қиладиган усулларда ҳал қилишга ҳаракат қилади. Эркин бўйсунишга ҳаракат қилади ва асосланади. Бу норасмий гуруҳлар ижтимоий ташкилотларнинг йўл қўйган хатолари туфайли, яхлит тизимда бузилишлар юзага келганда фаолият кўрсата бошлайди. Расмий гуруҳларда кишилар мансаб жиҳатдан бўйсунишга қатъий амал қилишга қараб, норасмий гуруҳларда эса вазиятга қараб ўзгаради. Норасмий гуруҳлар янги тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун имкониятлар яратади.

10.2. Сиёсий элита – ижтимоий гуруҳларнинг алоҳида тури

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида мавқеига эга бўлган ижтимоий гуруҳлардан бири – сиёсий элита гуруҳидир. Бу гурух ўз ташкилотчилик қобилияти билан бошқа гуруҳлардан алоҳида ажралиб туради ва ўз мавқега эга. **«Элита»** - сўзи француз тилидан олинган бўлиб, сайланган, саралланган деган маъноларни билдиради. Бу тушунча сиёсий тилда бошқариш ва раҳбарлик қилиш сифатларига эга бўлган кишиларнинг уюшган гуруҳини таърифлашда қўлланилади[1]. Элита тушунчаси сиёсий фанларга биринчи марта француз мутафаккири **Гаэтано Моска** (1858–1941 йиллар, асли италиялик) томонидан киритилди ва шу асосда сиёсий элита назарияси яратилди. У «Сиёсий фандан парчалар» асарида «сиёсий ёки бошқарувчи синф» назариясини ишлаб чиқди. Бу сиёсий ғоя «Зодагонлар назариясининг бир кўринишини ташкил этади. У «барча жамиятларда одамларнинг икки синфи мавжуд бўлиб, улар бошқарувчилардан ва бошқариладиганлардан иборатдир», дейди. Бошқарувчилар озчиликни ташкил қилса хам, улар куч, бойлик, уюшқоқлик кадриятларига эга, демократия эса аслида кенгайтирилган аристократиянинг ўзгинасидир», дейди. Москанинг фикрича, давлатдаги ҳокимият фақатгина озчилик қўлида бўлиши лозим. Элита – хукмрон синф. Сиёсий тараққиёт бир ҳукмрон элита қўлидан иккинчисига ўтганда юз беради. Давлатнинг бутун тарихий элатлари бирин-кетин алмашинувидир. Ҳокимият хеч

[1] Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 154-бет.

качон кўпчиликнинг қўлига ўтмайди. Г.Моска давлат тарихидаги аристократик ва демократик икки йўналишни ажратиб кўрсатади. Биринчи ҳолда ҳокимият бир гуруҳ элита қўлида, иккинчи ҳолда эса омма орасидан чиққан элита қўлида бўлади. Сайловлар элиталарни янгилаш услубидир.

Вилрфредо Парето (1848–1928) – италиялик социолог ва сиёсий иқтисодчи бўлиб, у «Умумий социология тўғрисидаги трактат» асарида элита назариясини ишлаб чиққан. В. Парето элитани миллатнинг бир гуруҳ туғма раҳбари, умумий манзарадан ажралиб чиққан сифатга эга кишилар деб ҳисоблайди. У ҳар бир даврда ўзига хос 2 гуруҳ - элита ва элитага қарши турганлар бўлади, улар ўртасида ҳокимият учун оммани сафарбар қилиш ёрдами билан кураш олиб борилади. Тарихда доимо элиталар ўзгариб туради.

Агар элита янгиланиб турилмаса, у ҳолда инқилоб даври бошланади ва бундай ҳолда ҳукмрон элита орасида бир гуруҳ элита жамият билан қоришиб кетади. Иккинчи гуруҳ элита эса унинг юзасига чиқади. В. Парето «тарих – бу аристократлар мозоридир» деб ёзади. Парето фикрича, сиёсий бошқариш кобилиятига ҳамма ҳам эга бўлавермайди. Бу жараённи фақат лаёқати бўлган «зодагонлар» бошқара олади. Парето жамиятни пирамидага қиёс қилиб, унинг тепа қисмида юксак истеъдод эгалари бўлган сара одамлар – зодагонлар, улардан қуйида «бошқарувчи синф», яна пастроғида эса колган одамлар гуруҳи ўрин эгаллашини уктиради, зодагонлар эса доимо сиёсий ҳокимиятни бошқариш учун курашадилар. Шу тарзда «зодагонлар айланиши» (ўзаро ўрин алмашиб туриши) ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг объектив қонунига айланади, зодагонлар чекланмаган устунликка эга бўлиб сиёсий бошқаришнинг барча талабларига жавоб беришга ожизлик қилади.

Сиёсий элита гуруҳлари ва уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини асослаб беришга доир кўплаб назариялар, концепциялар ишлаб чиқилган. Бу назариялар қуйидагилардан иборат:

1. Муҳимийлик ва зарурийлик назарияси (Г.Моска, В.Парето, В.Робка, Н.Бердяев ва бошқалар). Бу назарияда сиёсий элита жамиятнинг муҳим етакчи кучи сифатида таърифланади ва у жамиятдаги бошқа ижтимоий гуруҳларга қараганда аҳолининг энг маҳсулдор ва ташаббускор қисмлари экаплиги назарий жиҳатдан асослаб берилади.

Муҳимийлик ва зарурийлик назариясининг айрим тарафдорлари сиёсий элита гуруҳларининг жамият ҳаётига таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаб беришга ҳаракат килганлар. Масалан, Н.Бердяев жа-

миятдаги аҳолининг юқори маълумотли қисмига солиштириш асосида сиёсий элитанинг жамият учун зарурлигини исботлашга ҳаракат қилган. В.Робка эса сиёсий элитанинг зарурлигини жамият эҳтиёжлари билан боғлаб асослашга харакат қилади. Унинг фикрича, жамият ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш сиёсий элитага боғлиқдир.

2. Демократик элита назариясида (Р.Далл, М.Липсет, Л.Зиглер, К.Мангейм ва бошқалар) сиёсий элита гуруҳи аҳолининг мамлакатни бошқаришга қодир қисми бўлиб қолмай, шу билан бирга демократияни ҳимоя қилишга қодир бўлган қисми эканлиги масаласи асослаб берилади...

3. Либерал назария ҳам сиёсий элита назарияларидан биридир. Бу назарияда (Р. Миллс, М. Милбанд ва бош.) сиёсий элитанинг хилма-хил кўринишлари ва турлари ҳақида фикр юритилиб, уларни ўзаро фарқлашга ҳаракат килинади. Масалан, Р. Миллс сиёсий элитани жамиятдаги мавқеига кўра 3 турга бўлиб кўрсатади, улар: 1) сиёсий ҳокимиятнинг марказий идораларида хизмат қилувчилар; 2) сиёсий ҳокимиятнинг ўрта поғонасида хизмат қилувчилар; 3) сиёсий ҳокимиятнинг қуйи поғоналарида хизмат қилувчи бошқарувчилардир.

Либерал назарияда иқтисодий элита билан сиёсий элита ҳам фарқ қилади. Иқтисодий элитага завод ва фабрикалар, қишлоқ хўжалиги, молия ва банк тизимларида раҳбарлик килувчи кишилар киритилади. Сиёсий элитага эса сиёсий ҳокимиятларнинг турли бўғинларида банд бўлган кишилар киритилади.

4. Партократик назария ҳам сиёсий элита назарияларидан бири. Бу назария бир вақтлар собиқ социализм мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, унда сиёсий раҳбарликнинг тарихан муқаррарлиги исбот қилинади. Бу назариянинг асосий қоида ва хулосалари тоталитар сиёсий тузумлар ҳукмрон бўлган собиқ социализм мамлакатларида коммунистик партиянинг дастурлари ва қарорларига асос қилиб олинганди.

10.3. Ўрта мулкдорлар қатлами ва сиёсий барқарорлик

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади. Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шундан далолат берадики, бозор иктисодиётига ўтишнинг уч босқичи мавжуд:

1. Иқтисодиётни барқарорлаштириш.
2. Бозор инфраструктурасини яратиш.
3. Бозор муносабатларига ўтиш.

Режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтишнинг энг

муҳим омилларидан бири – давлат мулкини хусусийлаштириш ва уни самарали олиб боришдир. Давлат мулкини хусусийлаштириш – мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни яратишнинг асосий шартидир.

Хусусийлаштириш – мулкка эгалик ҳуқуқини давлатдан фирмалар ва алоҳида шахсларга берилиши, хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишининг чекланиши ёки хусусий ташаббускорлик учун кенг имкониятлар бериш мақсадларида фаолият соҳасини торайтиришни билдиради. Хусусийлаштириш натижасида 2 та асосий вазифа ҳал этилади. 1) Мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топади. 2) Кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатни, турли маҳсулот ишлаб чиқарувчи муҳитни вужудга келтиради.

Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида хусусий, жамоа (ширкат), давлат, аралаш мулкларнинг тенг имкониятларга эгалиги ва давлат томонидан муҳофаза этилиши таъкидланади.

Мулкдорлар синфини шакллантириш рақобат муҳитини яратишнинг асосидир.

Мулкдорлар синфи – бирон-бир турдаги мулкка (кўчмас мулк, ер майдони, кичик корхона, дўкон ва шу кабиларга) нисбатан тўлиқ ёки қимматбаҳо қоғозлар (акция, пай, сертификат ва ҳ.к.) орқали қисман соҳиблик ҳуқуқини амалга ошираётган кишилар гуруҳи. Мулкдорлар синфи кўп тармоқли бозор иқтисодиётининг ва адолатли демократик жамиятнинг ижтимоий негизидир.

Мамлакатда мулкдорлар ҳуқуқини, хусусий тадбиркорлик манфаатини кафолатловчи қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар, давлат ва норасмий ташкилот ҳамда муассасалар тизимлари вужудга келтирилди. ЎзР Олий Мажлисининг XI сессиясида (1998) «Ер Кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши иқтисодиётнинг аграр секторида туб ўзгаришлар ясаш имкониятини яратди. 2002 йилда 38 мингга яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони 240 мингтага етди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 73,3 фоизи, саноат маҳсулотларининг 71,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг деярли ҳаммаси нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда («Маърифат», 2003 йил 19 февраль).

Сиёсий тафаккурда «Ўрта мулкдорлар синфи» тушунчаси ўтмишда ишлатилган «**синф**» тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Бу дегани, агар мулк шакллари хилма-хиллиги биринчи навбатда хусу-

сий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорлардан иборат кучли қатламининг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлигидир.

Кўп укладли, яъни мулкнинг хилма-хиллигига асосланган иқтисодий шакллантириш унинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу «давлат бой бўлса, оила, ҳар бир одам бой бўлади» деган фикрнинг ўрнида аксинча, «оила, ҳар бир одам бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади» деган ғояни амалда тасдиқлайди[1].

Президент Ислом Каримов 2001 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишидаги маърузасида ва бошқа нутқ ҳамда мақолаларида ўрта мулкдорлар қатламини ривожлантириш хусусида ғоят муҳим бўлган қуйидаги масалаларга диққат қаратган эди:

1. Кичик ва ўрта бизнес ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади.

2. Қишлоқ жойларида, биринчи галда, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар ва манфаатларни яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш жойлари ташкил этиш керак.

3. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини бирмунча соддалаштириш керак.

4. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, айниқса тадбиркорлик соҳасини ҳозирги коррупция тазйиқидан сақлаш учун, ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларининг кўр-кўрона аралашувига чек қўйиш керак.

5. Кичик ва ўрта корхоналарнинг моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни технологик ускуналар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш зарур.

6. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий ресурсларидан фойдалана олиш имкониятини йўлга қўйиш лозим.

Қисқача хулосалар

Ижтимоий гуруҳларнинг **асосий вазифаси** худди сиёсий партиялар каби фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этишдан иборат.

Ҳар бир шахс бир вақтнинг ўзида бир неча гуруҳга мансуб

[1] Политология. Т.: «ЎАЖБНТ», 2002, 161–162-betлар.

бўлиши мумкин эмас. У бир гуруҳдан чиқиб бошқасига аъзо бўлиши мумкин. Масалан, ёшлар гуруҳи вакили аъзоси кейинчалик фахрийлар гуруҳига аъзо ёки мансуб бўлиши мумкин.

Демак, иқтисодиётни **барқарорлаштириш сиёсати** – аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Жаҳон тажрибасида иқтисодий барқарорлаштиришнинг бир неча кўриниши мавжуд:

1. Монитар ёндошув (пулнинг қадрсизланиши олдини олиш).

2. Ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, баъзан буни фискал ёндошув (солиқлар сиёсати) ҳам дейилади ва бунда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилади.

3. Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли, ижтимоий ларзаларсиз ва портлашларсиз қийин шароитдан чиқиб, бунда моддий бойликларни яратаётганларга кўпроқ таянмоқда. Шунингдек, бунда 1) макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш; 2) таркибий ўзгаришларни таъминлаш; 3) меҳнат интизоми; 4) аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш; 5) пулнинг қадрсизланиши олдини олиш; 6) давлат бюджети ва корхоналари молиявий аҳволини барқарорлаштириш ва ҳ.к.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсат субъектларини аниқланг?

2. Сиёсат субъекти ва объекти тушунчаларининг мазмунини таҳлил этинг?

3. Ижтимоий гуруҳларнинг турларини баён этинг ва изоҳланг?

4. Ўрта мулкдорлар синфи ва сиёсий барқарорлик жараёнларининг боғлиқлигини кўрсатинг?

5. Кичик ижтимоий гуруҳлар мақсад ва вазифаларига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?

6. Сиёсий элита ҳақида қандай назариялар мавжуд ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини баён этинг?

7. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришдаги муаммолар нималардан иборат?

8. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг кўринишларини изоҳлаб беринг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2003, 4-12 бетлар.

2. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. - 5-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 186-187 бетлар.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 149-158 бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 383-389 бетлар.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард максадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-334 бетлар.

6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси, халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 495-496 бетлар.

7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллаштиришнинг аосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи» 2003 йил 25 апрел.

9. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

10. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

11. Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

12. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича караш ва ёндошувлар билан куриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

13. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

14. Азизхўжаев А.А. Мустакиллик: курашлар, изтироблар, ку-

вончлар, «Академия» нашриёти, 2001.

15. Аристотель. Политика, Соч. Т. 4. – М.: «Мысль» 1983.

16. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

17. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида, Т.: «Ўзбекистон» - 2001.

18. Макиавелли Н. «Ҳукмдор» - «Жаҳон адабиёти». 2002 йил, сентябр, 105-148 бетлар.

19. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Тошкент, «Адолат», 1997.

20. Темурнома. – Тошкент, 1990.

21. Темур тузуклари. Тошкент, 1991.

22. Отамуратов С., Эргашев И., Акромов Ш., Кодиров А. Политология. (Ўқув қўлланма). – Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 14-40-бетлар.

23. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 66-67 бетлар.

24. Пугачёв В.П., Соловьёв А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 121-142-бетлар.

25. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005, 11 март.

26. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005, 6 апрель.

27. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005, 26 апрель.

28. Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Т. ТДЮИ, 2005.

III БЎЛИМ. СИЁСИЙ ОНГ, МАДАНИЯТ ВА МАФКУРАЛАР

XI МАВЗУ. СИЁСИЙ ОНГ ВА ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ҲАЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

11.1. Сиёсий онг тушунчаси, манбаи ва функциялари

Сиёсий онг – сиёсий фан категорияларидан бири ҳисобланади. У ўзининг моҳияти, манбаи, функцияларига кўра иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний онгдан фарқ қилади.

Сиёсий онг – сиёсий борлиқнинг идрок қилинишидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқелик билан қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳамиша бу воқеликни билишга, англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Кишиларнинг ана шу сиёсий борлиқ ҳақидаги билимлари, қарашлари, тасаввурлари уларнинг сиёсий онгини ташкил этади.

Сиёсий онг – сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир. У сиёсий воқеликни қандай бўлса, шундай, холисона тарзда, бўямасдан, бўрттирмасдан, мутлақлаштирмасдан акс эттиради. Бироқ, сиёсий онг сиёсий воқеликни ойна каби қандай бўлса, шундай, механик тарзда, жонсиз акс эттирмайди. У сиёсий воқеликнинг сир-асрорига «кириб» борувчи, ундан илгарилаб кетувчи, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини башорат қилувчи ва уларни акс эттиришдир. Сиёсий онг – жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг барча бошқа соҳаларига катта таъсир кўрсатишга қодир бўлган ижтимоий ҳодисадир. Бундан ташқари, алоҳида олинган кишиларнинг ҳам, жамият ижтимоий-сиёсий бирлашмаларининг ҳам хулқ-атвори ва фаолиятларининг характери кўп жиҳатдан сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиш даражаларига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ижтимоий жараёнларни сиёсий бошқариш амалиётида жамиятни ва уни ташкил этувчи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, катламларнинг сиёсий онги ҳолатини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Бу ўринда ҳокимиятлар, сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий мувозанатни саклаб туришга имкон берадиган, давлатнинг *ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларини* тўла ифода этадиган сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга интилишлари зарур бўлади.

Сиёсий онг кўпинча сиёсий тасаввурлар йиғиндисидан иборат бўлади. Онгсиз, тасаввурларсиз кишилик жамияти бўлмаганидек, сиёсий онгсиз, тасаввурларсиз сиёсий соҳанинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сиёсий онг нафақат гуруҳий, балки индивидуал характерга ҳам

эга. У аниқ тарихий шарт-шароитнинг, муайян омиллар таъсирининг маҳсулидир[1].

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида қуйидаги манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Биринчи манба – инсоннинг оилавий муҳити. Сиёсий ғоялар ва ҳиссиётлар инсонга оиладаги тарбия орқали берилади. Бунга тўғри келувчи ижтимоий-руҳий қарашлар – сиёсий онгнинг пойдеворини барпо этади. Унинг негизида эса фуқаро шахси шаклланади.

Иккинчи манба – бу кенг маънодаги ахборотдир. У инсон онгига муомала ҳамда оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот) орқали «кириб» боради.

Учинчи манба – бу индивиднинг шахсий тажрибасидир. Шахсий тажриба олинган билимни рад қилади ёки тасдиқлайди. Бироқ, у ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига муҳим таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган манбалар инсонга сиёсат дунёсини таҳлил этишга ва унга нисбатан муносабатини белгилаб олишга имкон берувчи билимлар йиғиндисини ташкил этади.

Демак, воқелик ўзидан-ўзи сиёсий онг орқали баҳоланмайди. Унинг қабул қилиниши кишиларнинг аввалги эътиқодлари ва манфаатларига ҳам боғлиқдир.

Сиёсий онг якка ҳолда эмас, балки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари: иқтисодий қарашлар, фалсафий таълимотлар, ҳуқуқий назариялар ва меъёрлар, ахлоқий қонуниятлар, эстетик қадриятлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ва биргаликда ҳаракат қилади.

Энди сиёсий онгнинг функцияларини кўриб чиқамиз. У ҳам ижтимоий онгнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Бу функцияларга қуйидагилар киради:

1. Билиш-ахборот бериш функцияси. Кишилар эртами ёки кечми, хоҳлайдиларми ёки йўқми, аммо муқаррар равишда сиёсат дунёсига дуч келади. Улар бу соҳа билан шуғулланишни хоҳламасаларда сиёсат улар билан барибир «шуғулланади» У кишиларнинг ҳаётига ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатади. Сиёсат кишиларга сиёсий ахборот кўринишида «кириб» боради.

2. Баҳолаш функцияси. Сиёсий онг социал-сиёсий воқеликни нафақат билади, изоҳлайди, балки, уни баҳолайди ҳам. Кишилар у ёки бу сиёсий ҳодисалар ва воқеаларни англаш жараёнида, уларга ўз

[1] Каранг: Политология Т.: «ЎАЖБНТ», 2002, 163–175-бетлар.

муносабатларини билдирадилар, ўзлари учун муайян хулосаларни чиқарадилар. Айнан сиёсий воқеликни баҳолаш асосида кишилар ўзларининг сиёсий қарашларини, эътиқодларини, позицияларини, қизиқишларини шакллантирадилар.

3. Йўналтириш функцияси. Сиёсий онг кишиларга ўзларини жамият ва давлат олдида нафақат бурчларга, мажбуриятларга, балки муайян ҳуқуқлар, эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эга бўлган фуқаролар эканликларини ҳам англашга ёрдам беради. Ўз навбатида фуқаролик, ўзини ўзи идрок этиш кишиларни социал воқеликни бўш, бир томонлама англашдан кўра кўпроқ ижтимоий-сиёсий ҳаётда аниқ ва фаол иштирок этишга ундайди. Бу билан сиёсий онг ўзининг йўналтирувчилик функцияси орқали кишиларнинг аниқ сиёсий хулқ-атворини, ўзларининг социал-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишлари учун ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқа сиёсий уюшмаларга ўзларининг ҳам фикрлари билан бирлашишлари зарурлигини вужудга келтиради.

4. Тартибга солиш функцияси. Сиёсий онг воқеликни идрок этиш асосида ҳамда унинг томонидан ишлаб чиқилган сиёсий ғоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва эътиқодлар негизида кишиларнинг ижтимоий хулқ-атворларини тартибга солади.

Сиёсий онгнинг тартибга солиш функциясига бўлган эҳтиёж жамият тараққиётининг кескин бурилиш босқичларида, инқирозли даврларида мислсиз равишда ортади. Айнан сиёсий тизимнинг самарадорлиги, воқеаларнинг ривожланиш йўли, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг йўналтирилганлиги жамият кенг қатламларининг сиёсий онгига, «юқоридагилар»нинг сиёсий кўрсатмаларига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг – социал субъектлар (индивидлар, гуруҳлар, синфлар, ижтимоий бирликлар)нинг ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳаси ҳақидаги билимлари, тасаввурлари ва баҳолашларининг йиғиндисидан иборатдир. У бир қатор вазифаларни, билиш, баҳолаш, йўналтириш, тартибга солиш каби функцияларни бажариш билан жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди, уни ҳаракатга келтиради, ўзгартиради.

11.2. Сиёсий онгнинг даражалари ва шакллари

Сиёсий онг – бу фавқулодда мураккаб ва кўп қиррали ходисадир. У турли-туман даражалар ва шаклларда, аввало, махсус ва оммавий сиёсий онг шаклларида мавжуд бўлади.

Махсус сиёсий онг - бу қоида бўйича мафкуравий жиҳатдан бир

хил бўлган онгдир. Дастлаб у кам сонли кишиларнинг мулки ҳисобланади. Унинг ташувчилари – сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар ҳамда бирлашмалардир. Улар муайян йўналиш бў-йича оммавий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият зарурлигини белгилайди.

Махсус сиёсий онгдаги бош масала – ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг оддий вакиллари онгига муайян кўрсатмаларни, қоидаларни ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва жорий этишдир.

Оммавий сиёсий онг жамият эҳтиёжларининг даражаси ва мазмунини бевосита ифода этади. У сиёсий воқелик ҳақидаги жамият билимларининг характерини ҳам акс эттиради. Бундай билимлар, бир томондан, турли мафкуралар орқали ишлаб чиқилади ва сиёсий маданиятда мустаҳкамланади. Иккинчи томондан эса ушбу билимлар ижтимоий гуруҳларнинг амалий фаолияти томонидан қўлга киритилади.

Оммавий сиёсий онг аниқ-тарихий ва ўзгарувчан характерга эгадир. У тез-тез кўтарилиш ва пасайиш даврларини ўз бошидан кечиради. Унга кўплаб омиллар: у ёки бу партияларнинг сиёсий йўли ва тактик-стратегик фаолияти, турли ижтимоий алғов-далғовлар, муайян тарихий вазиятнинг мазмуни ва бошқа воқеа, ҳодисалар ўз таъсирни ўтказиб туради.

Махсус сиёсий онг ва оммавий сиёсий онг ўзаро чамбарчас боғлангандир. Реал ҳаётда улар ўртасидаги алоқаларнинг турли вариантлари бўлиши мумкин.

Айрим вақтларда муайян сиёсий партия томонидан назарий ва амалий жиҳатдан воз кечилган ва бартараф этилган қоидалар, урф-одатлар жамиятнинг сиёсий онгида узоқ вақтгача асорат сифатида сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолни кўплаб сиёсий арбоблар, донишмандлар таъкидлашган.

Тескари вазият ҳам бўлиши мумкин: оммавий сиёсий онгда у ёки бу сиёсий ҳаракатнинг, қандайдир сиёсий қарорни қабул қилишнинг зарурлиги эътироф этилади, махсус онг эса бунга тайёр бўлмайди. Масалан, бирор мамлакатда кўп партиявийликнинг зарурлиги ҳақидаги ғоя олдиндан ўз тасдиғини топган бўлса ҳам, керак бўлган ташаббус ҳукмрон партия, давлат томонидан анча кечикиб қабул қилиниши мумкин.

Сиёсий онг назарий ҳамда эмпирик даража ва шаклларга ажралади:

Назарий сиёсий онг – бу сиёсий характерга эга бўлган турли хилдаги ғоялар, концепциялар, қарашлардир. Унинг белгилари, ях-

литлик, системалашганлик, башорат қилишга қобилиятлилик.

Мазкур онг фан ва у ёки бу ижтимоий қатламларнинг қарашлари билан чамбарчас боғлангандир.

Сиёсий назариялар ва таълимотларда қуйидаги муаммоларни тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилади: а) сиёсатнинг маъно-мазмунли кўринишлари; б) қонуний сиёсий тенденциялар ва жараёнлар; в) уларни келтириб чиқарадиган сабаблар; г) сиёсий позициянинг реал йўли; д) қонунчилик, маъмурий ва суд органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ҳақиқий ва келажакда содир бўладиган оқибатлари.

Назарий сиёсий онгнинг хусусияти – унинг иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий-стратегик ва бошқа реаллик билан чамбарчас боғлиқлигидир. Сиёсий онгнинг ушбу шакли сиёсий назарияларнинг керакли сиёсий дастурлар, декларациялар ва доктриналар бўлиб шаклланганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Амалиётга жорий этиладиган ушбу дастурлар, декларациялар ва доктриналар сиёсий онгни сиёсатнинг етакчи элементи сифатида мустаҳкамлаб қўядилар. Сиёсий муносабатлар ва сиёсий институтлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг характери ўз навбатида бу элементга боғлиқ бўлади.

Назарий онг даражаси ва шаклида сиёсатни англаш жараёни *қуйидаги имкониятларни яратади:*

а) унинг муҳим мақсадлари ҳам фундаментал (стратегик), ҳам кундалик (тактик) вазифаларни белгилаш ва ҳал этишга;

б) уларга эришишнинг восита ва усулларини аниқлашга;

в) долзарб муаммоларни ҳал қилишда ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъмин этишнинг йўналишлари ва йўлларини аниқлаб олишга;

г) сиёсий қарорлар ва мақсадли дастурларнинг бажарилиши устидан социал назоратга концептуал ёндошувларни ишлаб чиқишга;

д) амалий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сиёсатга тузатишлар киритишга имкон беради.

Эмпирик сиёсий онг – бу бевосита амалиётда, сиёсий жараёнда *алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг жонли* иштирок этишларига асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини бўлиб хизмат қилади.

Эмпирик сиёсий онг – сиёсий воқеликни ҳиссиётлар, тасаввурлар, иллюзиялар, кечинмалар шаклида акс эттиради. У **биринчидан**, оммада сиёсат ва сиёсий арбобларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун озуқа бўлиб хизмат қилади. **Иккинчидан**, жа-

мият сиёсий маданиятининг маънавий негизи бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий онг ижтимоий сиёсий онг ва оддий (кундалик) онг даражаларига ҳам эгадир.

Ижтимоий сиёсий онг – бу расмий сиёсат бўлиб, ишлаб чиқиладиган, асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибга солинадиган сиёсий онг даражасидир. Унинг ташувчилари – давлат институтларидир. Бу институтлар сиёсий муносабатларни турли қонун, лойиҳалар, дастурлар, қарорлар, конституция ва уларнинг моддаларига тузатишлар киритиш ва бошқаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш орқали амалиётга татбиқ этиш йўли билан тартибга солади.

Сиёсий онг учун сиёсий воқеликни оқилона - прагматик услубда идрок этиш – ҳокимиятни эгаллаш, қўлда ушлаб туриш жараёнида муваффақиятга эришишни мўлжаллаш ҳам характерлидир.

Оддий сиёсий онг – бу ижтимоий қатлам ёки кишилар гуруҳларининг кундалик ҳаётида бевосита пайдо бўладиган ғоялар ва қарашлар йиғиндисидир. У мазмунига кўра кўп жиҳатдан эмпирик онгга ўхшашдир. Лекин, оддий онг эмпирик онгдан фарқ қилади. У муайян мафкуравий ва назарий элементларга эгадир.

Оддий онгга равшан кўзга ташланадиган ижтимоий-руҳий белгилар – зиддиятлилик, ўзгарувчанлик, тизимга кирмаганлик, ҳиссиёт, кайфият, эҳтиросларнинг ҳосдир. Бу унга ўзига хос динамикликни (тез ўзгарувчанлик), сиёсий вазиятнинг ўзгаришини аниқ ҳис этишни бахшида этади.

Сиёсий онгнинг оддий даражаси рационаллик, эмоционаллик, ҳаётий тажриба ва анъана, дақиқалик кайфият ва беқарор стереотипларнинг ўзаро боғлиқлиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам у беқарор ҳиссиёт ва бевосита тажрибанинг ўзгаришига боғлиқ тебранишларга маҳкум.

Шундай қилиб, сиёсий онг фавқулодда мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У нафақат сиёсий воқеликни акс эттиради, балки уни яратади, ўзгартиради ҳам.

11.3. Сиёсий онг шаклланишининг асосий омиллари ва сиёсий тарбия

Сиёсий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлмас экан, инсонда сиёсий онг шаклланмайди. У сиёсатнинг объектлигича қолаверади. Сиёсий онгнинг шаклланиши – мураккаб жараёндир. Бу жараён аввало, ижтимоий-

сиёсий тартиботнинг мавжудлигига боғлиқдир. Жамиятда бундай муносабатлар мавжуд бўлмаса, мустахкамланиб борилмаса, инсонда сиёсий онг шаклланмайди. Агар жамиятда авторитар, маъмурий-буйруқбозлик сиёсий тизими ҳукмрон бўлса, у инсон сиёсий онгининг шаклланишига имкон бермайди. Аксинча, бу тизим инсонни кулликка маҳкум этади, уни ҳокимиятдан бегоналаштиради, биқиқлик, бефарқликни туғдиради, бошқарув аппаратларини халқдан узоклаштиради.

Жамиятда демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустаҳкамланиб бориши – инсонда сиёсий онг шаклланишининг ҳал қилувчи шартидир. Бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онгги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон шунчалик сиёсий ҳаётда фаол иштирок этади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятда фақат демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги билан белгиланмайди. У жамият иқтисодиёти тараққиёти, халқнинг моддий фаровонлигига ҳам боғлиқ ҳолда шаклланади.

Жамият иқтисодиётининг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик жамиятининг билимдон, малакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрлари корпусининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қилади.

Жамият қанчалик иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб борса, идора қилишнинг демократик шаклларига шунчалик шароит яратилади. Халқ қанчалик бой ва бадавлат, фаровон яшаса, у шунчалик демократияни қўллаб-қувватлайди ва ҳимоя қилади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига бевосита боғлиқ. Маънавий қашшоқ, саводсиз бўлган инсон жамият ва халқаро сиёсатдан йироқ бўлади. У сиёсий ҳаракатларнинг субъекти эмас, балки объекти бўлиб қолади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик сиёсий билимдон ва сиёсий йўналтирилган бўлади. Энг асосийси, демократик йўл, кўрсатмалар, хатти-ҳаракатларга мойил бўлади. Хусусан, мукаммал таълим инсоннинг сиёсий дунёқарашини кенгайтиради, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлишга ёрдам беради, экстремистик ғояларга алоқадор бўлишдан сақлайди, сайлов компаниялари даврида унинг одил ва оқилона йўлни танлаш қобилиятини оширади. Юқори маълумотга эга бўлган шахс ҳукуматнинг қарорларини,

кўрсатмаларини яхши англайди, сиёсий хабарларни чукур билади, кенг доирадаги масалалар бўйича ўзининг мустақил фикрига эга бўлади. Инсон қанчалик маълумотли бўлса, унинг сиёсий баҳс-мунозараларда иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. У ўзини кичик бир мурват эмас, балки ҳукуматга таъсир кўрсатишга қодир инсон, деб ҳисоблайди. Индивид қанчалик маълумотли бўлса, унинг муайян жамоат ташкилотларининг фаол аъзоси бўлиши, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий муҳитга ишонч билдириш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Сиёсий тарбия инсонни маънавий жиҳатдан камол топтиришнинг таркибий қисми бўлиб, уни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб жараёндир. Сиёсий тарбия серқирра жараён сифатида инсон фаолиятида ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнат тарбияси, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ғоявий ва жисмоний тарбиялар ижтимоий тарбиянинг алоҳида шаклларидир. Ижтимоий тарбиянинг барча шакллари ўзаро боғлиқ ҳолда кечади ва ҳар бир кишига турлича таъсир кўрсатади.

Сиёсий тарбия ижтимоий тарбиянинг барча шакллари билан бир вактда, улар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Сиёсий тарбия инсоннинг ўзи учун ҳам, унинг камол топиши ва ривожланиши учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Сиёсий жиҳатдан яхши тарбияланган киши айрим ҳолларда учраб турадиган сиёсий эҳтиросларга берилиб кетмасдан ўзини тия олади, ҳар хил сиёсий ўйинлар, сиёсий бузғунчиликларга холисона баҳо беради, сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларга босиқлик билан қатнашади.

Давлат ўз ихтиёрида бўлган таълим тизими, оммавий ахборот воситалари ҳамда босма нашрлардан фойдаланиб жамият аъзоларини сиёсий таъсирига тортишга ҳаракат қилади. Бу омиллар ўз навбатида фуқароларнинг сиёсий тарбиясига у ёки бу даражада таъсир этиб боради.

Сиёсий тарбия – жамият аъзоларида сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган назарий ва амалий фаолият бўлиб, унинг ёрдамида сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда бўладиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг моҳияти ва мазмуни жамият аъзолари томонидан у ёки бу даражада англаб етилади ва уларда сиёсатга онгли муносабатда бўлиш қобилиятлари шакллантирилади.

Жамият ўз аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш билан бирга улар олдига юксак мажбуриятлар ҳам қўяди. Бу масъулият жамият-

нинг ҳар бир аъзоси томонидан чуқур ҳис этилмоғи керак. Хусусан, раҳбарлик лавозимидаги кишилар учун сиёсий тарбиянинг аҳамиятини ҳис этиш ниҳоятда зарурдир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг буюк, энг муқаддас вазифаси – уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиққан халқига сидқидилдан хизмат қилиш»дир[1].

Сиёсий тарбиянинг усуллари қуйидагилардан иборат:

1) ишонтириш; 2) жамият аъзоларига сиёсий таъсир этиш; 3) намуна бўлиш усуллари ва ҳ.к.

Сиёсий тарбиянинг воситалари: радио, телевидение, босма нашрлар, сиёсий адабиётлар, музейлар, сиёсий мавзуларга доир бадиий ва ҳужжатли фильмлардир.

Қисқача хулосалар

Сиёсий онг – бу кишиларнинг сиёсий билимлари, тасаввурлари, маслаклари, эътиқодларидан иборат бўлиб, ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга бахо беришлари йиғиндиси ҳисобланади.

Сиёсий онг – гуруҳий характерга эга бўлган онгдир. Ҳар бир киши маълум ижтимоий гуруҳ, табақанинг аъзоси, бирорта миллатнинг вакили, бирор давлатнинг фуқароси ҳисобланади. Мана шу мансублик кишилар сиёсий онгининг мазмунини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий онг кишилар томонидан ўзларининг биронбир гуруҳга мансуб эканликларини англаш асосида шаклланади. Гуруҳга мансублик эса ўз навбатида кишиларда муайян сиёсий позицияга эгалик ҳиссини туғдиради.

Шундай қилиб, сиёсий онг муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий омиллар, шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бу омиллар ё инсон сиёсий фаолиятининг ривожланишига, унинг сиёсат субъекти сифатидаги потенциал фазилатларининг очилишига ёрдам беради ёки бу жараёнларни қийинлаштиради ва эски сиёсий тизим негизини сақлаб қолади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсий онг қандай функцияларни бажаради?

2. Сиёсий онгнинг гуруҳий, индивидуал характерларини изоҳланг.

3. Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида қандай ман-

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 216-бет.

балар асосий омил бўлиб хизмат қилади?

4. Эмпирик ва ижтимоий сиёсий онг даражаларини қандай тушунасиз?

5. Сиёсий онгнинг шаклланиши қандай жараёнларга боғлиқ бўлади?

6. Бугунги кунда нима учун сиёсий онгнинг шаклланиш жараёнига эътибор кўчаймоқда?

7. Президент Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деганида нималарни назарда тутган эди?

8. Ислом Каримов «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» («Fidokor», 2000 йил 8 июнь) деганида қандай ғояни илгари сурди?

9. Сиёсий тарбия нима ва унинг усул ҳамда воситалари ҳақида фикр юритинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003, 6-10-бетлар.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 125-135-бетлар.

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 137-139-бетлар.

4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 146-147-бетлар.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380-381-бетлар.

6. Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват (Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар). 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 18-31-бетлар.

7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётпировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000, 18-31, 332-333-бетлар.

8. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси, халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 494-495-бетлар.

9. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Асарлар 11 жилд, Т., 2003й., 3-51-бетлар.

10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиядаги нутқи. «Халқ сўзи» 2003 йил 25 апрель.

11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз кучқудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет, Асарлар,12 жилд.

12. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 64-бет.

13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

14. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича караш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

15. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обо, бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкен шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Хал сўзи», 2005 йил 23 апрель.

16. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувонч лар, «Академия» нашриёти, 2001.

17. Азизхўжаев А.А. Диний экстримизм мафкуралар кураши, Жамият ва бошқарув. № 3, 1998.

18. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний) Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

19. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида, «Ўзбе кистон», 2001.

20. Қосимов Н. Мустақиллик курашлар даври. -Т.: «Ўзбекистон» 1997.

21. Февраль воқеалари. 1999 йил 16 февраль. Т.: «Ўзбекистон» 1999.

22. Отамуратов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (Ўқув қўлланма) Т.: «Ўзбекистон», 1998.

23. Огоҳлик. Тўплам. Академия, 1999.

24. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. «Ўзбекистон», 2000, 62-бет.

25. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик.- Т: Академия, 2005, 293-315-бетлар.

26. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 317-350-бетлар.

27. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: Тош ДШИ, 2003, 179-184, 234-250-бетлар.

28. Одилқориев Х.Т., Ғоибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданияти. Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2004, 144-174-бетлар.

29. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март.

30. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005 6 апрель.

31. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005, 26 апрель.

XII МАВЗУ. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА МАДАНИЙ СИЁСАТ

12.1. Маданий сиёсат ва унинг ривожланиш хусусиятлари

Сиёсат ижтимоий ходиса сифатида жамиятнинг маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг таъсирида жамиятнинг маданий ҳаётида рўй берадиган хилма-хил муаммолар ҳал қилинади ва муҳим ўзгаришлар кандай натижаларга олиб келишидан қатъи назар, у маданий сиёсатнинг жамият маънавий ҳаётида намоён бўлишини акс эттиради.

Маданий сиёсат – жамият субъектларининг маънавий ҳаёт соҳасидаги назарий ва амалий фаолияти, улар ҳаракатининг натижалари ва оқибатларидан иборат объектив жараёндир.

Маданий соҳадаги сиёсатни ишлаб чиқиш объектив зарурият ҳисобланади. Маданий сиёсат сиёсатнинг бошка турлари, кўринишлари ва шакллари сингари ўзининг аниқ мазмуни, моҳияти ва хусусиятларига эга. Маданий сиёсатнинг мазмунида бўладиган ҳар қандай ўзгариш унинг моҳияти ва хусусиятларида акс этади.

Маданий сиёсат мазмунан кенг қамровли бўлиб, у бир томондан, жамиятнинг маданий ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни, сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш билан боғлиқ муаммоларни, иккинчи томондан, сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги ўрни ва ролига доир масалаларни ўзида ифода қилади. Бу масалалар ўзаро боғлиқ ҳолда маданий сиёсатнинг назарий ва амалий асосларини ташкил этади.

Маданиятнинг ички ва ташқи сиёсатда ифодаланиши, сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги вазифаларини ҳал қилишдаги фаолияти, сиёсий бошқариш ва раҳбарликнинг маданий соҳага амал қилиши, маданиятнинг халкаро сиёсий муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Халқаро сиёсий ташкилотларнинг маданий соҳада олиб борадиган фаолиятига доир ва бошка шуларга ўхшаш сиёсий фаолият ва сиёсий муносабатлар билан боғлиқ хилма-хил масалалар маданий сиёсатнинг мазмунини ташкил этади.

Маданий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Сиёсатнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсири бир хилда бўлмагани каби маданий соҳага қиладиган таъсирида ҳам ўзига хослик мавжуд бўлади. Бундай ўзига хослик маданиятнинг жамият ҳаётида алоҳида хусусиятга эга эканлигидан келиб чиқади.

Маданий сиёсатнинг алоҳида хусусиятлари, бир томондан, жамиятнинг маданий жиҳатдан ривожланганлик даражасига, иккинчи томондан, сиёсат субъектларининг миллий маданиятга бўлган муносабатлари билан белгиланади. Маданий жиҳатдан ривожланиш даражаси қолоқ бўлган мамлакатларда эса, маданий сиёсатнинг амалга оширилиши анча қийин кечади.

Маданий сиёсатнинг моҳияти, унинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Унда жамият аъзоларининг иродаси ва мамлакатнинг маданий истиқболи етакчи ўринни эгалайди.

Ўтмишда айрим даврларда маданий соҳада олиб борилган сиёсатда нохуш ва зиддиятли вазиятлар ҳам бўлган, ҳатто баъзи даврларда маданият бутунлай таназзулга юз тутган, ношуд ҳукмдорлар ва давлат бошлиқлари мамлакатни маданий жиҳатдан ривожлантиришга эътиборсизлик билан қараган ва айрим ҳолларда бунга тўскинлик ҳам қилишган.

Жамиятнинг маданий соҳаси ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаси бўлганлиги учун ҳам уни ривожлантириш маданий сиёсатнинг йўналишлари орқали амалга оширилади. Сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги фаолияти жамият маданий ҳаётининг барча соҳаларига йўналтирилади. Бу фаолиятнинг маданий соҳадаги ифодаси маданий сиёсатнинг йўналишларида аниқ намоён бўлади.

Маданий сиёсатнинг йўналишлари дунёнинг барча мамлакатлари учун умумий ҳодиса ҳисобланса-да, уларнинг амалий ифодаси ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Масалан, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш ҳамма мамлакатларда ҳам маданий сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланмайди. Маданий сиёсатнинг бундай йўналиш орқали амалга оширилиши мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакатларда ёки миллий-маънавий қадриятлари топталган кўп миллатли мамлакатларда рўй беради.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришган кундан бошлаб маданий сиёсатнинг асосий йўналиши бўлган маънавий соҳада йўл қўйилган ана шу хато сиёсатга барҳам беришга ва унинг ўрнига ўзбек халқининг миллий-маънавий қадриятларини тиклашга алоҳида эътибор қаратди. Ҳозирги даврда, Ўзбекистон Республикаси маданий сиёсатининг муҳим йўналишлари асосан қуйидагилардир:

1. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш (Биз бу ҳақда кейинги мавзуларда фикр юритамиз).

2. Фанни ривожлантириш ва унинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш.

3. Адабиёт ва санъатнинг халқчиллигини ошириш, унинг тарбиявий таъсирини кучайтириш.

4. Босма нашрлар, оммавий ахборот воситаларининг ишини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш ва бошқа шу кабилар.

1994 йил 23 апрелда Президентнинг Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида», кейинчалик 1996 йил 9 сентябрда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такмомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинди. Бу фармоннинг биринчи бандида маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири қилиб белгилаб берилди.

12.2. Сиёсий маданиятнинг моҳияти, тузилиши, даражалари ҳамда модуль ва турлари

Сиёсий маданият ижтимоий воқелик сифатида синфлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Шу билан бирга сиёсий ҳаёт маданияти синфларнинг юзага келишидан аввал қадимги Шарқда, антик Греция ва Римда шаклланган.

Сиёсий маданият одамларнинг хулқ-атворига ва турли ташкилотларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, уларнинг ички ва ташқи ҳодисаларни идрок этиш, сиёсий тизим ва тартиботларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий раҳбарлар фаолиятига, шахснинг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо беришда мезон ҳисобланади. У сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, аниқ сиёсий бошқарув қарорларини қабул қилиш ва рўёбга чиқариш учун кенг истиқбол йўлларини очади.

Сиёсий маданият муаммоси ўта мураккаб ва кўп қирралидир. Сиёсий маданият масаласида адабиётларда турлича фикрлар мавжуд. Сиёсий маданият маънавий маданиятлар сингари ўзига хос мустақил маданият туридир.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий маданиятга шундай таъриф бериш мумкин: **Сиёсий маданият** мавжуд ижтимоий бирликка хос бўлган сиёсий онг ва хулқ-атвор мажмуидир. Аммо бундай таъриф сиёсий маданиятнинг мазмунини тўла очиб бера олмайди. Бунинг учун сиёсий маданиятнинг асосий таркибий қисмларига эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Сиёсий маданиятнинг таркибий қисмларига сиёсий тажриба, сиёсий онг, сиёсий қадриятлар, сиёсий кўрсатма, сиёсий хулқ-атвор,

сиёсий белгилар, рамзларни киритиш мумкин. Ўз навбатида мазкур элементларнинг ўзи ҳам бир қанча компонентларни қамраб олади.

1. Сиёсий тажриба: а) халқнинг ўзига хос миллий-маънавий қадриятлари; б) менталитети; в) тарихий хотираси ва анъаналари; г) миллий давлатчиликни амалга ошириш тажрибаси, ўз миллий қадриятларидан келиб чиқувчи сиёсий мўлжаллари.

2. Сиёсий онг: а) мафкуравий, ғоявий компонент; б) эмоционал-психологик компонентлардан иборат.

Сиёсий онг элементи жамиятда хукмрон бўлган ёки бирорта ижтимоий гурухга хос бўлган, жамият сиёсий ҳаётининг турли жиҳатларига сингиб кетган қарашлар ҳисобланади. (Масалан, сиёсий тартибот, қарорларни қабул қилиш, сиёсий ҳаётдаги билимдонлик).

3. Сиёсий қадриятларнинг мазмуни сиёсий воқеликдаги шахс, гурух, жамият қадриятлари тузилмаси билан чамбарчас боғлик.

4. Сиёсий кўрсатма – субъектнинг сиёсий воқеликка муносабатларидир. Бу сиёсий билимни қабул килишга интилиш, сиёсий фаолиятга бўлган фаол ва суст эътибор, сиёсий фаолиятнинг турли жиҳатларига бўлган муносабат.

5. Сиёсий хулқ-атворни шакллантиришда сиёсий анъаналар муҳим роль ўйнайди. Анъаналарда жамият мақсадлари ва манфаатларига жавоб бердиган ўтмиш сиёсий тажрибалари жамланган бўлади. Сиёсий хулқ-атвор: а) сиёсий вазият, жараёндаги хатти-ҳаракат, фаолият йўналиши; б) ижтимоий-сиёсат фаолият услубининг намуналари, турлари, хусусиятлари.

6. Сиёсий белгилар, рамзлар (символ) ўзида жўшқинликни акс эттирган ҳолда, кишини ўзига жалб этиш хусусиятига эга бўлади. (Масалан, Тейлор сиёсий белгилардан усталик билан фойдаланган, Англияда муҳим сиёсий белги монархия ҳисобланган ва ҳ.к.).

Юқорида баён қилинган фикрларга асосланган ҳолда, сиёсий маданиятнинг кенг маънодаги таърифини келтириш мумкин. **Сиёсий маданият** ўз мазмуни ва моҳиятига кўра одамлар ҳаёт фаолиятининг синфий, ижтимоий хосиласи, уларнинг сиёсий бунёдкорлиги, фаолияти ҳисобланиб, синфлар, қатламлар, миллий тузилмалар, гурухлар ва бирликлар томонидан ўзлаштириш жараёнини акс эттиради.

Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида бир қанча муҳим **вазифаларни** бажаради. **Биринчидан,** сиёсий маданият жамиятда миллий манфаатларни рўёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. **Иккинчидан**, сиёсий маданият синфлар, ижтимоий гурухлар, қатламлар ва миллий тузилмалар манфаатлари йўлида

сиёсий муносабатларнинг қайта ўзгариши ва қайта ўзлаштириш вазифасини бажаради. Бу вазифани амалда татбиқ этиш билимларни ижодий қўллаш, жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий фикрлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа сиёсий кучларнинг фаолиятини чуқур англаб етиш билан боғлиқ. **Учинчидан,** сиёсий маданият тартибга солувчилик вазифасини ўтайди. Бундай вазифа барқарор сиёсий тизим, сиёсий ташкилотлар бўлишини таъминлайди. Сиёсий маданият жамиятда барқарорликнинг қарор топишига кўмаклашади. **Тўртинчидан,** сиёсий маданият тарбиявий вазифани бажаради. Юксак максадлар, қадриятлар, нормалар асосида шахс сиёсий маданиятини шакллантириш унинг моҳиятини ташкил этади. Бу вазифа сиёсий фаолликни, фуқаролик маъсулиятини тарбиялайди, ижтимоий-сиёсий фаолият кўникмаларини шакллантиради. **Бешинчидан,** сиёсий маданият алоқа вазифасини амалга оширади. Бунда у фукаронинг сиёсий тизим ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқаси шакли сифатида намоён бўлади. Бу вазифани амалга оширишда таълим, тарбия тизими, оммавий ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари, адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. **Олтинчидан,** сиёсий маданият олдиндан айтиб беришлик вазифасини бажаради.

Сиёсий маданиятга хос талабларга қуйидагилар киради:

Сиёсий маданият намоён бўлиш жараёнида бир қанча талабларни ҳам амалга оширади.

1) Жамиятдаги вокеа, ходисаларга босиқлик билан муносабатда бўлиш.

2) Воқеа-ходисаларнинг сабабларини тўғри таҳлил қилиш.

3) Воқеа-ходисаларга нисбатдан объектив ва адолатли муносабатда бўлиш.

4) Шахсий фикрни давлат, бошқа сиёсий ташкилотлар фикридан устун кўймаслик.

5) Давлат сиёсати, давлат тили, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзига хурмат билан караш.

Сиёсий маданият юқори онглилик, маънавий бойлик маҳсулидир. Сиёсий онг қанчалик юқори бўлса, сиёсий маданият даражаси ҳам шунчалик юкори бўлади.

Сиёсий маданиятнинг элементлари:

Сиёсий ҳиссиёт, кўникмалар, билимлар, қарашларнинг мазмуни, характери, системаси ва даражасида кўринади.

Сиёсий хулқ-атвор ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашувида билинади.

Сиёсий анъаналар, одатлар, нормалар, сиёсий ҳаётнинг бир хил типи ва кўрсатмаларида мавжуд бўлади.

Сиёсий муносабатлар, сиёсий ҳаётнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг фаол қисмидир. Аслида ижтимоий онгнинг 3 тури мавжуд:

А) ижтимоий онгнинг паст савияси типи;

Б) сиёсий фаолиятда иштирок этмайдиган типи;

В) ижтимоий табақаларни белгилаш, сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этади.

Сиёсий маданият синфий жамият ташкил топгандан кейингина шакллана бошлайди. Сиёсий маданият аслида узоқ ўтмишдан тортиб то ҳозирги кунгача инсоният тараққиёти натижасида жамланган оламшумул тарихий тажрибанинг моҳияти, мағзи, жавҳаридир.

«Агар иқтисодий ўсиш жамиятимиз танаси бўлса, маънавият маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва қонидир», дегган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Сиёсий маданиятнинг 2 типи мавжуд:

А) Анъанавий сиёсий маданият (диний жиҳатдан асосланган) ёки ёпиқ маданият типи ҳам дейилади.

Б) Юқори табақа сиёсий маданияти ёки очиқ маданият типи. Бу ўзгарувчан – прагматик бўлади.

Ҳозирги замон политологлари сиёсий маданиятнинг 3 та даражаси борлигини баён этганлар. Булар: 1. Тафаккур қилиш, англаш даражаси. 2. Фуқаролик даражаси. 3. Сиёсий даража.

Сиёсий маданиятнинг қуйидаги моделлари мавжуд:

1. «Тоталитар-авторитар» модели.

2. «Либерал-демократик» модели.

3. «Шарқона сиёсий маданият модели.

Сиёсий маданият турлари, кўриниш ва шакллари:

1. Ибтидоий (бошланғич) тури – ибтидоий жамоадан қулдорчилик тузумига ўтиш даврида шаклланган. Ҳозирги сиёсий маданият унинг асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон табиат олдида ожизроқ эди. Шу сабаб улар тўда, гурух, табақа, элат, миллат, жамият бирикмаларида уюшиб яшади, бу сиёсий ҳаёт ҳозир ҳам бор.

2. Фуқаролик тури – энг кенг тарқалган, ҳар бир ижтимоий сиёсий тузум доирасида амал қилинадиган асосий тур бўлиб, расмий

сиёсий муносабатлар жараёнларини қамраб олади. Фуқаролик сиёсий маданияти умумжамият ва умуминсоний сиёсий маданиятнинг таркибий қисмидир.Масалан, шахс билан гурух манфаатлари, эзгулик билан худбинлик ва ҳ.к.

3. Фаоллик тури. Фаол сиёсий маданиятнинг туб моҳияти жамият истиқболини олдиндан идрок этиб, уни илмий-методологик таҳлил қила билишдир. Келажак сиёсий ҳаёт йўналишларини оқилона ҳисобга олган ҳолда, содир бўлаётган сиёсий жараёнлар оқимини объектив ва чуқур илмий назарий таҳлил қилиш асосида ривожлантириш билан бирга истиқбол мақсадларини аниқ ифодалаш юксак даражада амал қиладиган сиёсий маданиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. (Бирор сиёсий партияга аъзо бўлиш билан ҳам характерланади, сиёсий мафкураси, сиёсий руҳий ҳолати даражаси ва ҳ.к.).

4. Гуруҳий шакли. Гуруҳий сиёсий маданият бир ижтимоий гуруҳнинг туб мақсад-манфаатлари, талаб-эҳтиёжларининг аниқ ифодаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий партиялар ва ижтимоий-жамоат ташкилотлари сиёсий хатти-ҳаракатларининг мазмуни, кўлами, даражаси билан ҳам белгиланади.

5. Оммавий шакли. Сиёсий маданиятнинг оммавий шакли гуруҳий сиёсий маданиятнинг намоён бўлишига нисбатан камроқ, олдиндан режаланштирилмаган ҳолда жамият сиёсий ҳаётининг кескин пайтларида намоён бўлади. Сиёсий фаолият кескин ўзгарган пайтларда, масалан, нарх-наво оширилиши, сиёсий арбобларнинг кувғин қилиниши туфайли омма норозиликларида оммавий сиёсий маданият амал қилиши мумкин.

6. Алоҳида – якка кўриниши. Сиёсий маданиятнинг якка шаклда намоён бўлиши у ёки бу жамият, муайян сиёсий мақом ва мавкега эга бўлган айрим шахслар фаолиятларида ўз ифодасини топади. Ҳар бир шахс ўзининг қайси сиёсий партия сафига кириб ёки унинг амалий дастурига қўшилиб, жамият сиёсий ҳаётида қандай тарзда қатнашиш мумкинлиги имкониятларини, усул ва воситаларини аввало ўзи белгилайди ҳамда ўзи танлайди. Бунда унинг сиёсий онги даражаси, сиёсий мафкурасининг мақсад-йўналишлари ўз ифодасини топади.

7. Демократик сиёсий маданият тури.

8. Авторитар сиёсий маданият тури.

9. Тоталитар сиёсий маданият тури.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида сиёсий маданият (аниқроғи шахснинг, раҳбарнинг сиёсий маданияти) масалаларига сезиларли даражада эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президент Ислом Кари-

мов асарларида ишлаб чиқилган назарий қоидалар ва аниқ кўрсатмалар асосида шахснинг, раҳбарнинг сиёсий маданиятини янада оширишга катта аҳамият берилмоқда. Бу кўрсатмаларни Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд, Навоий, Тошкент ва бошқа вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида қилган маърузаларида ҳам аниқ кўришимиз мумкин. Шу билан бирга хозирги кунда ёшларнинг, айниқса, талаба-ёшларнинг ҳам сиёсий маданиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. 1999 йил 16 февраль Тошкентда, 2001 йил 11 сентябрда АҚШдаги террористик хуружлардан кейинги вазият ёшлар маънавиятини, уларнинг сиёсий онгли ва дунёқарашини янада ривожлантиришни кун тартибидаги энг муҳим вазифалардан бирига айлантирмоқда.

12.3. Ўзбекистонда халқ таълими ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда кадрлар сиёсатининг моҳияти, мақсади, асосий йўналиш ва босқичлари

1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг давлат сиёсати ишлаб чиқилди. 1997 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги фармони билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Давлат ҳокимиятининг вужудга келиш жараёнининг бошидаёқ давлатни ким ёки кимлар бошқариши масаласи ечимини тез суръатда топиш тақозо этилади. Давлат ҳокимиятининг тузилиш жараёнида уни бошқарадиган одамлар гуруҳи ҳам шакллана боради. Демак, бу икки жараён давлат ҳокимиятининг тузилиши ҳамда уни амалга оширадиган ижтимоий-сиёсий гуруҳнинг шаклланиши бир-бири билан боғлиқликда ёнма-ён содир бўлади. Шундай қилиб, давлат ҳокимиятининг вужудга келиши уни амалга оширадиган мутахассис кадрлар корпуси шаклланиши заруриятини туғдиради. Ўз навбатида, мазкур зарурият туфайли тайёрланган кадрлар давлат ҳокимиятининг изчил ва омилкор амал қилиш динамикасини таъминлаб беради.

Давлат ҳокимиятининг амал қилиш кўлами кенгайиб борган сари, жамиятни сиёсий бошқариш мураккаблашиб ва чуқурлашиб боради. Бунинг учун одамларни тайёрлаш, танлаш, уларни жой-жойига қўйиш даркор. Албатта, кадрлар масаласи билан шуғулланиш ва уни

ҳал қилиш режаларини амалга ошириш давлат ҳокимияти кадрлар сиёсатининг асосий мазмунини ташкил этади.

Кадрлар масаласи ва уни ҳал қилиш жараёнида ўтказиладиган кадрлар сиёсати ҳар қандай давлат ҳокимияти воситасида жамиятни бошқаришнинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Давлат ҳокимиятининг самарали ишлаб туришини таъминлашга хизмат қиладиган кадрлар сиёсатини манфаатдорлик ва тезкорлик рухида шакллантириб ишга солмаган жамият илгарига қараб бир қадам хам ташлай олмайди, бундай жамиятни бошқариб ҳам бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам Кадрлар сиёсатининг моҳияти, асосий мазмуни, йўналишлари, муҳим ақидалари, стратегия ва тактикаси муаммолари политология назарияси ва амалиётининг улкан аҳамиятга молик бўлган таҳлил ва тажриба объекти бўлиб хизмат қилади. Шу боис кадрлар сиёсатининг моҳият ва мазмунини англаш жуда муҳимдир.

Мактабгача таълим-тарбия, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим-тарбия ишларининг барчаси бир-бири билан узвий боғланиб кетган бўлиб, уларнинг барча бўғинларида йўлга қўйилган таълим-тарбия ишларининг асосий мазмуни давлат ҳокимиятининг туб манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш сиёсатининг иктисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий тараққиётни юксалтиришга мўлжалланган стратегик йўлини амалга ошириш халқ хўжалигининг барча тармоқларини етук, ватанпарвар, миллатпарвар, фидойи, ҳалол, пок мутахассис кадрлар билан таъминлаш вазифасини ифода этади.

Ҳозирги даврда ўтказиладиган кадрлар сиёсатининг яна бир муҳим томони шундаки, ташқи иқтисодий муносабатларни тубдан янгилаш учун зарур бўлган тадбиркор мутахассис кадрлар тайёрлаб, бу тармоққа жойлаштирилмоқда.

Республикада олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг барча йўналишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сиёсати ёки давлат ҳокимиятининг «мактаб сиёсати» устувор равишда амалга оширилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг биринчи босқичида белгиланган асосий вазифалардан бири – умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш эди. Умумий ўрта таълим бўйича 23 та ўқув фанидан давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, 1998–1999 ўқув йилида республикадаги 346 та мактабда тажриба-синов ўтказилди. Синов натижалари асосида такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланди ва 1999–2000 ўқув йилидан эътиборан янги ўқув дастурлари билан биргаликда боскичма-боскич ўқув-тарбия жараёнига жорий этилмоқда.

2001 йилга келиб Республикадаги 6742 та мактабгача таълим муассасасида 610 мингга яқин кичкинтой фарзандларимиз таълим-тарбия олмоқда. Уларга 64 мингга яқин ўқитувчи ва тарбиячилар устозлик қилмоқдалар.

Бугунги кунда мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг сони 9860 тани, шу жумладан, алоҳида махсус фанларга ихтисослашган ўқув дастурларини чуқур ўргатадиган мактаблар 3147 тани, гимназиялар 195 тани, лицейлар 326 тани, умумий ўқувчилар сони 6 млн.га яқинни ташкил қилади. 2001 йил сентябригача ўқув тизими 11 йилликка асосланиб, тузилмавий жиҳатдан 3 кисмга бўлинган эди: Бошланғич таълим – 4 йил; тўликсиз ўрта маълумот олиш – 9 йил; тўлиқ ўрта маълумот олиш – 11 йил. Эндиликда эса 9+3=12 йиллик тизими йўлга тушмоқда. Умумтаълим мактабларида 450 минг нафар олий маълумотли (70-75 фоиз) ва ўрта махсус (20–25 фоиз) таълимга эга ўқитувчилар ишламоқда.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда қатор олий ўқув юртлари қошида 5 та гимназия, 16 та лицей-интернат, 11 та лицей, 47 та академик лицей ёшларга таълим бермоқда («Ўзбекистон овози», 2001 йил 12 апрель).

2001 йилга келиб Ўзбекистонда 61 та олий ўқув юрти, жумладан (20 та университет) олий ва халқ таълими вазирликларида бевосита 8 та педагогик ихтисосликдаги университет ва институтлар, 3 та тиббиёт институти филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бу олий ўқув юртларида 18486 нафар профессор-ўқитувчилар (уларнинг 1462 нафари фан доктори, 7201 нафари фан номзодлари) меҳнат қилмоқда («Маърифат», 2001 йил 27 июнь). Миллий дастурга мувофиқ 4 йиллик бакалавриат ва 2 йиллик магистратура орқали олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизими яратилди. 2000-2001 ўқув йилида олий ўқув юртларида 166 мингдан ортиқ талаба, фақат кундузги бўлимларда эса жами 141 минг 841 нафар талаба таҳсил олди.

Кадрларни тайёрлаш билан бирга уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сиёсати ҳам қўшиб олиб борилаётганлиги алоҳида диккатга сазовордир, сўнгги йилларда кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакаларини ошириш тизими тубдан қайта қурилиб, етук мутахассис кадрлар жамланган йирик шаҳарларда мужассамлаштирилди.

Олий педагогика институти, Олий техника педагогикаси институти, Олий иқтисодиёт таълими институти каби марказларнинг очилиши кадрлар сиёсатининг бу соҳадаги муҳим босқичи бўлиб, ягона узлуксиз миллий таълим тизими барпо этилди. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 курслар мавжуд. Хусусан, Республика Педагогика малака ошириш институтлари 18 та бўлиб, уларда хар йили 80 минг ўқитувчи ўз малакаларини турли фанлар бўйича оширмоқда («Туркистон», 2000 йил 27 сентябрр).

Давлат ҳокимиятининг кадрлар сиёсатида иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув, илмий марказлари ва фирмаларига ўқишга ҳамда стажировкага юбориш ижобий аҳамият касб этмоқда. Ўтган давр мобайнида (1997 йилдан буён) «Умид» йўлланмаси билан 785 нафар иқтидорли талаба АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада ва бошқа хорижий мамлакатларга бакалаврлик ва магистрлик даражасини олиш учун ўқишга юборилди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги[1].

2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги.

3. Умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги.

4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги.

5. Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.

6. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги.

7. Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндошув.

8. Таълимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш.

9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари:

1) шахс;

2) давлат ва жамият;

---

[1] Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ», 1997, 20-бет.

3) узлуксиз таълим;

4) фан;

5) ишлаб чиқариш.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. **Биринчи босқич** – ўтиш даври бўлиб, у 1997–2001 йилларни ўз ичига олди. Давлат томонидан бу босқични амалга ошириш учун қўшимча 65 млрд. сўм сарфланди.

2. **Иккинчи босқич** – 2001–2005 йилларни ўз ичига олди.

3. **Учинчи босқич** – 2005 ва кейинги йилларни ўз ичига олиши мўлжалланган.

Давлатнинг таълим учун сарф-харажатлари ялпи ички маҳсулотдан фоиз хисобида кейинги йилларда қуйидаги миқдорда бўлди 1997 йилда 7,9%, 1998 йилда 8,1%, 1999 йилда 10,3%, 2000 йилда 11,3%.

Қисқача хулоса

Демак, **сиёсий маданият кенг маънода**: фуқароларнинг сиёсий билимлари, мўлжал-баҳолари, сиёсий хатти-ҳаракатларининг даражаси ва табиатини англатиб, сиёсий муносабатларни йўналтириб туриш жараёнларининг ижтимоий-сиёсий қадриятлари мазмуни ва сифатини, анъаналари ва қонун - қоидаларини ўз ичига олади. **Тор маънода** сиёсий маданият – сиёсий муносабатлар мазмуни ва сифат даражасини белгилаб берадиган ўзаро мулоқот тарзини англатади.

Демак, сиёсий маданият шундай шароитда шаклланади:

Демократик ижтимоий тузум шароитида.

Миллий қадриятлар ривожида.

Давлатнинг маънавий, сиёсий соҳадаги сиёсати туфайли.

Илмий асосланган билимлар заминида.

Ҳуқуқий давлат (қонун устуворлиги) шароитида.

Шунингдек, сиёсий маданият ривожланишининг 6 асосий манбаси мавжуд:

1) Инсонпарварлик. 2) Демократия. 3) Ошкоралик. 4) Кўппартиявийлик. 5) Тарихий ворисийлик шароитида (шахс, тўда, гурух, табақа, миллат, элат, жамият, инсоний мезонлар асосида). 6) Ижтимоий-сиёсий тузумга мос равишда.

Демак, кадрлар сиёсатининг туб моҳияти амал қилаётган жамиятнинг табиатига мос келадиган ва унинг мақсад-манфаатлари йўлида

хизмат қиладиган давлат ҳокимиятининг иқтисодий-хўжалик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, мафкуравий, мудофаа-муҳофаза соҳаларининг уйғун ва мўътадил равишда ишлаб туришида намоён бўлади.

Кадрлар сиёсатининг туб моҳияти амал қилаётган жамиятнинг табиатига мос келадиган ва унинг туб мақсад-манфаатлари йўлида хизмат қиладиган давлат ҳокимияти барча соҳаларидаги фаолиятининг уйғун равишда ишлаб туришини таъминлашда намоён бўлади.

Кадрлар сиёсатини самарали амалга оширишда объектив ва субъектив омилларнинг уйғун тарзда намоён бўлиши муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг кадрлар сиёсатида бозор иқтисодиёти талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган, илғор техника ва технологияни яхши эгаллаган, фан ютуқларидан тўғри фойдаланадиган маҳаллий малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай қилиб, кадрлар сиёсати жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида юритилаётган сиёсат йўналишларига ўхшаш бутунлай янгича мазмун кашф этиб, демократик ва фуқаролик жамияти қуришни янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсий маданиятнинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Сиёсий маданият, сиёсат ва сиёсий барқарорлик тушунчалари ўртасидаги ички боғлиқни аниқланг.
3. Сиёсий маданият ва сиёсий онгнинг таркибларини белгиланг?
4. Ривожланган мамлакатлар кадрлар сиёсатининг аҳамиятли жиҳатлари нимада?
5. Жамият ҳаётида таълимнинг роли қандай?
6. Ўзбекистон Республикаси кадрлар сиёсатининг муҳим жиҳатлари қайсилар?
7. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини баён этинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003, 5-10 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка

таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 125-135 бетлар.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 383 бет.

4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард максадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000, 333 бет.

5. Каримов И.А. «Шарқ тароналари» фестивалининг очилиши маросимидаги табрик сўзи. 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон». 321-323 бетлар.

6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Асарлар, 11- жилд, Т, 2003, 3-51бетлар.

7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. Асарлар, 11-жилд, Т.; 2003, 214-247-бетлар.

8. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет, Асарлар 12-жилд

9. Каримов И.А.Империя даврида иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

11. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

12. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

13. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: қурашлар, изтироблар, қувончлар, «Академия» нашриёти, 2001.

14. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

15. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурулиш палласида, Т.: «Ўзбекистон» - 2001.

16. Мелкумов А. Особенность формирования политической культуры «Вестник» МГУ, ПН. №6, 1998.

17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 64 бет.

18. Пугачёв В.П., Соловьёв А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 317-333 бетлар.

19. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Т ЎзФИИВ Академияси, 2004, 9-113, 187-277-бетлар.

20. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 1 март.

21. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд» 2005, 6 апрель.

22. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005, 26 апрель.

23. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик.- Т. Академия, 2005- 368б.

XIII МАВЗУ. МАФКУРА ВА СИЁСАТ. МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

13.1. Сиёсий мафкура тушунчаси, функция ва асосий йўналишлари

Сиёсий мафкура хақидаги масала – политология фанининг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масала илгаридан кишилар ўртасида эҳтиросли, қизғин, қарама-қарши фикр – мулоҳазалар, баҳслар ва мунозараларга сабаб бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундайлигича қолмоқда. Агар ғоялар тизими тўла шаклланиб, такомилига етса, мафкурага айланади. Бошқача айтганда, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади. Биз мазкур мавзуда ана шу масаланинг мазмун-моҳияти ва асосий кўринишлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1. Хўш, сиёсий мафкура нима? У қандай вазифаларни бажаради?

Сиёсий мафкура – сиёсий фаннинг энг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади[1]. Бу ҳакда адабиётларда хилма-хил қарашлар мавжуд. «Мафкура» атамаси юнонча идея ва логос сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, ғоялар хақидаги таълимот деган маънони англатади. Бу атама, илк бор 1797 йилдаги француз инқилоби даврида Дестут де Тресси томонидан илмий муомалага киритилган.

Қисқача қилиб айтганда, сиёсий мафкура – бу муайян ижтимоий гуруҳнинг ҳокимиятга интилишини ёки ундан фойдаланишини асословчи ва сиёсий ҳаракатнинг у ёки бу стратегиясини кўзда тутувчи ғоявий тизимдир.

Сиёсий мафкура ижтимоий ҳаётда муайян функцияларни бажаради. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Мўлжаллаш фукцияси. Бу функция шундай ифодаланадики, мафкура жамият, ижтимоий равнақ, шахс, ҳокимият хақидаги фундаментал тасаввурларни ўзига қамраб олиб, у инсон фаолиятининг маъно-мазмуни тизими ва мўлжалини кўрсатиб беради.

2) Сафарбар этиш функцияси. Фозил жамият идеалини таклиф қила туриб, сиёсий мафкура сиёсий фаолиятнинг бевосита мотиви сифатида чикади ва уни амалга ошириш учун жамият ҳамда ижтимоий гуруҳларни сафарбар қилади.

3) Бирлаштириш функцияси. Таклиф этилаётган дунёнинг

[1] Қаранг: Политология. Маърузалар матни. Т.: «ЎЖАБНТ», 2000, 150–162-бетлар.

фундаментал манзараси чегарасида сиёсий ҳаракатга маъно-мазмун бера туриб, сиёсий мафкура унга шундай аҳамият берадики, у ўз миқёси билан ҳар қандай индивидуал ёки гуруҳий манфаатдан устун туради. Сиёсий мафкура хусусий манфаатларга қарши туради ва шу билан бирлаштирувчи омил бўлиб юзага чиқади.

4) Амортизациялаш функцияси. Сиёсий мафкура жамият, гуруҳлар, индивид эҳтиёжлари ва уларни кондиришнинг реал имкониятлари ўртасида номунофиқлик вужудга келган вазиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга хизмат қилади.

5) Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш функцияси. Бунинг маъноси шуки, сиёсий мафкура у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида вужудга келади ва уларни бошқа гуруҳлар манфаатларига қарама-қарши қўйишга даъват этади.

Сиёсий мафкуранинг амал қилиш **даражалари** бир хил эмас. У **назарий-концептуал, дастурий-директивалик ва хулқ-атворлик даражаларида** амал қилади. **Назарий-концептуал даражада** у ёки бу синф, ижтимоий қатлам, миллат, давлатнинг манфаатлари ва идеалларини очиб берувчи асосий қоидалар қарор топтирилади; **дастурий-директивалик** даражада ижтимоий - фалсафий принциплар ва идеаллар сиёсий элитанинг аниқ дастурлари, шиорлари ва талабларига айлантирилади ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш, оммаининг сиёсий хулқ-атворини рағбатлантириш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилади. Мафкура амал қилишининг ушбу даражаси «сиёсатнинг яратувчи элементи» деб талқин этилади.

Хулқ-атворлик даражада мазкур мафкура мақсадлари ва принциплари фуқаролар томонидан ўзлаштирилади ҳамда унинг жамият сиёсий ҳаётида иштирок этиши у ёки бу шаклларда ўз ифодасини топади. Бунда мафкура кишиларнинг хатти-ҳаракатига айланиб, уларни жипслаштиради, бирлаштиради, муайян йўлга йўналтиради, сафарбар этади.

13.2. Сиёсий мафкураларнинг асосий кўринишлари

Сиёсий мафкура замон ва макондан ташқарида бўлган мавҳум руҳий ҳодиса эмас. У муайян тарихий шароит билан боғлиқ – аниқ ижтимоий мазмунга эга бўлган маънавий ҳодисадир.

Ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва мос мафкуравий оқимларни илгари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас. У ҳам кўплаб мафкуравий оқимларни юзага келтиради. Биз қуйида ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларини: либерализм, консер-

ватизм, социал-демократия ва бошқаларни кўриб чиқамиз.

1. Либерализм. Ҳозирги замоннинг энг йирик ва кўп тарқалган мафкуравий оқимларидан бири – **либерализмдир**. Бу атама лотинча «либералис» сўзидан олинган бўлиб «эркин» деган маънони англатади.

Либерализм XVII-XVIII асрларда маърифатпарварлик ғоялари негизида тарих саҳнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Ж.Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтескрье, А.Смит, Т.Жефферсон, Д.Милль ва бошқаларнинг асарларида асосланиб берилди.

Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги, барча кишиларнинг ўзини ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади. Бу мафкура парламент тузумининг, муҳим сиёсий муаммоларни ҳал этишда муросаю-мадора, келишувнинг тарафдоридир. У давлатнинг ўсиб кетган иқтисодий ва социал функцияларига нисбатан салбий муносабатдадир.

Эркинлик принципи либерализм тарафдорлари томонидан давлат чеклашларидан эркин бўлишлик сифатида талқин этилади. Бу ғояни англиялик мутафаккирлар Ж.Локк ва Д.Милль яхши ифода этадилар. Жумладан, Д.Милль бу ғояни қуйидагича изоҳлайди: «Инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳукуматдан кўра ўзи яхши билади».

*Либерализм тарафдорлари эркинлик учун кураш инсоннинг иқ*тисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлиги йўлидаги барча тўсиқ, чеклашларни тугатиш учун курашни англатади, дея уқтирадилар.

Либерализм мафкураси учун шахснинг эркин ривожланиши ва ўзини ўзи тасдиқлаш ғояси характерли бўлибгина қолмай, балки эркинликни бозор талқини, хусусий тадбиркорлик эркинлиги сифатида характерлаш хосдир. Бу мафкура эркинлик ва хусусий мулкнинг ўхшашлигига асосланади. Унда хусусий мулкга инсон эркинлигининг кафолати ва ўлчови сифатида қаралади. Иқтисодий эркинликдан сиёсий ва фуқаролик эркинлиги келиб чиқади.

Иқтисодий назарияда либерализм тадбиркорлик, бозор ва рақобат эркинлигини тарғибот ва ташвиқот қилади. Шу билан бирга бу мафкуранинг тарафдорлари шахсни бозор тизимига амал қилиш-нинг салбий оқибатларидан сақлашни ҳукуматнинг вазифаси деб биладилар.

2. Неолиберализм. Мафкуранинг ҳар кандай кўриниши ўзгармасдан қола олмаслиги каби либерализм ҳам ўзгармасдан қолмади. У ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсири остида XX асрнинг 30-йилларида **неолиберализмга** ўсиб ўтди. Бу янги мафкуравий оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШ Президенти Франклин Рузвельтнинг «Янги йўл»и билан боғлайдилар. Рузвельт либерализм мафкурасига асосланган сиёсатга қатор муҳим тузатишлар киритди. Бу тузатишлар давлатнинг иқтисодий ва социал ролини қайтадан кўриб чиқиш билан боғлиқдир. Неолибераллар давлатнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солиш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш зарурлигини тан оладилар. Неолибераллар сиёсий дастурининг негизини бошқарувчи ва бошқарилаётганларнинг ўзаро келишуви, сиёсий жараёнда омманинг иштирок этиши зарурлиги, сиёсий қарорларни қабул қилиш амалиётини демократиялаштириш ташкил этади.

Либерализм ғарб демократиясининг ғоявий асосидир. Бу мафкура байроғи остида АҚШда «оқилона давлат», «Ялпи фаровонлик давлати» деб аталадиган модель яратилган. Бугунги кунда неолиберализм АҚШ Демократик партияси ва бошқа демократияга асосланган мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг ғоявий-назарий негизи бўлиб қолмоқда.

3. Консерватизм. Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларидан яна бири - **консерватизмдир.** Бу атама лотинча «консерваре» сўзидан келиб чиққан бўлиб, у сақлаш, қўриклаш деган маънони англатади. Консерватизмнинг асосий қоидалари XVIII асрда англиялик мутафаккир ва сиёсатчи Э. Берк, Франциянинг жамоат арбоблари Ж.де Местр ва Л. де Боналдлар томонидан асослаб берилди. Бу қоидаларнинг негизида табиий равишда қарор топган нарсалар тартибининг бузилмаслиги, оила, миллат, дин, табақавий бўлиниши билан боғлиқ бўлган анъанавий қадриятларни сақлаб колиш ғояси ётади. Ана шундан келиб чиқиб, консерваторлар ижтимоий тараққиётда янгиликларга нисбатан ворислик устуворлигини ёқлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, сиёсий принципларни урф-одатларга, миллий анъаналарга, қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий институтларга мослаштириш лозим. Уларда зинапоя тарзидаги ижтимоий тузилишнинг юқоридан ўрнатилганлигига ҳеч қандай шубха йўқ ва шунинг учун уни инсон томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, тенглик принципи инсон табиатига зид келади ва уни жамият тузилишининг негизига қўйиб бўлмайди.

Консерваторлар ҳар доим эгалитаризм билан боғлиқ бўлган «ҳаддан ташқари демократизм»га қарши чиқадилар.

Тарихий тараққиёт натижасида консерватизм ҳам либерализм сингари муҳим ўзгаришларга юз тутди. У буржуа муносабатлари қарор топиши билан йирик капитал манфаатларини ҳимоя қилувчи ғояга айланди. Консерваторлар ҳам либераллар сингари бозорда рақобат эркинлиги таъминланиши, иқтисодиётга давлат аралашишини чеклашни талаб қилдилар.

4. Неоконсерватизм. XX асрнинг 70-йилларида консерватизмнинг тарихида янги фаза – неоконсерватизм (Д.Белл, З.Бжезински, Н.Подгорец, Н.Кристолл, А.Хайек)дан бошланади. Бу янги окимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШда Рональд Рейган бошчилигида республикачилар, Буюк Британияда Маргарет Тэтчер бошчилигида консерваторлар, ГФРда Гельмут Коль бошчилигида ХДХ-ХСС блокининг ҳокимиятга келиши билан боғлайдилар.

Неоконсерватизмнинг қарор топиши тасодифий эмас. У неолиберализм ва социализмга қарши туриш мақсадида шаклланди. Неолиберализм давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралишиши зарурлигини тан олади ва давлат ижтимоий дастурларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди. Неоконсерватизм эса давлатнинг иқтисодиётга аралашишини чеклашни талаб килади.

Антиэтатизм давлатнинг ижтимоий вазифаларини чеклаш – неоконсер-ватизм ғоявий-сиёсий кўрсатмаларини белгиловчи аломатдир. Неоконсерваторлар қарашларига кўра «энг яхши ҳукумат шуки, у камроқ бошқаради».

Неоконсерваторлар аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига ресурсларни қайта таксимлаш максадида йирик капиталга солинаётган солиқларга қарши чиқадилар. Улар тенг тақсимлашнинг ашаддий душмани сифатида давлатнинг ижтимоий дастурларини кискартиришни талаб этадилар. Неокон серваторларнинг фикрича, ҳозирги давлат кишилар учун натижалар тенглигини эмас, балки имкониятлар тенглигини яратиб бериши зарур. Давлатнинг «соғиладиган сигир»га айланиши инсонни бузади, ишдан чиқаради, ҳар бир киши ўз фаолиятида давлатга эмас, балки ўзининг кучига, яқинлари ва фуқароларга таяниши зарур.

Шундай килиб, консерватизм мафкурасида оила, дин, ахлоқ айрим ижтимоий гуруҳларнинг имтиёзли ўрни ҳакидаги эски даврнинг қадриятлари, янги буржуа муносабатлари даврининг қадриятлари – индивидуализм, бозор эркинлиги билан чамбарчас боғланиб кетади.

Бу мафкура либерализм билан қарама-қарши туриб ғарб мамлакатларининг оммавий онгига катта таъсир ўтказади.

5. Социал-демократия. Ҳозирги замоннинг энг таъсирли мафкуравий окимларидан бири – социал-демократиядир. Бу мафкура марказда турувчи кучларнинг сиёсий доктринаси ҳисобланади.

Социал-демократия мафкураси XIX асрнинг охирида немис мутафаккирлари ва жамоат арбоблари К.Каутский ва Э.Бернштейн томонидан асослаб берилди. Бу мафкурага биноан янги жамиятга инкилобий йўл билан эмас, балки тинч, эволюцион йўл билан – буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилади. Социал-демократлар бу кўрсатмаларни амалга оширишни давлатни йўқсиллар фойдасига қайта тақсимлаш, иқтисоднётнинг давлат секторини ва кўплаб давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш билан боғлайдилар.

Жаҳонда социал-демократия мафкураси негизида турли-туман «социализм моделлари» шаклланди. Булар ичида швед ва герман модели энг обрў қозонди. Германия ва Швецияда социал-демократик партиялар бошқаруви даврида ҳаётнинг юқори даражаси ва сифатига эришилди.

Аммо, XIX аср 80-йилларнинг охирида бу мамлакатларнинг иқтисодиётида давлат монополияси ва бюрократизм, хусусий тадбиркорлик учун рағбатлантиришнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган негатив тенденциялар кучайди. Бу тенденциялар ушбу мамлакатларнинг тараққиёт суръатларини пасайтиришга олиб келди. Натижада, социал-демократлар кўпчилик сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмади ва ҳокимиятни консерватив мафкура вакилларига беришга мажбур бўлдилар. XIX 90-йилларнинг охирига келиб социал-демократлар сайловларда ғалаба қозониб яна ҳокимиятни консерваторлардан қайтариб олдилар.

Социал-демократия - ҳозирги замоннинг энг таъсирли мафкураларидан бири ҳисобланади. У ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш йўли билан жамиятни ривожлантиришни ва халқнинг фаровонлигига эришишни кўзда тутади.

6. Миллий мафкуралар. Ҳозирги замоннинг мафкуралари қаторида **миллий мафкуралар** ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Улар келиб чиқиши ва мазмун-моҳиятига кўра бошқа мафкуралардан фарқ қилади.

Биринчидан, миллий мафкуралар дунё мустамлакачилик системасининг емирилиши, ёш мустақил миллий давлатларнинг ташкил

топиши ва уларни карамлик доирасидан чикариш, ривожлантириш зарурияти билан майдонга келди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Ғарбий Европа миллий мафкураларнинг гуркираб ривожланишини ўз бошидан кечирган эди. Ҳозирги кунга келиб бу тенденциялар собик СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ўрнида ташкил топган республикаларда юз бермокда.

Иккинчидан, миллий мафкуралар фақат айрим ижтимоий, иркий, этник гуруҳ, халқ манфаатинигина эмас, балки мустақиллик учун, миллий ҳаётни ривожлантириш учун кураш олиб бораётган халқларнинг дунёда тутган ўрни, турмуш тарзи, орзу-умидлари, интилишлари ва манфаатларини акс эттиради.

Учинчидан, миллий мафкуралар у ёки бу халқлар карамлигининг объектив сабабларини, уларни бартараф этиш ва ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлларини очиб беради.

Тўртинчидан, миллий мафкуралар ёш, мустақил давлатлар халқларининг ўзлигини англашга, қарамлик доирасидан чиқишга, уларнинг чинакамига эркин бўлишига, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини топишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда миллий мафкурани ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», "Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин", "Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир"ва бошқа асарларида асослаб берилган концепцияда ўз ечимини топди.

Мазкур концепцияда Президент миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқишга жуда катта ҳисса қўшди, уни янги, фундаментал-назарий қоидалар, хулосалар билан бойитди.

Президент Ислом Каримов мафкурага шундай таъриф беради: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва минталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу мамлакатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат киладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»[1].Шу боисдан ҳам миллий мафкура ҳар қандай халқни – халқ, миллатни – миллат киладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Ислом Каримов томонидан асослаб берилган демократик жами-

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7 – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 89-бет.

қуриш концепциясининг асосий қоидаларига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистонда демократик жамият қуриш – энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги; бу вазифани амалга оширмай туриб ундаги танг ҳолатни бартараф этиш, якка ҳокимлик тизимининг иллатларини тугатиш ва ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиб олишнинг мумкин эмаслиги;

2) Ўзбекистонда демократик жамият қуриш – ғоят мураккаб ва кўп қиррали комплекс вазифа эканлиги; бу вазифа жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни ва янгилашни талаб қилиши;

3) сиёсий соҳани ислоҳ қилиш ва янгилаш – Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг асосий соҳаларидан бири эканлиги; бу соҳани ислоҳ қилмай ва янгиламай туриб мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий муаммоларни ҳал этиб бўлмаслиги;

4) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш иқтисодий соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш билан боғлиқлиги; бу соҳада давлат мулкининг хилма-хиллигига эришиш; фақат бозор муносабатларигина жамият ва инсоннинг реал ривожланишига олиб бориши мумкинлиги;

5) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш анъанавий ва маданий соҳани ҳам тубдан ислоҳ қилишни талаб қилиши; бу соҳада бир мафкура якка ҳокимлигидан қатъиян воз кечиш ва фикрларнинг эркинлиги, хилма-хиллигига эришиш;

6) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш – «инқилобий сакраш»ларсиз, эволюцион, яъни ислоҳотлар йўли билан босқичма-босқич амалга ошириладиган вазифа эканлиги; уни инқилобий йўл билан амалга оширишга уриниш оғир оқибатларга олиб келиши;

7) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш – тарихий аҳамиятга молик вазифа эканлиги; бу вазифанинг амалга оширилиши натижасида Республиканинг танг ҳолатдан чиқиши ва Ўзбекистон халқига муносиб бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётнинг барпо этилиши.

Бу қоидалар мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг ғоявий-мафкуравий негизини ташкил этади.

7. Экологик-сиёсий мафкуралар. Экологик-сиёсий мафкуралар урушдан кейинги йилларда вужудга келди ва XX асрнинг 70–80-йилларида кенг ривож топди. Бунга ривожланган мамлакатлардаги оғир экологик вазият сабаб бўлди.

Экологик-сиёсий мафкуралар инсон яшайдиган атроф-муҳитни

ҳимоя қилиш учун ҳукумат ва қонун чиқарувчи органларига таъсир кўрсатиш орқали экологияни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳозирги вақтда бу оқимлар кўплаб мамлакатларнинг парламентлари ва ҳукуматларида ўз вакилларига эга.

8. Диний сиёсий мафкуралар. Диний-сиёсий мафкуралар диний ақидаларга таянади. Уларнинг бош мақсади нафақат ҳокимиятга таъсир кўрсатиш, балки ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишдан иборатдир. Буни айрим мамлакатларда, хусусан Яқин Шарқ ва Осиёда (Эрон, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистони) ва бошқа мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги замоннинг мафкуравий оқимлари рангбарангдир. Улар хилма-хил ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади ва жамиятни тараққий эттиришнинг турли-туман йўлларини илгари суради.

13.3. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари

XXI аср бўсағасига келиб дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди, нисбий мувозанат бузилди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган собиқ социалистик лагер тарқалиб кетди. Унинг энг катта ва тоталитар тузум ҳукмрон бўлган асосий давлати – собиқ иттифоқ ўтмишга айланди. Бу давлатнинг ўрнида мустақил мамлакатлар юзага келди. Мустабид мафкура ғояларидан халос бўлган халқлар ўз миллий давлатчилик анъаналарини тиклади.

Демак, дунёнинг сиёсий, иқтисодий, маданий қиёфаси бўлгани каби, мафкуравий манзараси ҳам мавжуд. **Дунёнинг мафкуравий манзараси деганда одамларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун олиб борилаётган кураш қаерда, қандай кечаётгани, бу йўлда қайси жойда қандай усул ва воситалар қўлланаётганини тушунамиз.** Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида инсон қалби ва онгига таъсир ўтказувчи турли хил воситалар билан кураш олиб борувчи мафкуравий полигонлар яққол кўзга ташланмоқда. «Мафкуравий полигон» тушунчасини биринчи марта Президентимиз Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида ишлатган.

Мафкуравий полигон деб, одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоя ва мафкурани маблағ, замонавий техник воситалар билан кучлантириб, моддий ва маънавий ташвиқот қуролларини ишга солиб, дунёдаги ахборот ва фикр оқимини ўз фойдаси

йўлида бошқариб турадиган ғоявий марказга айтилади.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда одамзод маълум бир ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-якин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий сезиб яшамоқда». Шунинг учун ҳам бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли. Чунки, уларнинг таъсири радио, телевидение, газета-журнал, интернет, умуман ҳамма ахборот тармоқлари орқали кириб келаверади. Улар одамларни уйда ҳам, кўчада ҳам, ишда ҳам тинч қўймаслиги мумкин.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир»[1]. Бу тамойилга асосланган эзгу ғоялар, умуминсоний манфаатлар башариятнинг асрий орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмат қилади.

Лекин, минг афсуски, ҳозирги вақтда дунёнинг мафкуравий манзарасида турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний экстремизм каби сиёсий кучлар ва оқимлар ҳам бор. Бундай ғайриинсоний, бузғунчи ғоялар халқлар бошига аёвсиз кулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмоқда. Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган биродаркушлик уруши, Болқон минтақасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ҳалигача эришилмаётганлиги ана шундай бузғунчи мафкураларнинг таъсири оқибатидир. Шу боисдан ҳам бу бугунги кунда инсон онгипигина эмас, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсадидир. Шунинг учун ҳам Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, мафкуравий полигонга айлантирилмоқда.

Ана шундай шароитда халқнинг барча қатламларига берилаётган билимлар объектив, воқеликни тўлиқ ва тўғри акс эттириши, жамият тараққиётига, Ватан ва халқ манфаатларига, қадриятларни сақлашга хизмат қилиш лозим.

Бунинг учун билимлар чуқур ва объектив бўлиши керак. Уларни ғўла эгаллаш туфайлигина мафкуравий тажовузларга муносиб зарба бериш мумкин. Ёт ғояларга қарши кураш ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини ўз ичига олади.

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон». 2000. 22-бет.

Ҳозир дунёдаги қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида кўрсатиб берилган.

1. Буюк давлатчилик шовинизми.- (Шовинизм фран. буржуа миллатчилигининг ўта реакцион шакли) бошқа миллат ва халқ-ларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган. Шовинизм гўё тўлаконли бўлмаган бошқа миллатлар ва ирклар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини («мумтозлигини») тарғиб этади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин".

Буюк давлатчилик шовинизмининг бугунги кунда бошқача кўринишлари ҳам мавжуд:

1) Пансоветизм – узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган.

2. Диний ақидапарастлик – сиёсий мақсадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қарашлардан иборат. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб уларнинг ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Бу идеология диний асосда бирлашув ғоясини биринчи ўринга қўяди. Бу оқим маънавий заминда иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник ҳамкорлик, салоҳият тараққиётга йўл очса, бунинг нимаси ёмон деган «беозор» мафкуравий қарашни илга-

ри суради.

Ислом ақидапарастлиги – замонавий исломда мавжуд 3 йўналишдан бири: бу **диний ақидапарастлик – Ислом фундаментализмидир**. Аслида у демократия ва ошкоралик даврида «соф» исломни тиклаш ҳаракати асосида Марказий Осиё мусулмонлари, кўпинча ёш мусулмонлар орасида пайдо бўлган диний оқимдир. Ислом ақидапараслиги, яъни ислом фундаментализмининг **асосий ғояси** – «соф ислом» қадриятларига (принципларига) қайтиш, мақсади эса – исломий давлат ва тараққиёт йўлини жорий этишдан иборат.

Диний экстремизм – маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин ниқоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади. Бошқача айтганда, диний экстремизм – муайян диний йўналиш ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб унсурлар сиёсий фаолиятининг мафкураси[1].

3. Ислом модернизми – исломнинг диний таълимотдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларга тааллуқли ақидаларини янги замон шароитларига мувофиқлаштириш, замонавийлаштириш орқали тараққиётнинг янги йўлларини ишлаб чиқишдир.

4. Ислом традиционализми – бу оким тарафдорлари ўрта аср ақидаларига қаттиқ амал қилиб, буларни ўзгармас деб ҳисоблаган ҳолда динни ҳар қандай ислоҳ қилишга, модернизмга қатъий қарши чиққанлар ва ҳозир ҳам шундай қилаётирлар.

1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Олий Кенгашининг 12-чақириқ 5-сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. Кейинчалик, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири 1998 йил 1 майда Олий Мажлиснинг 11-сессиясида қабул қилинди.

Ҳозирги давр мафкуравий полигонларда ғарзли геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида мафкуравий таъсир ўтказиш учун энг аввало **«бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил»** деган қадимий *тамойилга амал қилишга уринилмоқда*.

Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотишга уринмоқда. Бундан ташқари, «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилининг иккинчи йўли асосида минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтириш ҳаракат қилинмоқда.

[1] Иркаев Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. Маъруза матни. Т.: «Маънавият». 2000. 3–4-бетлар.

Максади давлатлараро муносабатларда тангликни юзага келтириш, муайян давлатни заифлаштириб ўз «иттифоқчисига» айлантиришга эришиш. Юқоридаги шиорнинг 3 жиҳати халқаро майдонда муайян давлат ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантиришдир.

13.4. Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири

Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бу ғоя ва мафкура Ўзбекистонда ҳам ўзининг муносиб ўрнини топмоқда.

Ўзбекистонда шўро тизимининг инкирозга юз тутиши жамиятнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янги жамиятни қуриш масалаларини ишлаб чиқишни тақозо қилди. Бу масалалар Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва бошқа асарларида асослаб берилган концепцияда ўз ечимини топди. Мазкур концепцияда Юртбошимиз миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқишга жуда катта ҳисса қўшди, уни янги, фундаментал-назарий қоидалар, хулосалар билан бойитди.

Ғоявий бўшлиқ деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг қадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка дахлдор қадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган **бўшлиққа айтилади**.

Тажовузкор мафкуралар бундай бўшлиқдан фойдаланиб, ўзларининг зарарли ғояларини сингдирмоқчи ва одамларни ўз ортидан эргаштирмоқчи бўлади. Собиқ коммунистик партия ҳукмрон-лиги барҳам топгач, бизнинг юртимизга ҳам зарарли оқимлар кириб кела бошлади. Бунга давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда сиёсий институтларнинг истиқлол ғояларини, бозор муносабатларини одамларга тушунтиришда сусткашлик қилгани, ижтимоий фанларнинг ҳаётимиздаги *янгиликларни вактида таҳлил қилиб бермагани, жамият* руҳияти ва тафаккурида рўй бераётган мураккаб жараёнларнинг ўз ечимини топмагани ҳам сабаб бўлди.

Шу боисдан ҳам жамиятда мафкуравий иммунитетга эҳтиёж кучайди.

Президент Ислом Каримов **мафкуравий иммунитетга** шундай таъриф берган эди: «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга карши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида Она-Ватанга, бой тари-

химизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».[1]

Мафкуравий иммунитетни шакллантирувчи омиллар – миллий истиқлол ғояси асосидаги мафкуравий тарбия, огоҳлик, жаҳолатга қарши курашдир. Яъни, мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг энг муҳим шарти – халқимизни миллий истиқлол ғояси асосида тушунча ва тамойиллари билан қуроллан-тиришдир.

Шу боисдан ҳам Президент Ислом Каримов 2000 йил 8 июнда «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлаётганлигини таъкидлаб ўтган эди.

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди.

Қисқача хулоса

Сиёсий мафкура – у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи ҳамда кўпроқ миқдордаги кишиларнинг индивидуал ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларини ҳокимиятдан фойдаланишнинг муайян мақсадлари ва вазифаларига бўйсундиришни талаб қилувчи системалашган ғоялар, қарашларнинг йиғиндисидир.

Мафкура ўзининг функцияларига кўра фандан фарқ қилади. Агар фаннинг функцияси – ҳақиқатни излаш бўлса, мафкуранинг функцияси - аҳолининг оммавий сиёсий онгини эгаллаш, жамиятнинг бугунги ва келгусидаги тараққиётини баҳолаш, ўзининг мезонларини жорий қилиш, сиёсий маконда кишилар мўлжал қиладиган мақсад ва вазифаларни белгилашдир.

Президент Ислом Каримов Миллий истиклол ғояси ва мафкурасини ўзининг қуйидаги сўнгги асарларида айниқса янада ривожлантирди:

1. «Жамиятимиз мафкураси халкни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин» («Тафаккур» журналининг 1998 йил 2-сони).

2. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан 1998 йил 26 июндаги учрашуви).

---

[1] Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиклол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалаврнат босқичи учун дарслик.- Т.: Академия, 2005, 95-бет.

3. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» (1999 йил 14 апрель).

4. «Ҳушёрликка даъват» (ЎзА мухбири саволларига жавоби, 1999 йил июнь).

5. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» (2000 йил 22 январь).

6. «Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч қувват манбаи» (2000 йил 6 апрель).

7. «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишондир» (2000 йил 8 июнь).

8. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзган сўз боши да (2000 йил кузида). Асарлар Т.9, 220–224-бетлар ва бошқа асарларида.

Демак, миллий мафкурани тарғиб қилишнинг тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Узлуксизлик тамойили (содда шаклда).

2. Босқичма-босқич тамойили.

3. Фаоллик тамойили (замонавий технология, кўпрок интерусуллар, шунингдек, мунозара, суҳбат, давра йиғилиши асосида ҳам бўлиши мумкин).

4. Мафкурани эътиқодга айлантириш тамойили.

5. Иш билан сўз бирлиги тамойили.

6. Шахсий ибрат тамойили.

7. Ҳаётийлик тамойили (Ютуқлар билан бирга камчиликларни ҳам кўрса).

Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришнинг **асосий соҳалари**: «оила – боғча – мактаб – лицей – коллеж – олий ўқув юртлари – маҳалла – жамият». Йўналишлари эса: таълим ва тарбия, адабиёт, санъат, дин ва ҳ.к.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсий мафкурани қандай тушунасиз?

2. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси ва асосий ғояларини айтиб беринг.

3. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифалари ҳақида гапириб беринг.

4. Комил инсон ғояси нима?

5. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси нимага хизмат қилади?

6. Бугунги кунда динлараро бағрикенгликка эришиш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

7. Президент Ислом Каримов асарларида сиёсий мафкура масаласи қандай изоҳланган ва унинг бу борадаги ёзган асарларини қайд этинг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 4-бет.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка *таҳдид, барқ-роянк шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар,* 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 32-42-бетлар.

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 136-139-бетлар.

4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халкни–халқ, миллатни–миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 84-101-бетлар.

5. Каимов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 370-376-бетлар.

6. Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. (Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар). – 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 22-24-бетлар.

7. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётпировард максадимиз». 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-333-бетлар.

8. Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 490-493, 501-507-бетлар.

9. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.Асарлар 11-жилд, 3-51-бетлар, 2003й.

10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. "Халқ сўзи, 2003йил, 25-апрель.

11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз кучқудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет, Асарлар 12-жилд.

12. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб щисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

14. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан куриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

15. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод былсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

16. Азизхўжаев А.А. Мустакиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар, «Академия» нашриёти, 2001.

17. Азизхўжаев А.А. Диний экстримизм – мафкуралар кураши, - Жамият ва бошқарув. № 3, 1998.

18. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

19. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида, Т.: «Ўзбекистон» 2001.

20. Қосимов Н. Мустаккиллик курашлар даври. – Т.: «Ўзбекистон» 1997.

21. Февраль воқеалари. 1999 йил 16 февраль. Т.: «Ўзбекистон», 1999.

22. Отамуратов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (Ўқув қўлланма) Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.

23. Огоҳлик. Тўплам. Т.: «Академия», 1999.

24. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 62-бет.

25. Раҳимов И., Зоҳидов А. ва бошқалар. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иктисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т.: «Университет», 2001, 73-81-бетлар.

26. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 297-316-бетлар.

27. Одилкодиров Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Т.: Ўз РИИВ Академияси, 2004, 114-186-бетлар.

28. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.

29. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.

30. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.

31. Эргашев И. ва бошк. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик.-Т.: Академия, 2005й. 368-б.

IV БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ТИЗИМЛАР ВА УМУМБАШАРИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ СИЁСИЙ МУАММОЛАРИ

XIV МАВЗУ. ХАЛҚАРО ТИЗИМ ВА ХАЛҚАРО СИЁСАТ

14.1. Халқаро тизим: моҳияти, тузилмаси, функционал жиҳатлари ҳамда давлатлар ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифалари

Давлатларнинг ташқи сиёсати объектив сиёсий ҳодиса ҳисобланади. Ҳеч бир давлат бошқаси билан у ёки бу даражада алоқа қилмасдан ёки ўзаро муносабатда бўлмасдан самарали ривожлана олмайди. Давлатларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари қай даражада олиб борилишидан қатъи назар, бу жараён халқаро муносабатларнинг боришини белгилаб беради. Ташқи сиёсатнинг зарурлигини ҳар бир давлатнинг эҳтиёжлари тақозо этади. Эҳтиёжлар аввало, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади. Ҳеч бир давлат ўзини ташқи сиёсатда бошқа давлат манфаатларидан устун қўймайди ва бунга интилмайди. Ўз навбатида у ёки бу мамлакатнинг миллий манфаатлари бошқа мамлакатларнинг манфаатларидан ҳам устун қўйилмаслиги лозим. Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ана шу талабларга оғишмай риоя қилиши зарур. Акс ҳолда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қарама-қаршиликлар келиб чиқиши табиийдир.

Дунёда юз бераётган муҳим ўзгариш ва жараёнлар ҳаётга объектив равишда бир томондан бекарорлик бахш этса, иккинчи томондан маълум бир тузилма, тартибга мойиллик тизими шаклланади. Унга нисбатан бефарқ ва масъулиятсизлик билан қараш инсонга катта зарар етказади. Бу ўз навбатида халқаро сиёсатга, халқаро ҳамжамиятга хос нарса эмас. Шу боисдан инсоният, барча сиёсий-интелектуал доиралар батамом бошқача ёндошувга мойилликни юзага келтиради. Шаклланаётган қарашлар тизими ранг-баранг. Шу сабаб бу масалага давлатлар ва гуруҳлар ўртасидаги турли хил муносабатлардан иборат тизим сифатида ёндошиш лозим бўлади.

Халқаро тизим сиёсат субъектига қарашларда турли хил тенденциялар кучаймоқда. **Шулардан бири**, халқаро тизим субъектига номақбул қарашлар бўлиб, политолог, сиёсий арбоблар Збигнев Бжезинский ҳамда Генри Киссинжерларга мансуб бўлган «реалистлар мактаби» вакиллари қарашларидир. Унга кўра, халқаро сиёсат майдони, яъни халқаро ҳаёт улкан шахмат тахтаси бўлиб, у ердаги фигу-

ралар, яъни иштирокчилар ҳаракати қандайдир кучли ўйинчилар изми ва хоҳиш иродасига боғлиқ бўлади. **Иккинчи қарашга** кўра, халқаро ҳаётга моҳиятдан бир-бирига душман бўлган давлатлар фаолияти макондир, дейилиб, халқаро сиёсат эса яхлит тизим бўлмасдан бир-бирига азалий муҳолиф бўлган кучларнинг ўзаро муносабатидан шаклланади. Булардан ташқари халқаро тизим субъектида **унчалик муҳим ёки муҳим бўлмаган** бошқа кўплаб қарашлар ҳам борки, улар шартли равишда **прагматиклар ва идеалистлар, фрагментарчилар ва мониалистлар, биркутбчилар ва кўпқутбчилар** ҳисобланади. Хуллас, турли-туман мактабларга мансуб бўлсада, лекин у ёки бу маънода уларнинг барчаси юқорида номи зикр этилган 2 анъанавий қарашга мансубдир.

Халқаро тизим ва унинг тузилмаларида муносабатлар, уларнинг ҳуқуқий мезон ва меъёрларининг ноёблиги ҳокимият муаммосиги ҳам қандайдир ўзига хослик, хусусийлик бағишлайди. Жумладан, халқаро тизимда ҳокимият куч ишлатиш эмас, балки маърифий-сиёсий таъсир ўтказишга таяниб фаолият кўрсатиши мумкин.

Ҳокимиятни қўлга киритиш жараёни адолат тарозиси, давлатларнинг бу йўлдаги хулқ-атвори, хатти-ҳаракатининг маърифийлигига асосланиши керак. Шу жиҳатдан давлатларнинг хулқ-атворини халқаро тизим моҳиятининг маълум маънода воқеликда акс этиши ёки функцияси деб қараш тўғри бўлади.

Давлатларнинг миллий манфаатлари уларнинг ташқи сиёсати орқали моддий кучга айланиб халқаро майдонда уларнинг у ёки бу даражада фаолият кўрсатишини белгилаб беради. Ташқи сиёсат зарурлигининг миллий манфаатлари орқали ифодаланиши барча давлатларга хос бўлган умумий ҳодиса ҳисобланади.

Давлатлар учун ташқи сиёсатнинг зарурлиги бир давлатнинг бошқаси билан ўзаро муносабатда бўлиши ва ўзаро ҳамкорликни турли хил шаклларда олиб бориши билан белгиланади. Давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиш эҳтиёжлари ҳам тақозо этади. Халқаро муносабатларда рўй бераётган ҳар қандай муаммони ҳал қилиш биринчи навбатда давлатлар ташқи сиёсий фаолиятига боғлиқ бўлади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати ва унинг амал қилинишига ички ва ташқи омиллар таъсир этиб туради. Ички омиллар объектив ва субъектив омиллардан ташкил топади. Объектив омилларга мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллар, субъектив омилларга эса, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаолият

кўрсатувчи сиёсатнинг турли хилдаги субъектлари киради. Бу омиллар ташқи сиёсатга таъсир этиши билан бирга унинг зарурлигини ҳам тақозо этади.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш эҳтиёжлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Гарчи давлатларнинг умумбашарий муаммоларни ҳал этишга муносабати уларнинг ички сиёсати орқали ишлаб чиқилсада, унинг амалга оширилиши ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади. Чунки давлатлар ўзларининг ташқи сиёсати орқали умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссаларини бошқа давлатлар билан ҳамжиҳатликда аниқлаб оладилар. Ташқи сиёсат ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар билан тинч ва аҳил яшаш эҳтиёжларидан ҳам келиб чиқади.

Халқаро хавфсизликни таъминлаш ва дунёда барқарор тинчликка эришиш эҳтиёжлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини ифода этади. Ташқи сиёсат ривожининг бутун тарихи давлатларнинг ташқи сиёсатида тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳамиша етакчи ўринни эгаллаб келганлигини кўрсатади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари ўзига хос хусусиятларга эга. Давлатларнинг ташқи сиёсатига мос бўлган асосий ва муҳим хусусиятларидан бири ташқи сиёсатнинг объектив моҳиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Ташқи сиёсатга хос бўлган объективлик хусусияти давлатларнинг халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларга муносабат билдиришида ҳам намоён бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳар бир давлатнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса, у жаҳон сиёсатидан четда қолиб кетмаслиги зарурлигидан келиб чиқади.

Ташқи сиёсат ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир. Маълумки, мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй берадиган янгидан-янги сиёсий воқеа-ҳодисаларга билдириладиган муносабат ҳамиша бир хилда бўлиб қолмайди. Гарчи бу муносабат давлатлар ташқи сиёсатининг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келмаса-да, айни пайтда бу сиёсатга маълум даражада таъсир этиб, унинг янги вазият талабларига мос равишда ўзгариб туришига сабаб бўлади.

Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари барқарорлик хусусиятига эга бўлади. Барқарорлик, бир томондан, ташқи сиёсий вазиятга, иккинчи томондан эса, сиёсий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Ташқи сиёсатга турли давлатларнинг мақсад ва манфаатларидаги умумийлик ҳодисаси ҳам хосдир. Бир давлатнинг ташқи сиёсати бошка давлатларнинг ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан мос келади. Буни ҳар бир давлатнинг жаҳон майдонида рўй бераётган ўзгаришларга бир хил муносабат билдиришда у ёки бу муаммони ҳал этишда, биргаликда ҳаракат қилишида аниқ кўриш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда тинчлик ва хавфсизлик учун кураш, харбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, терроризм (2001 йиллари Афғонистондаги террорист Усама бин Ладинга), оммавий қирғин куролларини ишлаб чиқариш (2003 йил мартида Ироқ президенти Саддам Ҳусайин)га карши биргаликда кураш ва бошка шулар сингари сиёсий муносабатларда кўпчилик давлатлар олиб бораётган ташқи сиёсатда умумийлик ҳодисаси устун ўринни эгаллайди.

Давлатларнинг ташқи сиёсатига мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги турли сиёсий кучлар таъсир қилиб турса-да, бироқ улар бирон бир давлатнинг ташқи сиёсатини батамом ўзгартириб юбора олмайди. Ташқи сиёсатга қилинадиган таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ҳар қандай давлатнинг ташки сиёсатига кўрсатиладиган ижобий таъсир унинг мамлакат ичида ва халкаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг обрў-эътиборининг ошишига ёрдам беради. Бундай шароитда давлат мазкур сиёсий кучлар билан ҳамжиҳат бўлишига, улар фаолияти ва ҳаракатларини қўллаб-кувватлашга ҳаракат қилади.

Ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаларидан бири дипломатиядир.

Дипломатия – (французча) – давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларидан бири. Дипломатик давлат раҳбарлари, ҳукуматлар, давлат ташқи ишлар органлари ва бевосита дипломатларнинг ташқи сиёсат максад ва вазифаларини амалга оширишга ҳамда ўз давлатининг ва хориждаги айрим фукароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берувчи расмий фаолияти шаклида олиб борилади. Демак, дипломатия ташқи сиёсатда давлат ҳокимияти фаолиятининг мақсад-йўналиши бўлиб, дипломатияни ташқи сиёсат орқали амалга ошириш восита сидир.

Ташқи сиёсат муносабатлари 2 кўринишда бўлади:

1. Давлатларнинг ички кўринишида (Ташқи ишлар вазирлиги амалга оширади).

2. Ташқи кўринишда (Ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси

дипломатиядир).

Дипломатияда дипломатик ваколатхоналарнинг 2 шакли бўлиб, улар:

1) доимий дипломатик ваколатхоналар (элчилар, махсус ваколатхоналар – миссия кўринишида бўлади);

2) муваққат ваколатхоналардир.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган ўн икки йили давомида дипломатия соҳасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Дунёдаги 120 дан кўпроқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 43 мамлакат ўз элчихонасини очди. Эндиликда Ўзбекистон энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Шунинг билан бирга барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистонинг элчихоналари ва консуллари ишлаб турибди[1]. Ўзбекистон 30 та нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Элчи - давлатларнинг ўзаро *дипломатик алоқаларида фаолият* кўрсатувчи дипломатик ваколатхоналар бошлиғи. Одатда элчихона бошқа давлат ҳудудида жойлаштирилган давлат муассасаси - идораси бўлиб, у ўз ҳокимиятининг расмий қарор-фармойишлари ва кўрсатмалари асосида иш олиб боради. Қадимдан элчи ҳам подшоҳлар хизматида бўлган. Низомул-мулк фикрича, элчи сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўткир хотирали, андишали ва чиройли бўлсин. Агар элчи ёши улуғ ва олим бўлса яхшидир, ишонч уйғотади. Элчи улуғвор бўлса камгап, доно элчи яхшироқдир. Элчининг сийрати ва фикри подшоҳнинг сийрати ва фикридан далил. (Низомул-мулк. XI аср. «Сиёсатнома» асари, 103-бет).

[1] Гуломов С. ва бош. Ўзбекистон 11 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 35 – 36-бетлар.

14.2. Ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари, ички ва ташқи сиёсатнинг нисбийлиги ҳамда ҳуқуқий асослари

Барча даврларда бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатларнинг ташқи сиёсати мамлакат ҳаёти ва халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Ҳар бир давр давлатларнинг ташқи сиёсатига ўз хусусиятларини киритгани сингари ҳозирги босқичнинг ўзгаришлари ҳам бу сиёсатда ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги халқаро муносабатлар ва уларнинг ривожланишини давлатларнинг ташқи сиёсатисиз тасаввур килиш мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, халқаро муносабатлар қандай бўлишидан қатъи назар, давлатларнинг ташқи сиёсати орқали таъсир кўрсатилади. Бу таъсир давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятида амалий кучга айланади ва турли хилдаги натижаларга олиб келади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларда ижобий ёки салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунинг сабаби жуда хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, айрим ҳолларда давлатлар ўз ташқи сиёсатини, ишлаб чиқиш ва амалга оширишда халқаро муносабатларда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда бу муносабатларда иштирок этишга ва унга таъсир кўрсатишга харакат қилади. Бунда гап у ёки бу давлат томонидан халқаро муносабатларда рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етмаслик устида эмас, балки уларга онгли муносабат билдириш ҳақида бормоқда. Шундай давлатлар борки, улар айрим ҳолларда халқаро муносабатларда бўладиган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатлари билан ҳисоблашмай харакат қилади. Натижада бундай уриниш бошқа давлатларнинг манфаат ва максадларига зид келиб қолади ва оқибат халқаро муносабатларда танглик ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, халқаро муносабатларни тартибга солиб туришда давлатларнинг ташқи сиёсати муҳим аҳамиятга эгадир. Ташқи сиёсат ёрдамида давлатлар халқаро майдонда рўй бераётган вазиятга ўз муносабатларини билдирадилар ва ундан келиб чикадиган муаммоларни ҳал қилишга у ёки бу даражада ҳисса қўшадилар. Масалан, XX аср 90-йиллари биринчи ва иккинчи ярмида Босния, Герцеговина, Сербия, Хорватия мамлакатлари ўртасида келиб чиққан урush ҳаракатлари, Чеченистон воқеалари, Афғонистон ва Тожикистондаги можа-

ролар, айниқса 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШ га қилинган террористик хуружга, 2003 йил бошларида Ироқнинг оммавий қирғин куролларини ишлаб чиқариш ва йўқотишга дунёдаги кўпчилик давлатлар ўз муносабатларини билдириб, бу мамлакатларда тинчликка эришиш билан боғлиқ масалалар улар ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон ҳам кўпчгина бошқа давлатлар сингари ўз ташқи сиёсатида ҳарбий ҳаракатлар ва можароларни тинч йўл билан бартараф қилиш йўлини изчиллик билан давом эттириб келмоқда.

Учинчидан, халқаро муносабатларда рўй бераётган айрим ноҳуш ҳолатлар, зиддиятли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айрим ҳолларда халқаро муносабатларда келиб чиқадиган у ёки бу муаммони ҳал қилишда давлатлар манфаатлари бир-бирига зид келиши мумкин. Бундай шароитда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлатларнинг ташқи сиёсатига хос бўлган субъектив ёндошишлар устунлик қилиб қолади. Бунинг оқибатида халқаро муносабатларда салбий ҳолатлар келиб чиқиши мумкин.

Ҳар бир давлат халқаро муносабатларда келиб чиқадиган ана шу салбий ҳолатларни бартараф қилишда ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда амалга ошириши, кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилган ташқи сиёсат принциплари талабларига риоя қилиши зарур. Халқаро муносабатлар тарихидан маълумки, бундай ҳолатларда келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишда бир томонлама ёндошиш ҳеч қачон ижобий натижага олиб келмаган, халқаро муносабатларнинг ривожланиши бирон-бир давлатга устунлик бермайди.

Ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатини амалга оширадиган махсус орган Ташқи ишлар вазирлигига эга. Бу вазирлик ўзининг кўп сонли мутахассис ва ташкилотчи кадрлари орқали давлат ташқи сиёсатида фаолият юритади. Бу вазирлик вазифалари хилма-хил бўлиб, уларни самарали ҳал қилиб бориш ҳар бир давлатнинг халқаро майдондаги нуфуз ва обрў-эътиборининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Давлатлараро халқаро муносабатлардаги долзарб муаммоларни ечиш халқаро аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши албатта давлатлараро ташқи сиёсат орқали амалга оширилади. Айрим давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама имзоланадиган ҳужжатлар: шартномалар, декларациялар, меморандумлар, баёнотлар ва бошқа турдаги сиёсий ҳужжат-

лар ҳамда уларда белгиланган сиёсий-ҳуқуқий нормаларга амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг асосий жиҳатидир.

Ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири тинчлик ва хавфсизлик ҳамда терроризмга қарши курашдан иборат.

Ҳар бир давлат ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга интилиши, аввало унинг ички сиёсати орқали намоён бўлади ва у ташқи сиёсатда акс этади. Бу ўз навбатида, тинчлик учун кураш хавфсизлик учун кураш билан бир эканлигини ифода қилади ва шу асосда давлатлар сиёсатига асос бўлиб хизмат қилади.

Аввало ички сиёсат кучлар фаолиятига боғлиқ. Ички сиёсатнинг самарадорлиги сиёсий ҳокимиятнинг қандай кучлар томонидан амалга оширилиши билан белгиланади. **Ички сиёсат** – муайян шароитда синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Давлатлар томонидан ишлаб чиқиладиган ички ва ташқи сиёсат диалектик қонуният асосида шаклланади ва ривожланади. Уларнинг **умумий алоқадорлиги** қуйидагилардан иборат:

Сиёсатнинг қандай кучлар томонидан ишлаб чиқилиши барча давлатларга хос хусусиятдир.

Ички ва ташқи сиёсат маълум бир мақсадга қаратилган бўлади.

Умумий қоидаларга асосланади.

Давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига хос бўлган **алоҳидаликнинг** моҳияти қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

Ички ва ташқи сиёсат мамлакатда тарихий, миллий хусусиятларни акс эттиради.

Мамлакатларда фаолият кўрсатувчи сиёсий кучлар ҳар хил синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини акс эттиради.

Ички ва ташқи сиёсат шу мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Тинчлик ва хавфсизлик масаласи сиёсий масала бўлганлиги учун ҳам у давлатлар ташқи сиёсати орқали моддийлашади. Бинобарин, ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсати орқали тинчлик учун амалий фаолият олиб боради ва бошқа давлатларни унга даъват этади.

Тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳозирги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёнинг айрим минтақаларида тинч вазиятнинг бузилиб туриши, ҳарбий ҳаракатларнинг рўй бериши, ҳарбий қурол-яроғлар ишлаб чиқариш ва ҳарбий харажатларни кўпайтиришга интилиш сингари ҳолатлар тинчлик ва хавфсизликка

доимий равишда хавф солиб туради. Шунинг учун ҳам тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан манфаатдор бўлган ҳар бир давлат бу йўлни ўз ташқи сиёсатининг асосий йўналиши қилиб белгилаб олмоқда. Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ягона давлат сиёсати бўлишидан иборат.

Давлатлар ташқи сиёсатининг асосий ва муҳим йўналишларидан яна бири умумбашарий муаммоларни биргаликда ҳал этишда давлат сиёсатининг зарурлиги шундаки, бу сиёсат орқали давлатлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳал қилишда фаол иштирок этиши мумкин.

Умумбашарий муаммолар қайси мамлакат ҳудудида келиб чиққан бўлишига қарамай, уларнинг зararли оқибатлари барча давлатлар сиёсатида чуқур англаб етилмоғи лозим. Давлат сиёсатида сансалорликка йўл қўйиб бўлмагани сингари умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ҳам ташқаридан томошабин бўлиб қолиш мумкин эмас. Бу умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг объектив эҳтиёжларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам давлатлар ўз ташқи сиёсатида бу муаммоларнинг салбий оқибатларини чуқур англаб етиши ва уларни ҳал қилишда амалий ҳаракат қилиши лозим.

Халқаро вазиятни соғломлаштириш учун кураш ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Давлатлар ўз ташқи сиёсати орқали халқаро вазиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ижобий таъсир халқаро вазиятнинг барқарор бўлишига олиб келса, салбий таъсир натижасида эса, халқаро вазиятда кескинлик қолатлари кучаяди, давлатлар ўртасида ишончсизлик келиб чиқади.

Давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан яна бири давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва уни янада такомиллаштириб боришдан иборат. Давлатлараро муносабатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий ҳамкорлик шаклларидан иборат бўлиб, бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ва амалга ошириш ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб у давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва роли билан белгиланади.

Давлатлар томонидан олиб бориладиган ташқи сиёсатнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан давлатлар ташқи сиёсати соҳасида амал қиладиган тамойилларда, ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдида бурчи ва масъулиятида акс этади.

Ташқи сиёсат соҳасида амал қиладиган тамойиллар ҳам жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида амал қиладиган тамойиллар сингари бирон-бир давлат томонидан ишлаб чиқилмаган. Улар давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ташкил топиш жараёнида бу муносабатларни самарали ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам давлатлар ташқи сиёсатида амал қиладиган тамойиллар мажбурий характерга эга эмас. Уларга амал қилмаслик эса, давлатларнинг халқаро майдонда яккаланиб қолишига сабаб бўлади.

Жаҳон урушлари натижасида вужудга келган халқаро ҳолат, вазият муаммолари олдин Версаль шартномасида (1919 йил 28 июнь), кейинчалик олдин келишиб олинганига кўра, 1919 йилда ташкил этилган ва 1939 йилгача амал қилган Миллатлар Иттифоқи доирасида кўриб чиқилиб, халқаро ҳуқуқ ақидалар ва қоидалар шакллантирилган, иккинчи жаҳон урушигача амал қилиб келган эди.

Халқаро сиёсий муносабатларда ҳозирги кунда амал қилаётган халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидалари 1945 йил 24 октябрда ташкил этилган БМТ Низомида ўз ифодасини топган. Унда давлат мустақиллигини ҳурмат қилиш, тинч-тотув яшашга риоя қилиш, ўзига юклатилган бурч ва вазифаларни оғишмай бажариш, низо-можароларни тинч, сиёсий музокара йўли билан ҳал қилиш, бир-бирига нисбатан куч ишлатмаслик, ички ишларига аралашмаслик каби қоидалар белгилаб берилган.

БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги асосий ҳужжатларни давлатлар ўз қонунлари руҳига сингдиришган:

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Деклорацияси» (1948 йил 10 декабрда қабул қилинган)[1].

«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт» (1996 йил 19 декабрда қабул қилинган).

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт» (1966 йил 19 декабрда қабул қилинган).

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга факультатив Протокол» ва ҳ.к.

Давлатларнинг ташқи сиёсатида кўпгина умумий томонлар борки, бу уларнинг жаҳон сиёсатининг долзарб муаммоларни ҳал қилишда ўз фаолиятларини мувофиклаштиришларини талаб этади. Бу объектив зарурият давлатларнинг ташқи сиёсати соҳасида амал қила-

[1] Инсон ҳуқуқлари. Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. 183 – 233-бетлар.

диган тамойилларнинг талабларидан келиб чиқади. Тенг ҳуқуқли асосларда ҳамкорлик қилиш, бир давлатнинг бошқасига ўз ҳукмини ўтказмаслиги, ички ишларига аралашмаслик, ғоявий муҳолифликдан ҳоли бўлиш, халқаро муносабатларга доир муаммоларни ҳал қилиш ишларида фаоллик кўрсатиш, ташқи сиёсат соҳасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш ва бошқа шулар сингари кўплаб тамойиллар ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатини белгилаб бермоқда. Бу тамойилларга оғишмай амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли бўлишида ғоявий муҳолифатликдан воз кечиш тамойилига амал қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ғоявий мухолифлик давлатларни бир-бирига яқинлаштириш эмас, балки уларни узоқлаштиришга, улар ўртасида душманлик кайфиятининг авж олишига сабаб бўлади.

14.3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналиш ва тамойиллари

Ўзбекистон давлатлараро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, илмий-техник соҳаларда икки ва кўп томонлама алоқаларни кенг йўлга қўйган. Бу борада:

МДҲ доирасидаги мамлакатлар билан.

Ривожланган Ғарб ва Шарқ давлатлари билан.

Осиё, Африка, Лотин Америка ва Кариб ҳавзасидаги ривожланаётган давлатлар билан дипломатик алоқалар, йўналишларда ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 4-боб 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсатининг **ҳуқуқий принциплари** ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

1) суверенитети, тенглиги;

2) куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик;

3) чегараларнинг дахлсизлиги;

4) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

5) бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик .

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатни амалга оширишдаги 6 та принципини ишлаб чиқди ва асослади. Ана шу ташқи сиёсатнинг **амалий принциплари** қуйидагилардан иборат:

Миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда ўзаро манфаат-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003, 6–7-бетлар.

ларни ҳар томонлама ҳисобга олиш.

Умумбашарий кадриятлар устунлиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш. (Ўзбекистонни ядросиз минтақага айлантириш, ҳарбий блок, уюшмаларга кирмаслик. Низоларни ҳал этишда куч ишлатмаслик, таҳдид қилишдан воз кечиш, халқаро ҳужжатларни тан олиш, уларга риоя қилиш).

Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатлар ички ишларга аралашмаслик. Тенглар орасида тенг бўлиш.

Мафкуравий қарашлардан қатъи назар очиқ-ойдинлик, барча давлатлар билан кенг ташқи алоқани ўрнатиш.

Ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш.

Ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

Юртбошимиз бу амалий принципларни ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ҳам изоҳлаб берди[1].

1995 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида» Олий Мажлис қарори қабул қилинди.

1996 йил 26 декабрда «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Қисқача хулосалар

Пировардида шундай фикр билдириш мумкин:

Демак, ташқи сиёсат тушунчаси давлат ҳокимиятининг халқаро муносабатларга нисбатан ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган сиёсат курсини англатади.

Халқаро муносабатларда ташқи сиёсатни белгиловчилик роли шундаки, бу муносабатларнинг қандай ривожланиши биринчи навбатда давлатлар фаолиятига боғлиқ бўлади. Жамият ҳаётида амалда бўлган бошқа бирон-бир ташкилот ёки сиёсий куч халқаро муносабатларга давлат ташкилоти сингари кучли таъсир қила олмайди. Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам ўзининг халқаро муносабатларга таъсирини унга аъзо бўлган давлатлар орқали амалга оширади.

1. Ташқи сиёсат объектив сиёсий ҳодиса сифатида давлатлар-

[1] Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6 –Т.: «Ўзбекистон», 1998. 239-240-betlar.

нинг эҳтиёжлари ва миллий манфаатларидан келиб чиқади. Давлатлар учун ташқи сиёсатнинг зарурияти бир давлатнинг бошқаси билан ўзаро муносабатда бўлиши ва ўзаро ҳамкорликни турли шаклларда олиб бориши билан бошланади.

2. Ҳозирги даврда давлатлар ташқи сиёсатида муҳим аҳамиятга эга *ҳолат ташқи сиёсат* мафкурадан ҳоли қилиниши зарурлигидир. Иккинчи томондан эса, ташқи сиёсат соҳасида амал қиладиган тамойилларга ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдидаги бурчи ва масъулиятини англаши масаласидир.

3. Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатдаги муҳим жиҳатлар - халқаро муносабатларда очиқ-ойдинлик, *тенг ҳуқуклилик* ва ўзаро манфаатдорликка амал қилишдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи ва халқаро сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларини баён этинг?

2. XX аср охирида давлатлар ташқи сиёсатида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

3. Ташқи сиёсат қандай тамойилларга асосланади?

4. Халқаро ташкилотлар ташқи сиёсатда қандай ўрин тутади?

5. Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатига хос бўлган жиҳатлар нимада?

6. Халқаро муносабатларда қандай тамойилларга асосланиш лозим?

7. Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг ўрни қандай?

8. Давлатнинг ташқи сиёсатига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар деганда нимани тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 6 бет.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 38-39 бетлар.

3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 499-500-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Асарлар, 11-жилд, Т.; 2003й. 3-51бетлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ бош ассамблеясида сўзлаган нутқи. «Фидокор», 2000 йил 12 сентябр.

6. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз кучқудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет, Асарлар, 12-жилд.

7. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб щисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этищдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

9. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар Билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

10. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

11. Азизхўжаев А.А. Мустакиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар, «Академия» нашриёти, 2001.

12. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. Т.: «Шарқ», 1997.

13. Геополитика и мировое развитие. – М. 1995.

14. Галхин А. Мир как система. Полис, 1998. №4.

15. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

16. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида, Т.: «Ўзбекистон», 2001.

17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.

Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 24, 38-бетлар.

18. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 427-435 бетлар.

19. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март.

20. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005 6 апрель.

21. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005 26 апрель.

22. Эргашев И. ва бошқ .Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик.-Т.; Академия, 2005й. 368-бет.

23. Қодиров Д. Сиёсий фалсафаси, Т.; Тошкент Давлат юридик институти, 2005й.

XV МАВЗУ. ТАШҚИ СИЁСАТ. ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ХАЛҚАРО ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР

15.1. Ҳозирги жаҳон тараққиётида халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари

Биз яшаётган ҳозирги даврнинг характерли хусусиятларидан бири халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидан иборат. Бу муносабатлар жаҳон тараққиётининг моҳиятини белгилаб бермоқда, халқлар ва давлатлар ўртасидаги хусусиятлар алоқаларнинг мазмунини ташкил этмоқда, *давлатлараро ҳамкор-ликнинг* ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатлар тараққиёти сиёсий фаолият натижаларига боғлиқ. Давлатларнинг вужудга келиши улар ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлган. Бу *объектив* характерга эга. Ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас.

Халқаро сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг таркибий қисмидир. Бу муносабатлар давлатларнинг вужудга келиши ва улар ўртасидаги алоқаларнинг шаклланиши асосида рўй берган. Ўтмишда энг қадимги давлатлар: Миср, Вавилон, Эрон, Урарту, Юнонистон, Рим ва бошқа давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши шундай кечган.

Ҳамкорликнинг хилма-хил шакллари хусусан сиёсий ҳамкорлик муносабатлари сиёсат ва давлат арбобларининг қарашларида ўз аксини топган.

Сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Бу *муносабатлар* тўғрисида француз политологи Раймон Арон шундай ёзади. «Халқаро сиёсий муносабатлар, бу социал бирликлар ва институтлар (давлат, миллат, синф, социал қатлам ва гуруҳлар, дипломатик хизмат маҳкамаси) ўзаро алоқалари ва таъсир заминида шаклланувчи муносабатлар*нинг бир кўринишидир*». Унинг фикрича, иқтисодий, маданий ва социал муносабатлар ўз эволюциясининг маълум бир босқичида, яъни сиёсий тизим давлатчилик ва бошқарув системасининг барқарорлиги билан боғланган жойда ўз-ўзидан сиёсий тус олади. Демак, халқаро сиёсий муносабатлар давлатлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг мамлакатлар ўртасида олиб борадиган фаолиятидир.

Узоқ йиллар давомида халкаро сиёсий муносабатлар масаласига

синфийлик асосида ёндошиб келинди. Бу йилларда мазкур масалага ғоявий тус берилиб, давлатлар ва мамлакатлар ўртасидаги икки хил тузум ўзаро муносабатлар сифатида таърифлаб келинди.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатларда ҳарбий, сиёсий ихтилофларга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсоният тақдири, жаҳон цивилизацияси тақдири хавфсизликнинг қай даражада таъминланганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам жаҳон уруши хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига қаратилган чора ва тадбирларни амалга ошириш давлатлар ўртасидаги муносабатларда муҳим ўрин эгаллайди. Эндиликда жаҳон жамоатчилиги ва халклари ҳарбий устунликдан ҳеч ким ютмаслигини тушуниб етмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларда халқаро терроризмга қарши кураш зарурлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Терроризм XX асрнинг сўнгги ва XXI асрнинг бошларидаги энг мудҳиш ижтимоий-сиёсий ҳодисалардан бири бўлиб, халқаро муносабатларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Терроризм давлатларнинг сиёсий тузуми, ривожланиш йўли ва тараққиёт даражасидан қатъи назар жаҳондаги барча давлатларни ўзаро келишувга, унга қарши муросасиз кураш олиб боришга мажбур қилмоқда. Чунки терроризм алоҳида олинган бир мамлакатнигина эмас, балки барча давлатлар ва халқларнинг умумий муаммосига айланиб бормоқда.

Терроризм томонидан, айрим ёки бир гуруҳ кишилар томонидан у ёки бу давлатда ижтимоий-сиёсий тартибни бузишга, қўпорувчилик қилишга, шу ҳаракати билан халқларни қўрқитишга қаратилган ҳаракатдир.

Терроризмнинг кўринишлари турли хил бўлиб, улар ўз ичига сиёсий раҳбарларга суиқасд уюштириш ёки гаровга олиш, давлат тўнтаришини амалга ошириш, муҳим объектларни портлатиш, қўпорув ишларини амалга ошириш каби ҳаракатлар бўлиб, уларнинг барчаси халқаро муносабатлар соҳасида турли хилдаги зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Масалан, 1995 йилда Исроил давлатининг Бош вазири Исҳоқ Рабининг ўлдирилиши Исроил билан кўпчилик араб давлатлари ўртасидаги муносабатларга кучли салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли ҳам Миснинг Аш-Шайх шаҳрида 1995 йилнинг май ойида ва 1999 йил 18–19 ноябрда ЕХҲТнинг Истамбул самитида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро кенгаш ўтказилди. Бу кенгашларда кўпчилик давлатларнинг Президентлари қатнашиб,

улар терроризмнинг ҳар қандай кўринишига биргаликда кураш ҳар бир давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиши зарурлиги, унга қарши кураш эса барча давлатларнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлашди. Кенгашда терроризмга қарши курашнинг йўллари ишлаб чиқилди. Худди шундай ҳолат 2001 йил 11 сентябрида АҚШда террористлар томонидан амалга оширилган хуружлар муносабати билан ҳам юзага келди.

Халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиши бу муносабатларда келиб чиқадиган турли хилдаги зиддиятларга ва уларни ҳал қилишга боғлиқдир. Бундай зиддиятлар халқаро сиёсий муносабатларда турли хил сабабларга кўра хилма-хил шароитларда рўй беради. Уларни келтириб чиқарадиган омиллар халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиш жараёнида, ўзига хос даражада намоён бўлади ва бу муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Зиддиятлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари халқаро сиёсий муносабатларнинг ҳам ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган ҳар қандай зиддиятни ҳал қилишга алоҳида ёндошиш талаб этилади. Уларнинг ҳаммасини бир хилдаги усуллар ёки воситалар ёрдамида ҳал қилиш мумкин эмас. Шунингдек, бундай зиддиятлар ечимини топиш учун халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этувчи барча субъектларнинг куч-ғайратини бирлаштириш талаб килинди. Ҳолбуки бундай субъектларнинг ҳар бири ўз манфаати ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд зиддиятларни бартараф этишда иштирок қилади. Бироқ шундай зиддиятлар бўладики, уларда ифодаланган муаммоларнинг айримларини ҳал қилишда субъектларнинг фаолиятини, айниқса, давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини ташкил этиш талаб килинади. Бундай ҳамкорлик, хусусан хавфсизлик соҳасида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишда, минтақавий бартараф этиш учун курашда ниҳоятда зарурдир.

Халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган зиддиятларни *бирон-бир томоннинг фойдасига ҳал этишга уринши бу муносабатларда* кўплаб нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам давлатлар халқаро сиёсий муносабатларни ҳал этиш ишига бир томонлама ёндошувлардан воз кечган ҳолда ҳаракат қилиши зарур. Бу заруриятни Ислом Каримов қуйидагича таърифлаган эди

« халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга

интилишни кучайтирмоқда».

Халқаро ҳуқуқ - давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари ўртасида олиб бориладиган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги алоқаларнинг қонун ва қоидалари мажмуидир.

1945 йили БМТ ташкил топди. Унинг Низомида янги даврда мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди.

Халқаро сиёсий муносабатларда вужудга келган можароли муаммоларни халқаро ҳуқуқ, қонун-қоидалари негизида тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Халқаро Суд фаолият кўрсатади. (Масалан, ҳунрезлик ишларини олиб борган Югославия Президенти Славада Милошевич ана шу Гагадаги Халқаро суд томонидан тергов қилинди.).

Халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар.

БМТ Устави ва бошқа ҳужжатларда халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар қуйидагилардан иборат:

1) давлатларнинг суверен тенглигини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик;

2) тинч-тотув яшаш сиёсатига оғишмай амал қилиш;

3) халқаро келишмовчиликларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш;

4) давлатлар чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудининг бир бутунлигини тан олиш;

5) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

6) миллатлар ва элатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш;

7) халқаро мажбуриятларга виждонан амал қилиш.

БМТ нинг 1970 йилда қабул қилинган Декларациясига асосан суверен тенглик тушунчаси қуйидаги талабларни ўзида ифода этади:

а) давлатларнинг юридик жиҳатдан тенглиги;

б) бир давлат бошқасини хамкорликнинг субъекти сифатида ҳурмат қилиши;

в) ҳар бир мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини, ҳудудининг бир бутунлигини тан олиш;

г) ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожини ўзи белгилаши.

д) ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини сўзсиз бажариши ва бошқалар.

15.2. Жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётида халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши ва унинг турлари

Халқаро ташкилотлар деб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий ва илмий-техник асосларда умумий мақсадларга эришиш учун давлатлар, миллий жамият уюшмалари бирлашувларидан ташкил топган ташкилотларга айтилади. Бу давлатлар ўртасидаги кўп томонлама алоқа қилишнинг энг муҳим кўринишларидан биридир.

Халқаро ташкилотлар тузишга бўлган уринишлар қадим замонларга бориб тақалади. Лекин ҳозирги замонавий халқаро ташкилотлар XIX асрнинг 2-ярмида шакллана бошлаган. Давр давлатлар ва халқлар ўртасида иқтисодий, хўжалик алоқаларини ҳар томонлама янада ривожлантиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда ҳар хил мазмун ва мақсадларга бўйсундирилган 2,5 мингдан ортиқ халқаро ташкилотлар мавжуд. Бу халқаро ташкилотлар 2 та катта гуруҳга ажратилади:

1) Давлатлараро халқаро ташкилотлар (фақат давлатлар аъзо бўлиши мумкин).

2) Ноҳукумат характерига эга бўлган халқаро ташкилотлар (буларга миллий уюшмалар, жамиятлар, нохукумат характеридаги бирлашмалар, ҳатто айрим шахслар ҳам аъзо бўлишлари мумкин).

Халқаро ташкилотлар аъзоларининг сони ва таркибига қараб иккига бўлинади:

1. Умумий (универсал) типдаги халқаро ташкилотлар (турли социал-сиёсий тузумдаги давлатлар иштирок этади).

2. **Бир хил типдаги** (регионал, субрегионал) халқаро ташкилотлар.

Бу халқаро ташкилотлар халқаро муносабатларда ҳамкорлик қилишларига қараб ҳам фарқланади: Масалан, тинчлик ва хавфсизлик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга тааллуқли масалалар билан шуғулланадиган ташкилотлар.

Бундан ташқари алоҳида вазифаларни бажарувчи халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд. Масалан, илмий-техник, маданий, таълим, транспорт, алоқа, соғлиқни саклаш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи ташкилотлар.

Барча турдаги халқаро ташкилотларнинг ўз устави бўлади. Бу устав халқаро шартнома кўринишига эгадир. Устав халқаро ташкилот аъзолари учун конун вазифасини ўтайди. Унда уларнинг мақсади, тамойиллари, тузилиши ва фаолият усулини белгилаб беради. Унинг

қоидалари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг принципи ва нормаларига зид келмаслиги шарт.

Халқаро ташкилотларнинг ички тузилиши турли-туман бўлишига қарамай уларнинг кўпчилиги учун бир хил бўлган умумий белгилари бўлади. Масалан, деярли ҳамма халқаро ташкилотларнинг олий органи **умуммажлис** (конференция)дир. Бу мажлис ҳар хил муддатда ёки бир неча йилда бир марта чақирилиши мумкин. Бу олий органнинг вазифасига: таъсис Уставини қабул қилиш, ўзгартириш, қўшимча киритиш, янги аъзоларни қабул қилиш, аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш, бюджет қабул қилиш ва бошқалар киради. Конференциялар оралиғида халқаро ташкилотларнинг фаолиятини ижроия Совети (ижро этувчи комиссия, президиум ва бошқалар) бошқариб туради.

Одатда ҳар бир халқаро ташкилотларнинг Бош котиб (директор) раҳбарлигидаги доимий котибияти мавжуд бўлади. Бундан ташқари консультатив характердаги бошқа ёрдамчи қўмиталар барпо этилади. Масалан, турли комиссиялар, қўмиталар, ишчи группалари, кенгашлар ва шунга ўхшашлар.

Халқаро ташкилотлар турли қарорлар, таклифлар ишлаб чиқадилар. Лекин айрим халқаро ташкилотлар қарорлари тавсияномалар шаклида бўлиб, бу тавсиялар юридик жиҳатдан бажарилиши шартлиги унинг ҳамма аъзолари учун ҳисобланмайди. Фақат айрим давлатлараро ташкилотларгина мажбурий характердаги қарорлар қабул қилишга ҳақлидирлар. Масалан, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳақидаги резолюциялари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг санитария регламентлари барча давлатлар, биринчи навбатда уларга аъзо бўлган давлатлар учун бажарилиш шарт ҳисобланади.

Кўпгина ноҳукумат характерига эга бўлган ташкилотлар БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кабилар қошида консультатив статусга эгадирлар. Консультатив муносабатлар ноҳукумат характеридаги бундай халқаро ташкилотларга давлатлараро халқаро ташкилотларнинг ишида қатнашиш учун айрим ҳуқуқларни беради. Масалан, улар айрим органларининг кун тартибига қўшимчалар киритиш, оғзаки арзномалар билан чиқиш, ўз компитенциялари доирасидаги айрим масалалар юзасидан махсус тадқиқотлар ўтказиб, шу асосда ҳужжатлар тайёрлаш, у ёки бу органларнинг мажлисларига, шунингдек шу давлатлараро ташкилотнинг чақирилаётган халқаро конференциясига ўз вакилларини юбориш ҳуқуқлари берилади.

Ҳозирги кунда жаҳонда юздан ортиқ халқаро ташкилотлар бўлиб, улар ўзларининг ташкил топиш тарихи, мақсади, хусусияти, вазифалари, тузилиши ва фаолиятининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларнинг жаҳон ривожланишида тутган ўрни ҳам турлича. Халқаро ташкилотлар ўзининг оммавий характери, илмий хусусияти, тараққиёт даражаси, мақсадлари, вазифалари ва халқаро муносабатлардаги ўрнига қараб бир неча турга ажралади:

1. Ихтисослашган халқаро ташкилотлар: БМТнинг ЮНЕСКО бўлими, БМТнинг ФАО (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича) бўлими, БМТнинг ЮНИДО (Саноат тараққиёт дастури), ЖССТ (БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти), БМТнинг Космик комитети, БМТнинг Парламентлараро халқаро ташкилоти, ЕХҲТнинг Парламентлар Ассамблеяси, ЮНИСЕФ – БМТнинг Болалар муаммоси билан шуғулланувчи комитети, МАГАТЕ, ХВФ, ВОИС - БМТнинг Бутунжаҳон Маънавий Мулк Ташкилоти ва ҳоказо.

2. Регионал (минтақавий) халқаро ташкилотлар: АДИ, Америка Давлатлари Ташкилоти, Африка Бирлиги Ташкилоти, Осиё ва Африка Бирлиги Ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиё Давлатлари Уюшмаси, Болтиқ Денгизи Кенгаши, Ҳинд океани уюшмаси ва ҳ.к.

3. Иқтисодий халқаро ташкилотлар: Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё Бирлашган Иқтисодий Тараққиёти юзасидан «Поломбо плани», Марказий Америка Умумий бозори, Халқаро Энергетика Агентлиги, Осиё давлатлари Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Жаҳон Интеллектуал мулки ташкилоти, Осиё Ривожланиш банки, ЭКОСОС, МДҲ ва ҳ.к.

4. Ҳарбий-сиёсий халқаро ташкилотлар: НАТО, АНЗЮС, СЕАТО, СЕНТО, ғарбий Европа Иттифоқи ва ҳоказо.

15.3. Ҳозирги жаҳон тараққиётида халқаро муносабатларни демократиялаш

Халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этаётган ҳар бир давлат, у катта ёки кичиклигига қарамай, ўзи танлаган йўлдан ривожланишга ҳаклидир. Турли сиёсий тузумдаги давлатлар бирга яшар экан, бир-бирларининг танлаган йўлини ҳурмат қилиши ва у билан ҳамкорликда яшашга интилиши зарур, акс ҳолда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда турли хилдаги қарама-қаршиликлар келиб чиқиши шубҳасиздир.

Ҳозирги даврда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар, гарчи бирмунча барқарорлашган бўлса-да, бироқ у ҳамон чигаллигича колмоқда. Бу чигаллик барча давлатлар ва халқларни ташвишга солмоқда. Шу туфайли ҳам халқаро муносабатларни соғломлашти-ришнинг турли хил йўлларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, кейинги йилларда «кенг қамровли хавфсизлик», «кучлар нисбатидан манфаатлар нисбатига ўтиш», «жаҳондаги можаролар ва кооператив муносабатларни мувофиқлаштиришда дипломатик маҳорат» тўғрисидаги турли хил концепциялар ишлаб чиқилмоқда ва уларда халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришга доир турли фикрлар илгари сурилмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг энг муҳим йўли халқаро муносабатларни демократик асосларда қайта куришдир. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар шу қадар мураккаб ва зиддиятлики, унинг тақдирини бир-икки ёки бир гурух кучли давлатлар ихтиёрига топшириб қўйиш мумкин эмас. Бунда кўпчилик давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этаётган барча давлатларнинг БМТ ҳужжатларида ишлаб чиқилган умумий қоидаларига оғишмай амал қилиши мамлакатлар ва халкларнинг демократик йўлдан ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги дунёнинг ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги халклар ва давлатлар ўртасидаги халқаро алоқаларга демократик тарзда амал қилинишини тақозо этади. Янгича демократик дунёқараш ҳозирги вақтда умуминсоний қадриятлар ва манфаатларни қарор топтириш учун давлатлар ҳамкорлиги ғоясини илгари сурмоқда.

Умуминсоний қадриятлар ва манфаатларнинг синфий, миллий, давлатлар манфаатларидан устунлигини эътироф этиш мамлакатлар ўртасидаги янгича демократик вазиятни вужудга келтиради.

Халкаро муносабатларда соғломлаштириш бугунги кунинг

долзарб вазифаларидан биридир. Кейинги йилларда бир канча қуйидаги концепциялар ишлаб чиқилди: 1) «минг қамровли хавфсизлик»; 2) «кучлар нисбатидан ман-фаатлар нисбатига ўтиш»; 3) «жаҳондаги можаролар ва кооператив муносабатларни мувофиқлаштиришда дипломатик маҳорат» тўғрисидаги концепциялар шулар жумласидандир. Улар сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг турли йўлларини илгари сурмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг энг муҳим йўли:

Халқаро муносабатларни **демократик асосда** қайта қуришдир. Буни бир ёки икки давлат ҳал қилиб бўлмайди. Бунда кўпчилик давлатларнинг харакати зарур бўлади.

Зиддиятларнинг келиб чиқиши: а) ҳозирги тарихий босқичнинг қарама-қаршиликларидан келиб чиқса; б) сиёсий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ.

Европада коммунистик тартиб барҳам топди. Варшава Шартномаси тугатилди. Собиқ СССР мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Шунга қарамай ҳозирги вактда муҳим қийинчиликлар мавжуд. Давлатлар ўртасидаги ташқи муносабатлар ички муносабатларга таъсир қилади. Бу давлатларнинг турли босқичларда ривожланаётганлиги ва сиёсати билан боғлиқ. Эндиликда БМТ ишлаб чиққан демократик принципларига оғишмай амал қилишни давр тақозо этмоқда.

15.4. Ўзбекистон давлатининг халқаро сиёсий ташкилотларда иштирок этиши ва унинг аҳамияти

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон асрларга татигулик йўлни босиб ўтди. Айниқса, бу унинг халқаро алоқаларида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Турли қитъалардаги давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилгани, нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилинаётгани, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг долзарб халқаро муаммоларни ҳал этиш борасидаги ташаббуслари жаҳондаги катта сиёсатчилар томонидан қўллаб-қувватланаётгани бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48 ва 50-сессияларида ва минг йиллик саммитида сўзлаган нутқлари жаҳон афкор оммасининг эътиборини қозонди, мамлакатимиз обрў-эътиборини оширди.

Ўзбекистоннинг минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистонда биродаркушлик урушига барҳам бериш, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиш каби ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Айниқса, Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида тузилган 6+2 гуруҳи, бу гуруҳнинг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ва унда қабул қилинган Декларация катта эътиборга молик бўлди. Мазкур Декларация БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида таркатилди ва бу нуфузли халқаро ташкилотнинг бир қатор резолюцияларига асос бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Ўзбекистон ҳозирги пайтда 140 дан ортиқ хорижий мамлакатлар билан савдосотиқ қилади. Юртимизда 15 мингга яқин корхона маҳсулотлари экспорт-импорти билан шуғулланмоқда. Хорижий сармоя иштирокида 2 мингдан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқаларимиз минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

ЕХҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган (1999 йил 18–19 ноябрь) учрашуви давримизнинг энг муҳим анжуманларидан бири бўлди. Республикамиз Президентининг мазкур анжумандаги нутқи аниқ таклифлари ва мулоҳазалари билан йиғилганлар эътиборини қозонди. Айниқса, терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш борасидаги таклифи кўплаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШга қилинган террористик хуруж бу фикрни яна бир бор исботлади. МДҲ доирасидаги ана шундай терроризмга қарши марказнинг таъсис этилишига ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг таклифи сабаб бўлди.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти, Халқаро болалар жамғармаси

(ЮНИСЕФ), қочоқлар иши бўйича БМТнинг Олий Комиссарлиги, БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича дастури (ЮНДКП), Жаҳон почта иттифоқи, Тараққиёт дастури каби БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ишида фаол иштирок этаётганлигини албатта қайд этишимиз лозим.

1996 йил 21 июнда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Мазкур битим фундаментал, кенг қамровли бўлиб, жуда кўп соҳаларда томонлар орасидаги муносабатларни янги поғонага кўтармоқда. Улар орасида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, инвестиция, молия, божхона, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация, почта, стандартлаштириш, транспорт, статистика, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўпгина соҳалар бор.

Айниқса БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти билан Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик муносабатлари яхши самара бермоқда. Мамлакатимиз 1993 йил 26 октябрда унга аъзо бўлган эди. Президентимиз Ислом Каримов ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясида таъкидлаганидек, «Биз ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндошишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос, бетакрор халқаро ташкилотни кўрамиз. ЮНЕСКО маънавий уйғониш йўлига кирган кўплаб мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам халқаро маънавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун, бутунжаҳон интеллектуал майдонида янада кенгроқ фаолият кўрсатиш учун имконият яратиб бераётган ташкилотдир»[1].

Қисқача хулоса

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар жаҳон майдонида рўй бераётган сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг хусусиятларини ўзида ифода қилмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар сиёсий муносабатлар оқимига қўшилиб, унинг мазмунининг бойиб боришини таъминламоқда.

Халқаро муносабатларда қайсидир давлат томонидан олиб бориладиган терроризм энг хавфли ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлиб, халқаро муносабатларни тартибга солишга ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар томонидан ишлаб чиқилган шунчаки қонун ва қоидалар бўлмай, объектив жараён бўлиб, кишиларни ўраб

[1]. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7 –Т.: «Ўзбекистон», 1999, 205-бет

турган дунё билан ўзаро алоқаларга интилишлари натижасида қарор топган.

Умуминсоний манфаатлар халқаро сиёсий муносабатлардаги ихтилофлардан устун туради. Бундай манфаатлар турли сиёсий тузумлардаги давлатларни, ҳозирги замоннинг долзарб масалаларини ҳал этишда биргаликда куч-қудрат сарфлашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида халқаро сиёсий муносабатларнинг барқарорлашиб, демократик асосларда ривожланиб боришини таъминлайди.

Умуминсоний қадриятлар ва манфаатларнинг синфий, миллий, давлатлар манфаатларидан устунлигини эътироф этиш мамлакатлар ўртасидаги янгича демократик вазиятни вужудга келтирмоқда.

Умумисоний манфаатлар халқаро сиёсий муносабатлардаги ихтилофлардан устун туради.

Умуман мавзу юзасидан шундай фикрга келиш мумкин:

1. Халқаро сиёсий муносабатлар ижтимоий бирликлар ва ижтимоий институтларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири замирида шаклланувчи муносабатлардан бир кўриниши сифатида сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг мамлакатлар ўртасида олиб борадиган фаолиятини англатади.

2. Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларда демократик, умуминсоний тамойиллар, умуминсоний қадриятлар ва манфаатлар синфий, миллий ҳамда давлатлар манфаатларидан устунлик қилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси халқаро сиёсий муносабатларнинг муҳим субъекти сифатида ўзининг тинчликсевар сиёсати, халқаро терроризмга, гиёҳ-вандликка қарши кураш каби таклифлари билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини қозонмоқда.

Умуман, Ўзбекистон жаҳон халқаро ташкилотларининг ихтисослашган, иқтисодий, минтақавий, ҳарбий-сиёсий ташкилотлари бўлимларида фаол иштирок этиб, минтақавий ва дунё барқарорлигини сақлашда Юртбошимиз томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятларини аниқланг?

2. Халқаро сиёсат нима?

3. Ҳозирги жаҳон тараққиётида янгича сиёсий тафаккур нималарда сезилади?

4. Ҳозирги халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари қан-

дай?

5. Давлатлараро муносабатларни демократлаштириш ва мафкуравий курашдан ҳоли қилишнинг йўлларини аниқланг?

6. Халқаро сиёсий муносабатларда манфаатлар сиёсати устунлиги деганда нимани тушунасиз?

7. Ўзбекистон Республикаси халқаро сиёсий муносабатларда қандай ўрин тутмоқда?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003, 6-бет.

2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 345-347-бетлар.

3. Каримов И.А. Миллий мафкура – келажак пойдевори. «Халқ сўзи», 2000 йил 7 апрел.

4. Каримов И.А.нинг Эронга сафари тафсилотлари. «Халқ сўзи», 2000 йил июнь.

5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Асарлар, 11-жилд, Т.; 2003й, 3-51бетлар.

6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрель.

7. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет. Асарлар, 12- жилд.

8. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

10. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

11. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

12. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: қурашлар, изтироблар, қувончлар, «Академия» нашриёти, 2001.

13. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

14. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

15. Шербинина Н.С. Политика и миф.

16. Быков А.Ш. О руссофобии в постсоветском пространстве: Социс. № 4, 2000.

17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 24, 38-бет.

18. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 256-275, 427-439-бетлар.

19. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.

20. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.

21. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.

XVI МАВЗУ. ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ

16.1. Умумбашарий муаммоларнинг турлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари

Умумбашарий муаммолар ҳозирги куннинг энг жиддий ва кескин муаммоларидан бирига айланиб қолмоқда. Улар жуда хилма-хил бўлиб, ўзининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларига кўра бир-биридан ажралиб туради.

Умумбашарий муаммолар ўзининг даҳшатли оқибатлари, жамиятга келтирадиган зарари билан бошқа ҳар қандай муаммолардан кескин фарқ қилади. Бу муаммоларни жамият ҳаётида рўй берадиган бирор-бир муаммога қиёслаб бўлмайди. Улар ўзининг кўлами ва миқёсларига кўра дунёнинг жуда катта қисмига ёйилган бўлиб, кўпчилик мамлакатлар ва халқлар ҳаётига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Умумбашарий муаммоларни келтириб чиқараётган тарихий шароитлар, уларнинг кескинлашишига олиб келадиган сабаблар турлича бўлганлиги боисдан ҳам бу муаммоларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқ қилиш зарурлигини билиш даркор. Умумбашарий муаммолар бир вақтда рўй бермагани сингари, айни пайтда улар бир хилдаги оқибатларни ҳам келтириб чиқармайди. Бу муаммоларнинг оқибатлари қанчалик даҳшатли бўлишига қарамай, улар ўзининг кўпгина хусусиятларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилиши ҳам мумкин.

Умумбашарий муаммолар моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Инсониятни ядро ҳалокати уруши хавфидан сақлаш.

Ялпи ва умумий тинчликни таъминлаш (ёки оммавий қирғин қуролларига қарши биргаликда кураш).

Халқаро терроризм муаммоси, шу жумладан минтақалардаги террористик ҳаракатларга биргаликда кураш.

Гиёҳвандликка қарши биргаликда кураш муаммоси.

Аҳолининг сон жиҳатдан ўсиши муаммоси.

Хомашё муаммоси.

Энергетика муаммоси.

Қашшоқлик муаммоси.

Очарчиликка қарши кураш ёки озиқ-овқат муаммоси.

Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини асраш муаммоси.

Коинот ва жаҳон океанлари бойликларини тинчлик мақсадида ўзлаштириш муаммоси.

Орол муаммоси.

СПИДга қарши биргаликда кураш.

Хавфли касалликларни бартараф этиш. Рак ва сил касалликларига қарши кураш муаммоси.

Мустақилликка эришган мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлигини бартараф этиш ёхуд кам тараққий этган мамлакатларни илғор мамлакатлар турмуш даражасига тенглаштириш ва бошқа муаммолар киради.

Ана шу умумбашарий муаммоларнинг баъзи бирлари ҳақида тўхталамиз.

1. Хавфсизлик муаммоси. Халқлар ва давлатлар тарихида бу муаммо ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган. Аммо бу муаммо инсоният тарихининг ҳеч бир даврида XX аср охири ва XXI аср бошидаги сингари маъно ва аҳамият касб этмаган. XX асрда рўй берган иккита даҳшатли жаҳон уруши, ўнлаб маҳалий урушлар инсоният бошига қанчадан-қанча кулфатлар келтирганлиги барчага маълум. Инсоният ҳаётининг 6 минг йили давомида 14513 та турли даражадаги урушлар содир бўлиб, бунда 3 млрд. 640 млн. киши қурбон бўлган. Ядровий ва бошқа қирғин куролларининг ишлаб чиқилганлиги ва улар захираларининг беҳад кўпайиб кетганлиги ҳам XX асрнинг маҳсулидир. Ҳозир мавжуд бўлган оммавий қирғин куроллар: термоядро, нейтрон бомбалари, лазер куроли, кимёвий бинар снарядлари, радиологик курол каби турлари инсониятни йўк килиб юбориши мумкин. Буларнинг барчаси хавфсизликни таъминлашни умумжаҳон муаммосига айлантиради.

2. Тинчлик учун кураш муаммоси. Тинчлик учун кураш ҳар бир даврнинг долзарб муаммоси бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам у ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Тинчлик учун кураш барча мамлакатлар ва халқлар учун баробар аҳамиятга эга бўлган муаммодир. Гарчи урушлар дунёнинг ҳар ерида рўй бериб турсада, унинг оқибатлари кўпчилик мамлакатлар ва халқлар тақдирига у ёки бу даражада дахл килади. БМТ Хавфсизлик Комитети, ЕХҲТ томонидан ўтган ўн-йигирма йиллар давомида тинчликни саклаб колиш учун Хельсинки, Совет-Америка, Рекявик, Мальта, Вашингтон, Тошкент, Истамбул учрашувлари ўтказилди. Уларда маълум натижаларга эришилди. Шунинг учун ҳам тинчлик учун кураш умумбашарий моҳият касб этади.

3. Терроризм муаммоси. Терроризм ўзининг барча кўринишлари билан XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида энг

дахшатли ходисасига айланди. Эндиликда бу ходиса дунёнинг кўпчилик мамлакатлари ва минтақаларига тарқалиб, жаҳон аҳлини ғоят ташвишга солмоқда. Унинг салбий оқибатлари халқаро муносабатларга, давлат бошлиқлари, айрим шахслар ва тинч аҳоли ҳаётига, турли хилдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий тузилмалар ва фаолиятига тобора кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Терроризмнинг бузғунчилик ва қўпорувчилик ҳаракатлари жамият ва унинг ривожланиши учун жуда қимматга тушмоқда. Шу сабабли ҳам давлатлар терроризмга қарши курашни кучайтиришга, унинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб боришга ҳаракат қилмоқда. "Бугунги кунда; деган эди Ислом Каримов Халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда. XXI аср вабоси бўлган ушбу иллатга қарши жаҳон ҳамжамиятининг муросасиз курашини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватлайди"[1]

4. Экологик муаммолар. Атроф муҳитнинг ифлосланиши табиат учун ҳам, жамият учун ҳам энг зарарли ходисадир. Ҳаво, тупроқ, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига эътиборсиз муносабатда бўлиш бу муаммонинг келиб чиқишига ва кескинлашиб кетишига сабаб бўлади. Фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларидан самарасиз фойдаланиш сингари субъектив сабаблар ҳам экологик муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига олиб келади.

Ҳозирги кунда экологик муаммолардан батамом ҳоли бўлган бирон-бир мамлакат йўқ. Шунга кўра бу муаммо ҳам умумбашарий муаммолардан бири ҳисобланади.

5. Касалликлар муаммоси. Ҳар қандай касаллик ҳам умумбашарий муаммо ҳисобланмайди. Касалликларнинг умумбашарий моҳият касб этиши, аввало, уларни даволаш имкониятларининг мураккаблиқларидан келиб чиқади. Дунёда шундай касалликлар рўй берадики, улардан қутилиш учун кўпчилик давлатлар биргаликда кураш олиб боришга мажбурдирлар. Бу кураш давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсатида етакчи ўринни эгаллаши лозим. Ҳозирги кунда рак ва **СПИД** касалликларига қарши кураш ана шундай умумбашарий муаммолардан ҳисобланади.

6. Очарчилик муаммоси. Ер юзида инсоният пайдо бўлганидан буён очарчилик энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб келган. Айрим мамлакатлар ва минтақаларда бу муаммони ҳал этиш учун бир

---

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 64– б.

неча юз йиллар талаб этилсада, мазкур муаммодан инсоният ҳамон қутилгани йўқ. Ҳозирги кунда дунёнинг кам тараққий этган айрим мамлакатларида очарчилик ва қашшоқликдан кўплаб кишилар нобуд бўлмоқда. Бу ҳол шубҳасиз, жаҳондаги кўпчилик давлатларни очарчилик муаммосини ҳал этишга ундамоқда.

7. Гиёҳвандлик муаммоси. Инсоният тарихининг турли даврларда айрим халқлар ва мамлакатларнинг турли гуруҳлари орасида учраб турадиган гиёҳвандлик ҳодисаси ХХ асрнинг сўнгги йилларига келиб дунёнинг кўпчилик мамлакатларига кенг тарқалди. Унинг дахшатли оқибатлари жамият учун жуда қимматга тушмоқда. Ундан, айникса, аҳолининг ёш қатламлари кўпроқ зарар кўрмоқда.

Кейинги йилларда давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳамда тижорат ишларининг кенгайиши гиёҳвандликнинг жаҳон муаммосига айланиб кетишига олиб келди. Натижада давлатлар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатида бу муаммога карши биргаликда куриш олиб боришга мажбур бўлмоқда.

8. Ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраш муаммоси. Атроф муҳитнинг ифлосланиши ҳамда давлатлар олиб бораётган сиёсатдаги айрим хато ва янглишишлар ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраш ишига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги ўн ва юз йилликлар давомида кўплаб ҳайвонлар ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетаётганлиги, бунинг олдини олиш йўлидаги сускашликлар табиат ва у билан боғлиқ бўлган жамиятнинг ривожланишига катта хафв солмоқда. Шу сабабли ҳам ҳар бир давлат ўз ички сиёсатида бу масалага жиддий эътибор бериши зарур. Бир давлатнинг бу соҳадаги амалий ҳаракатлари кўпчилик давлатларнинг шундай ҳаракатлари билан қўшилиши зарур. Акс ҳолда умумбашарий моҳият касб этувчи бу муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

Умуман умумбашарий муаммолар кандай турда ёки кўринишда бўлишидан қатъи назар, табиат, халқларнинг осойишта ҳаёт кечириши, давлатларнинг самарали ички ва ташқи сиёсат олиб боришлари учун энг хавфли ҳодисадир. Уларни ҳал этиш давлатларнинг биргаликда қиладиган ҳаракатларига, жаҳон жамиятчилигининг қатъий ва изчил фаолият кўрсатишларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Умумбашарий муаммолар амалда жаҳон цивилизацияси тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаммолардир. Дунёнинг барча қитъалари, мамлакатлари ва минтақаларида яшаётган кишиларга дахлдор бўлган бундай муаммолар кундан-кунга ташвишли тус олиб бормоқда. Бу муаммолар жамият ҳаётининг хилма-хил томонларини

жаҳон сиёсати ва иқтисодиётини, давлатлараро ва миллатлараро муносабатларни, кишиларнинг яшаш ва турмуш шароитларини, оммавий онгни ўз ичига олади. Бу муаммолар қанчалик хилма-хил бўлмасин улар бир қатор умумий хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар уларнинг ягона, бир бутун ва ҳаммаси биргаликда инсоният тақдири учун катта хавф туғдиради. Уларни ҳал этишга бефарқ муносабатда бўлиш эса цивилизациянинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Кейинги ўн йилликлар давомида ишлаб чиқариш ва техника тараққиётининг беқиёс даражада ўсиши, атроф-муҳитнинг ифлосланишини шу даражага олиб келдики, бунинг оқибатида мавжуд табиий тизимлар: океанлар, денгизлар, дарёлар, ўрмонлар, атмосфера ва бошқалар бунга бардош беришга қодир бўлмай қолди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра 2005 йилларнинг бошларига борганда атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳозирги кунга нисбатан бир неча марта ортади. Табиатга қилинадиган бундай акс таъсир табиат мувозанатини бутунлай бузиб юбориши мумкин.

Ҳозирги даврда иссиқлик қувватини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилувчи йирик корхоналар сонининг кун сайин ортиб бориши натижасида атмосферанинг тобора исиб бориши кузатилмоқда. Бунинг табиий оқибати ниҳоятда мудҳиш бўлиб, у ер шари атмосфераси қобиғининг қизиб кетишига олиб келади. Натижада абадий муздикларнинг эриши ва ер шарининг маълум қисмини сув босиб кетиш хавфи юзага келди. Масалан, Америка, Европа қитъаларидаги баъзи мамлакатларида сув тошқини 2002 йили оғир окибатларга олиб келди, кўплаб инсонлар қурбон бўлди.

Умумбашарий муаммоларнинг барча турлари ҳам айнан бир хилдаги сабаблара кўра рўй беравермайди. Аммо бир хилдаги сабаблар уларнинг кўпчилиги учун шароит яратиб бериши мумкин. Масалан, давлатлар олиб борадиган ички ва ташқи сиёсатдаги миллий манфаатлар устунлиги кўп ҳолларда бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига сабаб бўлади. Чунончи, ҳарбий қуролярогдар, ядровий қуроллар ишлаб чиқаришини кўпайтириш, ҳарбий харажатлар миқдорини ошириб бориш йўлидаги ҳаракатлар жаҳонда хавфсизлик муаммосини келтириб чиқаради. **Орол денгизи муаммосининг** келиб чиқиши ҳам собиқ СССР давлати олиб борган технократик сиёсат натижасида рўй берган эди.

Баъзи мамлакатларда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсий йўлнинг бошқа мамлакатларнинг манфаатларига зид келиши ҳам айрим турдаги умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқи-

шига сабаб бўлиши мумкин. Бунга терроризм муаммоси аниқ мисол бўла олади. Масалан, XX аср 70-йилларида АҚШнинг Яқин Шарқдаги баъзи мамлакатларга ва Кубага қаратилган ташқи сиёсатидаги манфаатлар қарама-қаршилиги шу мамлакатларда ва АҚШнинг ўзида турли хилдаги бузғунчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларининг рўй бериишига сабаб бўлди. 1966 йилда Саудия Арабистонида АҚШ элчихонасининг портлатилиши, Атлантика океани ва Кариб ҳавзаси районида АҚШ йўловчи ва ҳарбий самолётларининг уриб туширилиши, 2001 йил 11 сентябрида АҚШдаги баланд биноларнинг портлатилиши терроризмнинг бундай кўринишларига аниқ мисолдир. Исроилнинг Бош Вазири Исҳоқ Рабин, Ҳиндистон ҳукумати раҳбарлари Индира ва Раджив Гандиларга қилинган суиқасдлар ҳам терроризмнинг амалдаги кўринишларидан бўлган эди.

Мамлакатларнинг қолоқлик даражаси ҳам баъзи турдаги умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Очарчилик ва қашшоқлик муаммоси бунга аниқ мисолдир. Очарчилик ва қашшоқликнинг умумбашарий муаммога айланиши бу муаммонинг кўпчилик мамлакатларда рўй бериши билан боғлиқдир. Кейинги ўн йилликлар давомида Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг айрим мамлакатларида очарчилик ва қашшоқлик даражаси шу қадар кучайиб кетдики, бунинг натижасида шу мамлакатларда истиқомат қилувчи миллионлаб кишилар ҳалок бўлди. Бу муаммо рўй берган мазкур мамлакатларнинг ҳеч бири унга ёлғиз ўз кучи билан ҳал қилиш имкониятига эга эмас.

16.2. Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан бартараф этиш йўллари

XX аср бўсағасида ижтимоий тараққиёт, айниқса, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти ҳаддан ташқари илгарилаб кетди. Натижада ундан келиб чиқадиган муаммолар шу даражага етдики, уларни ҳал этиш бутун дунё халқлари ва давлатлари олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу муаммолар сиёсий моҳиятга эга бўлиб, уларни ҳал этишда давлатлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, халқаро ташкилотлар, ҳамда жамоат ташкилотларининг маъсулияти тобора ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон сиёсатида, халқаро муносабатлар жараёнида шундай объектив шарт-шароитлар вужудга келмоқдаки, бу шароитлар умумбашарий муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Умумбашарий муаммоларнинг ҳал этилиши барча давлатларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлашларига боғликдир. Улар биргаликда ҳаракат қилганларидагина ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда бу соҳага эътиборсизлик қанчалик хавфли эканлигини кенг жамоатчилик тобора кўпроқ тушуниб етмоқда. Шунинг учун ҳам жаҳон аҳли бундай муаммоларнинг даҳшатли оқибатларидан сақланиб колиш учун биргаликда зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг бу саъй-ҳаракатлари давлатлар сиёсатига таъсир этиб, умумбашарий муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш ишига тобора кўпроқ ундамоқда.

Сиёсий нуқтаи назардан умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш давлатлар, сиёсий партиялар, халкаро ташкилотлар, жамоат ташкилотлари олиб бораётган назарий ва амалий ҳаракатларининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо бу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам ушбу муаммоларни ҳал қилиш ишига бирдек муносабатда бўлаётганлари йўк. Айрим давлатлар ёки сиёсий партиялар ва харакатлар бу муаммоларнинг оқибатларини тўла тушуниб етиб, уларни ҳал этишга чуқур маъсулият асосида ёндошаётган бир пайтда, баъзилари унга ўта эътиборсизлик билан муносабатда бўлмоқда. Масалан, кўпчилик мамлакатларда хавфсизлик масаласига катта эътибор билан қараларётганда, баъзиларида эса, асосий эътибор иқтисодий қолоқликдан чиқиш, мамлакатда ички тартибларни мустаҳкамлаш сингари миллий хусусиятларга эга бўлган масалаларга қаратилмоқда. Жумладан, XX аср 70-80-йилларида Бразилия ҳукумати ўз хўжалигини ривожлантириш максадида Амазонка водийсида тропик ўрмонларни ўзлаштириш, бунинг учун дарахтларни кесиб, уларнинг ўрнини экин майдонларига айлантиришга уриндилар. Бу ҳол мазкур минтақада кислород етишмаслигига ва бунинг оқибатида экологик муаммонинг кескинлашишига сабаб бўлди.

Жаҳондаги жуда кўплаб сиёсий **партияларнинг дастурларида умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш** ишига катта эътибор билан қараб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар, АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Япония ва бошка кўплаб мамлакатлардаги ўнлаб-юзлаб сиёсий партиялар ўзларининг назарий ва амалий фаолиятларида умумбашарий муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш максадларида тузилган. Жумладан, Германиядаги «Кўкатпарварлар партияси» атроф-муҳитни муҳофаза қилиш максадида, Португалиядаги «Демократик янгиланиш партияси» мамлакатдаги тинч-

ликсевар кучлар сафини жипслаштириш мақсадида тузилган[1]. Австралиядаги «Ядровий куролсизланиш партияси»нинг дастурида ядро қуролларининг мамлакат ҳудудига жойлаштирилишига қарши кураш масалалари баён этилган. Бундай мисолларни жаҳондаги бошқа кўплаб сиёсий партиялар ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳам ҳал қилишда халқаро ташкилотлар ва уюшмалар муҳим роль ўйнайди. Уларнинг ҳар бири ўзининг мақсад, вазифаларига кўра атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, очарчиликка қарши кураш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ядро урушининг олдини олиш сингари умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ишда, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ихтисослашган ташкилотлари амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқдир. Улар уруш ва тинчлик, хавфсизлик, экологик, қашшоқлик ва очарчилик, касалликлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда етакчилик ролини ўйнамоқда. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан умумбашарий муаммоларни ҳал этиш базасида ҳамкорлик қилишга тайёр. Умумбашарий муаммоларга қарши курашда биргаликдаги куч-ғайратларни мувофиклаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссиясининг тузилишини биз қутлаган бўлур эдик».

Ўзбекистон ҳукумати ана шу тамойилларга оғишмай амал қилган ҳолда жаҳон майдонида, хусусан, Марказий Осиёда рўй бераётган кескин муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу жонкуярликнинг Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида килган маърузасида қуйидагича асослаб берган эди: «Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъий ва изчилик билан ҳаракат қилиб келаяпти. ...Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро куролининг батамом тугатилиши учун Ядро куролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномаларнинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат килади. Бизнинг республикамиз ана шу Шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид Конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё Мин-

[1]. Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Т.: «Адолат», 1997. 312-бет.

тақасининг ядросиз зона деб эълон қилишининг қатъий тарафдоридир».

16.3. Халқаро терроризмнинг сиёсий ҳодиса эканлиги ва унинг инсоният ҳаётига таҳдиди

Терроризм ўта салбий ижтимоий ҳодиса сифатида у ёки бу кўринишда қадим-қадимдан маълум. қизиғи шундаки, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш мумкин эмаслигини ҳисобга олгани ҳолда террористлар тарихнинг барча даврларида қайси минтақа ёки мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатишидан қатъи назар ҳар доим халқ оммасининг айрим қатлам ва гуруҳларини «йўлдан уриш», турли йўллар билан улар қалбига йўл топиш тактикасига амал қилиб келганлар. Террорчилик ўта салбий ижтимоий ҳодиса сифатида неча асрлар давомида фаолият юритиб келаётган бўлса, ҳар доим халқ номидан гапириш, унинг манфаатларини акс эттирувчи «ҳаққоний халқпарвар» ҳаракат деб ўзини таърифлаш амалиёти унинг барча кўринишларига бош хусусият бўлиб қолаверган.

Терроризмнинг бугунги ҳолатига келадиган бўлсак шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзининг бир неча асрлар давомида синовдан ўтган аҳолининг айрим қисми онгини заҳарлаш йўли билан ҳокимиятни қўлга киритиш амалиётига содиқ қолгани ҳолда даврлар ўтиши билан унинг ўз кураш шакли, услублари ва воситаларини усталик билан ўзгартириб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, бир замонлар террорчилар планетамизнинг турли жойларида алоҳида-алоҳида, яъни бири-биридан батамом ажралган ҳолда ҳаракат қилган бўлсалар, бугунги XXI аср бошларида улар ўз «фаолиятини» минтақавий ва ҳатто умумсайёравий даражада мувофиклаштириш имкониятини қўлга киритаётганлигини кузатиш мумкин. Гап, Президентимиз талқини билан айтадиган бўлсак, **бугун инсоният террорчилар мисолида халқаро миқёсда уюшган, керак бўлса бир ёки бир нечта қудратли марказлар томонидан бошқарилаётган сиёсийлашган халқаро жиноий гуруҳлар тўғрисида бормоқда.**

Терроризмнинг ўта хавфли халқаро сиёсий ҳодисага айланаётганлиги тўғрисида сўз борар экан, унинг асосий сабаблари қуйидаги объектив умумсайёравий ижтимоий силжишлар билан белгиланаётганлигининг гувоҳи бўламиз: Аввало асосий сабаблардан **бири** XX асрнинг охирги ўн йиллигида деярли бутун дунёда террор йўли билан аҳолини тутқунликда сақлаш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш амалиётига батамом зид бўлган демократиянинг кенг ёйилиб бориши,

яъни аксарият мамлакатларда сиёсий ҳокимият халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси деган тамойилнинг устуворлик касб этаётгани билан боғлиқ бўлса, **иккинчи** асосий сабаб сиёсат, иктисод, ижтимоий соҳа ва маданиятнинг турли жабҳаларида одамларнинг онги, дунёқараш ва тафаккури ҳамда мўлжал ва режаларига салбий таъсир қилувчи, ҳатто уни издан чиқарувчи жараёнлар кучайиши ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишнинг энг жирканч йўлларини ахтариб юрган гуруҳлар, шунингдек, биринчи навбатда террорчи гуруҳлар учун ноёб «сиёсий-руҳий макон» яратилишига бориб тақалади.

Терроризмнинг диний экстремизм билан бугунги кунда чирмашиб кетиш жараёнини айрим мутахассислар, таҳлилчилар, унинг тарафдорлари ўртага ташлаётган ижтимоий-сиёсий лойиҳа, яъни жамиятни идора этиш лойиҳалари бурунгилардан мутлақо бошқа, мисли кўрилмаган даражада янги асосга қаратилган. Улар, аҳолининг чекка қатламлари, йўқсилларига "жозибадоррок" туюладиган ғоялари билан зиддиятли вазиятни вужудга келтирмоқда, деган фикрни илгари суришмоқда.

Қайд этилган умумсайёравий фалокатдан бизнинг Ватанимиз ҳам батамом кафолатланганича йўқ. «Бугунги кунда бизнинг минтақамиз, - деб таъкидлайди, Президентимиз, - шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка рахна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда.

Бу ёвуз кучлар диний экстремизм ва халқаро террорчиликни минтақамизга ёйишга уринаётгани шундан далолат беради»[1]. Бу жиҳатдан диний экстремизм ва халқаро терроризм бугунги кунда бири мафкуравий тазйиқ бўлса, иккинчиси мафкура ва сиёсий мўлжалларни рўёбга чиқариш, амалга оширишнинг шакли ҳамда воситаси сифатида бир-бирини тўлдирмоқда. Зотан, терроризм ошкора ноинсоний кўргазма, услуб, хулқ-атвор, хатти-ҳаракат ва фаолиятдан иборат жараён, тизим сифатида диний экстремизмдан кўра «яхшироқ», яшириноқ иккинчи бор таянчга эга эмас.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов башарият осойишталигига хавф солиб турган «халқаро терроризм» деб аталмиш сиёсий ва қолаверса, олам барқарорлигига қаратилган жиноий ҳодиса тўғрисида тўхталиб: «Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. «Ўзбекистон», 2000, 28-29-б.

истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи «бизнесчилар» учун қон ва нопок сиёсат қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўладиган можароларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлиги»ни алоҳида таъкидлаб ўтган эди[1].

Замон ўзгариб умумбашарий, сиёсий ва мафкуравий курашнинг анъанавий шакллари иш бермай колгандан сўнг, терроризм, эндиликда, бошқа йўлларни ахтариб топмоқда. Бугун дунёда барча террорчиларни диний қарашлари, мафкуравий мойиллиги ва тафаккуридан қатъи назар уларни асосан икки жиҳат, у ҳам бўлса беҳисоб пул ва ҳокимиятга интилиш қизиктирадиган бўлиб қолди.

Моҳиятдан, амалиётда демократия ва эркин иктисодий муносабатлар тизимига, рақобатга тубдан қаршилик хусусияти, ватанфурушлик халқаро террорчилар сафига турли батамом бир-бирига ўхшамайдиган диний маслак, миллат цивилизацион мойилликка мансуб, аммо пул ва ҳокимият йўлида интилган кимсаларни олиб кирмоқда. Масалан, умримиз кечаётган Марказий Осиё микёсига, хусусан, Ўзбекистонга реал тахдидга айланган террорчилик ҳаракатларини олиб кўрайлик.

Инкор этиш мумкин бўлмайдиган фактлар ва ахборотларга кўра, 2000-2001 йилларда мамлакатимиз хавфсизлигига реал хавф солган, жанубий ва шарқий-жанубий чегараларимиз ёнгинасида ҳаракат қилган террорчилар ҳаракатида Чеченистон ҳудудида узоқ вақтдан буён олиб борилаётган сепаратистик жангчиларга хос бўлган ҳарбий-тактик жиҳатлар кўзга ташланиб қолди. Ҳар иккала ҳаракат иштирокчилари бир марказдан моддий ва маънавий таъминланаётганлиги, уларга курол ва «янги кучлар» етказиб бериш амалга оширилаётганлиги аён бўлиб қолди. Радио, компьютер орқали узатилаётган ахборот оқимининг таҳлили бу икки ҳудуддаги террорчилик ва экстремистик ҳаракатлар ягона халқаро марказдан бошқарилаётганлиги уларнинг ҳар иккаласига ҳам ягона маънавий раҳнамо хослигини кўрсатди. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террористик ҳаракат натижасида бинолар вайрон бўлди, кўплаб одамлар курбон этилди.

Лекин қандай ва нима бўлишдан қатъи назар, бугун жаҳонда халқаро терроризмга нисбатан огоҳлик даражаси анча ўсганлигини таъкидлаш лозим. Нуфузли халқаро (БМТ Хавфсизлик Кенгаши,

[1] Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998, 96-97-betlar.

Халқаро трибунал, Интерпол ва бошқа носиёсий ташкилотлар) ва минтақавий (Европа Хавфсизлиги ва ҳамкорлик Ташкилоти, МДҲ ҳамда бир қанча кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар тарафдорлари) ташкилотлар фаолиятида терроризмни кескин қоралаш амалиёти устуворлик касб этмоқда.

Дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида инсон зоти ва бугунги халқаро хавфсизликка таҳдид солиб турган ташкилот ва гуруҳларнинг рўйхати ҳам ҳар йили эълон қилинмоқда. Диккатга сазовор жойи шундаки, уларнинг қараш ва ҳисоб-китобларида охирги йилларда Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигига рахна солаётган айрим «ташкилотлар» ҳам ўрин олмоқда. Бу, ўз навбатида, минтақамиз хавфсизлигига нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Умуман, Президент Ислом Каримов террорчиликка қарши кураши тўғрисида тўхталиб шундай деган эди "афсуски, террорчиликка қарши кураш никоби остида дунёнинг асосий геостратегик ўйинчилари бўлмиш давлатлар ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлган Марказий Осиё минтақасидаги ўз таъсирини сақлаш учун кураш олиб боришмоқда. Бундай вазиятда эса террорчиликка қарши ҳақиқий кураш масаласи содир бўлаётган жараёнлардан четда қолиб кетиши мумкин"[1]

[1] Каримов И. Империя даврида бизни Иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: "Ўзбекистон", 2005

16.4. Халқаро терроризмни бартараф қилиш амалиётида «Ўзбекистон омили»

Халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун дадил ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти мустақилликнинг биринчи сонияларидан халқаро терроризмнинг инсоният ва қолаверса, эндигина мустақилликни *кўлга киритиб*, демократик ривожланиш сари қадам қўйган миллат ва давлатларнинг бугунги ҳамда келажаги учун нечоғлик хавфли эканлигини чуқур англаб етди. Кейинги пайтда диний экстремизга таяниб иш юритаётган халқаро терроризмга кескин зарба бериш миллий хавфсизлик стратегиямизнинг устувор йўналиши сифатида ҳаёт-мамот манфаатлари тизимидан алоҳида ўрин эгаллаганлиги ҳам давлатимизнинг бу умумпланетар азму-қарорда турган ўрнининг ўзига хослигининг яққол исботи бўлиб хизмат қилади[1].

Президент Ислом Каримов ўзининг 2000 йил 22 январ куни Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида давлатимиз ташқи сиёсати ва хавфсизлик стратегиясининг устуворликларини таъкидлар экан, «Бугунги кунда бизнинг барча ташаббус ва саъй-ҳаракатларимиз минтақамизга тажовузкорона хатти-ҳаракатлар, диний экстремизм, ақидапарастлик ва халқаро террорчиликнинг ёйилиш хавфи кучайиб бораётганлигини кенг жамоатчиликка тушунтиришга қаратилмоқда»[2] деган жиддий фикрни ўртага ташлади. Халқаро терроризмнинг том маънода миллий мустақиллик, давлат суверенлиги ҳамда ҳар бир мамлакатнинг, демократик тараққиёт йўлидаги стратегик мақсадларига зид бўлган даврнинг энг салбий феноменларидан бири эканлиги, давлатимиз раҳбарияти томонидан бугун чуқур англаб етганлиги ҳар бир мамлакат фуқаросининг келажакка бўлган ишончини янада оширади. Ўзига хос геосиёсий, геотарихий мавқега эга бўлган Ўзбекистонда ислом динини байроқ қилиб, аслида эса бизнинг улкан маънавий таянчимизни обрўсизлантираётган террорчилар биргина биз учун эмас, балки дунёдаги барча илғор, умидли халқлар учун ўта хавфли таҳдид эканлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Ноёб ижтимоий-сиёсий, маданий, геосиёсий вазиятдан келиб чиққан Ўзбекистон Республикаси сиёсий раҳбарияти, биринчи навбатда, давлат бошлиғи Ислом Каримов зўрлик билан бу муаммо ечимининг бош йўналишларидан бири сифати-

---

1. Қаранг: Политология. Т.: «ЎАЖБНТ», 2002, 232–245-бетлар

2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8 –Т.: «Ўзбекистон», 2000, 345-бет.

да белгилаш билан бирга, бу борада жаҳон ҳамжамияти, нуфузли *халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш* ва уларнинг кўмагини ҳисобга олган ҳолда сиёсат олиб боришда алоҳида урғу бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2000 йил 15 *декабрда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» қонун қабул қилди.* Унда терроризмнинг туб моҳияти очиб берилди.

Ўзбекистон ва жаҳон халқи осойишталиги ва ривожланишига *қарши қаратилган халқаро терроризмни бугун ҳар қачонгидан кўра* кучайганлигини эътиборга олиб, сиёсий рахбарият муҳим таклиф ва чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқди ҳамда бу борада барча хайрихоҳ *кучлар, сиёсий блоклар ва давлатлар билан ҳамкорликка тайёр.* Улар орасида ён қўшни давлатлар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эса ўз-ўзидан равшан. «Тинчлик ва барқарорликка, *миллатлараро тотувлик ва минтақамиз халқлари ҳамда давлат*ларининг анъанавий дўстлигига, ҳамжиҳатлигига таҳдид солувчи бу жиддий хавфни бартараф этиш бўйича қўшни мамлакатлар билан *ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўриш – бугунги кунда энг дол*зарб вазифамиздир» (И.А.Каримов. Асарлар. Т. 8, 345-бет). Шу муносабат билан бир неча муҳим жиҳатларни алоҳида таъкидлаш ўринлики, у ҳам бўлса айнан ён қўшни ҳудудий туташ давлатлар билан **ҳамкорлик масаласи** билан боғлиқ. **Иккинчи**, қўшни давлатлар бирлиги, жипслигига ва ниҳоят, **учинчидан**, барча Марказий Осиё давлатларининг хавфни фақатгина бир жон ва бир тан бўлиб бартараф этишига боғлиқ.

Давлатимиз ташқи сиёсий стратегиясини кузатиб борар эканмиз, кейинги йилларда Президентимизнинг ана шу жиҳатга у жиддий аҳамият бераётганлигининг гувоҳи бўламиз. У, жумладан, 2000 йилнинг ўзида МДҲ давлатлари бошлиқларининг олий даражадаги саммитларида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Душанбе ва Бишкек учрашувлари, «Шанхай бешлиги ҳаракати» (2001 йил) давлатлари бошлиқлари билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот-анжуманларда диний экстремизм ва халқаро терроризм бир марказдан бошқарилаётганлиги, минтақа давлатлари бу борада керак бўлса, тарихий яқдилликка аҳду-паймон қилишлари ва энг зарури, бу офатни бирлашган ҳолда бартараф этиш борасида зудлик билан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлади.

1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон ҳудудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг Ўзбекистоннинг жанубий

ҳудудига суқилиб кириши ва бу ватангадо жангарилар тўдасига қарши курош ҳамда уларнинг Қирғизистон ва Ўзбекистонга ҳам бевосита хавф солиши ҳудудий жиҳатдан бирдамликни такозо этади.

Қисқача хулосалар

Умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига фан-техника ютуқларидан самарасиз фойдаланиш ҳам сабаб бўлади. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда технологик жараёнларни зарарсизлантиришга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш инсон ва табиат учун катта хавф туғдиради ва бундай хавф-хатарнинг кўпчилик мамлакатларда рўй бериши орқали инсониятни тахликага солган кескин муаммолар пайдо бўлади.

Юқорида зикр қилган, субъектив фикр-мулоҳазалар диний экстремизм, диний миллатчилик, сепаратизм, давлат тўнтарилиши сингари бошқа глобал ижтимоий иллатлар билан бирлашиб кетаётганлигини кескин қоралаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қайси ғояга таянмасин ва қайси ҳудудда макон топмасин, бугун халқаро терроризмни қайси бир маънода оқлашга уриниш улкан сиёсий хато бўлиб, эртага инсоният бошига улкан фалокатлар ёғдиришига сабабчи бўлиши турган гап.

Умумбашарий муаммолар дунёнинг жуда катта қисмига ёйилган бўлиб, у кўпчилик мамлакатлар ва халқлар ҳаётига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Умумбашарий муаммолар ҳозирги даврнинг энг долзарб сиёсий муаммоларидан бири сифатида бутун дунё мамлакатлари ва халқларига дахлдордир. Бу муаммолар қандай турда ёки кўринишда бўлишидан қатъи назар табиат ва жамият учун, мамлакат ва халқларнинг осойишта ҳаёт кечириши учун, давлатларнинг самарали ички ва ташқи сиёсат олиб бориши учун энг хавфли ҳодисадир. Уларни ҳал этиш давлатларнинг биргаликда қиладиган ҳаракатларига, жаҳон жамоатчилигининг қатъий ва изчил фаолият кўрсатишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Президент Ислом Каримов бир канча халқаро анжуманларда ва учрашувларда килган маърузаларида умумбашарий муаммоларни тинч, ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишни ҳамда айрим муаммоларни халқаро ҳамжамиятнинг ҳамкорлиги асосида бартараф этишни таклиф қилиб келмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Умумбашарий муаммо нима?

2. Терроризм. Давлат терроризми нима?

3. Терроризмнинг қандай кўринишлари мавжуд.

4. Тинчлик учун курашда Ўзбекистоннинг иштирокини аниқланг.

5. Умумбашарий муаммолар қандай намоён бўлади?

6. Экологик муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари нимада?

7. Марказий Осиё давлатлари Орол муаммосини қандай ҳал қилиш учун кураш олиб бормоқдалар?

8. Президент Ислом Каримов томонидан умуминсоний муаммоларни ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини изоҳлаб беринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003, 6-бет.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 38-39-бетлар.

3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 85-86, 99-102-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 376-377-бетлар.

5. *Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт* – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 347-350-бетлар.

6. Каримов И.А. Миллий мафкура – келажак пойдевори. «Халқ сўзи», 2000 йил 7 апрел.

7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 499-бет.

8. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

9. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. «Халқ сўзи», 2000 йил 31 август.

10. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

11. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб щисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

12. Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш-дир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

13. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар Билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

14. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бьлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар *кенгашининг навбатдан* ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

15. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001.

16. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

17. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. «Ўзбекистон», 2001.

18. Фридленд А. Когда в истории появяется Бог Сопис. № 3, 2000.

19. Рыбакова А. Бандитизм как социокультурной феномен. «Вестник» МГУ, история, № 1, 2000.

20. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 23-24-бетлар.

21. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 427-450-бетлар.

22. Гулямов С.С. Основы *нашей* уверенности «Труд», 2005 11 март.

23. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.

24. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.

XVII МАВЗУ. МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЕЧИМЛАРИ

17.1. Минтақавий можароларнинг фуқаролар уруши, сепаратизм, қочоқлар каби кўринишлари

XX аср сўнгтида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серқирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақамизда рўй бераётган ғоявий-сиёсий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида жаҳон, марказий Осиё минтақаси ва республикамизда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аниқ кўрсатиб берилди.

Ҳозирги даврга келиб, Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий маҳаллий можаролар, диний экстремизм ва жангари сепаратизм таҳдид солмоқда. Бундай карама-қаршиликларда четдан айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун олиб борилаётган ҳаракатлари ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири минтақа ўзининг жуғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган ҳудудда жойлашганлиги билан боғлиқ.

Якин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва ғарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисмимиз. Бизнинг ҳудудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди. Яна бир таҳдид манбаи Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турибди[1]. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош эди.

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001, 68–69-betlar.

Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва курол-яроқ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда паймон этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб борганлиги.

Айрим қўшни давлатлар ядро ва оммавий қирғин қуролларига эга бўлишига ошкора интилаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасини ядровий қуроллардан ҳоли ҳудуд деб эълон қилинишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда."Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, - деган эди Ислом Каримов; бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз"[1]

Демак, минтақавий можароларнинг турли шакл, йўналиш ва кўринишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ватандошлараро, яъни фуқаролик урушлари. Бу фуқаролик уруши сиёсий жиҳатдан энг самарасиз шакл ҳисобланади. Яхлит бир миллий маконда рўй беришига қарамасдан, фуқаровий урушнинг ижтимоий таянчлари бир миллатга мансуб турли-туман уруғ-аймоклардан шаклланади. Уруғ-аймоқчилик психологиясининг миллий яхлитлик манфаатларидан вақтинча устун келиши боис, олдин маълум бир сиёсий маконда вужудга келган бўлса, кейинчалик қўшни давлатлар ҳудудларига ҳам ўтиб ёйилиши, минтақавий даражага кўтарилиш хавфи мавжуд. Масалан, Афғонистондаги фуқаролик уруши (тахминан 1977–2001 йиллар даври) туфайли, бу ерда наркобизнес, террорчилик, диний экстремизм сингари аксилинсоний унсурлар вужудга келган эди.

2. Миллатлараро ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар. Минтақавий можаролар-нинг бу шаклида энг кўп кон тўкилиши, миллионлаб қачоқларнинг ўз юртини тарк этишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг нохуш томони шундаки, воқеалар шунчалик чигаллашиб кетадики, унда қайси томон ютади ва аксинча ютқазади деган саволнинг ўзи инсонни ўйлантириб қўяди. Масалан, ХХ аср 90-йиллари ўрталарида Тропик Африканинг Буюк Кўллар соҳилларида асрлар давомида истиқомат қилиб келган икки халқ: тутси ва хуту этносларининг тўқнашувларида ҳар икки томондан 2 млн.га якин тинч аҳоли она юртларини тарк этишга мажбур бўлган. Уларнинг кўпчилиги қочоқ мақомига эга бўлолмасдан, озиқ-овқат, бошпона, тегишли тиббий хизмат

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 58-59 б.

билан минимал миқдорда таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлгани ҳолда, бегуноҳ оч-ялонғоч ҳолда дунёдан кўз юмишган. Улар қочоқ мақомини қўлга киритишда расмиятчиликка дуч келди.

Бундай мисолни Болқон минтақасида жойлашган Косово атрофида давом этган можароларда ҳам кўриш мумкин. 1999 йил 76 кун давом этган Югославияга берилган ҳаво ракета зарбаси туфайли Сербиядан қўшни Македония ҳудудига ярим миллиондан ортиқ тинч аҳоли ва оилалар зўрға от-улов, уй-рўзғор буюмлари билан қочиб ўтишди. Бу ерда «Ҳамкорликдан хавфсизликка» шиори ўртага ташланса да, Европанинг маърифий ривожланишига жиддий зарба берилди. 1979 йилдан кейинги даврда Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг диктаторлик сиёсати, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқиб, қўшни Эрон, Кувайт мамлакатлари халқларига нисбатан ишлатгани туфайли кўплаб халқлар курбон бўлган эди. Шу боисдан ҳам 2003 йил баҳорида АҚШ қуролли Кучлари Ироқнинг диктаторлик режимига, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқилишига қарши уруш олиб борди ва янги халқ ҳокимияти ташкил топди.

3. Сепаратизм (француз ва лот. Алоҳида ажралиб чиқиш, алоҳида бўлиб олиш) – ички конституциявий меъёрлар ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга тамомила зид ҳолда бир гуруҳ сиёсатлашган шахслар томонидан тарихан бир миллат истиқомат қилиб келган ҳудудни алоҳида давлат деб эълон қилинишига олиб келиш. Шунингдек, бу давлат чегаралари, миллий суверенитетни бузиб, сиёсий ғоя ва доктринанинг кўринишидир. Бундай ҳолатни Эфиопия, Россия, қисман Испания ва Индонезия (Шарқий Тимор) давлатлари мисолида кузатиш мумкин. Чеченистоннинг «Ичкерия республикаси» номи остида мустақил давлат деб эълон қилинганлиги бунга яққол мисол бўлади.

Минтақавий можароларнинг сиёсий ечими мураккаб жараён бўлиб келган. Бунда, албатта, масалага сиёсий ёндошиб, куч ишлатишдан воз кечиш талаб этилади. У сиёсий вазминлик, реализм, ўта чидамлилик сингари фазилатларни тақозо этади. Ҳанузгача анъанавий, нисбатан жўн услубларга мурожаат қилиш ҳоллари учраб туради. Масалан, Югославиядаги можароли ҳолатларда НАТО, ЕХҲТлари бу масалага консенсус доирасида ҳаракат килди. Лекин дастлаб НАТО Югославияга нисбатан кескин ультиматум хусусиятига эга бўлган карорга келган эди. Бу ҳолатни дунё жамоатчилиги ҳисҳаёжон доирасида қабул қилинган қарор деб кескин кораладилар. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон президенти Ислом Каримов 1991-2001 йил-

лар даврида Марказий Осиё ҳудудидаги Афғонистонда юзага келган можароларни тинч, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун курашиб келди ва бу борада баҳоли қудрат ижобий натижаларга ҳам эришилди.

17.2. Минтақавий можароларнинг ечим услуби, механизмида сиёсий йўлнинг афзаллиги

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, минтақавий можаролар сиёсий ечими энг мураккаб жараёнлар тоифасига киради. Маълумки, сарф-ҳаражат ва хавфсизликни таъминлаш нуқтаи-назаридан энг қулай ва самарали йўл сиёсий яъни музокаралар йўли билан ечимга боришдир. Ундан ҳам афзалроғи можароли вазиятнинг бевосита тахдидга айланишидан илгари унинг олдини олиш, узоқ муддатга тинчлантиришга доир тегишли чораларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши билан боғлиқ. Афсуски, Президентимиз айтганларидек бу сингари нохуш жараёнларнинг кутилмаганда содир бўлган хавфли вокеалар можароларнинг олдини олиш иложи ҳар доим бўлмаётир. Объектив ва субъектив сабаблар туфайли аланга олиб кетаётган минтақавий можаролар ҳам шу тоифага киради.

Қандай миқёс касб этмасин можароларга нисбатан бефарқ қараш, уларнинг ечими тўғрисида барча давлатлар бош қотиришмаслик амалиёти кейинчалик инсониятга, айниқса, эндигина тараққий этаётган давлатлар учун ниҳоятда кимматга тушиш эҳтимоли ошиб бормоқда. Усиз ҳам бугун турли-туман можаролар хавфсизлик, тарақ-қиёт ва барқарорлик нуқтаи-назаридан улкан зарардан бошқа нарса эмас.

Бундан бир мунча вақт бурун дунё икки қарама-қарши тизимга ажратилиб қаралган пайтларда синфий зиддият ва кураш ҳамда тўқнашувлардан бошқа можаролар иккинчи даражали ҳисобланиб, айрим ҳолларда умуман ҳисобга ҳам олинмас эди. Диний ва этник тўқнашувлар, ҳамма партизан урушларини таҳлил қилиш амалиётида ҳам уларнинг туб негизларидан онгли равишда йироқлашиш, сабабларини эса, ана шу синфийлик, синфий кураш бағридан ахтариш ва ниҳоят можароларни икки глобал тизим ўртасида давом этаётган «тарихий тўқнашувнинг» ўзига хос кўриниши сифатида талқин қилинган эди. Синфийлик чегараларидан ташқарида бўлган можароларнинг ечими бўйича зарур чора-тадбирларни режалаштириш, тизимлаштириш амалиёт доирасидан четга суриб қўйилган эди. Можароларга мафкуравий догматлардан чиқиб ёндошилиб, уларга мафкура манфа-

атлари нуқтаи-назаридан баҳолаш *амалиёти мутлақ* устуворлик касб этганлиги боис, уларнинг сиёсий ечими ҳақида ўйлаб ҳам кўрилган эмас эди.

90-йилларнинг бошларида дунё тараққиётида демократия томон кескин бурилиш, унинг тоталитар давлатлардан мерос қолган маконларда ҳам кенг қулоч ёйиши халқаро можаролар, *айниқса, минтақавий* тўқнашувларга ёндошувни кескин ўзгартирди. Уларнинг ҳар бирига ўз ҳаракат механизми ҳамда негизига эга ижтимоий-сиёсий феномен деб *қараш алоҳида* аҳамият касб эта бошлади. Минтақавий можароларнинг табиати, йўналиши иштирокчиларининг сиёсий мўлжаллари, хулк-атвор тарзи ва ниҳоят можарога бош сабабчи бўлган кучларга миллий ва тарихий қадриятлар тизимидан келиб чиқиб ёндошувнинг роли оша бошлади.

Илгари таъкидланганидек, *минтақавий можаролар* ечимига куч омилидан келиб чиқиш амалиётидан воз кечиш, унга сиёсий ёндошувнинг афзаллигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Лекин, сиёсий ечим ечимлар орасида энг мушкул бўлганлиги боис, бетиним вариантларни излаш, топилган вариантларни эса торозу палласига бирма-бир қўйиш орқали амалга оширилиши *мумкин*.

Кучга таянган бир маротабалик амалиётдан фарқ қилиб сиёсий ечим муддати, фаолият эволюцияси ва иерархиясига жуда кўп босқичлар *хослиги билан* ажралиб туради. Кучга таянган ечим нисбатан қиска вақт ичида содир бўлса, аксинча, сиёсий ечим иштирокчилардан сиёсий вазминлик, реализм ҳамда ўта чидамлилик сингари фазилатларни талаб этади. Афсуски, ич сиёсий ечимнинг афзаллигини оғизда тан олиш, амалда эса яна ўша такрор-такрор синовдан ўтиб, замон талабидан анча орқада *қолиб кетган анъанавий* ва шу билан бирга нисбатан жўн услубларга мурожаат қилиш ҳолатлари ҳанузгача учраб туради.

Маълумки, НАТО томонидан ҳаводан туриб зарба беришга келишилгандан анча илгари Югославияда можароли ҳолат мавжуд бўлиб, унга жаҳон ҳамжамияти бир неча бор *ташвишланаётганлигини* ҳаммага маълум қилган эди. Даставвал, Европада, НАТО доирасида ҳам Болкондаги тангликнинг ечимини тинч, яъни музокарага таянган *йўл билан ҳал қилишга* қизиқиш катта бўлган эди. Жумладан, бу борада нуфузли ташкилот Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳам ўз ваколатли гурухлари орқали можаронинг ечимига доир умумий консенсусга келишга йўналтирилган жиддий ишларни амалга оширди.

Лекин Евроатлантика Иттифокига аъзо давлатлар Қўшма Штатларнинг бевосита бошчилигида кутилмаганда Югославияга нисбатан кескин ультиматум хусусиятига эга қарорга келишди. Бунга кўра, агар Югославия улар томонидан кўйилган шунингдек, манманликка асосланган талаблар маълум муддат ичида қабул қилинмаган тақдирда Белградга ҳаводан туриб зарба беришни бошлаш шарт эканлигини бутун дунё аҳлига маълум қилишади. Натижаси ҳаммага маълум.

Бугунги кунда биргина жаҳон ҳамжамияти эмас ҳатто НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг кўплаб нуфузли харбий ва сиёсий арбоблари Косово атрофида содир бўлган можарони кучга таяниб ечишга қаратилган қарор шошилинч ўйламасдан, яъни хис-хаяжон доирасида қабул қилинганлигини эътироф этаётганлигига қарамасдан, муаммога нисбатан бугунги кунгача маълум бир ечим таклиф қилинмаганлиги, можароли жараёнлар янада мураккаблашиб Европа ва жаҳон халқлари хавфсизлиги нуқтаи назаридан нохуш йўналиш касб этаётганлигини сезгир сиёсатчилар, олимлар таъкидлашмоқда.

Ўз баёнимизни якунлар эканмиз, қўшни Афғонистонни 20 йилдан ортиқ қийнаб келаётган можаро ечимининг пайсалга солинипи «иккинчи Болқонга «сабабчи ва баҳона бўлиб колишидан Ўзбекистон ҳам ниҳоятда ташвишланаётганлигини таъкидлаш ниҳоятда жоиз деб ўйлаймиз. Зеро, Президент таъкидлаганидек, Афғонистон можароси минтақа, айниқса Марказий Осиёда хавфсизлик тизимига ва колаверса, инсоният хавфсизлигига салбий таъсир бўйича Косово атрофида рўй бераётган ва ҳали хам мақбул ечимга эга бўлмаган можаровий жараёнлардан фарқ қилмайди. Демак, барча Афғон муҳолиф сиёсий кучлари, иштирокчилар жаҳон ҳамжамиятининг кўмагига таянган ҳолда, бу можаронинг олдини олишлари зарур. Олдини олиш ва кейинчалик уни бартараф қилишнинг бирдан бир услуби сиёсий мулоқот ва музокара шакли эканлигини бугун ҳеч ким шубҳа остига ола олмайди.

17.3. Марказий Осиё ягона геосиёсий макон эканлиги

XX асрнинг сўнггида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серқирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақамизда рўй бераётган ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғликдир. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида жаҳон, Марказий Осиё минтақаси ва рес-

публикамизда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аник кўрсатиб берилган.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий маҳаллий можаролар, диний экстремизм ва жангари сепаратизм таҳдид солмоқда. Бундай карама-каршиликларда четдаги айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун олиб бораётган ҳаракатлари ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири минтақа ўзининг жўғрофий-сиёсий холати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган худудда жойлашганлиги билан боғлиқ.

Яқин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисмимиз. Бизнинг худудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош.

«Геополитик мақсадлар - муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга худуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсатни ифодалайди. Бугунги кунда халқаро майдонда турли шаклларда намоён бўлаётган бундай мақсадлар мафкуравий сиёсат билан қўшилиб бормоқда. Инсон қабли ва энги учун курош - бу жараённинг асосий йўналишларидан биридир».

Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроқ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда.

Айрим қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошкора интилаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасини ядровий қуроллардан ҳоли ҳудуд деб эълон қилишга эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Хуллас, хавфсизликка солинаётган тахдидлар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Улар гарчи турлича намоён бўлса-да, ҳар биримизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

«Геосиёсат» тушунчаси ўзида («гео» - «ер», «сиёсат» эса - «давлат» ва «ижтимоий иш») маъноларини англатади. «Геосиёсат» атамасида геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли хил давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндошув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

«Геосиёсат» узоқ тарихга эга бўлсада, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р.Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари халқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафаси ва фанларида кенг қўлланилмоқда. Геосиёсат кўп киррали тушунча сифатида турли манфаатларни ўзида мужассам этади.

Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар кўпроқ мафкуравий сиёсат билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ана шу сабабдан ҳам Президентимиз мафкуравий полигонлар ядро полигонларига қараганда хавфлироқ бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Ядро полигонларини қаерда жойлашганини, унинг қувватини, қандай мақсадга йўналганлигини муайян даражада аниқ билиш мумкин. Аммо, ёвуз, ёт мафкуравий мақсадларни қаердан ва қандай йўллар билан ва қайси инсонлар қалбини эгаллаб олаётганлигини осонликча билиб бўлмайди.

Бугун «икки кутбли мафкура» ўртасидаги курашга барҳам берилган бўлсада, аммо дунёда мафкуравий курашлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар турли йўллар билан содир бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин мафкура соҳасида ҳаёт осонликча кечмади. Миллий истиқлол ғоясига зид бўлган ёт ва бегона ғоялар кириб келишга ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиланган улуғ мақсадларни амалга оширишга карама-қарши қўйишга уринишлар бўлганлигининг гувоҳимиз. Бундай ҳаракатларнинг тарафдорлари ўзларини «дўст», «миллатдош», «ватандош», «диндош» этиб кўрсатиш ниқоби билан ўз ғояларини амалга оширишга уриндилар. Натижада, ҳақиқий қадриятларимизга зид

бўлган турли хил оқимлар аҳоли, айниқса ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан, ҳамда турли хил марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида ўзларига мос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар.

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги минтақавий муаммоларни бартараф этиш ва уни сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишда «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» муҳим аҳамиятга эга. Аслида бу ташкилот 1996 йилда Шанхайда «Шанхай бешлиги» номи билан ташкил топган (дастлаб Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон кирган эди).

«Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»: 2001 йил 15 июндан бошлаб.

«Шанхай бешлиги». 2001 йил 14-15 июнь кунлари Шанхай саммити бўлиб ўтди. Бундан 5 йил олдин Ҳарбий соҳада ҳамда чегара туманларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган эди. Бугун иқтисодий-ижтимоий, сиёсий масалаларда хавфсизликни таъминлашда кенг ҳамкорликка йўл очадиган ташкилотга айланди. «Биз, - деган эди Президентимиз Ислом Каримов, - Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, халқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид солаётган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз».

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ана шу 2001 йил 15 июнда Ўзбекистон ҳам кирди. Бу ташкилот аъзолари орасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой борлиги билан эътиборга молик.

Бу ташкилот олдида турган долзарб муаммолар:

1) Афғонистон можароси, бу ердаги хунрезлик тугамас экан, таҳдид сақланиб қолаверади. Натижада ўз-ўзидан янгидан-янги муаммолар келиб чиқаверади.

2) Террор, экстремизм, айирмачилик ва наркобизнес бир-

биридан айрим муаммолар эмаслиги яхши маълум. Наркотик савдолар моддалар савдосидан келган миллиард долларлар эвазига қўпорувчилар ёлланмоқда. Унга қарши баҳамжиҳат курашилмаса, натижа кутилганидек бўлмайди.

Демак, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилди, тузиш тўғрисида Деклорация қабул қилинди, ва террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги учрашувини 2002 йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилиши белгиланди.

Шанхай саммити доирасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасида чегаралар туташуви тўғрисида 3 томонлама битим имзоланди.

Шанхай ҳамкорлик Кенгаши томонидан 2001 йил 15 июнда имзоланган «Халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш ҳақида»ги Конвенция ҳам терроризмнинг сиёсий аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади.

2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат раҳбари ШҲТни тузиш тўғрисидаги деклорацияга имзо чекди. Унинг доимий ишловчи икки органи - Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этишга келишиб олинди. Таъсис ҳужжати - Хартия (Низом) 2002 йил 7 июнь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди. Шу тариқа ташкилот халқаро юридик мақомга эга бўлди. 2003 йил 29 май куни бўлган Москва саммитида 2004 йил январидан Пекинда Котибиятни, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитасини ишга туширишга қарор қилинди. Булардан ташқари, 2003 йил сентябрда ҳукумат раҳбарлари кенгаши қарори билан савдо-иқтисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. ШҲТ доирасида аъзо мамлакатларнинг ташқи сиёсат маҳкамалари, иқтисодиёт ва савдо вазирликлари ўртасида мунтазам мулоқотлар ўтказилмоқда. Тошкент саммити арафасида (2004 йил 17 июнь) ҳам бу идоралар раҳбарларининг учрашувлари ташкил этилди.

2004 йил 17 июнь куни Тошкентда (Пойтахтнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида) Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШҲТ) саммити бўлиб ўтди. Бу Тошкент учрашувида кўрилган масалалар орасида ШҲТ фаолиятининг 2 асосий йўналиши: хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Қатнашчилар Мўғилистон Президенти Нацагийн Багабандининг мурожаатини кўриб чиқиб, ушбу мамлакатни ташкилотга

кузатувчи макомида қабул қилишга қарор қилдилар. Тошкент учрашувида Афғонистондаги вазият ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олди. Илгари Афғонистон муаммоларини ечишда Афғонистоннинг ўзи қатнашмас ва бунга муҳим аҳамият берилмасди. Бунга сабаб илгари Афғонистонда марказий ҳокимият йўқ эди, мамлакат бўлинган эди. Тошкент учрашувига Афғонистон Муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида таклиф этилди. Шу боисдан ҳам Тошкент саммитида Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай ва Мўғилистон Президентининг вакили, мамлакат ташки ишлар вазири Лувсангийн Эрдэнэчулуун қатнашди.

Дунёда ядровий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи пайдо бўлди. Шуларни ҳисобга олганда ШҲТ эгаллаган минтақада таҳдидларнинг олдини олиш учун бир тизим, умумий механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Тошкентда очилган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган. Президент Ислом Каримов томонидан террор ва наркобизнес учун «транзит давлат» тушунчасининг ўзи йўқлиги қайд этилди.

ШҲТ саммитида кўрилган 2-масала савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ. Иқтисодий ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, сув-энергетга захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб масалалар бор.

Ислом Каримов Марказий Осиёда умумий бозор яратиш тўғрисидаги таклифини ШҲТ саммитида яна бир бор эълон қилинди. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти тузилган минтақамиз мамлакатларининг бу мақсадга эришишида Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ШҲТ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир Хитой йўналиши, Афғонистон орқали Форс кўрфази бандаргоҳларига чиқадиган йўналиш бўйича лойиҳалар ўрганилмоқда. Хитой томони иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун 900 миллион АҚШ доллари кредит ажратишини баён этди.

Тошкент саммитида (17.06.2004) 1) ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича Тошкент деклорацияси, 2) ШҲТ ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, 3) Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноконуний айланишига қарши

курашда ҳамкорлик тўғрисида битим, 4) ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор ҳужжатлар имзоланди («Маърифат» 2004 йил 19 июнь).

Хуллас, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу - минтақада яшаётган халқларнинг азалий қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий - руҳий якинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади. Худди шунингдек, минтакага қарши қаратилган мафкуравий таъсирларга қарши курашни кучайтиришда умумминтақавий бирликни мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳам ошиб бораверади.

Қисқача хулосалар

Минтақавий можароларнинг кескинлашиши, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ҳам ўз ичига олади. Улар гарчи турлича намоён бўлсада, ҳар биримизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Умуман Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашнинг айрим жиҳатлари:

Бугунги кунда минтақавий можароларнинг туркум омиллари ялпи хавфсизликка асосий таҳдид солмоқда. Фикримизча, минтақамиздаги танглик вазиятларининг юзага келишида ва сақланиб туришида асосий сабаб бўлувчи ички ва ташқи омиллар мавжуд.

Ички омиллар қуйидагилар ташкил этади:

1) мафкура ва маънавиятда юзага келган бўшлик ҳамда унинг турли хил диний ва экстремистик ғоялар билан тўлдирилиши;

2) аҳолининг талай қисмини қамраб олган кашшоқлик ва ишсизлик сонининг кўпайиши. Бунинг оқибатида турли хил радикал ва агрессив ғоялар тарқалишининг кузатилиши;

3) минтақадаги баъзи бир давлатларнинг ўз ҳудудини тўлиқ ҳимоя қила олмаслиги ва бунинг оқибатида бир давлатдан иккинчи бир давлат ҳудудига уюшган жиноятчиликнинг ва сепаратизмнинг тарқалиши;

4) коррупция, порахўрликнинг кўпайиши;

5) минтақадаги ҳудудий, тоза ичимлик суви борасидаги муаммолар.

Ташки омиллар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Марказий Осиё минтақасининг дунёдаги можароли нуқталарга яқин жойлашиши (Шимолий Кавказ, Афғонистон, Кашмир худудлари). Бунинг окибатида халқаро терроризмнинг тарқалиши.

2) баъзи бир сиёсий кучлар томонидан минтақадаги вазиятнинг барқарорлашувига бўлган манфаат ва таъсир. Бу, албатта, доим ҳам иктисоди муаммолар билан эмас, балки худудий ва ғоявий масалалар билан боғлиқ.

3) 2001 йилнинг 11 сентябридан бошлаб, минтақа мамлакатлари Осиё давлатлари учун ҳам, Европа давлатлари учун ҳам янада мухим геосиёсий аҳамият касб этди. Евроосиёдаги кучларнинг анъанавий қарор топган геосиёсий мувозанатини ўзгартириб юборди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Минтақавий можаролар ечимининг мураккаблик сабаблари нимада?

2. Минтақавий можароларнинг бартараф қилинишида қандай янги сиёсий услубларни таклиф қила оласиз?

3. Минтақавий барқарорликка салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилишнинг яна қўшимча қандай сиёсий йўлларини аниқланг.

4. Бугунги кунда геополитик мақсадлар қайси шаклда намоён бўлмоқда?

5. «Мафкуравий сиёсат»нинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

6. Минтақамизга кандай тажовузкор мафкуралар таъсир қилишга уринмоқда?

7. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг сақлаш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

8. Ҳозирги дунёдаги геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат.

9. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга интилишлар.

10. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар.

11. Минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш зарурати ва унинг шартлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 6-бет.

2. Каримов И.А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. 4-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1995, 56-58-бетлар.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 38-40-41-51-бетлар.

4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 85-86, 100-102-бетлар.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 347-351-бетлар.

6. Каримов И.А. Миллий мафкура – келажак пойдевори. «Халқ сўзи», 2000 йил 7 апрел.

7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 493-494-бет.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқи. «Фидокор», 2000 йил 12 сентябр.

9. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи». 2003 йил 25 апрель.

11. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

12. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб щисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

14. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар Билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

15. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

16.Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001.

17.Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

18.Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. «Ўзбекистон», 2001.

19.Мирский Г. Ислам и нация. «Полис» № 2, 1998.

20.Орлова М. Модернизация и мирный прогресс в Северной Ирландии. «Полис», № 2, 1998.

21.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 25-26-бетлар.

22.Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 83-92, 427-439-бетлар.

23.Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005 11 март.

24.Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005 6 апрель.

25.Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005 26 апрель.

26. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиклол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик.-Т.; Академия, 2005й. 368- бет.

27. Қодиров Д. Сиёсат фалсафаси , Т.; Тошкент Давлат юридик институти, 2005й.

XVIII МАВЗУ. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК: БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

18.1. Халқаро хавфсизлик: тизим, тартибот

XX асрнинг охирги ўн йиллигида Ер шарида шу қадар улкан силжишлар содир бўлдики, у халқаро ҳамжамиятнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий асосларини кескин ўзгартирди. Батамом янги давлатлар жаҳон сиёсати майдонига кириб келди, ер юзи халқларининг яшаш тарзи, услуби ва социал мўлжалларида янгиланиш содир бўлди. Миллионлаб одамлар онги, олам моҳиятига бўлган қарашларида чуқур ўзгаришлар юз бериш жараёни бошланди.

Инсонда бу ёруғ дунёда кимлиги ва не сиру-синоат эканлиги, вазифаси, бурчи нимадан иборатлиги билан боғлиқ муаммони қайта кўриб чиқишга бўлган улкан истак ва интилиш юзага келди. Унинг онги ва фаолиятини йўлга солиб, «бошқариб» турган қадриятлар тизими қайта кўриб чиқила бошланди. Онг ва тафаккурда рўй берган ўзгаришлар табиий ҳолда ижтимоий, сиёсий жараёнларда ҳам кескин бурилиш, янгиликларни келтириб чиқарди. Табиийки, бундай шароитда кўпгина анъанавий ижтимоий ва сиёсий қадриятлар, шу жумладан, хавфсизлик, унинг моҳияти ва функциясига батамом бошқача ёндошув ва муносабатлар шаклланмоқда.

Жамият хавфсизлигига янгича ёндошилар экан, **биринчи** навбатда, сўз анъанавий хавфсизлик тизимини қандайдир «таъмирлаш» тўғрисида эмас, балки унинг ўрнида батамом **янги тизимни** барпо этиш тўғрисида бормоқда.

Дунёдаги барча катта-кичик давлатлар, бордию уларда ўзларини асраб қолиш истаги ва хоҳиш-иродаси бўлса, бир-бири билан ҳамжиҳатликда яшашга маҳкумдирлар. Шундай экан, халқаро хавфсизлик тизимига кирган ҳар бир давлатнинг барқарорлиги ва такомиллашишидан бошқа давлатлар ҳам манфаатдордирлар. Уларнинг ҳар бири ана шу тизимнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади ва умумий мақсад ҳамда манфаат олдида ва қолаверса, бир-бирининг олдида масъулдир. Демак, тизим сифатида халқаро хавфсизлик унга дахлдор бўлган барча субъектларнинг хоҳиш- иродаси, хулқ-атвори ва мўлжалларига боғлиқ[1].

Шу нуқтаи назардан, халқаро тизимнинг истиқболи ҳар бир давлат томонидан юқорида зикр этилган ҳақиқат аниқ тушунилиши, унга нисбатан самимий муносабатнинг шаклланишига бориб такалади. Табиий-

[1] Қаранг: Политология. Маърузалар матни. Т.: «ЎАЖБНТ», 2000, 202–213-бетлар.

ки, тизимда барча субъектларнинг у ёки бу глобал муаммога нисбатан фикрлари, қарашлари хеч қачон бир хиллик касб этмайди. Гап қарашлар, ёндошувлар, баҳолашларнинг, турли хиллиги ҳақида бормоқда. Мана шу турли-туманлик ўз навбатида умумтизимий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўзаро келишувни тақозо этади. Акс ҳолда, халқаро хавфсизлик тизими фаолиятидаги таъсир этиш инструменти сифатида асраб қолиш иши хавф остида қолади. Умумий консенсус принципи, амалий ҳамкорликка ўтиш халқаро хавфсизлик тизимига ҳаёт бахш этувчи бош омиллигича қолади. Ана шу асосдагина бугунги хавфсизлик тизимига дахлдор бўлган катта-кичик элементларнинг, қисмларнинг ўзаро ҳаракатида синхронликка эришиш мумкин.

Ягона халқаро хавфсизликка инсоният учун муносиб истиқбол яратиш йўлида турли-туман манфаатлар яхлитлиги деб қарар эканмиз, яна бир муҳим жихатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Халқаро хавфсизлик тизимининг манфаатлари ва ҳоҳиш-иродасидан қатъи назар, кучлар ва гуруҳлараро муносабатлардан келиб чиқадиган тизимбузар омиллар мавжуд. Улар жумласига, яъни тизимни бузувчи субъектив омилларга: ўз миллий манфаатларини бошқаларнинг миллий манфаатларига қарши қўйиш амалиёти, ўзгаларни менсимасдик кайфияти, гегемонизм, империявий тафаккур, ўз социал тизимини барчадан устун ҳисоблаб, бошқаларни эса уни қабул қилишга турли-туман йўллар билан мажбурлаш сингари жараёнлар киради. Тизимбузар объектив омилларга эса биргаликда, эскидан инсониятга мерос қолиб, бугунги кунда янада дахшатлироқ тус олаётган дунёнинг моддий, ҳарбий, сиёсий салоҳиятига кўра кутбларга ажралиш амалиёти, диний, миллий этник ва цивилизацион зиддиятлар, ўта бадавлат ва ночор мамлакатларга ажралиш ва ядровий васваса сингари таҳдидлар ҳам киради. Улар халқаро хавфсизлик тизимини заифлаштириб қолмасдан, балки умумжаҳон барқарорлиги ва тараққиётига очиқдан-очиқ хавф-хатар ва таҳдид сифатида ўзини намоён этмоқда.

18.2. Халқаро хавфсизликнинг дунё барқарорлиги ва тараққиётининг фундаментал омилига айланиши

Бугунги кунда инсоният, турли-туман расмий ва норасмий илмий марказлар ва гуруҳлар бундан кейин бехатар, барқарор ва ривожланишда давом этиш учун хавфсизликнинг умумбашарий тизимга айланиши зарурлиги ҳақида фикр билдиришмоқда. Халқаро ҳамжамият бугун ўзида шу қадар улкан яратувчилик, куч-қудрат ва салоҳиятга эгаки, уни рўёбга чиқариш учун бутун дунёда хавфсизлик

таъминланиши лозим.

Бугунги кунда инсоният учун шу қадар улкан хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлдики, мустаҳкам ва энг муҳими узоққа мўлжалланган халқаро хавфсизликка асос солинмас экан, на барқарорлик ва на тараққиёт тўғрисида жиддий сўз юритиш қийин.

Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, бугунги кунда хавфсизликни фақат ҳарбий-сиёсий соҳага оид деб тушунмасдан шунингдек, уни дунё мамлакатларида инсонлар мавжудлиги ва ўз-ўзини қайта ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларига тааллуқли, деб қараш шаклланмоқда. Зеро, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, хавфсизлик том маънода ҳадсиз-ҳудудсиздир. Халқаро хавфсизлик стратегиясига келадиган бўлсак айтиш жоизки, уни ишлаб чиқиш, ҳар доимгидек, бугун ҳам мушкуллигича қолмоқда. Агар уни айрим олинган миллий давлат хавфсизлик стратегиясига қиёсан оладиган бўлсак, шуни айтиш керакки, ҳозирча халқаро хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишни расман ўз зиммасига олган бирон бир халқаро ташкилот ёки муассаса йўқ. Тўғри, халқаро хавфсизлик таъминланишини қузатиб, унга қаратилган у ёки бу фикрни шакллантириш, огоҳлантириш нуқтаи назаридан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти баъзи бир ишларни амалга ошириш мумкин ҳам. Лекин миллий давлатларда фаолият кўрсатаётган тегишли институтлардан фарқ қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қабул қилган ҳужжатлари мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.

Шу боис, кейинги мураккаб даврда унинг тавсия ва кўргазмалари айрим қудратли давлатлар ва ҳарбий-сиёсий блоклар томонидан кўр-кўрона менсимаслик, ҳатто унинг фундаментал функцияларини ўз зиммасига олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан, унинг фаолиятини ошкора бузган ҳолда иш тутиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Хавфсизликнинг халқаро тизим ва жараён эканлиги тан олиниб бу борада қилинадиган ҳар бир саъй-ҳаракатга ижобий баҳо берилар экан, унинг самараси ва истиқболи нуқтаи назаридан муҳим бир жиҳатни эътиборга олиш керак бўлади. Сўзда халқаро хавфсизлик бугунги куннинг энг долзарб иши эканлиги ҳамда ўз ташқи сиёсатида шу қоидалардан келиб, чиқаётганлигини ҳар қадамда таъкидлагани ҳолда, айрим гуруҳлар амалда унга батамом зид иш қилаётганлигини назарда тутмоқдамиз.

Жумладан, миллий хавфсизликнинг устувор йўналишини белгилаш ёки ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммони оладиган бўлсак, ай-

тиш керакки, бир томондан ҳар бир давлатнинг миллий манфаатлари ва иккинчи томондан эса, халқаро ҳамжамият манфаатлари тизимини бутунлай уйғунлаштириш ёки айнандикка олиб келиш мумкин эмас. Зеро, уларнинг ижтимоий, сиёсий асослари, мотивлари турлича.

Миллий хавфсизлик стратегияси, миллий кўргазмалар, манфаатлар ҳамда конкрет шароитдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилса, халқаро хавфсизликни таъминлашда бош мезон қилиб дунё барқарорлиги ва тараққиёти манфаатлари асос қилиб олинади. Демак, қайси бир мамлакат миллий манфаатларининг барча параметрлари асосий халқаро ҳужжатда бир текис ва ҳар томонлама акс эттирилмаслиги эҳтимоли пайдо бўладики, бу табиий. Шунингдек, унда эътиборга олинадиган маконий-географик омиллар барча давлатлар учун, табиийки, бир хил эмас. Халқаро хавфсизликка асосий таҳдидлардан бири минтақавий можаролар деб олайлик. Бир томондан, Афғонистонда давом этган можаролар, унинг атрофида рўй берган нохуш силжишлар бутун дунёга хавф-хатар бўлиб турганлиги ҳеч кимга сир эмас эди. Шу туфайли, унинг ечимидан жаҳон ҳамжамиятининг барча аъзолари бир хил манфаатдордирлар. Иккинчи томондан қарайдиган бўлсак, географик маконий параметрлари нуқтаи назаридан унинг ечимидан, биринчи навбатда Марказий Осиё, Якин Шарқ ҳамда Каспий Денгизи давлатлари асосий манфаатдор бўлдилар. Акс ҳолда воқеа ва ҳодисаларнинг нохуш йўналиш касб этиши айнан шу минтақаларнинг сиёсий кайфиятига сезиларли салбий таъсир қилиши мумкин эди. Бугунги кунда Афғонистонда, 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШга қилинган террористик хуруждан сўнг, у ердаги террористларнинг макони йўқ қилиниб, АҚШ ва бошқа давлатлар аралашуви билан бу юртда янги давлат барпо этилди.

Можародан энг кўп ташвишланган ва талофат кўрган давлатлар ҳам ана шу юқорида номлари келтирилган минтақаларда жойлашган. Бу масаланинг географик маконий жиҳати. Аммо дунёнинг қайси минтақасида жойлашганлигидан қатъи назар, иқтисодий, ахборот-коммуникатив нуқтаи назардан аллақачон глобаллашган бугунги босқичда ер юзининг бирор бир жойида юз берган нохуш жараёнлар Президентимиз томонидан таъкидланганидек, бир зумда барча давлатлар хавфсизлиги таҳдидга айланишидан на халқаро ҳамжамият ва на алоҳида олинган бирор бир миллий давлат тўла кафолатланган эмас.

Шу боис ҳадсиз-ҳудудсиз, лекин ўта яширин йўллар билан ўзаро боғланган халқаро террорчилик ва диний экстремизмни эътибордан

четда қолдириш асло мумкин эмас. Дунёнинг деярли барча қитъаларидаги ўтиш қийин бўлган жойларда уларнинг қароргоҳлари мавжудки, унга таяниб, ўз сиёсий манфаатларини амалга ошириш ниятида юрган гуруҳлар ҳам йўқ эмас.

"Бу борада халқимиз асрлар давомида шаклланган "Қушнинг тинч-сен тинч" деган ҳаётий нақлга доимо амал қилиб келмоқда; деган эди Ислом Каримов;- биз бундан буён ҳам шу тамойилга қатъий риоя қиламиз. Шуни таъкидлаш лозимки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти, МДҲ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашни муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистон ташқи сиёсат сохасидаги вазифаларни ҳал этишда БМТ доирасидаги хамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади".

18.3. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик стратегияси: ишлаб чиқиш жараёни, амалиёти

Дунёнинг *турли жойларида жойлашган* давлатлар учун миллий хавфсизлик стратегиясининг ишланганлик даражаси ва йўналишлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугун ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлик стратегияси шундай бир йўналишга эга бўлиши керакки, у иккинчи бир давлат хавфсизлик тизимига зид келмаслиги, балки уни мустаҳкамлаши[1] XXI асрнинг асосий талабларидан биридир. Шу нуқтаи назардан хавфсизлик стратегиясининг, биринчи навбатда, мамлакат аҳолиси аксарият қисми томонидан маъқулланиши ҳамда бутун дунё халқлари орасида ўз обрўсига эга бўлиши унинг маърифийлик даражасига боғлиқ.

Миллий хавфсизлик стратегиясининг кўлами, характери ва уни яратишда қатнашган гуруҳлар салмоғига барча мамлакатларда тобора чуқурлашиб сиёсий тизим, ҳокимият, унинг фаолият режимининг барча жабҳаларига кириб бораётган демократик жараённинг таъсири яққол сезилмоқда. Эндиликда хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишда тегишли ҳокимият органлари билан бир каторда кенг жамоатчилик ҳамда илмий доираларнинг ўрни, иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Барча маърифий давлатларда айнан шу муаммо билан бевосита шуғулланувчи мутахассисларнинг соха бўйича давлат ҳокимиятига маслаҳат ва тавсиялари бугунги кунда алоҳида эътиборга олин-

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 61-62 - б.

мокда. Хавфсизлик умуммиллий, умумхалқ ватанпарварлик ишига айландики, мустақил Ўзбекистонимизда ҳам бу тенденция яққол кўзга ташланмоқда.

«Асосий стратегия» ёки «Миллий хавфсизлик стратегияси» номи билан бугун дунёда қабул қилинган бу нуфузли ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёни барча мамлакатларда деярли бир хил андозаларга эга бўлиб, унинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

а) стратегияни амалга ошириш учун зарур бўлган воситалар, ресурслар тизимининг баёнини бериш;

б) уни амалга ошириш борасида инобатга олиниши керак бўлган «хавф»ни ҳисоблаб чиқиш;

в) пировард мақсадни белгилаш.

Бундан ташқари, миллий хавфсизлик стратегиясининг функционал ҳолати ҳамда амалга оширилишига бевосита дахлдор бўлган икки муҳим омил; **бир томондан**, ресурсларнинг объектив чегарага эга эканлиги бўлса, **иккинчи томондан** хавфсизлик мухитининг асосий параметрлари ва даражасини инобатга олиш лозим бўлади.

Барча мамлакатлар томонидан маъқулланиб, эътироф этилган, юқорида келтирилган тизим америкалик стратегия назариётчиси Генри Бартлетт томонидан муомалага киритилган бўлиб, «Бартлетт модели» номи билан машҳур[1].

Давлатлар томонидан миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича жаҳон тажрибасига ҳамда юқорида келтирилган моделга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик стратегиясининг асосий контурларини белгилаш учун қуйидагича иш олиб бориш маъқул. Аввало, «хавфсизлик мухити»ни белгилаш. Шунингдек, таклиф қилинаётган модел доимийликка даъво қилмаслигини ҳамда нотинч дунёда рўй бераётган ўзгаришлар хавфсизлик стратегиясига кескин таъсир қилишлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Ўзбекистон Республикасига татбиқан юқоридаги моделни олиб кўрадиган бўлсак, дунёдаги кучлар марказининг бир нуқтадан иккинчи бир нуқтага ўтиши, яъни халқаро ҳаётнинг ўзгарувчанлиги, унда доимийликни инкор этишини ҳисобга олган ҳолда хавфсизлик стратегиясининг асосий, шунингдек, тахминий контурлари қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин.

Биринчидан, бугунги кунда миллий хавфсизлигимизда у ёки бу даражада ҳисобга олиниши лозим бўлган куч марказларининг жойланиши: Америка қўшма Штатлари лидерлигида фаолият юритаётган

---

[1] Политология. Т.: А.Қодирий номидаги халқ меросн нашриёти, «ЎАЖБНТ», 2002, 267–272-бетлар.

Шимолий Атлантика давлатлари иттифоки бўлиб, унинг режаси, хатти-ҳаракатида рўй бераётган бирон-бир кескин ўзгариш Ўзбекистонга нисбатан хавфсизлик маконида у манфий ёки мусбат томонга ўзгариш ясаши мумкин. Лекин бу НАТО ва Америка қўшма Штатлари Ўзбекистонга нисбатан хавфсизлик маконида устувор, шунинг билан бирликда яккаю ягона омил эмас. Ўзбекистон миллий хавфсизлик стратегияси нуктаи назаридан Хитой, Ғарбий Европа, Россия, Ҳиндистон, Япония, Покистон, Эрон ва Туркия сингари минтақавий куч марказларида содир бўлган салбий ва ижобий жараёнлар ҳам ҳисобга олинмоғи керак.

Иккинчидан, ҳисобга олиниши зарур бўлган омил: бутун жаҳон тараққиётини у ёки бу даражада белгилаб турувчи тенденциялардир. Уларнинг орасида энг муҳими икки бир-бирига қарама-қарши, доимо қўшалоқ тарзда намоён бўлувчи, бир томондан муносиб хавфсизликни таъминлашга бўлган барча халклар хоҳиш-иродасининг кучайганлиги бўлса, иккинчи томондан эса, қуролланиш пойгасининг жонланиши учун беихтиёр шарт-шароит яратилаётганлиги билан белгиланади.

Учинчи омил, асосан «совук уруш» давридаги кескин қарама-қаршиликларнинг ўрнини глобал ноаниқлик эгаллаётганлиги билан белгиланади. Гап шундаки, ким-кимнинг таъсир доирасида деган савол бўлиши мумкин эмас.

Тўртинчи омил, дунёнинг турли жойларида рўй бераётган воқеаларга янгича қараш диний ва демографик тенденцияларнинг хавфсизлигимизга у ёки бу даражада таъсир ўтказиши билан боғлиқ. Чунки, мамлакат хавфсизлиги, истиқболи нуктаи назаридан дунёнинг барча жойларида рўй бераётган нохуш мафкуравий, диний ва демографик жараёнларни ҳисобга олиш билан бирга прагматик ташқи сиёсат ва фаолият юритиш муҳимдир.

Бешинчи омил, субъектив ташқи таъсир остида минтақамизда пайдо бўлаётган айрим муаммоларнинг миллий хавфсизлигимизга таъсири билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик стратегиясининг ишлаб чиқилиши тўғрисида сўз борар экан, унда бугунги кунда миллий ғоя билан боғлиқ жиҳатнинг кучайганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, Ўзбекистон бошқа мамлакатларга ўхшаш кўп миллатли, ранг-баранг миллий маданиятлар мажмуасидан ташкил топган бўлиши билан бирга, унда яшайдиган барча халқлар ва элатларнинг «Ўзбекистон ғояси» атрофида жипслашаётганлигининг гувоҳи

воҳи бўлмоқдамиз. Айни пайтда миллий ғоя Ўзбекистон учун хавфсизлик стратегиясининг функцияси, фаолият режими, нуқтаи назаридан таянчи сифатида қайси миллат ва диний эътиқодга мансублигидан қатъи назар фуқароларга ҳаводек зарур ғоявий иммунитетнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Қисқача хулоса

Миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш анча машаққатли кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бўлганлиги боис, унинг такомиллашувида **президент шахси** билан боғлиқ омилни алоҳида таъкидлаш лозим. Демократик жамиятда ғоявий, сиёсий рангбаранглик, фикрлар хилма-хиллиги кучайган бир даврда, барча ўзбекистонликларни ягона миллий байроқ остида бирлаштирувчи миллат куч-кудратининг рамзи сифатида **Президент Ислом Каримовнинг фазилатлари** алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги мураккаб босқичда Президентимизнинг миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш манфаатлари нуқтаи назаридан қуйидаги фазилатларига эътиборни қаратиш зарур. **Биринчидан,** мамлакат Президенти энг юқори давлат лавозимини эгаллаган ҳолда, бой миллий меросимизнинг моҳиятини чуқур англаб етиш, халқимизнинг ғоялари ва керак бўлса, аччиқ ҳаёт ҳақиқатини ўзида акс эттирувчи бирдан-бир миллий лидер сифатида ўзини намоён этмоқда. **Иккинчидан,** халқимизнинг бир неча минг йиллар мобайнида эъзозлаб, ардоқлаб келинаётган улкан қадриятларидан келиб чиқиб, Президент жамият олдида турган биринчи даражали устуворликлар тимсоли бўлмоқдаки, улар орасида, биринчи навбатда, миллатга мос бўлган демократизм, ўзгаларга нисбатан мурувват ва рақибга нисбатан мардлик каби хислатлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ва ниҳоят, **учинчидан** миллий қадриятларимиз Президент талқинида аниқ ва образли ифодаланиши боис, улар ўзбекистонликларга улкан шижоат ва келажакка нисбатан сўнмас ишонч, сафарбарлик туйғусини бахш этмоқда. Жамият хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиётининг таянч ва кафолати ҳам шунда.

Демак, бугунги кунда халқаро хавфсизликни қандайдир «минтақалаштириш амалиёти» прагматик (онг) нуқтаи назардан жозибадор ва бир мунча самарали кўринсада, аслида ҳар бир алоҳида минтақа хавфсизлиги биринчи навбатда халқаро хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Демак, ҳар бир мамлакат халкининг барқарор равнақи ва истиқболи устувор даражада сайёранинг барча

жойида хавфсизликнинг ишонарли тизими шакланишига бориб такалади.

Умуман, юқорида келтирилган омиллар ва тенденциялар у ёки бу даражада миллий хавфсизлик стратегиясига таъсир қилиши, ҳатто уни ўзгартиришни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш мамлакат захиралари чексиз эмаслигини ҳисобга олишни тақозо этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқаро хавфсизлик тизими ва тартиботини изоҳлаб беринг?

2. Анъанавий хавфсизлик билан минтақавий хавфсизликнинг хусусиятларини баён этинг.

3. Миллий хавфсизлик ва уни барқарорлаштирувчи омиллар ҳақида гапириб беринг.

4. Консенсус нима ва унинг мақсад, хусусиятларини изоҳланг.

5. Президент Ислом Каримов ўзининг қайси асарида умумий, минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдид ҳақида гапиради. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари деганда Юртбошимиз нималарни назарда тутган эди?

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2001 йил 5 октябрдаги Баёнотида қандай минтақавий кескин вазият ҳақида фикр юритилади?

7. Президент Ислом Каримов қандай халқаро ташкилотларда халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалаларини илгари сурди ва унинг конструктив таклифлари нималардан иборат эди?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 6-бет.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 31-51-бетлар.

3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халкни-халқ, миллатни-миллат килишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 85-86, 100-101-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 375-376-бетлар.

5. Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 19-24-бетлар.

6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард максадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 347-351-бетлар.

7. Каримов И.А. Миллий мафкура – келажак пойдевори. «Халк сўзи», 2000 йил 7 апрел.

8. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 492-494-бет.

9. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халк сўзи», 2002 йил 30 август.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутки. «Фидокор», 2000 йил 12 сентябр.

11. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

12. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб щисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

13. Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

14. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар Билан куриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

15. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент

шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

16.Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, кувончлар. «Академия» нашриёти, 2001.

17. Бекмуродов А.Ш., Алиев Б, Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Т,; 2004й. ТДИУ босмахонаси.

18.Алиев Б, Рафиков Ғ ва бошқ.Политология фанидан маъруза матнлари. Т,; 2005й. ТКТИ босмахонаси.

19.Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

20.Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. «Ўзбекистон», 2001.

21.Тулаев П. Войны нового поколения. – М.: 1996.

22.Плешаков К. Геополитика в сфере глобальные перемен. «Международная жизнь», № 10, 1996.

23.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 24-25, 57-59-бетлар.

24.Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 83-92, 427-439-бетлар.

25.Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.

26.Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.

27.Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.

ХОТИМА

Демак, хотима ўрнида шуни айтиш мумкин, **биринчидан**, политология фани ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга. Унинг пайдо бўлиши, шаклланиши сиёсий қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ.

Иккинчидан, мамлакатлар ва халқлар тарихида мустақиллик демократик жамиятга ўтиш жараёни билан бевосита боғлиқ. Мавжуд ўтиш жараёни Ўзбекистон халқлари ҳаётида ҳам янги даврни бошлаб берганлиги билан характерланади. Политология фани ана шу янги даврнинг, мустақилликнинг мевасидир.

Учинчидан, политология фани мавжуд сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнларни таҳлил этишда ва унинг ўтмиши, ҳозирги замони ва келажакда ривожланиш истиқболларини, муаммонинг ечимини кўрсатиб беришда муҳим ўрин тутади.

Тўртинчидан, мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, унинг сиёсий тизими, демократия ва сайлов, сиёсий ҳокимият ва унга бўлган муносабатга хос бўлган хусусиятларни сиёсий-сиёсий таҳлил этган ҳолда хулосалар бериш ривожланиш истиқболини белгилашда ўзига хос ўринга эга.

Бешинчидан, сиёсий ҳаётни ўрганиш унда иштирок этаётган субъектлар фаолиятига таянишни тақозо этади. Шунда сиёсий маданият ва мафкура масалаларининг сиёсат билан муносабати халқларнинг сиёсий онги, сиёсий жараённи идрок этишда ўзига мос тарзда кўзга ташланади.

Олтинчидан, Политология халқаро тизимлар ва умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш мустақиллик муносабати билан Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг субъектига айланганлиги билан боғлиқ. У сиёсий тахдидларга, сиёсий, ғоявий фикр ва башоратга эҳтиёжининг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Политология фани ўз истиқболига эга. Мустақиллик эса унга янгидан – янги имкониятларни очиб бермоқда. Бу сиёсий фан сифатида политология фанини чуқур ўрганишни, сиёсий таҳлил, янги сиёсий ғоя, фикр ва қарашларни ўртага ташлаш, сиёсий жараёнларнинг ютуқларини, айни пайтда унинг мураккабликлари ечимини сиёсий нуқтаи назардан кўра олиш орқали, мамлакатимизда ва дунёда умумбашарий барқарорликни таъминлашга, сиёсий фанлар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

2. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 3–28-бетлар.

3. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.Т: "Ўзбекистон", *1999, 29-58-бетлар.*

4. "Сиёсий партиялар тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги қонуни. "Маърифат", 1997 йил 8 январь.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги 1997 йил 29 августдаги қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т.: "Шарқ", 1997, 20-29-бетлар.

6. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги 1997 йил 29 августдаги қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: "Шарқ", 1997, 30-63-бетлар.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т. I - Т: «Ўзбекистон», 1996.

8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2 - Т.: «Ўзбекистон», 1996.

9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 - Т.: «Ўзбекистон», 1996.

10. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4-Т.: «Ўзбекистон», 1996.

11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5-Т.: «Ўзбекистон», 1997.

12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.

13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7-Т.: «Ўзбекистон», 1999.

14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8-Т.: «Ўзбекистон», 2000.

15. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз! Т.9 Т.: «Ўзбекистон», 2001.

16. *Политология асослари.* Т.: «Университет», 1992.

17. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.

Т.10 – Т.: «Ўзбекистон», 2002.

18. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: «Ўзбекистон», 2002.

19. Каримов И.А.Биз танлаган йўл – демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 64–69, 214–247, 266–274-бетлар.

20. Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004, 3–31-бетлар.

21. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

22. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб щисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

23. Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.

24. Каримов И.А.Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар Билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.

25. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

26. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.

27. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992, 206–214-бетлар.

28. Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат», 1997, 279–285, 290–301-бетлар.

29. Политология курси бўйича маърузалар матни. 2-қисм. Тошкент: М.Улуғбек номидаги ЎзМУ, 2000, 50–55-бетлар.

30. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1999, 179–219-бетлар.

31. Эргашев И. ва бошқалар. Политология. Маърузалар матни. Тошкент.: ЎАЖБНТ, 2000, 202-213-бетлар.

32. Машарипов О., Ҳошимов Т.Р., Рафиқов Ғ.А. Политология. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 154–200-бетлар.

33. Рафиқов Ғ.А., Содиқов А., Раҳмонов Б. Политология фани дан маърузалар матнлари. Т.: ТДИУ, 2000, 90–99-бетлар.

34. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар Олий таълим муассасалари учун қўлланма. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001, 55–78-бетлар.

35. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари Тошкент: «Ўзбекистон», 2001, 166–311-бетлар.

36. Политология. Ўқув қўлланма. Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашр., «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 209–272-бетлар.

37. Усмонов М., Ҳамидов Х. Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини семинар машғулотларида ўрганиш бўйича методик материал. Т., 1998. – 67 б.

38. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т. ТошДШИ, 2003, 333-360-бетлар.

39. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 369-385, 427-445-бетлар.

40. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 31-44-бетлар.

41. Саифназаров И. ва бошқалар. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши кафолатдир. Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 3-52-бетлар.

42. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности. «Труд», 2005. 11 март.

43. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва. «Труд», 2005. 6 апрель.

44. Гулямов С.С. Климат для инвесторов. «Труд», 2005. 26 апрель.

45. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик.-Т.: Академия, 2005. 368-бет.

46. Қодиров А. Сиёсат фалсафаси, Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2005й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

I БЎЛИМ. Политология фанининг тадқиқот объекти ҳамда сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиши
I МАВЗУ. Политология фани мавзуи, услуби ҳамда унинг сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли 6
II МАВЗУ. Сиёсий қарашлар, таълимотлар: шаклланиши ва ривожланиши 21

II БЎЛИМ. Сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар
III МАВЗУ. Сиёсий ҳаёт, сиёсий жараён ҳамда сиёсий тизим 45
IV МАВЗУ. Демократия ва унинг асосий концепциялари. Демократик ва ҳуқуқий давлат 57
V МАВЗУ. Мустақиллик ва Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар. Иқтисодиётнинг устуворлиги ва кучли ижтимоий сиёсат 76
VI МАВЗУ. Сиёсий ҳокимият ва уни амалга ошириш шакллари 98
VII МАВЗУ. Сиёсий ҳаёт ва кўп партиявийлик. ОАВ ва демократия 114
VIII МАВЗУ. Сиёсий элита ва сиёсий етакчи (лидер) 140
IX МАВЗУ. Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар 157
X МАВЗУ. Сиёсат субъектлари: гуруҳлар ва қатламлар 173

III БЎЛИМ. Сиёсий онг, маданият ва мафкуралар
XI МАВЗУ. Сиёсий онг ва жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш 184
XII МАВЗУ. Сиёсий маданият ва маданий сиёсат 196
XIII МАВЗУ. Мафкура ва сиёсат. Мафкуравий жараёнларнинг сиёсий жиҳатлари 211

IV БЎЛИМ. Халқаро тизимлар ва умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммолари
XIV МАВЗУ. Халқаро тизим ва халқаро сиёсат 229
XV МАВЗУ. Ташқи сиёсат. Давлатларнинг ташқи сиёсати ва халқаро дипломатик муносабатлар 244
XVI МАВЗУ. Халқаро тероризм 258
XVII МАВЗУ. Миллатлараро муаммолар ва уларнинг сиёсий ечимлари 275
XVIII МАВЗУ. Халқаро хавфсизлик: барқарорлик ва тараққиёт 290

ХОТИМА 301

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР 302

ПОЛИТОЛОГИЯ

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

Мухаррир:С.Салимова
Техник мухаррир:А.Боймаматов
Корректор:Н.Мирзажонова.
Компьютерда сахифаловчи:А. Худайбергенова.

Босишга рухсат этилди 27.01.2006.
Босма табоғи 19,2. Адади:600. Буюртма:707
Бахоси шартнома асосида.
ТДЮИ босмахонасида босилди.
Тошкент, Сайилгох, 35